

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ЭГАЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ СУД
ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБА**

Монография



УДК:

ББК:

Монография Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Кенгашининг 2022 йил 12 августдаги 12 -сонли йиғилишида нашрга тавсия қилинган.

Масъул муҳаррир:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби директори, юридик фанлар номзоди, доцент Ҳ-М. Исоқовning умумий таҳрири остида тайёрланди.

Тақризчилар:

Бобокул Норқобилович Тошев - юридик фанлари доктори, профессор.

Фозилжон Хайдарович Отахонов - юридик фанлари доктори, профессор.

О.Оқюлов (*I-боб; II-бобнинг 2.1-§, 2.2-§, 2.3-§; II-бобнинг 2.4-§ К.Синдоров билан ҳаммуаллифликда*), Ҳ-М.Исоқов (*Кириш, III-бобнинг 3.1-§; VII-боб*), М.Каландарова (*III-бобнинг 3.6-§; VI-боб*), И.Насриев (*III-бобнинг 3.3-§; IV-боб*), К.Синдоров (*II-бобнинг 2.4-§ О.Оқюлов билан ҳаммуаллифликда*), Е.Канъязов (*III-бобнинг 3.5-§; V-боб У.Сайдахмедов ва С.Қиличев билан ҳаммуаллифликда*), У.Сайдахмедов (*III-бобнинг 3.2-§, V-боб Е.Канъязов ва С.Қиличев билан ҳаммуаллифликда*), С.Қиличев (*III-бобнинг 3.4 -§; V-боб У.Сайдахмедов ва Е.Канъязов билан ҳаммуаллифликда*).

Интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизими: миллий ва хорижий тажриба (қиёсий таҳлил)// Монография. Масъул муҳаррир: Ҳ-М. Исоқов

Монография интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиши тизими таҳлилига бағишланган бўлиб, унда бу борадаги миллий ва хорижий қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти қиёсий нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлов ишларини юритшида интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш масалаларининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Ушбу монография “Интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиши тизими ҳамда судьяларни интеллектуал мулк соҳасида ўқитши бўйича мультимедиа маҳсулотларни ишлаб чиқиши” мазусидаги инновацион лойиҳа (шифри № IL-422105579) доирасида тайёрланди.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I-БОБ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	7
1.1-§. Ижод эркинлигининг конституциявий асослари.....	7
1.2-§. Ижодий фаолият интеллектуал мулк ҳуқуқининг, миллий ҳуқуқ тизимининг институти сифатида.....	12
1.3-§. Ўзбекистон Республикасида миллий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи доктринал асослари ва уларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқининг доктринасига нисбати	15
1.4-§. Мамлакатимизда интеллектуал мулк доктринасининг моҳияти.....	22
II БОБ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ	30
2.1-§. Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни суд орқали ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий тизимининг моҳияти, зарурити ва умумий тавсифи.....	30
2.2-§. Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида юридик жавобгарликни қўллаш муаммолари.....	39
2.3-§. Суд амалиётида адолат, инсоф, оқилоналийкни қўллаш масалалари	59
2.4-§. Маданий қароқчилик ҳуқуқбузарлик тизими сифатида	68
III-БОБ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА	78
3.1-§. Интеллектуал мулк обьектларини суд орқали ҳимоя қилиш масалаларига доир хорижий тажриба	78
3.2-§. Интеллектуал мулк обьектларини суд орқали ҳимоя қилиш бўйича Германия тажрибаси	86
3.3-§. Италияда интеллектуал мулк ҳуқуқлари: уларни ҳимоя қилиш масалалари	100
3.4-§. Интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқлар бузилиши билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш бўйича Англия судлари тажрибаси.....	120
3.5-§. Россия Федерациясининг интеллектуал мулк билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш бўйича тажрибаси	128
3.6-§. Қозогистон Республикасида интеллектуал мулк обьектларининг ҳуқуқий ҳимоя усуллари	138
IV БОБ. ФУҚАРОЛИК СУДЛОВ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	154
4.1-§. Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш: мулкий ҳуқуқларни жамоавий бошқариш институти мисолида.....	154

4.2-§. Ўзбекистонда патент ҳуқуқи ва индивидуаллаштириш воситаларини ҳимоя қилиш амалиёти	162
V БОБ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ	192
5.1-§. Интеллектуал мулкни маъмурий судлар орқали ҳимоя қилиш.....	192
VI БОБ. ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ	215
6.1. Иқтисодий судларда интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза этишга қаратилган ҳуқуқий муносабатлар	215
6.2-§. Интеллектуал фаолият обьектлари ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар, товарлар, ишлар ва хизматларга мулкий ҳуқуқлари бузилганлигига оид қонунчиликни иқтисодий судларда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ...	223
VII БОБ. ЖИНОЯТ СУДЛОВ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ	262
7.1-§. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид ҳуқуқбузарликлар тушунчаси ва уларнинг моҳияти.....	262
7.2-§. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид жиноятларнинг таркиби ва уларни квалификация қилиш	265
7.3-§. Жиноят судлов ишларини юритишда интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари	272
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	276

КИРИШ

Мамлакатимиз миллий ҳуқуқ тизимининг нисбатан янги соҳаси ҳисобланган интеллектуал мулк ҳуқуқи ўзининг таркибий қисмларига кўра кенг қамровли деб айтиш мумкин. Унинг муайян жиҳатлари оммавий ҳуқуқ доирасида, яъни жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, божхона ҳуқуқи, солик ҳуқуқи ва шу кабилар ўз ифодасини топган. Аммо интеллектуал мулкнинг асосий қисми фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи сегменти доирасида амал қиласди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини вужудга келиш ва шаклланиш жараёни асосан ўтган асрда рўй берган бўлса ҳам, унинг мавжудлигини илк қуртаклари инсоният цивилизацияси вужудга келган дастлабки даврларда намоён бўла бошлаган. Масалан, Ҳазрат Алига нисбат берилган ҳадисларда кўрсатилишича илм ва билим ўзига хос неъмат, бойлик, у моддий бойликлардан фарқли равишда ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди, шикастланиб нест-нобуд бўлмайди. Бинобарин, ўша қадим даврлардан бошлаб ахборот, гоя, билимни ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини пайқашган.

Янги Ўзбекистонда халқимиз томонидан бевосита қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциянинг 53-моддаси мувофиқ “Ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши хақида ғамхўрлик қиласди”.

Ушбу конституциявий нормани тўғридан-тўғри қўллаш, интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш, интеллектуал мулкий муносабатларнинг қонуний асосларини такомиллаштириш илмий жамоатчиликдан бу соҳани ҳар томонлама ва чукур илмий изланишлар олиб боришни тақазо этади. Шу маънода тақриз қилинаётган ушбу монография долзарб мавзу танланган ҳолда тайёрланганлигини эътироф этиш лозим.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг етук ҳуқуқшунос олимлари ва судьяларидан иборат бўлган муаллифлар жамоаси томонидан мазкур монография интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизими таҳлилига бағишланган бўлиб, у кириш, йигирма учта параграфни ўз ичига олган еттига боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Монографияда интеллектуал мулкнинг назарий ва конституциявий асослари, мамлакатимизда интетектуал мулкни ҳимоя қилишга оид қонунлар ва қонуности ҳужжатларини такомиллантириш масалалари, ижодий фаолият – интеллектуал мулк ҳуқуқининг, миллий ҳуқуқ тизимининг институти сифатидага ўрни, Ўзбекистон Республикасида миллий ҳуқуқ, фуқаролик

хуқуқи доктринал асослари ва уларнинг интеллектуал мулк хуқуқининг доктринасига нисбати ва унинг моҳияти конституциявий ислоҳотлар билан узвий боғлиқликда илмий таҳлил қилинган.

Монографиянинг “Интеллектуал мулкка нисбатан хуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш масалалари”га бағишлиланган иккинчи боби ўз ичига бешта параграфни қамраб олган бўлиб, унда интеллектуал мулк обьектларига нисбатан хуқуқлар ва қонуний манфаатларни суд орқали ҳимоя қилишнинг институционал ва хуқукий тизимининг моҳияти, зарурияти ва умумий тавсифи, интеллектуал мулк хуқуқи соҳасида юридик жавобгарликни ва суд амалиётида адолат, инсоф, оқилоналийни қўллаш масалалари, маданий қароқчиликнинг хуқуқбузарлик тизими сифатида хусусиятлари ҳамда интеллектуал мулк обьектларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ташкилий-хуқукий таъминлашга доир суд амалиёти батафсил баён қилинган.

Муаллифлар томонидан Англия, Германия, Италия, Россия ва Қозогистон мисолида интеллектуал мулк обьектларини суд орқали ҳимоя қилиш масалаларига доир хорижий тажриба ҳар томонлама илмий-қиёсий таҳлил қилинган, умумлаштирилган ҳамда бу соҳада тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монографияда фуқаролик ишлари бўйича судлар, иқтисодий судлар, маъмурий судлар томонидан интеллектуал мулк билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш хусусиятлари мулкий хуқуқларни жамоавий бошқариш институти мисолида муаллифлик хуқуқларини судда ҳимоя қилиш, шунингдек патент хуқуқи ва индивидуаллаштириш воситаларини ҳимоя қилиш амалиёти таҳлил қилинган ҳолда ёритилган.

Шунингдек жиноят судлов ишларини юритишда интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш борасида интеллектуал мулк хуқуқига оид хукуқбузарликлар тушунчаси ва уларнинг моҳияти, интеллектуал мулк хуқуқига оид жиноятларнинг таркиби ва уларни квалификация қилиш ҳамда жиноят судлов ишларини юритишда интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари батафсил ёритилган.

Монография кенг жамоатчиликка мўлжалланган бўлиб, унда жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлов ишларини юритишда интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш масалаларининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган. Мазкур монографиядан судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш борасидаги таълим жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин.

I-БОБ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Ижод эркинлигининг конституциявий асослари

Юртимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Шу муносабат билан 2023 йил 8 май куни Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–67-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга қўра, янги таҳрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилади, янги таҳрирдаги Конституция нормаларини уларни амалга ошириш учун бошқа қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги ёки қонунчиликка Конституцияга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаганлиги важи билан қўллашни рад этиш қатъяян тақиқланади. Шу муносабатга қўра, Конституция нормаларини бевосита қўллаш Конституциявий суднинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу билан бирга, Конституциянинг 53-моддасида белгилаб қўйилган ижод эркинлиги тамойили ўз мазмунига қўра муайян назарий ва амалий, таҳлилий ўрганишларни тақозо этади.

Интеллектуал мулк хукукини фундаментал негизи ижод эркинлигига бориб тақалади. Ижод эркинлиги фалсафий жиҳатдан, хукукий жиҳатдан турли ёндашувлар асосида таҳлил этилиб келинмоқда¹. Эркинлик инсоннинг ажралмас хусусияти, холати, унинг қадрияти, унинг интилишлари, имкониятлари, фаоллиги, мақсадларини ифодаловчи ҳолатдир. Эркинликнинг энг муҳим ифодаси ижодкорлик, инсон ички озодликка, хурлика эришган тақдирда эркин бўла олади. Бунга эса ижод орқали эришади. Ижод жараёнида инсон ўзини англаш орқали ўз руҳияти эркинлигига эриша олади. Бу руҳий тутқинликни бартараф этишдир. Эркинлик шахсни ушлаб турувчи маънавий умуртқадир. У шахсни чекловчи барча ҳолатларни енгиб ўтиш, ҳақиқий индивидуализмнинг намоён бўлишидир.²

Шундай қилиб ижод шахсни ривожланиш имкониятлари эркинлиги мужассимоти, унинг қадриятлари ўзаги ҳисобланади. Шу сабабли инсон эркинлигини англаш учун унинг ижодкорлик руҳи фаоллашуви лозим.

¹ Қаранг: А.Сайдов., О.Оқиолов. Некоторые аспекты правовых основ усиление защиты прав и законных интересов субъектов творческой деятельности. // Труды по интеллектуальной собственности. М.: Том 41; 2 сон. 2022. С.28-44.

² Қаранг: Философия. Творчество. Культура. Саратов. СГУ. 1994 г. 25-бет.

Эркинлик ижодни воқеийлик доирасидан ташқари чиқишига, инсонни зарурат тутқунлигидан озод бўлишига олиб келади.³ Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш лозимки, марксистик мафкура асосида эркинлик бу - англанган заруратдир деган мафкуравий қоида ётади.⁴

Юқоридаги қарашлар ўртасидаги зиддиятларни яққол сезиш мумкинки, биринчи нуқтаи назар бўйича эркинлик зарурат тутқунлигидан халос бўлиш бўлса, иккинчисида, эркинлик заруратни англаб етишдир. Агар эркинлик зарурият вавоқеийликни мутлақо инкор этса, у ҳолда бебошликка, анархияга, хаосга олиб келиши мумкин. Бу ижод эркинлигига нисбатан ҳам тўлиқ тааллуклидир. Агар у зарурат доирасида ўралашиб қолса, ижод эркинлиги муайян маънода чегараланиб қолади ва жамиятни ривожлантириш учун илфор, оригинал, уникал ғоялар тақдим эта олмайди. Шу сабабли ҳам ижод эркинлигини кишилик жамияти учун зарур бўлган янги ғоялар тизими сифатида баҳолаш ўринли бўлар эди.

Ижод эркинлиги инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таркибий қисми сифатида 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси (27-модда) ва 1966 йилдаги Ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт (15-модда) мазмунида ҳам ўз ифодасини топган.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳар иккала халқаро ҳужжатда ҳар биринсон ўзи муаллифи бўлган илмий, адабий ёки бадиий асарлар юзасидан маънавий ва моддий манфаатлари ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эгалигига ургу берилади.⁵ Ушбу халқаро ҳужжатларда техниковий ижод эркинлиги тўғрисида кўрсатилмаган. Бироқ, инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 14-моддасида инсоннинг таълим олиш ҳуқуқи таркибий қисми сифатида техниковий таълим ҳам эслатиб ўтилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги Конституцияси дастлабки лойиҳасида ижод эркинлиги тўғрисида норма мавжуд бўлмаганлигини қайд этиш лозим. Ушбу нормакейинчалик, умумхалқ муҳокамаси даврида маҳсус модда сифатида шакллантирилди ва Конституциянинг 42-моддасида ўз ифодасини топди.

Бироқ қизиғи шундаки, бунда асосий ургу илмий ва техниковий ижодга берилди. Ҳолбуки, халқаро стандартлар бўйича илмий, адабий ва бадиий ижод эркинлигига алоҳида ургу берилган. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида илмий, техниковий ва бадиий ижод эркинлиги назарда тутилди. Бинобарин, келгусида ижод

³ Назарычева А.И. Свобода творчество в системе личностных ценностей.

<https://cyberleninka.ru/article/n/svoboda-i-tvorchestvo-v-sisteme-lichnostnyh-tsennostey>

⁴ Фалсафа асослари. Тошкент. Ўқитувчи. 1982 йил. 50 бет.

⁵ Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Халқаро Билл. Тошкент. Адолат. 1992 йил. 16,26-бетлар.

эркинлиги илмий ижод эркинлиги, техникавий ижод эркинлиги ва бадиий ижод эркинлиги турларидан иборат бўлишини эсда тутиш лозим. Техникавий ижод эркинлиги ижод эркинликлари тизимида алоҳида соф ҳолда учрамайди. Одатда у илмий ва техникавий ижод эркинлиги сифатида талқин этилади. Л.А.Гумеров илмий ва техникавий ижодни ижод эркинлигининг мустақил турисифатида мавжуд деб ҳисоблайди ва у илмий-техник фаолият соҳасида муҳим аҳамиятга эга деб кўрсатади.⁶ Илмий техника фаолияти инсоннинг билиш фаолиятини тури сифатида уникал натижалар излашга, янги назариялар ва техник ечимлар яратишга, янги обьектларни шакллантиришга қаратилгандир. Албатта техникавий ижод эркинлигини камситмаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, техникавий ижод эркинлиги классик ижод эркинлиги, яъни биз билган анъанавий ижод эркинликлари тизимида мавжуд эмас, балки илмий ижод эркинлигини ўзига хос дурагайи сифатида намоён бўлмоқда. У соф ҳолатда чекланган доирада, яъни техник таълим, техник фаолият, техник жараёнларни креатив ёндашув асосида такомиллаштиришга қаратилган ижодий фаолият сифатида баҳоланиши мумкин. Мехнатни илмий услубда ташкил этиш, рационализаторлик ечимлари соҳасида у ўзини яққол ифодасини топади. Техникавий ижод илмий ижодга нисбатан кенгроқ оммавийлик касб этиши ҳам истисно этилмайди.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар, бошқа ходимларнинг техникавий ижоди ҳар доим ҳам кучли илмий ижодий хусусият касб этмаслиги мумкин. Шу маънода техникавий ижод эркинлигини ижод эркинлигининг мустақил компоненти сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин. Албатта, бу Ўзбекистон Республикаси алоҳида конституцион мавқега эга бўлганлиги шу жиҳатдан олганда муайян асосга эга.

Илмий ижод эркинлигига келганда шуни таъкидлаш ўринлики, у Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сонли Қонунининг 3, 12, 14-моддаларида бевосита бўлмаса ҳам, билвосита ўз ифодасини топган. Унда илмий ижод ва ахборот эркинлигига алоҳида урғу берилади. Илмий фаолиятга берилган таърифда унинг моҳияти ўз мужассамини топган. Илмий фаолият обьектлар, ходиса (жараёнлар)нинг хусусиятлари, ўзига хосликлари ва қонуниятларини аниқлаш мақсадида борлиқни ўрганиш ва олинган билимларни амалиётда кўллашга йўналтирилган фаолият ҳисобланиб, фундаментал ва амалий тадқиқотлардан иборатдир.

Фундаментал тадқиқотлар табиат, жамият ва инсоннинг тузилиши,

⁶ Қаранг: Ученый записка Казанского Университета. Том 154. Кн.4. Гуманитарные науки. Казан. 2012 г.

шаклланиши ва ривожланишига оид асосий қонуниятлар ҳақида янги билимлар олиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, шунингдек муайян фаолият натижасида яратилган объектларни ўрганишга йўналтирилган назарий ва (ёки) тажрибага йўналтирилган фаолият ҳисобланади.

Амалий тадқиқотлар амалий мақсадларга эришиш ва аниқ вазифаларни ҳал этиш учун асосан янги билимлар ва фундаментал тадқиқотлар натижаларини қўллашга йўналтирилган фаолият ҳисобланади.

Илмий фаолият юритувчи шахслар:

илмий фаолият тури, йўналиши ва воситаларини танлаш;

илмий фаолиятни якка тартибда ёки жамоавий асосда олиб бориш; инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказиши

мумкин бўлган илмий фаолиятда қатнашишни рад қилиш;

бажарган ишининг даражаси ва сифатига қўра моддий рағбат олиш, шунингдек илмий фаолияти натижаларини амалиётга татбиқ этишдан мукофот ёки даромад олиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лойиҳалар бўйича танловларда қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этиш;

ўзи томонидан ёки ҳаммуаллифликда бажарилган илмий ишланмалар натижаларидан, агар улар давлат, хизмат ва тижоратга оид ёки қонунчиликка мувофиқ муҳофаза қилинадиган бошқа сирлардан таркиб топмаган бўлса, эркин фойдаланиш, уларни тарқатиш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

илм-фан соҳасида тадбиркорлик фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга ошириш;

педагогик фаолият билан шуғулланиш, маслаҳатчи ва эксперт бўлиш;

агар қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, илмий фаолият натижаларини илмий маъруза, мақола, монография ва диссертация ҳимояси кўринишида ҳамда бошқа шаклларда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Илмий фаолият юритувчи шахслар:

инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказмасликка;

кўчирмачиликка йўл қўймасликка, ўзгаларнинг илмий ишланмаларини ўзлаштирмасликка ва ёлғон маълумотларга асосланмасликка;

интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва илмий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга мажбурдир.

Албатта, юқоридаги нормалар илмий ижод эркинлиги моҳиятини очиб беришга муайян даражада хизмат қиласди, бироқ унинг мазмунини тўлиқ акс

эттирмайди. Бунинг устига бевосита Асосий қонунимизнинг ўзида илмий ижод эркинлигини муайян чегараси белгиланган. Конституциянинг 26-моддаси учинчи қисмида ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилмаслиги белгилаб қўйилган. Конституциянинг 33-моддасига кўра, ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шартшароитлар яратади. Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади.

Юқоридаги конституциявий нормалар илмий ижод эркинлигининг муайян истиснолари билан амал қилишини қўрсатади. Илмий ижод эркинлигини илмий тадқиқотларнинг мавзусини танлаш эркинлиги, усул ва воситаларни белгилаш эркинлиги, эришилган илмий натижаларни эълон қилиш ёки эълон қиласлик эркинлиги маъносида талқин этиш мумкин. Ҳар қандай илмий назария яшашга хақлидир. Фанда илмий қарашлар, нуқтаи назарлар, назарияларнинг тўғрилиги овоз бериш йўли билан ҳал этилиши, суд ёки давлат органи қарори асосида белгилаб қўйилиши мумкин эмас. Халқаро стандартларда адабий ва бадиий ижод эркинлиги тўғрисида ҳам сўз боради. 1886 йилги адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида халқаро Берн Конвенцияси ҳам адабий ва бадиий асарларни фарқлайди. Бироқ ҳозирча асосий қонунимиз бадиий ижод эркинлиги билан бойитилмоқда холос. Шу ўринда савол туғилади: бадиий ижод эркинлиги ва адабий ижод эркинлиги ўртасида нисбат қандай? Одатда, бадиий ижод шартли образлар орқали ижодий фаолиятни амалга ошириш ҳисобланади. Бадиий ижод ўз таркибига тасвирий санъат ва санъатнинг бошқа турларини, шу жумладан, театр ва кино санъати, мусиқа санъати ва шу кабиларни ҳам қамраб олади. Адабий жараёнлар эса бадиий адабиёт ёки бошқасига айтганда, адабий асарлар, яъни шеърият, проза, публицистика ва шу каби асарларни яратиш жараёни билан узвий равишда боғлик. Адабий ва бадиий жараёнларни фарқлаш нисбий шартли хусусиятга эга. Улар бир-бири билан узвий равишда боғлик ва кўп ҳолатларда яхлит категория сифатида таҳлил этилиши мумкин. Шу маънода олганда Конституцияга киритилган ўзгартиришларда адабий ижод эркинлиги алоҳида ажратиб кўрсатилмасдан, фақат бадиий ижод эркинлигига ургу берилганлигини танқидий ёндашув асосида баҳолаш ўринли бўлмаган бўлар

эди. Ижод эркинлиги ва унинг таркибий қисмларини Асосий қонунимизда белгилаб қўйилиши Фуқаролик кодекси лойиҳасининг 4-бўлимида уларни янада кенгроқ ва батафсилроқ талқин этиш учун асос бўлади. Ижод эркинлигини Асосий қонунимизда белгиланиши бу шунчаки оддий декларация, баёнот эмас, у ўзини ҳуқуқий тартибга солиш юкламаларига эга, оммавий маданият шарпалари ҳар томондан босибкелаётган, сўз эркинлиги, ижод эркинлиги ниқоби остида ҳар хил “бемаза” асарларга виртуал майдон тўлдирилаётган ҳозирги даврда ижод эркинлигини тўғри талқин этиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

1.2-§. Ижодий фаолият интеллектуал мулк ҳуқуқининг, миллий ҳуқуқтизимининг институти сифатида

Маълумки, интеллектуал (ижодий) фаолиятсиз интеллектуал мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг кичик соҳаси сифатида ҳам, умуман ҳуқуқнинг муайян тузилмаси сифатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин эмас. Инсон ижодий фаолияти жуда кўп ўзига хосликларга эга. Тиббий олимлар, руҳшунослар, физиологлар бу фаолиятни уникал, ноёб эканлигини ҳар доим таъкидлайдилар. Ижодий жараён натижасида ҳар доим янги объект яратилади. Кишилар фаолиятининг шундай соҳалари борки, бундай фаолиятнинг асосида интеллектуал-ижодий жараён ётади. Масалан, илм-фан, адабиёт, санъат. Бироқ, инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳам ижодий ёндашувни қўллаш имкониятлари беҳисоб. Ҳар қандай инсон ўз турмуш тарзи, ўз қизиқишлиари, касби-кори ва бошқа соҳаларда ижодий ёндашув асосида жуда муҳим самарали натижаларга эриша олади. Ижодкорлик ижодкор шахс билан узвий боғлиқ, ундан ажралмас хусусиятдир. Ижодкорлик бу ўзига хос салоҳият, қобилият, лаёқат ҳисобланади. Киши ўз ижодий қобилияtlарини ривожлантириши, уни қўллай олиши самарали натижаларга эришиши мумкин. Кишининг ижодий салоҳияти, энг аввало, унинг фаолияти натижаларида яққол намоён бўлади. Шу сабабли ҳам ҳуқуқ ижодкор инсонга нисбатан, ижодий фаолиятга нисбатан ва ижодий фаолият натижаларига нисбатан ижтимоий муносабатларни тартибга солишда алоҳида ўзига хос объект сифатида ёндашади. Бу қуидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, ижодкор шахслар учун алоҳида ҳуқуқий мақом белгилаб қўйилган. Бундай ҳуқуқий мақом ижтимоий-маънавий қадриятлар соҳасида ҳам, масалан, олим, ёзувчи, шоир, рассом каби муайян касб-кор кишиларини номланишида ҳам, шунингдек, ҳуқуқий майдонда фан доктори, фан номзоди, доцент, профессор, академик каби ўзига хос рутбаларда ҳам тўла қонли равишда намоён бўлади.

Ижодкор шахслар давлат томонидан ҳам, жамият томонидан ҳам рағбатлантирилади, қўллаб-қувватланади, уларга нисбатан алоҳида ҳурмат эътибор билан қаралади. Масалан, олимларга хизмат кўрсатган фан арбоби, бастакорларга, хонанда ва созандаларга эса хизмат кўрсатган артист, ҳалқ артисти, ёзувчилар, шоирларга нисбатан ҳалқ ёзувчиси рутбалари мавжуд. Бундай рутбаларга эга бўлган шахслар маошларига, пенсияларига устамалар тўланади, хизмат турар жойлари берилганда қўшимча уй-жой майдони олиш имтиёзига эга ва ниҳоят, Ўзбекистон давлат мукофотлари тизими мавжуд, ҳалқаро миқиёсларда Нобель мукофоти лауреатлари алоҳида қадрланади.

Иккинчидан, ижодий фаолиятни ҳукуқий тартибга солиш механизмида ҳам ўзига хосликлар мавжуд. Аниқроқ айтганда, ҳукуқ бунда ижодий интеллектуал фаолиятни алоҳида тартибга солмайди, балки ижодкор инсонни ўзининг муайян фаолиятини амалга оширишдаги ижодкорлик хусусиятларини ҳисобга олади. Масалан, меҳнат қонунчилигига қўра ижодкор ходимга ўз илмий ишланмасини ишхонада эмас, балки ўзи учун мақбул бўлган шароитларда амалга ошириш учун ижодий таътил берилиши мумкин. Иш берувчи хизмат тартибида яратилган илмий асарлар, бадиий ва бошқа ижодий асарлар учун мутлақ ҳукуқларни ижодкор ходимга тўлиқ ҳажмда бериши ёхуд муайян улуш ҳажмида бериши ҳам мумкин ёхуд бундай хизмат асарларига нисбатан мутлақ ҳукуқлар иш берувчига тегишли бўлса ҳам муайян муддат ўтгач мутлақ ҳукуқлар ижодкор ходимга ўтади. Фуқаролик ҳукуқида пудрат шартномаларининг алоҳида тури сифатида илмий тадқиқот ишлари шартномасига оид нормалар белгилаб қўйилган. Бундай шартномада ижодий муваффақиятсизлик, салбий натижа, илмий тадқиқот ишлари асосида яратилган обьектларга нисбатан мутлақ ҳукуқларни расмийлаштириш ҳукуқлари, таваккалчилик бурчини тақсимланиш хусусиятлари ўз ифодасини топган.

Ижодий фаолиятни ташкил этиш бўйича танловлар, конкурслар ўтказиш тизими ва тартибига оид ҳукуқий нормалар амалдаги қонунчиликда ўз ифодасини топган.

Учинчидан, илмий-ижодий фаолият натижасида яратилган моддий ва номоддий обьектлар ҳам алоҳида ҳукуқий режимга эга эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Муаллифлик ҳукуқида булар фан, адабиёт, санъатасарлари, патент ҳукуқида ихтиrolар, фойдали моделлер, саноат намуналари, селекция ютуқлари каби ҳукуқий режимга эга. Бундай алоҳида ҳукуқий режимни белгилашдан мақсад ҳам ушбу обьектларни яратувчисига нисбатан муайян шахсий ва мулкий ҳукуқларни тақдим этиш, фуқаролик муомаласида уларга нисбатан муайян мақомни таъминлаш, мутлақ ҳукуқлар эгаси ҳукуқлари ҳажмини ва ниҳоят ушбу обьектлардан фойдаланиш жараёни бўйича

иштирокчиларни ўзига хос ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш ҳисобланади.

Юқоридан кўриниб турибдики, ҳуқуқ ўзининг тузилмаси бўлган интеллектуал мулк ҳуқуқи орқали инсон ижодий фаолиятини, ижодкорлик қобилиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмида тўла қонли равища ҳисобга олишга ҳаракат қиласи. Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилиш табиий: ижодкорлик, у ижодий қобилият, ижодий фаолият ва ижодий натижа бўлишидан қатъи назар, ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳисобга олинар экан, қандай режимга эга? Ушбу масалани ўрганиш асосида қўйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим.

Энг аввало, шуни таъкидаш ўринлики, ижодкорлик, ижодий фаолият кенг қамровли комплекс ҳусусиятга эга. У фақат фуқаролик, меҳнат ҳуқуқий фанлар доирасида чекланиб қолмайди. Балки инсон фаолиятининг барча жабҳаларига сингиб кетган, ўз ифодасини топган, ҳатточи, инсоннинг кундалик доимий такрорланиб турувчи фаолияти соҳаларида ҳам бирдан ярқ этиб намоён бўлиш ҳусусиятига эга. Масалан, ошпаз томонидан паловни тайёрлаш технологияси ёки таркибига ўзгартиришлар киритиши орқали.

Иккинчидан, ижодий фаолият, ижодкор шахси, ижодий натижа ҳар доим кўллаб-куватланиши, тақдирланиши алоҳида имтиёз ва преференцияларга сазоворлиги ҳуқуқий майдонда яққол кўриниб турган ҳолат ҳисобланади.

Учинчидан, ижодкорлик ҳар доим ҳам кутилган натижаларни кафолатлай олмайди. Ижодкорликда таваккал қилиш даражаси бошқа фаолият туридаги таваккалчиликдан анча юқори ва бу ҳолат ҳам ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг ўзига хос ҳусусияти ҳисобланади.

Тўртинчидан, илмий ижодкорлик, ижодий фаолият ва уни натижасида яратилган обьектларнинг кенг миқиёсда жорий этиш жараёни ҳам ўз ўзидан кечмайди. Бунда қўшимча маблағлар, саъии ҳаракатлар ва яна ўша таваккалчилик даражасининг юқори бўлиши кузатилади. Бу жараён инновация жараёнидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ижодкорликни интеллектуал мулк ҳуқуқини ўзига хос юридик қурилмаси сифатида баҳолаш мумкин. Ижодкорлик интеллектуал мулк ҳуқуқини ўзига хос квази институт ҳисобланади. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солища ижодкорлик билан боғлиқ фуқаролик ҳуқуқий, меҳнат ҳуқуқий нормалар микротизимлари мавжуд, гарчи улар муайян ҳуқуқ тармоқлари бўйлаб сочилиб кетган бўлса ҳам, улар ўртасида ўзаро боғланиш, узвийлик ва муайян нисбий бирхиллик мавжуд. Ҳуқуқ назариясига қўра эса, бир турдаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар тизими ҳуқуқий институт ҳисобланади.

Албатта, бу ўринда ушбу монографияни синчиклаб ўқиб чиқсан зийрак

ўқувчида муаллифлар қарашларида зиддиятлар борлиги тўғрисида тасаввур вужудга келиши мумкин. Зоро, интеллектуал мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг кичик соҳаси бўлган ҳолда, унинг квази институти сифатида талқин этилаётгани, ижодкорлик соҳалараро комплекс хусусиятига эга эканлиги тўғрисидаги мулоҳазалар бунинг исботига ўхшаб қўриниши мумкин. Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, интеллектуал мулк ҳуқуқи гарчи унинг асосий илдизлари фуқаролик ҳуқуқи тармоғида жойлашган бўлса ҳам унинг муайян таъсир доиралари меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, божхона ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи тармоқларига бориб туташади. Интеллектуал мулк ҳуқуқини фақат фуқаролик ҳуқуқи майдонида мавжуд бўлади деб белгилаб қўйиш мутлақо хато бўлган бўлур эди. Реал ҳаёт муайян шартли ақидалар қолипига сифмайди. Балки у ғоятда ранг-баранг, хилма-хилдир. Шу сабабли ҳам амалий ҳолатдан келиб чиқиб, миллий ҳуқуқ тизимида тармоқлараро таъсир кучига эга бўлган ижодкорлик институтини фуқаролик ҳуқуқининг кичик соҳаси бўлган интеллектуал мулк ҳуқуқи таркибий тузилмаси сифатида белгилаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

1.3-§. Ўзбекистон Республикасида миллий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи доктринал асослари ва уларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқининг доктринасига нисбати

Интеллектуал мулк ҳуқуқи доктринасини таҳлил этишдан олдин доктрина иборасининг ўзини этимологиясини қараб чиқиш лозим бўлади. Доктрина кўп маъноли ибора бўлиб ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида кўлланилади. Жумладан, бадиий адабиётларда, ижтимоий фанлар бўйича ўқув дарслкларида унга таълимот, дунёқарашлар тизими, муайян назарий қарашлар мажмуаси ва шу кабилар сифатида талқин этилади. Ҳуқуқ назариясида ҳам доктринага нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Р.Г.Шагиева ва Д.В.Ярофееваларнинг фикрича, доктрина ҳам таълимот сифатида, ҳам илмий назария сифатида, ҳам фалсафий назария сифатида англаниши мумкин. Улар доктринага ҳуқуқшунос олимларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунни бўйича ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалалари бўйича фикр мулоҳазалари, улар томонидан ҳуқуқни баҳсли масалалари бўйича тушунтиришлари, амалдаги қонунчиликка шарҳлар, давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги нуфузли тадқиқотчиларни илмий ишлари сифатида талқин этадилар.⁷

Р.В.Пузиковнинг фикрича, юридик доктрина ўзига хос маҳсус ҳуқуқий

⁷ Қаранг. Шагиева Р.Г., Ярофеева Д.В. Актуальные проблемы теории государство и право. Изд. Норма инфра. -М. Москва. 2011. - 291 с.

ходиса бўлиб, унда фақат унинг ўзига хос бўлган тил орқали ҳуқуқий ғоялар ва конструкциялар баён қилинади. Унинг қоидалари (аксиомалари, принциплари, презумциялари, дефинициялари ва шу кабилари) ўзига хос шаклда шаклланади. Шунингдек, уларни ифодалаш ҳужжатсизлантирилган шаклларда ифодаланиши билан тавсифланади.⁸

С.В.Батурина эса ҳуқуқий доктрина замонавий ҳаётни сифати ва ўзига хосликларини қонунчилик ривожланиш даражасини юридик амалиётни такомиллаштиришни акс эттирувчи маданий-хуқуқий феномен сифатида қарайди ва ҳуқуқий доктрина алоҳида, жамиятни уйғуллаштириш ва уни умумдунё маконига интеграциялаштиришга кўмак беради деб таъкидлайди.⁹

Професор С.С.Алексеев доктрина ибораси ўрнига ҳуқуқ догмаси иборасини қўллади. Унинг фикрича ҳуқуқ догмасини умумфалсафий тартибдаги барча ҳуқуқий тизим асоси даражасига кўтариш шарт: айнан ҳуқуқ догмасига мустаҳкамланган унинг негизлари, хусусиятлари, структураси, қадриятлари тегишли даражадаги назарий ва фалсафий ёндашувлар асосида умумназарий, фалсафий ҳуқуқий тартиб асосий қоидаларни ишлаб чиқилишига, шаклланишига олиб келади.¹⁰

Роналд Дворкин таниқли ҳуқуқ файласуфи ва олимни бўлиб, ҳуқуқий таълимот бўйича таъсирли фикрларни билдирган. Унинг ҳуқуқий фалсафага қўшган энг муҳим ҳиссаларидан бири бу яхлитлик сифатидаги ҳуқуқ назариясидир. Дворкин ҳуқуқий тамойиллар изчил ва адолатли ҳуқуқий тизимни таъминлайдиган ахлоқий асосга асосланиши кераклигини таъкидлайди. Ҳуқуқий таълимот ҳақидаги фикрларининг баъзи асосий жиҳатлари куйидагилардир: “Талқин ва яхлитлик.” Дворкин судьялар қонунлар ва конституциявий қоидалар каби ҳуқуқий матнларни ҳуқуқий тизимнинг яхлитлигини таъминлайдиган тарзда талқин қилишлари керак деб ҳисоблайди. Демак, ҳуқуқий қарорлар қонуннинг маънавий асосини таъминловчи тамойил ва қадриятларга мос келиши керак.¹¹

Професор Х.Одилқориев ва доцент Ш.Якубовлар юридик таълимот (фан) – ҳуқуқий тизимнинг назарий асосини ташкил этади деб кўрсатадилар. Уларнинг фикрича давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлгач, улар ҳақидаги қарашлар ва таълимотлар пайдо бўлган. Қадимги Шарқ, Юнонистон ва Рим ҳуқуқшунослари томонидан ҳуқуқий тушунчалар, таърифлар, қоидалар шакллантирилган. Ҳозирги даврда ҳуқуқий воқеликни илмий тизимлаштирилган ҳолда талқин

⁸ Карапг. Пузиков В.Р. Юридические доктрины в сфере правового регулирования: проблемы теории и практики: дис. канд. юрид. наук. -Тамбов. 2003. - 213 с.

⁹ Карапг. Батурина С.В. Традиции российской правовой доктрины: дис. канд. юрид. наук.- Краснодар. 2008. - 185 с.

¹⁰ Карапг. Алексеев С.С. Право азбука теория философия опыт комплексного исследования. URLWWGUMER.INFO (09.01.2011).

¹¹ <https://www.cairn.info/revue-internationale-de-philosophie-2005-3-page-363.htm>

этувчи таҳлил ва тадқиқ қилувчи мустақил нуфузли фан соҳаси – юридик таълимот, ҳуқуқшунослик (юриспруденция) қарор топди. Ҳуқукий ҳаёт ҳодисаларини изоҳлаш, тушунтириш, илмий мушоҳада этиш ҳуқукий тизим тараққиётининг қонуниятларини очиш унинг келгусидаги ривожини башоратлаш билан шуғулланади.¹²

В.С.Нерсесянц ҳам шунга ўхшаш нуқтаи назарни баён этади. У доктринани ҳуқуқ шакли тўғрисида таълимот, унинг умумий концепциялари, яхлит тизимини ва алоҳида қоидаларни ишлаб чиқувчи асослантирувчи таълимот сифатида тушунади. Ҳуқуқ доктринаси муайян юридик англаш, билиш шаклларини (тамойиллари, тушунчалари, иборалари, конструкциялари, усуллари, воситалари, услублари ва шу қабилар) ишлаб чиқади ва асослантиради. Позитив ҳуқуқни (унинг манбалари тизими ва тузилишини, унинг амал қилиши, бекор бўлиши қайта тикланиши ва шу қабиларни) талқин этади. Ушбу шаклларнинг йиғиндиси ҳуқуқ догмаси мазмунини ташкил этади.¹³

Т.М.Пряхина ҳам ҳуқукий доктринани муҳим аҳамиятга эга категория сифатида эътироф этади. Бироқ, унинг қарашлари муайян доирада чеклангандир. Миллий юридик фан - деб ёзади у - доктринага анъанавий равища тизимлаштирилган таълимот, яхлит бир бутун концепция, дастурийҳаракатлар негизи сифатида намоён бўладиган илмий назария сифатида қараб келади. Ҳуқукий воқеликнинг мустақил феномени сифатида доктринани соҳаси ўзликни англаш тармоғида намоён бўлади. Уни амалиётга чиқиши эса, асосан ҳуқуқни амалга ошириш жараёнига таъсир кўрсатувчи ҳуқуқнишарҳлашни алоҳида тури – доктринал (илмий шарҳлаш орқали рўй беради).¹⁴

Юқоридагилардан хулоса чиқариш мумкинки ҳуқукий доктрина реал равища мавжуд, гарчи унга нисбатан турли талқинлар мавжуд бўлса ҳам, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун уларнинг моҳиятини тушунтирувчи ва рвожланишига муҳим таъсир кўрсатувчи илмий манба сифатида эътироф этилган.

Бироқ ҳуқуқ доктринаси мавжудлигини эътироф этишнинг ўзи етарли эмас. Ҳуқуқ доктринасидан ташқари муайян ҳуқуқ тармоқлари ҳам ўзларини илмий доктриналарга эгалиги - бу ҳам ҳуқукий воқеъликнинг реал фактидир. Жумладан, А.В.Пичуев, К.Рашидовлар цивилистик доктрина мавжудлиги тўғрисида тадқиқотлар ўтказганлар. Масалан, А.В.Пичуев фуқаролик ҳуқуқининг манбай сифатида цивилистик доктрина муаммоларини таҳлил

¹² Қаранг. Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқукий тизим ва ҳуқукий қадриятлар. Тошкент. 2010 йил. 64-бет.

¹³ Қаранг. Нерсесянц В.С. Общая теория право и государство. -М.: Инфра М. 1999. - 552 с.

¹⁴ Қаранг. Пряхина Т.М. Конституционная доктрина современной России: дисс. доктора юрид. наук. - Саратов. 2004. - 510 с

етиб, бунда Р.Пузикова, С.Батуриналарни юридик доктринага берган таърифларидан келиб чиқади. Бу хатто ҳуқуқ аналогияси тушунчасини кенгайтирилган ҳолда талқин этиш ва қонун аналогиясидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд бўлмагандан, нафақат фуқаролик ҳуқуқий тамойилларни қўллаш, балки цивилистик доктринадан фойдаланиш лозим ва одил судловда бундай ҳолат учраб туради деб ҳисоблайди.¹⁵

Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, одил судловда нуфузли ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишларидан фойдаланиш қадимги Римда ҳам, мусулмон ҳуқуқида ҳам, шунингдек, ўрта аср Европасида ҳам мавжуд бўлғанлиги маълум. Шу сабабли ҳам ҳуқуқий доктринани ҳуқуқ манбаси, давлат томонидан расмий рухсат берилган ҳуқуқ мазмунини аниқлаш шакли сифатида белгилаш мумкин. Масалан, мусулмон ҳуқуқида Имом Шофий, Имом Ахмад ибн Ханбал, Имом Абу Ханифа Нуъмон Ибн Собит, Бурхониддин Ал Марғилоний асарларидағи тушунтиришлар асосида ҳукмлар ва ҳал қилув қарорлари чиқарилганлиги маълум.¹⁶

Таниқли цивилист олим К.Рашидов доктринани кенг маънода ва тор маънода талқин этади. Унинг фикрича ҳуқуқ доктринаси, юридик доктрина, ҳуқуқий доктрина кенг маънода ҳуқуқ мафкурасини ҳуқуқ концепциясини ёки ҳуқуқ тўғрисидаги новелистик илмий тасаввурларни англатади. Улар ҳуқуқий ҳодисалар моҳиятини ва ҳуқуқни такомиллаштириш амалиётини англаб этишга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш натижасида шаклланади. Ўзбекистон Республикасининг маҳсус қонунчилиги доктринани давлат сиёсати сифатида белгилайди. Масалан, “Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси мудофаа сиёсатининг асосини ташкил этади ва умумдавлат миллий хавфсизлик концепциясининг таркибий қисми бўлиб ташки сиёsat, давлатлараро муносабатлар, уруш ва тинчлик муаммолари бўйича тубдан янги ёндашувларга асосланади.”¹⁷

К.Рашидов ҳуқуқий доктринани давлат-ҳуқуқий мафкурасини таркибий қисми сифатидаги ҳуқуқ мафкураси сифатида намоён бўлишини ҳам таъкидлаб, бунга мисол қилиб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилда қабул қилинган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясини мисол қилиб кўрсатади. Ва ниҳоят доктринани яна бир кўриниши, унинг фикрича олимлар, ҳуқуқшуносларнинг фикр-мулоҳазалари

¹⁵ Қаранг. А.В.Пичуев. Цивилистическая доктрина как источник гражданского права. www.Conf.omua.ru

¹⁶ Қаранг. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Кифоя. 1-жуз. Ташкент. Шарқ. 2008 йил. 30-58-бет.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборномаси. 1995 йил. 9 сон. 180 бет.

булар давлат томонидан расман ёки халқаро миқёсда эътироф этилган бўлиши лозим. Шунингдек, эксперт хулосалари, дарсликлар ва монографиялар, қонун хужжатларига шарҳлар, шунингдек, расмий органлар ва мансабдор шахслар тушунтиришлари ҳам доктрина ҳисобланади. Айни пайтда деб кўрсатади у, барча маданий давлатларда баҳслашиб ҳуқуқи мавжуд. Яъни айнан бир масала бўйича олимлар турлича ва хатто қарама қарши фикрлар билдириши мумкин. Агарда доктрина қайта ва қайта қўлланаётган бўлса, бундан аввал давлат органлари ҳуқуқшунослар томонидан билдирилган турли нуқтаи назарлардан бирини эркин танлаш ҳуқуқига эга. Ҳуқуқий доктрина мавжудлигининг зарурияти ижтимоий эҳтиёжлар ва айниқса кишилар ўртасидаги муносабатларда муайян тартиб ва барқарорликни таъминлаш кучида намоён бўлади. Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда инсон эҳтиёжларини қаноатлантириш бўйича ҳуқуқий доктринанинг аҳамияти унинг ижтимоий қийматини белгилайди. Айни пайтда К.Рашидов доктринани муайян иррационал хусусиятлари мавжудлиги тўғрисида профессор С.С.Алексеевнинг қуйидаги огоҳлантиришини ҳам унутмаслик лозим деб ҳисоблайди, яъни ҳуқуқий доктрина мафкура билан узвий равишда боғланган экан, гурух манфаатларини ёки шахсий манфаатларни ҳимоя қилиш усулига айланиши мумкин ва бу адолатсизликка сабаб бўлади.¹⁸

Юридик касб-кор муҳитида ҳуқуқий доктрина мақомига нисбатан турлича ва ҳар хил илмий мулоҳазалар шакллантирилган, унинг асосида юридик фан, суд амалиёти, дин, умумий тамойиллар, ҳуқуқнинг бошка манбалари ва шакллари ётади. Бироқ, доктринани қўллаш масалалари бўйича амалиётда функционал жиҳатдан кўплаб муаммолар мавжуд. Шуни эътироф этиш лозимки давлат ҳуқуқий идеологияси шаклида саналган ҳуқуқий доктрина жамият, давлат ва шахс ижтимоий-сиёсий, социал-иктисодий манфаатларини тегишли оқилона мувозанатини таъминлашга ва ривожлантиришга қаратилган юридик нормаларни шакллантириш, қўллаш, ўзgartариш, бекор қилиш асоси бўлиб ҳисобланади. Кўпчилик давлатларда юридик доктрина давлатни ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг натижаси эмас, норматив-ҳуқуқий хужжатларда, шартномаларда, суд қарорларида ва урф одат, анъаналарда ифодаланмаган умумий ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан доктрина ҳуқуқий тизимнинг мустақил элементи бўлиб ҳисобланади. Доктрина бевосита ҳуқуқ ижодкорлигига ҳам, ҳуқуқни қўллашга ҳам, интеграциялашган ва ёрдамчи хусусиятга эга бўлган ҳуқуқни формал манбаси сифатида чиқади. Юридик адабиётларда ҳақли равишда таъкидланганидек ҳуқуқий доктринани ҳуқуқ манбаи сифатида жамият, давлат ва шахс

¹⁸ Каранг. Алексеев С.С. Тайна права. Его понимания. Назначения. Социальная ценность. Москва. 2001. -43 с.

манфаатларига нисбатанadolatsizlikka йўл қўйишига ва шу муносабат билан ҳукуқ тартибот учун муайян хавф туғдириш эҳтимоли мавжудлигини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бунинг сабаби бўлиб, ҳуқуқий доктринани қатъий ёзма мазмунда намоён бўлмаслик хусусияти, унинг номуайянлиги ҳисобланади ва бир хилдаги типик юридик вазиятлар бўйича турлича қарорлар чиқарилишига сабаб бўлиши чалкашликлар ва ҳар хилликларни ижтимоий тартибда тенгсизликларни келтириб чиқариши мумкин деб ҳисобланади. Бироқ, шунга қарамасдан К.Рашидовнинг фикрича қонун чиқарувчи ёки ҳуқуқни қўлловчи бошқа орган ихтиёрийлик тамойилидан келиб чиқиб, таклиф этилган доктринани танлаб олишга ва унга риоя этишга ҳақли ва бунда асосий мезон унинг ишончга сазоворлиги, шунингдек, жамиятда ва юридик доираларда эътироф этилганлиги ҳисобланади.¹⁹

Фуқаролик доктринаси тушунчаси, унинг таркибий қисмлари тўғрисида баҳс мунозараларни чукурлаштирган ҳолда шуни айтиш лозимки, бундай доктрина мавжуд ва шу маънода К.Рашидов фикрларига қўшилиш мумкин. Айни пайтда доктринага нисбатан фуқаролик ҳукуки бўйича илмий тадқиқотлар йифиндиси сифатида қараш ёхуд Ўзбекистон цивил доктринаси ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳукуки фани айни тушунчалар сифатида баҳолаш ўринли бўлмаган бўлар эди. Бу ўринда шуни ҳам эътироф этиш лозимки, цивил доктринасининг негизини мамлакатда фуқаролик бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар ташкил этади. Бироқ, уларнинг ғоявий асослари ўртасидаги уйғунлик ва яхлитлик мавжуд бўлган ҳолдагина доктрина сифатида эътироф этилиши мумкин. Бироқ, ҳар қандай ҳукуқ тармоғида илмий муаммоларни ҳал этишга нисбатан турлича ёндашувлар, турлича ғоялар мавжуд ва гоҳида улар бир бирларини инкор этади, мутлақо бошқа бошқа хulosalararga олиб келади. Албатта, ҳар қандай илм-фан баҳс мунозараларсиз, турлича қарашларсиз мавжуд бўла олмайди. Муайян вақт, муайян давр оралиғида илм-фаннынг муайян тармоғида муайян ғоялар тизими, ёндашувлар, қарашлар ҳукмрон ёки етакчи мавқега эга бўлади. Унинг қоидалари, ғоялари, хulosalarasi тўғри ва илмий ҳақиқат сифатида қабул қилинади. Албатта, ушбу фикр мулоҳазани мутлақ маънода эмас, нисбий маънода тушунмоқ лозим чунки, илм-фан олға қараб боргани сари бошқа ёндашувлар, янги ёндашувлар етакчи мавқега чиқиши мумкин. Агарда цивил доктринасини муз тоғи – айсберг билан таққослаш ўринли бўлса, фуқаролик ҳукуки фанини яхлит муз тоғи, унинг сув устида кўриниб турган қисмини доктрина ва сув остидаги кўринмас қисмини эса бошқа илмий ғоялар, фикрлар, ишлар сифатида баҳолаш мумкин. Юқорида К.Рашидов қонун

¹⁹ Қаранг. Рашидов К.К. Значения доктрины в установлении содержания международного частного право иностранного государства// Обзор законодательства Республики Узбекистан. 2015.. №4

чиқарувчи ёхуд ҳуқуқни қўлловчи давлат органи турли қарама-қарши фикрлар, ғоялар ичida қайсисини танлаб олишга ўз ихтиёри бўйича ҳақлидир ва бунда ҳуқуқ доктринасининг ишончга сазоворлиги ва умум томонидан эътироф этилганлиги асосий мезон бўлишини тўғри таъкидлади. Ўз-ўзидан равшанки, ишончга сазовор ва умум эътироф этган ғоялар, қарашлар, ёндашувлар ҳукмон мавқега эга.

Баъзи ҳолатларда муайян илмий ғоялар тизимиға эмас, балки муайян илмий гуруҳ ва хатто муайян иқтидорли олимнинг шахси тимсолида доктрина билан узвий боғлиқлик мавжуд бўлиши мумкин. Масалан француз ҳуқуқшунос олими Желе Бержел ўз вақтида цивилист олим Потье Франция Фуқаролик кодекси (Наполеон кодекси) ишлаб чиқишида жуда катта таъсирга эга бўлган деб кўрсатади.²⁰

Мамлакатимизда миллий ҳуқуқ доктринаси ва цивил ҳуқуқи доктринаси мазмун моҳиятини белгилашда академик Х.Рахмонқуловнинг ўрни ва хизматлари бекиёслигини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлар эди.

Ҳуқуқ доктринаси миллий ҳуқуқ миқёсида ва муайян ҳуқуқ тармоқлари миқёсида мавжуд бўлар экан, ҳуқуқни бундан кейинги қуи тузилмалари миқёсида доктрина алоҳида тарзда мавжуд бўла оладими деган савол туғилади. Гап бу ўринда интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳақида бормоқда. Гарчи бир вақтлар интеллектуал мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқида мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи институти сифатида мавжуд бўлганда, унинг субинститути бўлган бўлса ҳам, кейинчалик алоҳида институт сифатида эътироф этилгани ва бугунги кунга келиб, деярли барча цивилист олимлар интеллектуал мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг кичик соҳаси сифатида мавжудлигини эътироф этмоқдалар. Интеллектуал мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг кичик соҳаси сифатида мавжудлигининг мутлақлиги ёки шартлилиги тўғрисида турлича қарашлар мавжуд. Лекин кўпчилик МДХ мамлакатларида Фуқаролик кодексларининг IV бўлимлари интеллектуал мулкка бағишлиланган. Албатта, баъзи мамлакатларда масалан, Россия Федерациясида интеллектуал мулкка бағишлиланган алоҳида қонунлар мавжуд эмас, уларнинг ҳаммаси Фуқаролик кодексининг IV бўлимида жамланган ва шу маънода Фуқаролик кодекси интеллектуал мулк бўйича ижтимоий муносабатларни бевосита ҳуқуқий тартибга солувчи ягона тизимлаштирилган манба ҳисобланади. Тўғри, кўпчилик цивилист олимлар Россия Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулкка бағишлиланган IV бўлими соф фуқаролик ҳуқуқий моҳиятга эга эмас, унда патент бериш, патентни бекор қилиш, муддатини узайтириш ва бошқа шу каби маъмурий ҳуқуқий муносабатлар ҳамаралашиб кетган деб ҳисоблайдилар

²⁰ Қаранг. Бержел Ж.Л. Общая теория право. М. 2000 йил. 133 бет.

ва бу ҳолатни салбий баҳолайдилар. Бироқ бунга нисбатан Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг IV бўлимини ишлаб чиқкан мутахассислар Фуқаролик кодексида фуқаролик муносабатларини соғлигини сақлаб қолиш долзарб эмас, асосийси Фуқароликкодекси интеллектуал мулк билан боғлиқ муносабатларни самарали ва таъсирчан тартибга солиш муҳимроқ деб ҳисоблайдилар. Бизга маълумки, мамлакатимизда Фуқаролик кодексининг IV бўлими билан биргаликда интеллектуал мулк бўйича муносабатларни тартибга соловчи алоҳида қонунлар ва қатор қонун ости ҳужжатлари амал қиласди. Алоҳида қонунлар интеллектуал мулкнинг муайян объектлари бўйича улар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни батафсил ва атрофлича тартибга солишга қаратилган. Бироқ шунга қарамай Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулкка бағишлиланган IV бўлими ҳам ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида ўз юкига ва салмоғига эга. Юқоридагилардан кўриниб турибдики интеллектуал мулкнинг норматив- ҳуқуқий базаси ниҳоятда кенг ва ранг баранг. Бироқ шуни ўзи мамлакатимизда интеллектуал мулк ўз доктринасига эга деган ғояни илгари суришга асос бўла олмайди. Гарчи фуқаролик ҳуқуқининг кичик соҳалари сифатида эътироф этилган мулк ҳуқуқи ва унинг бир шаҳобчаси бўлган хусусий мулк ҳуқуқи ўзининг мафкуравий, сиёсий асосларига эга ва бинобарин муайян доктринага таяниши ҳаммага аён ҳақиқат бўлса ҳам, интеллектуал мулк тўғрисида бундай ғояни илгари суриш исбот талаб қиласидиган мулоҳаза ҳисобланади. Мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳуқуқи ўз доктринасига эгалигининг формал ва зоҳирий (ташқи) белгилари фикримизча қўйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий иқтисодий ислоҳотлар ва уларни ҳуқуқий таъминлаш жараёнида интеллектуал мулк билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам кенг кўламли равища ўз ифодасини топган. Интеллектуал мулк ҳуқуқи илм-фаннынг ҳуқуқий негизи ҳисобланади. Илм-фан эса бунёдкор кучdir. Бежизга Президентимиз “Нажот таълимда нажот илимда” деб айтмаган.

1.4-§. Мамлакатимизда интеллектуал мулк доктринасининг моҳияти

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин миллий ҳуқуқ тизими вужудга келди, кенг ривожланди, унинг назарий асослари шакллантирилди. Ушбу мулоҳаза интеллектуал мулк ҳуқуқига нисбатан ҳам тўла тааллуқлидир. Гарчи интеллектуал мулк билан боғлиқ илмий муаммоларни ўрганиш жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, божхона ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ йўналишларида ҳам амалга оширилган бўлишига қарамасдан, бу соҳада энг кучли

жамланиш ва ривожланиш фуқаролик ҳуқуқи йўналишида амалга оширилди. Мамлакатимизда бу соҳада ўнлаб чукур фундаментал тадқиқотлар олиб борилди, юзлаб илмий мақолалар чоп этилди. Айниқса академик X.Рахмонқуловнинг ижод эркинлигининг шахсий ҳуқуқлар тизимида тутган ўрни бўйича, ушбу сатрлар муаллифининг ғўзанинг янги навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқишига жорий этиш шартномалари, интеллектуал мулк ҳуқуқининг назарий-амалий муаммолари, Б.Тошевнинг муаллифлик ҳуқуқи, Н.Имомовнинг селекция ютуқлари, интеллектуал мулкнинг янги обьектларига бағишлиланган тадқиқотлари, И.Насриевнинг муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари, В.Юсуповнинг саноат мулк ҳуқуқи, Б.Ахмаджоновнинг мутлақ ҳуқуқлар конструкцияси, А.Асфандиёровнинг саноат мулки обьектларининг халқаро ҳуқуқий ҳимоясига бағишлиланган ишлари, И.Бирюкованинг биопатентга бағишлиланган илмий тадқиқотлари, З.Ақрамхўжаевани интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш воситаларига бағишлиланган илмий ишлари, Ш.Худойбердиеванинг турдош ҳуқуқларга бағишлиланган илмий ишлари, И.Рустамбековнинг домен номлари ҳимоясига бағишлиланган ишлари, А.Фофуровнинг патент судлари бўйича хориж тажрибаси тўғрисидаги, Л.Тошпўлатова, А.Ахмедовларнинг илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш натижаларини амалиётга жорий қилиш ва инновация жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, Д.Огайнинг фуқаролик муомаласи иштирокчиларини индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалаларига бағишлиланган тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Албатта бу асарларнинг барчасида ҳам интеллектуал мулк доктринаси негизида ётувчи илмий қарашлар илгари сурилмаган бўлиши мумкин, бироқ, фуқаролик ҳуқуқида интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича илмий тадқиқотлар салмоқли ўринга эга ва келгусида бу соҳа янада кучлироқ ривожланишини башорат қилиш айни ҳақиқатdir.

Интеллектуал мулк доктринаси билан боғлиқ бўлган навбатдаги масала-бу ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва суд амалиётининг ҳозирги ҳолати ва уларни доктрина билан боғлиқлиги масаласидир. Бугунги кунда интеллектуал мулк билан боғлиқ масалаларга хизмат қилувчи юридик фирмалар, консалтинг марказлари вужудга келмоқда. Патент вакиллиги бўйича муайян фаолият амалга оширилмоқда вақтли матбуотда, айниқса шоу бизнес масалаларини ёритувчи, газета журналларда плагиат масалалари қизғин муҳокама қилинмоқда, рукнлардан рукнларга кўчмоқда. Гоҳ у ижрочини, гоҳ бу ижрочини плагиатда, кўчирмакашликда айблаш одатдаги ҳолга айланиб қолган деб айтиш мумкин, ва хатто, айрим ижодкорлар ўзининг бутун ижодий фаолиятини плагиат асосида қуриши тўғрисидаги таъна дашномлар баралла

янграмоқда. Бироқ, бу баҳс-мунозаралар одил судловни амалга ошириш ишларининг предметига айланиши камдан-кам ҳолларда рўй бермоқда. Тўғри, баъзи ҳолларда плағиат бўйича материаллар асосли далиллар орқали оригинал матн ва кўчирилган матн қиёсий таҳлили орқали берилиш ҳоллари учрайди. Д.Усмонов Ўзбекистонда 2013 йилда суратга олинган “Хиёнат гирдоби” фильмни Буюк Британия ва АҚШ ҳамкорлигига 2005 йилда суратга олинган “Хиёнат баҳоси” фильмига айнан ўхшашлигини таъкидлайди. Режиссёр Сайд Мухторовнинг фильмини Жаҳонгир Фозилжонов томонидан суратга олинган “Қизалогим” фильмни билан ўхшашлигини муҳлислар пайқашган. Райхон Ганиеванинг “Табиб” қўшиғи Канизанинг “Лилла” қўшиғини такрорлаши ҳам муҳлислар назаридан четда қолмаган.²¹

Лекин қўп ҳолатларда плағиатда айбловлар исбот далилсиз берилади ва беихтиёр бунинг ўзи ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлидаги жонбозлик эмас, балки ўзига хос обрў топиш, ҳеч бўлмаса одамлар диққат эътиборини ўзига тортиш, уларнинг назарига тушиш, яъни қора пиар эмасмикан деб ўйлаб қоласан киши.

Суд амалиётида учраб турадиган низолар ҳам қўпроқ муаллифлик ҳуқуқи, товар белгилари, фирма номлари билан боғлиқ. Селекция ютуқларига доир ҳам суд ишлари амалиёти мавжуд. Масалан, Оқдарё ғўза нави муаллифлар жамоаси таркиби бўйича, Аланга шоли навига нисбатан мерос бўлиб ўтган мутлақ ҳуқуқларни бузилиш ҳолатларидан ҳимоя қилиш тўғрисида ишлар фуқаролик судларида кўрилган. Бироқ, саноат мулки объектларини қўллаш билан, патентлар билан боғлиқ бўлган низолар ҳозирча судларда кам учрайди. Бу эса ўз навбатида инновация жараёни иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар суд амалиётидан ўрин эгалламаганидан далолат беради. Бироқ бу фикр-мулоҳазалар бугунги кунга тааллуқли. Ўзбекистоннинг ривожланиш суръатларини, унинг омилларини, манбаларини кузатиб хulosага келиш мумкинки, келгусида юксак техникалар ва илғор технологиялар билан боғлиқ муносабатлар ижтимоий ҳаётда кенг кўламда ўз ифодасини топади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва суд амалиёти бунга тайёр турмоғи лозим. Бугунги кунда интеллектуал мулк доктринаси мазмунида мужассамланган энг асосий ғоялардан бири-интеллектуал мулк бўйича халқимизнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама ошириш ҳисобланади. Кишилар онгига илмий ғояларга нисбатан товар сифатида қараш, унга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар кимга тегишилигини англаш этиш ва ҳуқуқ эгаларидан беруҳсат ҳолда фойдаланмаслик ҳаётий қўникмага

²¹ Қаранг. Кўчирмакаш режиссёрларнинг сири фош бўлди. Даракчи. 3 сон. 2016 йил. 22 бет.; Райхон ва Каниза қўшиқлари нега ўхшаш. Даракчи. 10 сон. 2016 йил. 24 бет.

айланиши лозим. Шу муносабат билан миллий бозорда сотилаётган товарлар, шоу бизнес хизматлари, дастурий таъминот маҳсулотлари, интеллектуал мулк нормалари асосида муомалада бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бироқ афсуски лицензияланган легал маҳсулотлар билан соҳталаштирилган қароқчилик маҳсулотлари ўртасидаги нисбат ҳамон кишини ташвишга солади. Тўғри лицензияланган маҳсулотлар нисбатан қиммат, шу сабабли ҳам кишилар қўп ҳолатларда қароқчилик маҳсулотларини сотиб оладилар ва бунда улар хатто ўzlари қилаётган қилмишлари моҳиятини ўйлаб ҳам ўтирамайдилар. Энг даҳшатли фожеа шундаки, бундай ҳолатга нисбатан “ҳамма шундай қиляпти”, “нега арzon турганда қимматини олишим керак”, “бунда ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик қилмадим” каби иddaолар айтилади. Интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфатларини менсимаслик, ҳисобга олмаслик кўпчилик учун оддий қўникма ҳолат бўлиб қолиши ушбу муаммони чуқур илдизга эга эканлигидан далолат беради. Инсонда унинг гўдаклигидан бошлаб одоб-ахлоқ қоидалари онгига сингдирилишида интеллектуал мулк билан боғлиқ сегментлар ҳам уйғунлаштирилмоғи лозим. Бунинг сабаби болалар кўпинча ўрганишга кўпроқ мойил бўлади ва уларнинг онглари мавхум тушунчаларни тушунишга кўпроқ мослашишидир. Моддий ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи қандай муқаддас бўлса ва дахлсиз бўлса илмий ғояга нисбатан, асарга нисбатан ҳуқуқлар ҳам худди шундай муқаддас ва дахлсиз бўлмоғи лозим. Одамлар буни англаб етишлари учун интеллектуал мулк доктринаси ўзида муайян методологик тизимни мужассамлантиради.

Аҳоли ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини ошириш дастурларини ишлаб чиқиша, бу бўйича тадбирларни амалга оширишда интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ва хайриҳоҳлик билан қарашиб кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Халқимизда бола йигламаса она сут бермайди деган ажойиб бир мақол бор. Интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада бошқа шахслар томонидан содир этиладиган ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик билан муносабатда бўлиш психиологиясини шакллантириш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Мамлакатимизда аҳолининг муайян қисмини зиёлилар ҳисобланади, улар ичида ижодкор зиёлилар кўпчиликни ташкил қилади. Булар бастакорлар, рассомлари, раққосалар, хонандалар, созандалар, шоирлар, ёзувчилар ва шу кабилардир. Уларнинг асарлари тижорат муомаласида ҳам, нотижорат муомаласида ҳам амалда. Ижодкор зиёлилар даромад манбаларининг муайян қисми ушбу муомаладан келиб тушади. Бироқ, афсуски бу соҳада муайян тартиб-интизом, ташкилий-ҳуқуқий инфратузилмалар заифлиги яққол сезилмоқда. Айниқса шоу бизнес интеллектуал мулк бўйича қонунларга риоя қилишдан кўра, қонунларга

беътибор қараш, менсимаслик ва очиқдан очиқ бузиш ҳолатлари билан муроса қилмоқда. Ижодкор зиёлиларнинг ижодий уюшмалари жумладан, Бадиий академия, театр жамияти, ёзувчилар уюшмаси, журналистлар уюшмаси ва шу кабилар интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни олдинги марраларида бўлиши, буни ўзи учун долзарб вазифа, асосий мақсад қилиб қўйиши лозим эди. Бироқ улар бу масалага иккинчи ёки учинчи даражали вазифа сифатида қарамоқдалар. Ижодкор зиёлиларнинг катта қўпчилигига ҳуқуқий нигилизм ҳолатлари кузатилади. Ушбу соҳада жиддий ислоҳотларни амални ошириш вақти етди. Ижодкор зиёлилар ўзларининг интеллектуал мулк ҳуқуқларининг соҳиби эканликларини англаб етишлари, бу ҳуқуқлар мазмунида ётувчи ваколатларни самарали амалга ошириш усуллари ва кўникмаларини эгаллашлари ва бу ҳуқуқлар бузилган тақдирда шахсан ўзлари ҳимоя қилиш, суд орқали ҳимоя қилиш ва ҳимоя қилишни бошқа шаклларидан фойдаланишни пухта билишлари талаб этилади.

Албатта интеллектуал мулк бўйича қонунларни қўллаш амалиёти ва уларга нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича суд амалиёти гарчи кўнгилдагидек бўлмаса ҳам, бироқ бу соҳада ўзгаришлар содир бўлаётганлиги бўйича ижобий фактлар ҳам мавжуд. Масалан, 2016 йилга Францияда бўлиб ўтган футбол бўйича Европа чемпионати ўйинларини Ўзбекистонда телевидения орқали кўрсатишда илк маротаба ҳеч қандай маданий қароқчиликка йўл қўйилмади. “Uzreport” телеканали Европа чемпионати ўйинларини трансляция қилиш бўйича ҳуқуқ эгалари билан лицензия шартномаси туздилар.

Агарда мамлакатимизда интеллектуал мулк бўйича илмий доктрина мавжуд экан, бу ҳолда ушбу доктринанинг мазмуни моҳияти нимадан иборат деган савол туғилади. Чунки доктрина қандайдир мавҳумот эмас, балки муайян ғоялар тизимидан иборатдир. Ўзбекистонда интеллектуал мулк бўйича ўtkazilgan илмий тадқиқотлар мазмунида мужассамланган ишончга сазовор ва умумэътироф этилган қуйидаги ғояларни, тамойилларни интеллектуал мулк ҳуқуқи доктринаси дормалари сифатида эътироф этиш мумкин. Биринчи ижод эркинлиги тамойили. Барча фан, адабиёт, санъат асарларини ва интеллектуал мулкнинг бошқа обьектларини ўз ижодий фаолияти асосида эркин яратиш ва унинг муаллифи сифатида ҳамма томонидан эътироф этилишини талаб қилишга ҳақли. Ижод эркинлигини таъминланиши натижасида мамлакатимизда фан, адабиёт, санъат кенг ривожланади, гуллаб яшнайди. Лекин ижод эркинлиги мутлақо чегараланмаган эркинлик эмас. Ижод эркинлиги ахлоқсизлик, фахш, зўравонлик, конституцион тузумга қарши қаратилган ҳар қандай асарларни яратилишига чеклов қўяди.

Иккинчи тамойил барчани фан, адабиёт, санъат асарларидан баҳраманд

бўлиш ҳуқуқи билан узвий боғлиқ. Маълумки фан, адабиёт, санъат асарлари инсон учун билимлар манбаи, уни маънавий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан камол топишини таъминловчи бениҳоя чексиз ва қудратли тизимдир. Давлат ҳар бир фуқарони фан, адабиёт, санъат асарларидан эркин баҳраманд бўлиши тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қиласи. Бундай ғамхўрлик таълим тизими, маданият, тизими, илм фан тизимини ривожлантириш, қўллаб кувватлаш орқали амалга оширилади. Тўғри, муайян фан, маданият, санъат асарлари яратилган илк даврларда тижоратлаштирилиши ва ундан фақатгина ҳақ эвазига фойдаланишга йўл қўйилиши мумкин, бироқ бу фақат чекланган даврда бўлади. Инсоният томонидан яратилган жамики интеллектуал мулк обьектлари уларга нисбатан қонунда белгиланган муддат давомида мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатлари таъсири доирасида бўлганлардан ташқари, ижтимоий бойлик ҳисобланади ва барча ундан эркин фойдаланишга ҳақли.

Учинчи тамойил интеллектуал мулк обьектларига нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқуқларни қонунларда мустаҳкамлаб қўйилганлиги ва уларни ҳар қандай бузилишлар суд орқали ҳимоя қилинишида мужассамланади. Мамлакатимизда интеллектуал мулкнинг турли туман обьектлари бўйича маҳсус қонунлар қабул қилинган ва уларда ушбу тамойил амал қилиши юридик таъминланган.

Тўртинчи тамойил моҳияти интеллектуал мулк бўйича мамлакат қонунчилигини халқаро стандартлар орқали шакллантирилиши билан боғлиқ.

Маълумки, қонун ижодкорлиги мураккаб жараён. Қонун ижодкорлиги жараёнида муайян мамлакат ички шарт шароитлари ва у билан боғлиқ омиллар, масалан муайян ислоҳотларни амалга ошириш зарурияти, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, суд амалиёти билан боғлиқ манбалар ёхуд бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибаси халқаро стандартлар билан боғлиқ манбалар ғоят муҳим рол ўйнайди. Албатта иқтисодий блок қонунлари нормалари мазмунини шакллантиришда миллий омиллар етакчи ва ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бироқ интеллектуал мулк бўйича миллий қонунларни шакллантиришда Ўзбекистон кўпроқ саноат мулки обьектларини ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси, адабий бадий асарларни ҳимоя қилиш бўйича Берн конвенцияси ва интеллектуал мулк бўйича Бутунжаҳон ташкилоти доирасидаги халқаро конвенциялар, битимларга мўлжал олади ва улар ғоят муҳим аҳамиятга эга. Реал воқеликда ушбу тамойилнинг амал қилиши муайян обьектив сабабларга таянади. Одатда интеллектуал мулкнинг муайян янги обьектлари хорижий мамлакатларда яратилади. Уларни ҳуқуқий таъминлаш ҳам илк бора хорижда апробациядан ўтади. Демак, бунда миллий факторлар ўз ўзидан етакчилик қила олмайди. Ҳар доим велосипед ихтиро

қилгандан кўра хорижда яратилган “Қулай велосипед моделини” яъни ҳукуқий конструкцияни миллий тизимга киритиш қулайроқ.

Бешинчи тамойилни Ўзбекистонни дунё интеллектуал мулк бозорида истеъмолчилик мавқеи устуворлиги тамойили деб номлаш мумкин. Юқорида кўрсатилганидек, Ўзбекистонда асосан хорижда яратилган интеллектуал мулк объектларини ўзида ўзлаштиришга бўлган зарурат устувор ҳисобланади. Бутун дунё бўйича халқаро бозор ва халқаро меҳнат тақсимоти мавжуд ва дунёнинг ҳеч бир мамлакати ёпиқ тизим асосида интеллектуал мулк объектларини яратиш ва жорий қилиш бўйича ўзининг мутлақо мустақил тараққиёт тизимини яратади. Хатто йирик ривожланган мамлакатлар ҳам бунинг уддасидан чиқа олмайдилар. Ўзбекистон интеллектуал мулк бозорида истеъмолчи сифатида чиқар экан, ушбу мақом унинг миллий манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим ва бу бўйича тегишли ҳукуқий асослар яратилиши талаб этилади. Бу ўринда Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк бозорида истеъмолчи сифатидаги миллий манфаатлари ва Ўзбекистон ҳукукий майдонда халқаро андозаларнинг устуворлиги тамойиллари ўртасида ўзига хос зиддият коллиязия вужудга келадигандек кўринади. Бироқ, масалани бундай талқин этиш тўғри бўлмаган бўлур эди. Шубҳасиз, Ўзбекистон ўзи иштирок этаётган барча халқаро конвенциялар ва халқаро андозалар асосида ўз қонунчилигини шакллантиради. Миллий қонунчиликни бундай шакллантишида Ўзбекистон ўз миллий манфаатларини тўлароқ таъминловчи халқаро андозаларни мўлжал қилмоғи талаб этилади. Масалан, Берн конвенцияси бўйича муаллифлик мутлақ ҳукуқларнинг амал қилиш муддати муаллиф вафотидан кейин энг камида эллик йил қилиб белгиланган. Лекин Европанинг кўпгина мамлакатларида бундай муддат етмиш йил қилиб белгиланган. Албатта ўз ўзидан равшанки истеъмолчи давлат учун унинг миллий манфаатлари Берн конвенциясида белгилаб қўйилган минимал муддатни белгилашини тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси ўз Фуқаролик кодексида ва муаллифлик ва турдош ҳукуқлар тўғрисидаги қонунда миллий манфаатлардан келиб чиқиб, Берн конвенциясидаги энг минимал халқаро андозани, яъни эллик йиллик муддатни ўз қонунида белгилаб қўйди.

Олтинчи тамойил илм фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, яъни инновация давлат томонидан барча чоралар билан қўллаб қувватланиши ва рағбатлантирилиши шарт деган ғояда ифодаланади. Илм фан ўз ўзича мавжуд бўлмайди, илм фан натижалари амалиётга жорий этилиши шарт. Дунёдаги жамики тараққиётни асосий рағбатлантирувчи, ҳаракатлантирувчи кучи илм фан эканлиги исбот талаб қилинмайдиган аксиомадир. Давлат инновация жараёнига ҳар томонлама қулай шарт шароитлар яратиши, юридик кафолатлар

белгилаши, иқтисодий манфаатдорлик тизимини яратиши, сиёсий-ташкилий жиҳатдан ҳар томонлама қулай муҳитни вужудга келтириши лозим.

Еттинчи тамойил бўлган инновация жараёнинг узлуксизлиги ва доимийлиги дунё иқтисодий бозорида шафқатсиз ва муросасиз рақобат муҳитидан келиб чиқади. Бу рақобат нафақат товарлар, ишлар, хизматлар, барча ишчи кучлари ўртасида ҳам мавжуд. Бундай ҳолат ўз ўзидан мамлакатимизда инновация жараёнини узлуксизлиги ва доимийлигини шарт қилиб қўяди. Бугунги инновация тадбири бир икки йил, кўпи билан уч йил товарлар, ишлар, хизматлар бозорида рақобатбардошликни таъминлай олади. Тараққиёт шиддат билан кетмоқда. Илм фан янгидан-янги ишланмаларни таклиф этмоқда. Демак, ҳар бир корхона инновацияни узлуксизлиги ва доимийлигини ўз фаолиятини ташкил этишда ҳисобга олмоғи шарт. Акс ҳолда бозор конюнктураси талабларига жавоб бера олмасдан, синиши аён.

II БОБ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1-§. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни суд орқали ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий тизимининг моҳияти, зарурияти ва умумий тавсифи

Фуқаролик қонунчилиги улар томонидан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартноманинг эркинлигига, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўсқинликсиз амалга оширилишини, бузилган ҳуқуқлар тикланишини, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади.

Фуқаролик ҳуқуқлари тизимида интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқлар ва қонуний манфаатлар анъанавий фуқаролик ҳуқуқлари бўлган мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, деликт мажбуриятларга нисбатан яқинда вужудга келди деб айтиш мумкин. Миллий ҳуқуқ тизимида интеллектуал мулкнинг ҳар бир обьекти бўйича маҳсус қонунлар қабул қилинди. Уларда турли субъектлар ҳуқуқларининг турлари, уларнинг мазмунни мустаҳкамлаб қўйилди. Бироқ шуни эътироф этиш лозимки, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ўzlари ҳам бу ҳуқуқлар мазмунини тўла қонли англаб, улардан самарали фойдаланиш кўникмасини хали ҳануз англаб етганлари йўқ. Интеллектуал мулк обьектларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа иштирокчилар ҳуқуқий онги ва маданиятини бу соҳадаги ҳолати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бироқ шунга қарамасдан, вазият жиддий равишда ўнгланаётганини эътироф этиш лозим. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам, суд амалиётида ҳам бу соҳада муайян жонланиш сезилмоқда. Агар интеллектуал мулкни ижтимоий маънавий ҳаётимизда ва иқтисодий ривожланишда асосий драйвер яъни ҳаракатлантирувчи куч эканлигини эътиборга олсак, бу соҳада жиддий, тизимли тадбирларни амалга оширишимиз лозим бўлади. Бу тизимли тадбирлар ичida интеллектуал мулк обьектларига нисбатан суд орқали ҳуқуқий ҳимоя самарали амалиётини ва кўникмаларини шакллантириш марказий ўринни эгаллайди. Бу соҳада ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиш, маъмурий тартибда ҳимоя қилиш, суд ҳокимиятини аралаштирган ҳолда ҳимоя қилиш бўйича ҳар қандай хатолар, баҳс-мунозаралар фақат суд орқали ҳимоя тизимида адолатли ва қонуний ечим топиши мумкин.

Суд орқали ҳимоя қилишнинг самарали тизимини шакллантиришда интеллектуал мулк обьектлари ҳуқуқий режими, хусусан, уларни вужудга

келтирувчи интеллектуал фаолият, ижодий фаолиятни ўзига хос хусусиятлари мухим аҳамиятга эга.

Ижод эркинлиги инсон хуқуқларининг таркибий қисми сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилда қабул қилинган “Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 27-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган²². Унга кўра ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда қатнашиш ва унинг неъматларидан фойдаланиш хуқуқига эгадир. Ҳар бир инсон ўзи муаллифи бўлган илмий, адабий ёки бадиий асарлар юзасидан маънавий ва моддий манфаатлари ҳимоя қилиниши хуқуқига эгадир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йилда қабул қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тўғрисида”ти халқаро Пактда²³ ҳам ижод эркинлиги ва унинг натижаларига бўлган хуқуқ мазмуни “Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси” мазмун моҳиятини ўзида мужассамлайди. Халқаро Пактнинг 15-моддасига кўра ушбу пактда иштирок этаётган давлатлар ҳар бир инсонни қуида баён этилган хуқуқини эътироф этадилар:

А. маданий ҳаётда қатнашиш;

Б. илмий тараққиёт ва уни амалда қўлланиш натижаларидан фойдаланиш;

С. ўзи муаллиф бўлган илмий, адабий ёки бадиий асарлар муносабати билан маънавий ва моддий манфаатлар ҳимоясидан фойдаланиш.

Мазкур Пактда иштирок этаётан давлатлар томонидан ушбу хуқуқни тўла амалга оширилиши учун кўрилиши керак бўлган тадбирлар илм-фан ва маданият ютуқларини асраш, ривожлантириш ва ёйиш учун зарур бўлган чораларни қамраб олади.

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар илмий тадқиқотлар ва ижодий фаолият учун сўзсиз зарур бўлган эркинликни ҳурмат қилиш мажбуриятини оладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон хуқуқлари бўйича халқаро стандартлар даражасида шакллантирилганлигини эътироф этиш лозим. Конституциянинг 53-моддасида ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хуқуқи кафолатланади, давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилиши белгилаб қўйилган. Айни пайтда шуни таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда мамлакатимизда Конституциянинг бевосита амал қилиш қўниумаси

²² Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Тошкент. Адолат. 1992 й.

²³ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт. Тошкент. Адолат. 1992 й.

фуқароларда шаклланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишлиган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисдаги йиғилишда сўзлаган нутқида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини мазмунини очиб бериб, бу муҳим концептуал ҳужжатда ислоҳотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига кўйилди. Биз ушбу стратегияда юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг хуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини энг олий қадрият деб белгиладик.

Маълумки, бу олий қадриятни том маънода қарор топтириш, бирон бир манзилган етиб бориб тўхташ дегани эмас. Инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканини барчамиз чуқур англаймиз. Жаҳон тарихи ва демократик давлат тажрибаси ҳам шундан далолат беради.²⁴

Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан хуқуқлар ва қонуний манфаатлар эътироф этилиши ва ҳимоясининг асосий шартлари сифатида ижод эркинлигини чегарасини аниқлаб олиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ижод эркинлиги ҳам ўз навбатида муайян турларга бўлиниши юқорида қайд этилган эди. Хусусан, илмий ижод эркинлиги ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган категория хисобланади. Нафақат илм-фан тарихида, балки бутун инсоният тамаддуни тарихида ижод эркинлигини муайян даражада чеклаш охир оқибатда хато бўлиб чиққанлиги ҳаммага маълум бўлган ҳақиқатdir. Масалан, Жордано Бруно ва Галилей ерни шар шаклида эканлиги ҳақидаги илмий ғояси учун гулханда ёқилган ёки инквизиция суди олдида жавоб берган. Совет даврида генетика ва кибернетика каби фан соҳалари марксизм ақидаларига тўғри келмаганлиги учун соҳта фан деб эълон қилинган ва уни намоёндалари қувгин қилинган. Охир оқибат бу Совет фанини ушбу йўналишлар соҳасида кескин орқада қолишига олиб келди. Ушбу сатрлар муаллифи бир вақтлар илмий суверенитет ҳақида ғояларни илгари сурган эди²⁵. Албатта у ўз даврида миллий суверенитет, давлат суверенитети каби ғоялар кенг урф бўлган пайтда илгари сурилган замонасозлик қарашининг кўриниши бўлиб ҳисобланиши ҳам мумкин. Бироқ, унинг муайян рационал мағзи бор деб ҳисоблаймиз. Илмий суверенитет ўз навбатида қўйидаги тамоилиларга асосланади: биринчидан, ҳар қандай илмий ғоя яшашга ҳақли; иккинчидан, ҳеч қандай илмий ғояни тўғри ёки нотўғри эканлиги давлат

²⁴ Халқ сўзи. 7 ноябр. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишлиган Олий Мажлис Палаталари қўшма мажлисдаги йиғилишда сўзлаган нутки.

²⁵ О.Оқюлов. Правовой статус интеллектуальной собственности. Автореф. Докт.дисс. Т.2000 г. 1. 7.

ҳокимияти ёки суд орқали белгиланмаслиги лозим; учинчидан, янги илмий гоя муаллифи ижтимоий жиҳатдан таъқиб остига олинмаслиги лозим.

Албатта юқоридаги илмий суверенитет концепциясидан илм-фанда ҳар ким ўзи хоҳлаган ғояни илгари сураверади деган анархистик ёндашув тушунилмаслиги лозим. Олимнинг фан олдидаги маъсулияти, жамият олдидаги маъсулияти унинг илмий ижодий фаолияти учун ҳам муайян мажбурият юклайди. Ўзбекистон Республикаси “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Конунийнинг 14-моддасида ижод эркинлигини сунистеъмол қилишни муайян чегаралари белгилаб қўйилган. Бунга кўра илмий фаолият юритувчи шахслар инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказмасликка; қўчирмачиликка йўл қўймасликка, ўзгаларнинг илмий ишланмаларини ўзлаштирумасликка ва ёлғон маълумотларга асосланмасликка; интеллектуал мулк ҳукуқлари ва илмий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга мажбурдирдир.

Бугунги кунда олимларда юксак маъсулият туйғуси мавжудлиги тўғрисида дадил айтиш мумкин. Ўтган аср 90 йилларида ҳайвонларни клонлаштириш бўйича тадқиқотлар муваффақиятли яқунланди. Навбатдаги масала инсонни клонлаштириш кун тартибига чиқди. Айни пайтда бу соҳада ҳуқуқий ва ахлоқий муаммолар ҳам кўндаланг бўлди. Шу сабабли ҳам бутун дунё олимлари яқдиллик билан инсонни клонлаштиришни то бу соҳадаги ҳуқуқий ва ахлоқий ечимлар топилмагунча тўхтатиб туришга қарор қилдилар. Лекин афсуски Хитойлик бир олим 2017-2018 йилларда инсонни клонлаштириш билан боғлиқ тадқиқотларни амалга оширгани маълум бўлди. Шу муносабат билан илмий жамоатчиликда кенг муҳокама бўлиб ўтди ва олимлар инсонни клонлаштириш бўйича тадқиқотларга нисбатан мараторийга қатъий риоя қилиш бўйича ўз аҳдларига содик эканликларини яна бир бор изҳор этдилар.

Илмий фаолиятдан фарқли равишда адабий, бадиий фаолият оммавий ахборот воситалар орқали ўзини намоён қиласди. Бинобарин, бадиий ижод эркинлиги, адабий ижод эркинлиги, сўз эркинлиги, ахборотларни излаш, топиш ва тарқатиш эркинлиги билан узвий равишда боғлиқ. Конституциямизнинг XV боби бевосита оммавий ахборат воситаларига фаолиятига боғлиқ бўлиб, унда қуйидаги нормалар акс этган: оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар. Улар ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгардир. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳукуқлари амалга оширилишини кафолатлайди. Цензурага йўл қўйилмайди деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига

тўсқинлик қилиш ёки аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши назарда тутилган.

Айни пайтда шуни таъкидлаш ўринлики Конституциянинг баъзи нормаларида тақдим этилган эркинликни амалга ошириш доиралари ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Конституциянинг 21-моддасига кўра инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт. 33-моддада ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилиши белгилаб қўйилган. Конституциянинг 71-моддасида эса конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, худудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолияти, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва асарлар яратишга нисбатан таъқиқ қўйилган деб айтиш мумкин.

2007 йил 5 январда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини сустеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган.

Оммавий ахборот воситаларидан:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, худудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш;

уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилиш;

давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборот тарқатиш;

агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни тарғиб этиш;

қонунга мувофиқ жиноий ва ўзга жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-кимматини ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий ҳаётига араласиши тақиқланади.

Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз суриштирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш тақиқланади.

“Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг муаллифлик ҳукуқи объектлари ҳисобланмайдиган материаллар рўйхати белгиланган.

Бинобарин илмий ижод эркинлиги ва адабий-бадиий ижод эркинлигини сустеъмол қилиш натижасида яратилган объектлар, шунингдек, интеллектуал мулк обьекти бўлиб ҳисобланмайдиган предметларга нисбатан уни яратувчиларида интеллектуал мулк обьектларига нисбатан ҳукуқлар вужудга келмайди. Бинобарин, улар эҳтимол тутилган ҳукуқларини на маъмурий тартибида ва на суд тартибида ҳимоя қилинишини талаб қила олмайдилар.

Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан ҳукуқ эгалари бу ҳукуқларни ҳимоя қилиши учун асос бўлиб уларнинг легитимлиги ҳисобланади. Яъни бундай ҳукуқлар бирор юридик факт асосида (патент, гувохнома, яратилиш факти, фактик монопол ҳолат ва ш.к.) мавжуд бўлиши лозим.

Ҳукуқ соҳиблари интеллектуал мулк обьектларига нисбатан ўз ҳукуқларини ҳимоя қилиниши усулларини, тартибини белгилашда танлаш ҳукуқига эга бўлган ҳолатлар билан бирга императив асосда муайян тартибга риоя қилиш мажбурияти юклangan ҳолатлар ҳам мавжуд. Бу ҳолда улар ўз холича эмас, балки белгилangan тартибга риоя қилган ҳолда ҳаракат қилишлари лозим. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики вазият имкон берган тақдирда ҳукуқ соҳиби ҳукуқларни шахсан ўзи ҳимоя қилишга ҳақли. Фақат бунда Фуқаролик кодексининг 13-моддасида белгиланганидек, фуқаролик ҳукуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиш усуллари ҳукуқни бузишга мутаносиб бўлиши ҳамда ҳукуқ бузилишини олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги лозим.

Ҳукуқ соҳиблари ўз ҳукуқларини ҳимоя қилишни кенг тарқалган тартиби ваколатли давлат идорасига мурожат қилган ҳолда ўз ҳукуқларини ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳисобланади. Маъмурий тартибида ҳукуқларни ҳимоя қилиш асосида Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартибтаомиллар тўғрисида”ги Қонуни алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, алоҳида ҳукуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш бўйича маҳсус

регламентлар ҳам мавжуд. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш тизимида Адлия вазирлигининг интеллектуал мулк департаменти алоҳида функцияларни амалга оширади.

Интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишда нотариат, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларини жамоавий бошқариш ташкилотлари ҳам катта имкониятларга эга. Хусусан янги белгиланган тартибга кўра нотариат идоралари муаллифлик ёки турдош ҳуқуқлар объектларини тақдим этилган санасини гувоҳлантирадилар. Ушбу ҳолат амалиётда низолар вужудга келган тақдирда устуворлик санаси бўйича ҳуқуқ эгасини аниқлашга имкон беради.

Мамлакатимизда интеллектуал зиёлиларнинг кўплаб жамоат бирлашмалари фаолият юритмоқда. Жумладан ёзувчилар, бастакорлар, театр арбоблари, рассомлар, журналистлар, олимлар ижодий уюшмалари фаолият юритмоқда. Бундай уюшмаларнинг таъсис хужжатларида уюшма аъзолари ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда кўмаклашиш чораларини кўриш белгилаб қўйилган. Бироқ шуни таъкидлаш ўринлики, бундай уюшмалар бу соҳада зарур даражада фаоллик кўрсатаётганлари йўқ.

Мамлакатимизда ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича низоларни судгача ва суддан ташқари ҳал этиш институционал тизими мавжуд. Жумладан, талабнома асосида ҳал этиш, низоларни медиация тартибида кўриб чиқиш, ҳакамлик судлари ва ҳалқаро тижорат арбитраж судлари орқали ҳал этиш тизими шулар жумласидандир.

Ҳуқуқларни ҳимоя қилишни энг мукаммал тартиби суд орқали ҳимоя билан боғлиқ. Бунда маъмурий, фуқаролик, иқтисодий, жиноий, конституциявий судлар орқали интеллектуал мулк объектига нисбатан ҳуқуқ эгалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинади. Умуман ҳар қандай ҳимояни амалга оширишда икки ҳуқуқий асосга таянилади.

А) моддий ҳуқуқий асос.

Б) процессуал ҳуқуқий асос.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, моддий ҳуқуқий асос ҳар қандай ҳимоянинг негизини ташкил этади. Моддий ҳуқуқий асослар тизими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Мехнат кодекси ва шунингдек маҳсус қонунлар, яъни муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар; ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари; электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари; селекция ютуқлари; интеграл микросхемалар топологиялар; фирма номлари; товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиқиш жойига бўлган ҳуқуқ; географик кўрсаткичлар тўғрисидаги қонунлар ва бошқалар ташкил этади. Ушбу қонунларда интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий режими,

унга нисбатан хуқуқларни вужудга келиш асослари, хуқуқларнинг турлари ва мазмуни, уларни бузганлик учун жавобгарлик асослари ва шакллари ўз мужассамини топган.

Процессуал хуқуқий асосларда эса суд жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш, процесс иштирокчиларининг хуқуқий ҳолати, суд томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби белгилаб қўйилади. Суд процесси иштирокчилари ва суд муайян формал таомилларга амал қилган ҳолларда моддий нормаларни қўллаш орқали бузилган хуқуқларни ҳимоя қилиш ва қўллаш, хуқуқбузарларга нисбатан тегишли қонуний ва адолатли чораларни қўллаш имкониятига эга бўладилар.

Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан хуқуқ субъектлари доираси ҳам ниҳоятда кенг эканлигини эътироф этмоқ лозим. Улар жумласига ижодкор муаллиф хуқуқлари, мутлақ хуқуқ эгалари субъектлари, шахсий хуқуқлар соҳиблари, турли шартномалар шу жумладан, лицензия шартномалари иштирокчиларини қайд этиш мумкин.

Шоу-бизнес соҳасида, инновация соҳасида ва интеллектуал мулк обьектлари қўлланиладиган тадбиркорлик соҳасида вужудга келган низоларни суд орқали ҳал этиш имкониятлари белгилаб қўйилган. Умуман суд орқали хуқуқларни ҳимоя қилиш универсал институтционал тизим ҳисобланади. Бу Конституциянинг 55-моддасида кафолатлаб қўйилган. Ушбу нормага кўра ҳар кимга ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш хуқуқи кафолатланади деб кўрсатилган.

Шу муносабат билан илмий тадқиқот соҳасида хуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш масалалари бўйича муайян таҳлилга сазовор масалалар бор деб айтиш мумкин. Бу айниқса илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиб, таомиллари ва диссертацияларга қўйиладиган талаблар билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда (рўйхат рақами 2894) рўйхатдан ўтказилган “Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомда тадқиқотчи билан бошқа тегишли тузилмалар ўртасидаги илмий даража бериш ёки уни рад этиш тўғрисидаги қарор бўйича низоларни ҳал этиш тартиби белгилаб қўйилган. Низомнинг 45-бандига кўра Олий аттестация комиссияси Раёсати эксперт кенгашининг хулосасига асосан Илмий кенгашнинг илмий даража бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлайди ёки рад этади. Рад этиш асослари бўлиб кўчирмачилик, сохта ҳужжатлар тақдим этилганлик, диссертация экспертизаси нохолис ўтказилганлиги каби ҳолатлар

хисобланади. Низомнинг 54-бандига кўра Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори юзасидан Олий аттестация комиссиясига апелляция бериши мумкин. Олий аттестация комиссияси Раёсати ва Илмий кенгаш қарорлари юзасидан берилган апелляция бўйича Илмий кенгаш хulosasi Олий аттестация комиссияси Тартиб-қоида комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Олий аттестация комиссияси Тартиб-қоида комиссияси апелляцияни кўриб чиқиши эксперт кенгашига топшириши мумкин. Зарур ҳолларда Олий аттестация комиссиясида мазкур масалани кўриб чиқишининг аввалги босқичларида иштирок этмаган мутахассис-олимлардан иборат Апелляция комиссияси тузилади. Апелляция комиссияси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади. Олий аттестация комиссияси Раёсати томонидан Тартиб-қоида комиссияси, эксперт кенгаши ёки Апелляция комиссияси хulosalari кўриб чиқилади ва апелляция бўйича якуний қарор қабул қилинади (57-банд). Бу ўринда ушбу тартиб таомилларда ноаниқликлар бордек туюлади. Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори устидан берилган шикоят бўйича апелляция Олий аттестация комиссияси Тартиб-қоида комиссияга берилиши кўрсатилган. Бироқ Тартиб-қоида комиссияси хulosalari Олий аттестация комиссияси Раёсати томонидан кўриб чиқилади ва якуний қарор қабул қилинади. Маъмурий тартиб-таомиллар бўйича белгиланган тартиб қоидага кўра устидан шикоят қилинган органга ушбу шикоят юборилиши мумкин эмас ва у ушбу шикоятни кўриб чиқиш ваколатига эга эмас. Шу сабабли ҳам юқоридаги ҳолатлар қайта кўриб чиқилмоғи лозим. Илмий даражалар билан боғлиқ тартиб таомиллар бузилган тақдирда тегишли манфаатдор шахс унинг устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Бу Конституциянинг 55-моддасидаги норма бўйича кафолатланган. Тартиб таомиллар бузилмаган тақдирда манфаатдор шахс судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгами деган савол туғилади. Маълумки илмий муаммо шу соҳа бўйича малакали мутахассислар томонидан ҳал этилади. Суднинг бу масалага аралашуви мақсадга мувофиқ бўлмаган бўлур эди. Бироқ ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги иддао қилинган шикоят судга берилган тақдирда, суд бу масалани мазмунан кўриб чиқиши шарт. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам суд профессионал мутахассислардан иборат илмий орган қарорини мазмунан ўзгартиришга ваколатли эмас. Бундай ҳолатда суд фақат қарорни бекор қилиш ёки хақиқий эмас деб топиш бўйича қарор қабул қилиши мумкин. Бироқ шу масала бўйича ўзи мазмунан қарор қабул қилиш ваколати судларда мавжуд эмас. Чунки судлар чуқур билим, малака талаб этадиган ва шу бўйича маҳсус тузилмалар фаолият юритадиган орган ваколатларини ўзлаштиришга ҳақли эмас. Илмий суверенитет моҳиятидан ушбу ҳолат англашинилади. Сўнгги вақтларда илмий

жамоатчилик томонидан грант тадқиқотлари бўйича танловларни амалга ошириш ва қарорлар қабул қилиш соҳасида Конституциянинг 55-моддасида берилган имкониятлардан фойдаланиш мумкинми деган масала қизғин муҳокама қилинмоқда. Бу ўринда шуни айтиш лозимки. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартағи “Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-хуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 133-сонли Қарори ва “Илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тўғрисида”ги Низом нормаларида бу масалалар етарли даражада тартибга солинган. Маълумки грант контрактлари ўзининг хуқуқий табиатига кўра ҳам фуқаролик, ҳам меҳнат хуқуқий хусусиятга эга бўлган аралаш шартномалар ҳисобланади. Шартномаларни тузиш жараёнида шунингдек, шартномаларнинг ижроси билан боғлиқ масалаларда вужудга келган ҳар қандай низолар бўйича хуқуқ ва қонуний манфаатлар суд орқали ҳимоя қилиниши мумкин. Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, адвокатура хизмати, юридик хизмат, патент вакиллари хизмати интеллектуал мулк бўйича хуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш фаолиятини жонлантиришда жуда катта потенциал имкониятларга эгадирлар. Чунки улар хуқуқ эгаларига тегишли тушунтиришлари беришлари лозим ва судга мурожат қилиш жараёнини фаоллаштириш имкониятига эгадирлар.

Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан хуқуқларини ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш самарали тизимини яратишда асосий вазифалардан бири бўлиб судьялар корпусини бу соҳадаги билим ва малака кўникмаларини шакллантириш бу борадаги ривожланган мамлакатлар тажрибасини мамлакатимизда жорий этиш ҳисобланади. Фақат малакали судьялар корпусигина суд орқали ҳимоя тизимини ҳаракатга келтиради ва муваффақиятли амалга оширади.

2.2-§. Интеллектуал мулк хуқуқи соҳасида юридик жавобгарликни қўллаш муаммолари

Маълумки ҳар қандай хуқуқ муносабатидаги каби фуқаролик-хуқуқий муносабатида ҳам унинг иштирокчиларининг хуқуқ ва қонуний манфаатлари қўриклиданади ва улар бузилган тақдирда хуқуқбузарларга нисбатан фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик қўлланади. Бинобарин, фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг жиноят-хуқуқий, маъмурий-хуқуқий,

интизомий-хуқуқий каби шаклларидан бири ҳисобланади ва шу маънода улар билан бир қатор умумийликларга эга. Айни вактда фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик ўзига хосликларга ҳам эга. Бу ўзига хосликлар биринчи галда фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик асослари юридик жавобгарликнинг бошқа шакллари асосларидан фарқ қиласди.

Масалан, жиноий жавобгарлик ёхуд маъмурий жавобгарлик асослари сифатида ҳуқуқбузарлик ҳолатида жиноят таркиби ёки маъмурий ножўя қилмиш таркиби мавжудлиги ҳисобланади ва улар тўрт қисм (компонент)-объект, объектив томон, субъект, субъектив томон ва ҳуқуқбузарлик билан унинг оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланишдан иборат. Фуқаролик ҳуқуқи бўйича адабиётларда цивилист олимлар юқоридаги ҳуқуқбузарлик конструкциясини фуқаролик ҳуқуқида қўллаш, кўчириш мумкин эмаслиги хақида доимо таъкидлайдилар.

Фуқаролик кодексидаги фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик асослари тизимини таҳлил этиш масаласи ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Фуқаролик кодекси меъёрларини синчиклаб таҳлил этиш шундан далолат берадики, фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик асослари яхлит ҳолда алоҳида бобда ёки маълум бир моддада мустаҳкамлаб қўйилмаган, балки бутун қисмларига сочилиб кетган ҳолда ифодаланган. Бу ҳолат амалиётда қўлланишда қатор қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин ва ҳар доим нафақат махсус юридик маълумотга эга бўлмаган шахслар, балки мутахассисларда ҳам яхлит, мукаммал ва тўлиқ тасаввур вужудга келишига тўсиқлик қиласди.

Фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг умумий асослари Фуқаролик кодексининг 333 ва 985-моддаларида белгиланган. Жавобгарлик асосларини бундай алоҳида-алоҳида тарзда берилиши жавобгарликни вужудга келтирувчи вазият билан боғлиқ. Бундай вазият шартнома шартларини бузиш ёхуд заарар етказиш оқибатида вужудга келади. Демак, бундан фуқаролик-хуқуқий жавобгарликка тортишнинг икки хил асослари мавжуд деган хulosага келиш мумкин. Уларни ягона умумий қолипга солиш мумкинми? Бу саволга жавоб бериш учун энг аввало ҳар иккала асосларни алоҳида таҳлил этиш, унинг таркибий қисмларини қиёслаш лозим.

Шартнома асосларини бузганлик учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарликка тортиш асослари қуйидаги таркибий қисмларидан иборатdir:

1. Шартнома шартларини бузганлик (бажармаганлик, риоя қилмаганлик) - яъни шартнома бўйича зиммасига юкланган мажбуриятларга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, бошқача айтганда, ҳуқуққа хилофлик;

2. Шартнома шартларини бузишда айбнинг мавжудлиги. хуқуқ фанида айб ҳуқуқбузарнинг ўз қилмишига ва унинг оқибатларига рухий муносабати – ўз эрки билан онгли равишда содир этгани, ўзини идора қила олиши, оқибатларни кўра билиши ва улар юз беришини хоҳлаш хоҳламаслигига намоён бўлади, деган қарашлар мавжуд. Фуқаролик-шартномавий муносабатлар одатдаги нормал кундалик муносабатлар бўлгани сабабли айбнинг намоён бўлиши ҳам ўз хусусиятларига эга. Фуқаролик кодексининг 333-моддасига асосан қарздор (шартнома бўйича зиммасига мажбурият юклатилган шахс) мажбуриятни бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботлаши унинг айбсиз эканлиги фактини тасдиқлайди. Бирок, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун айб мавжудлиги ҳар доим ҳам шарт эмас. Қонун ҳужжатларида ва шартномада айб бўлмаган ҳолда жавобгарлик белгиланиши мумкин. Масалан, ноу-хоу сублицензия асосида ўтказилганда, сублицензиат томонидан ошкор қилиниши ҳолида, субпудратчи томонидан мажбурият бажарилмагандан лицензиат ва пудратчи айби бўлмаса ҳам жавобгар бўлади. Бинобарин, агар ҳуқуққа хилофлик ҳар доим мавжуд бўлиши лозим бўлган компонент (мутлақ зарурий қисм) бўлса, айб қонун ёки шартномада белгиланган ҳолларда мавжуд бўлмаслигига йўл қўйилади. Демак, айб нисбий зарурий компонент ҳисобланади.

3. Жавобгарлик субъектининг мавжудлиги. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик турида жавобгарлик субъекти асосан ҳуқуқбузар ҳисобланади. Жавобгарлик юклаш вақтида ҳуқуқбузар муомала лаёқатига эга жисмоний шахс ёки юридик шахс ҳуқуқига эга ташкилот бўлиши лозим. Агарда жисмоний шахс муомала лаёқатини йўқотса ёки юридик шахс тугатилса, жавобгарликни қўлламаслик учун асос бўлавермайди. Бундай ҳолда жавобгарлик субъекти ўзгаради. Жавобгарлик агар мулкий хусусиятда бўлса, универсал ворислик тартибида бошқа субъектларга – васийга ёки ворисларга ўтади (қонунда белгиланган асос, тартибда ва ҳажмларда). Жавобгарлик субъектининг мавжудлиги жавобгарликни қўллашнинг мутлақ зарурий қисми ҳисобланади.

4. Заарнинг мавжудлиги. Заар моддий ва маънавий кўринишларда бўлиши мумкин. Моддий заар ҳуқуқбузарлик сабабли келиб чиқкан харажатлар, мол-мulkни шикастланиши, нобуд бўлиши, олинмай қолган даромад, ҳуқуқбузарнинг моддий манфаати тарзида намоён бўлади (Фуқаролик кодекси 14-модда). Маънавий заар эса, шартнома шарти бузилиши натижасида ҳуқуки бузилган шахснинг рухий изтироблари, жисмоний ва маънавий қийноқлар, жамиятдаги инсоф, адолат, маънавий тамойиллар ва аҳлоқий меъёрларни менсимаганлик учун шахсларнинг

изтиробларида ўз ифодасини топади. Бинобарин, моддий зарар ҳам, маънавий зарар ҳам бевосита бўлмаса ҳам, билвосита бутун жамиятга етказилиши мумкин. Зарар фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик юклаш учун нисбий зарурий қисм ҳисобланади, баъзи ҳолларда, масалан шартнома шартларини бузганлик учун неустойка ундиришда, зарарни мавжуд бўлиши шарт эмас. Умумий қоида бўйича зарар тўлиқ ҳажмда ундирилиши лозим. (Фуқаролик кодексининг 325-моддасининг биринчи қисми). Бироқ баъзи ҳолларда жавобгарлик чекланган бўлишига йўл қўйилади. (Фуқаролик кодексининг 332-моддаси). Бозор муносабатлари тизимиға мувофиқ келмайдиган бундай жавобгарлик чораси фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина қўлланади.

Зарар фуқаролик хуқуқбузарликнинг зарурий қисми бўлган ҳолларда хуқуққа хилоф қилмиш билан зарар ўртасида сабабий боғланиш, ўзаро ички алоқадорлик, кетма-кетлик бўлиши лозим.

Қонунда тадбиркорлик бўйича шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос сифатида енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) натижасида шартнома шартларини бузганлик ва кредиторнинг айби назарда тутилади.

Фуқаролик хуқуқида таваккал қилиш жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмайди. Кўп ҳолларда таваккал қилиш оқибатидаги зарар кимнинг зиммасига тушиши қонунда аниқ белгилаб қўйилади. Бу ҳолат эса жиноий ёки интизомий жавобгарликдан озод қилиш асосидан фарқ қиласи (масалан хуқуқбузарлик ва унинг оқибатлари одатдаги нормал таваккал қилиш натижаси бўлса, жиноий ёхуд интизомий жавобгарлик қўлланилмайди).

Фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг навбатдаги тури - бу бир-бирлари билан шартнома орқали боғланмаган иштирокчилар ўртасида бири иккинчисига зарар етказганлик учун жавобгарлик ҳисобланади. Бундай жавобгарликнинг асослари қуидагилар ҳисобланади:

1) ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, яъни фуқаролик хуқуқи меъёрларига зид қилмиш - хуқуққа хилофлик. Бу компонент нисбий зарурий ҳисобланади, чунки Фуқаролик кодексининг 985-моддаси бешинчи қисмида қонунда назарда тутилган ҳолларда қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар ҳам тўланиши лозим, бинобарин, қонунга мувофиқ хатти-ҳаракатлар ҳам фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик учун асос бўлади, аниқроғи, бунда зарар мавжудлигининг ўзи кифоя, уни қонуний ёки ғайриқонуний эканлиги аҳамиятга эга эмас;

2) зарар етказган субъектнинг - хуқуқбузарнинг деликт (зарарни қоплаш) лаёқатига эга эканлиги ёки хуқуқбузар учун зарарни қоплаш мажбурияти қонунда белгиланган субъектнинг мавжудлиги (масалан, васий,

меросхўрлар, ота-онаси ва ҳоказо.) Бу компонент ҳам мутлақ зарурий ҳисобланади;

3) жабрланувчи (фуқаро ёки юридик шахс) шахсига ёхуд мол-мулкига етказилган заарнинг мавжудлиги. Бу ўринда мулкий заар масаласи бирмунча равшан. Бироқ, фуқаро ёхуд юридик шахсга етказиладиган маънавий заар ёхуд уларнинг шахсий ҳуқуқлари бузилиши оқибатидаги ҳам моддий, ҳам маънавий заар изоҳ талаб қиласди. Гап бу ўринда субъектнинг интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий ва мутлақ ҳуқуқларига, шахснинг шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўси, хусусий ва оилавий сири, тасвирга (ўз тасвирига) бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ва бошқа шахсий ҳуқуқларига тажовуз қилганлик оқибатида етказилган моддий ва маънавий заар назарда тутилади. Агар шахсий ҳуқуқи бузилган фуқаро ҳаёт бўлса, бу ҳолда ҳуқуқбузар заарни унга тўлайди. Агар бу шахс марҳум бўлса, у ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш мумкинми ва кимнинг фойдасига заар ундирилади? Агар марҳумнинг ворислари бўлса, заар уларнинг фойдасига ундирилади. Агарда ҳуқуқбузар, масалан бир неча юз йил илгари вафот этган муаллифнинг асарини ўзлаштириб, ўз номидан чоп этган бўлсачи? Бу ҳолда ҳуқуқбузар фуқаролик қонун меъёrlарига зид ҳаракат қилгани, жамиятда белгиланган қоидаларни менсимагани учун жавобгар бўлади ва ҳуқуқбузарлик қилиб олган даромадлари давлат фойдасига ўтказилиб, оқибатлари унинг ҳисобидан бартараф этилади. Интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлар ва шахсий ҳуқуқлар бузилганда етадиган заарлар ҳар доим яққол кўзга ташланавермайди, шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, айниқса бу борада юзаки муносабатда бўлмасдан бузилган ҳуқуқ, манфаат, ҳуқуқбузарлик мақсади, мотиви, содир этиш усулини чукур таҳлил этмоғи лозим. Бунда заар баъзан жабрланувчига етказилган муайян зиён кўринишида эмас, балки жамиятга етказилган ижтимоий заар – шахснинг пок хотираси, уни хизматларига қилинган тажовузнинг салбий оқибатлари кўринишида бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бундай заар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг мутлақ зарурий компоненти бўлиб ҳисобланади;

4) заар етказган шахснинг заар етказишида айбининг мавжудлиги. Бироқ, Фуқаролик кодексининг 985-моддаси тўртинчи қисмида қонунда заар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам заарни тўлаш мажбурияти қўлланиши мумкинлиги назарда тутилган. Демак, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашда ушбу тур бўйича айб мутлақ зарурий эмас, балки нисбий зарурий қисм бўлиб чиқади. Заар етказувчи ҳатто ақли заифлиги ёхуд руҳий касаллиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб суд томонидан топилган, муомала лаёқати чеклангани, ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуна олмайдиган

ва уларни идора қила олмайдиган ҳолатда заарар етказган ҳолатларда ҳам (Фуқаролик кодексининг 996-моддаси учинчи қисми, 997-моддаси, 998-моддаси учинчи қисми) суд заарарни ундиришни хуқуқбузарнинг мол-мулкига қаратиши мумкин.

Фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг ҳар иккала тури бўйича таркибий қисмларнинг бир-бирига қиёслаган ҳолда уларнинг зарурийлигини мутлақ ёки нисбий хусусияти бўйича ягона конструкция, қолип (модель)га келтириш мумкин эмас. Бинобарин, агар бундай ягона фуқаролик хуқуқбузарлик таркиби ишлаб чиқилганда ҳам у ниҳоятда шартли, турли қўшимчалар билан тўлдирилган бўлар эди. Бу эса ягона таркибнинг амалий қийматини пасайтириб юбориши табиий. Шу сабабли ҳам доимо фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг икки тури бўйича икки хил фуқаролик хуқуқбузарлиги таркиби мавжудлигини назарда тутмоқ лозим. Ҳукуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларининг фуқаролик-хуқуқий жавобгарликни қўллашда бундай таркиблар ва уларнинг қисмлари мавжудлигига алоҳида эътибор беришлари қонунийлик, инсоф ва адолат асосида қарорлар қабул қилинишини таъминлаган бўлур эди.

Фуқаролик кодексида ҳам, амалдаги маҳсус қонунларда ҳам интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ хуқуқларни, бошқа шахсий ва мулкий хуқуқларни бузганлик учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик чоралари белгиланган. Шуни эътироф этиш ўринлики, бу чоралар ниҳоятда умумий хусусиятга эга бўлиб, амалда унчалик самарали қўлланмаяпти.

Фуқаролик кодексида белгиланган жавобгарлик чораларига қуйидагилар киради:

- хуқуқбузарлик натижасида хуқуқ эгасига етказилган заарни ундириш;
- хуқуқбузарлик натижасида хуқуқбузар томонидан олинган фойда (даромад)ни хуқуқ эгасига олиб бериш;
- хуқуқбузарлик воситаларини хуқуқбузар ҳисобидан йўқ қилиб ташлаш;
- бузилган шахсий номулкий хуқуқларни тиклаш, шунингдек маънавий заарни пул кўринишида қоплаш.

Интеллектуал мулк обьектларини айрим турлари бўйича қабул қилинган маҳсус қонунлар ҳам фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик масалаларини у ёки бу даражада назарда тутади. “Муаллифлик ва турдош хуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 65 ва 66-моддаларида, “Товар ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида”ги Қонун, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуннинг 14-15-моддалари, “Ихтиро, фойдали модель ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонунда бу ҳолатлар ўз ифодасини топган. “Селекция ютуқлари

тўғрисида”ги Қонунда патент эгаси хуқуқининг бузилиши қандай харакатларда намоён бўлиши белгилаб қўйилган ҳолда, муайян жавобгарлик чораларини қўллаш масаласида бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола қилиш билан чекланади. Умуман олганда махсус қонунларда ҳам назарда тутилган чоралар нисбатан умумий хусусиятга эга. Айни вақтда шуни эътироф этиш лозимки, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунда белгиланган фуқаролик-хуқуқий чоралар оригинал хусусиятга эга бўлиб, фойда кўрган хуқуқбузарга нисбатан етказилган зарарни қоплаш чораси ўрнига фойда кўрган хуқуқбузардан етказилган зарап қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш микдорининг тегишли суд қарори билан белгиланадиган йигирма баробаридан минг баробаригача бўлган миқдорида товон тўланиши назарда тутилган (айни вақтда ушбу қонунда юридик техника талабларига жиддий риоя қилинмаган, масалан, 14-моддада жавобгарлик чоралари белгиланган бўлиб, 15-моддада қандай харакатлар хуқуқбузарлик бўлиб ҳисобланиши баён этилади, яъни бунда мантиқий изчиллик бузилган). “Муаллифлик ва турдош хуқуқлар тўғрисида”ги Қонунда жавобгарлик белгиловчи нормалари аниқ эканлиги ва шу сабабли ҳам суд амалиётида кенг қўлланилаётганлигини қайд этиш лозим. Масалан, Ю.Усмоновага нисбатан кўрилган ишда, Усмон Азим даъвоси билан кўрилган ишда ва хоказо.

Фуқаролик ҳуқуқида ҳам, махсус қонунларда ҳам интеллектуал мулк обьектлари билан боғлиқ хуқуқбузарликлар қандай намоён бўлиши, ўзига хос хусусиятлари, қўлланиладиган чоралар ниҳоятда мавҳум-шубҳали тарзда ифодаланган, бу ҳолат эса уларни амалиётда қўллашни қийинлаштиради. Жуда кўп меъёрларни мазмуни факат юқори малакали юрист шарҳи, тушунтирилиши орқали англаниши мумкин. Юқорида интеллектуал мулк обьектини баҳолаш ҳакида тўхтаб ўтилган эди. Объектни баҳолаш шунчалик қийин бўлса, у ҳолда обьект билан боғлиқ хуқуқбузарлик натижасида етказилган зарап, олинмай қолган (бой берилган) фойдани ҳисоблаш қанчалик мураккаб бўлишини тасаввур қилиш мумкин. Бинобарин, ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилишдан олдин бу муаммоларни ҳал қилиши лозим бўлади. Юқоридаги ҳолатлар фуқаролик қонунларини жиддий такомиллаштиришни шарт қилиб қўяди. Айни вақтда бу муаммолар тезлик билан ҳал қилиниши лозим.

2023 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-181-сонли Қарори қабул қилди. Унда Ўзбекистонни ЖСТга аъзо бўлиб кириш учун зарур тайёргарлик учун маъсул органлар белгилаб қўйилди.

ЖСТнинг таъсис ҳужжатларига қилинган илова интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо соҳалари бўйича Битим (ТРИПС битими) деб аталиб, у 7 қисм, 73 моддадан иборат. Ушбу битимда асосий қоидалар ва тамойиллар, интеллектуал мулк ҳуқуқининг мавжудлиги, ҳажми ва фойдаланишга нисбатан стандартлар, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш, интеллектуал мулк ҳуқуқи вужудга келиши ва амал қилиши билан боғлиқ *inter partes* процедураси, низоларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш, ўтказма келишувлар, институционал тадбирлар, якуний қоидалар ўз ифодасини топган. Ушбу битим асосида Париж конвенцияси (1967 йил таҳрири), Берн конвенцияси (1971 йил таҳрири), Рим конвенцияси (1961 й.), Вашингтон шартномаси (1989 й.) ғоялари ётади. ТРИПС битими интеллектуал мулк обьектлари билан боғлиқ барча масалаларни тартибга солмайди, балки интеллектуал мулк ҳуқуқи обьектларини савдо-тижорат муомаласида товар сифатида ҳаракатда бўлиши билан боғлиқ муносабатларнигина тартибга солади. Шу сабабли интеллектуал мулк обьектларига нисбатан шахсий ҳуқуқларни муҳофаза қилиш масалалари битимда деярли ўз ифодасини топмаган. Битимда асосий эътибор обьектларга нисбатан мулкий ҳуқуқларга амал қилиниши, хусусан бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга экспорт-импорт қилишда бу ҳуқуқларга риоя қилинишини таъминлашга қаратилган. Маълумки, интеллектуал мулк обьектлари ғоявий (идеал) негизга эга. Бинобарин, бир вақтнинг ўзида бир обьектдан дунёнинг турли жойларида чексиз, номуайян доирадаги субъектлар фойдаланиши мумкин. Бундай фойдаланиш, афсуски кўп ҳолларда қонуний асосга эга бўлмайди, яъни обьектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳибидан рухсат олмасдан, ҳақ тўламасдан амалга оширилади.

ТРИПС битимида худди шундай ҳолатларга барҳам бериш, бундай ҳуқуқбузарликларга қарши процессуал ва моддий ҳуқуқий меъёрларни қўллаш орқали фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш масалаларига алоҳида аҳамият берилади. Илмий-техникавий ахборотларни тарқатиш ва олиш, интеллектуал мулк обьектларини тайёрлаш, қўпайтириш ва муомалага киритишнинг янгидан-янги усуллари вужудга келаётган ва такомиллашиб бораётган ҳозирги шароитларда маданий қароқчилик – интеллектуал мулк обьектларини гайриқонуний тайёрлаш ва фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб боришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормокда. Бу ТРИПС битимининг асосий шарти бўлиб, бусиз ЖСТга аъзо бўлиш мумкин эмас. Интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар кўп ҳолларда маданий қароқчилик деган умумлашма ибора билан ифодаланади. Бироқ ушбу иборани турли

муаллифлар турлича талқин этадилар. Муаллифлик хуқуқи томонидан қўриқланадиган материалларни қонуний асосларсиз тижорат мақсадларида кўпайтириш ва қонуний асосларсиз ушбу кўпайтирилган материаллар билан тижорат операцияларини амалга ошириш қароқчилик ҳисобланади. Б.Тошевнинг фикрича, «қароқчилик деганда муҳофаза асосидаги асарларни қандай техник усулларда, воситаларда, амалга оширилганидан қатъий назар, рухсат берилмаган ҳолда кўпайтириш ва тарқатиш» ҳисобланади. Айни вақтда у хуқуқбузарлик предмети - контрафакт нусхаларга ҳам таъриф беради: «Асар ва фонограммаларнинг муаллифлик ва турдош хуқуқларни бузиш оқибатида тайёрланган ва тарқатилган нусхалари сохталаштирилган (контрафакт) нусхалар деб тан олинади». ТРИПС битимининг 51-моддаси бўйича изоҳда (14а ва бошқа изоҳлар) «товар белгисидан ғайриқонуний фойдаланилган товарлар» ва «муаллифлик хуқуқларини бузувчи товарлар»га таъриф берилган. Бунда асосий мезон товар белгисига нисбатан хуқуқларни ва объектларини импорт қилувчи мамлакат қонунлари билан қўриқланиши белгилаб қўйилган. «Сохталаштирилган товарлар» ва «қароқчилик товарлари» га энг тўлиқ, мукаммал легал таъриф Европа ҳамкорлик Кенгашининг 1994 йил 22 декабрдаги 3295/5-сонли Регламентациясида берилган бўлиб, унда сохталаштирилган ва қароқчилик товарларини эркин тарқатиш, экспорт ва реэкспорт қилишни таъқиқлаш, вактинчалик таъқиқлаш режимини белгилаш бўйича тадбирлар белгиланган. Бунга асосан «белгиланган тартибда рўйхатдан ўtkazilgan товар ёки савдо маркаларига айнан ўxшаш бўлган товар ва савдо маркаларини худди шундай типдаги товарларга, шу жумладан идиш ўраш (упаковкасига) қонуний рухсат олмасдан қўйиш, агар бундай ҳолат асосий ташки белгилари бўйича ҳар иккаласини товар ва савдо маркалари хуқуқларига путур етказса, сохталаштирилган товарлар тушунилади. Бунда савдо маркасининг айрим белгиларини ўзигина (логотип, этикетка, проспект, фойдаланиш бўйича қўлланма, кафолат талони) фойданилган бўлсада, бироқ юқоридаги асослар (фарқлаш мумкин эмаслиги ва хуқуқка путур етиш) мавжуд бўлса ҳам сохталаштирилган товар ҳисобланади. Ва ниҳоят, сохта савдо маркалари товар идишига ва ўровига алоҳида қўйилганда ҳам, агар юқоридаги белгилар мавжуд бўлса сохта товар ҳисобланади.

«Қароқчилик товари» деганда муаллифлик ёки турдош хуқуқлар эгасининг розилигисиз ишлаб чиқарилган нусхалар ёки нусхаларни ўз ичига оловчи товарлар тушунилади. Расмлар ва моделларга нисбатан ҳам хуқуқ эгасининг хуқуқлари рўйхатдан ўtkazilgan ёки ўtkazilmaganligi аҳамиятга эга эмас. Энг асосийси хуқуқ соҳибидан розилик олинмаганлиги ва унинг хуқуқларига путур етказилганлиги ҳисобланади.

Соҳта маркалар, худди шундай маркадаги товарлар ёки қароқчи товарлар ишлаб чиқариш учун маҳсус мўлжалланган ёки мослаштирилган ҳар қандай шакл (қолип) ёки матрица, агарда шундай қолип ёки матрицадан фойдаланиш ҳуқуқ соҳибининг ҳуқуқларига путур етказадиган бўлса, вазиятга қараб сохталаштирилган ва қароқчилик товарларига тенглаштирилади. Ушбу таърифларда умумийлик – бу маданий қароқчиликнинг муаллифлик ҳуқуқи соҳасида қўлланиши, ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз обьектни кўпайтириш ва бунда ҳуқуқ эгаси манфаатларига путур етиши ҳисобланади. Баъзи таърифларда эса обьектдан тижорат мақсадларида фойдаланиш асосий белги сифатида кўрсатилади. Фикримизча, фуқаролик-ҳуқуқий ҳуқуқбузарлик сифатида қараш учун ғайриқонуний фойдаланиш тижорат соҳасида амалга оширилиши шарт эмас. Интеллектуал мулк обьектларининг айрим турлари ҳақидаги маҳсус қонунларда ҳам бундай талаб йўқ (“Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасида ҳуқуқбузарлик предметини хўжалик муомаласига киритиш) белгиси мавжуд. Бироқ бу истисно муҳим аҳамиятга эга эмас, чунки «тижорат муомаласи» ва «хўжалик муомаласи» айнан teng мазмунли тушунчалар эмас). Айни вақтда маданий қароқчилик нафақат муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар соҳасида, балки интеллектуал мулк обьектларининг бошқа соҳаларида ҳам юз бериши мумкин. Масалан, ихтиродан мутлақ ҳуқуқ эгасининг розилигини олмаган ҳолда ғайриқонуний фойдаланувчи шахс обьектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ бошқага тегишли эканини билган ҳолда, ундан рухсат олмасдан, ҳақ тўламасдан фойдаланса ҳуқуқка, балки умуман жамиятдаги мавжуд ҳуқуқтариботга ҳам зарар етади.

Фуқаролик қонунларини ТРИПС битими билан уйғунлаштириш масаласини ҳал этишда фуқаролик-ҳуқуқий санкциялар фуқаролик ҳуқуқида назарда тутилиши керакми ёхуд бу маҳсус қонунларда ўз ифодасини топиши лозимми деган масалани ҳал этиш лозим. Фикримизча, интеллектуал мулк обьектларининг муайян турлари ҳақидаги маҳсус қонунларда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масаласи батафсил ўз ифодасини топиши лозим. Бу ҳолат ҳар бир обьектнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишга имкон беради. Айни вақтда фуқаролик-ҳуқуқий санкциялар умумий тарзда, лекин аниқ, равshan ҳажмларда Фуқаролик кодексида ҳам ўз ифодасини топиши лозим. Бу шунинг учун зарурки, биринчидан интеллектуал мулк обьектлари доираси ва турлари доимий кенгайиб бормоқда ва демак келажакда вужудга келиши мумкин бўлган обьектлар ҳам ҳуқуқий муҳофаза остига олинади, иккинчидан, барча маҳсус қонунларда (масалан, селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун) фуқаролик-ҳуқуқий санкциялар ўз мужассамини топмаган.

Хуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган фуқаролик-хуқуқий санкциялар энг аввало мулкий хусусиятда бўлиши лозим. Ривожланган мамлакатлар қонунчилигига уларнинг уч хил тури кенг тарқалган:

а) хуқуқбузарнинг зиммасига хуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарни, шу жумладан, хуқуқ эгасига етказилган реал зарарни ва ололмай қолган (бой берилган) фойдани (даромадини) қоплашни юклаш – бу ҳолда ундириладиган сумма билан етказилган зарар ўртасида қатый боғланиш мавжуд бўлади;

б) хуқуқбузар хуқуқбузарлик содир этиш орқали олган барча даромадни (фойдани) хуқуқ эгаси фойдасига ундириб бериш – бу ҳолда етказилган зарар билан ундириладиган сумма ўртасида бевосита боғланиш мавжуд бўлади;

в) хуқуқбузар зиммасига хуқуқ эгасига қатый миқдорларда белгиланадиган товон ҳақи тўлашни юклаш – бундай ҳолда ундириладиган сумма билан етказилган зарар ҳажми ўртасида боғланиш мавжуд бўлмайди.

Жавобгарликнинг ушбу шаклидан амалиётда қайси бирларини қўллаш қулайроқ (интеллектуал мулк обьектига нисбатан хуқуқ эгаси нуқтаи назардан олганда) деган саволга таникли олим А.П.Сергеев шундай жавоб беради: «зарарни қоплашни қўллаш нисбатан мураккаброқ, чунки бунда етказилган зарарни, айниқса унинг ҳажмларини, бой берилган фойдани, аниқ белгилаб, исботлаб бериш талаб қилинади. Хуқуқбузар томонидан олинган даромадларни ундириш нисбатан осонроқ, агарда, масалан: хуқуқбузар томонидан ғайриқонуний равишда асар ёки компакт диск тарқатилган бўлса, уларни сотиш баҳоси ва умумий тарқатиш тиражи орқали хуқуқбузар томонидан олинган даромад суммаси аниқ бўлади, бунда хуқуқ эгаси томонидан бой берилган фойда ҳажмини белгилаш талаб этилмайди. Бундай ҳолатда жабрланувчи учун анча қулай, исботлаш бурчи енгиллашади. Иккинчи томондан эса хуқуқбузар учун жавобгарлик ҳажми ошади – барча даромадлардан қатый белгиланган миқдорларда товон пули ундириш талаб қилинганда хуқуқ эгалари учун вазифа янада осонлашади, қулай тус олади. Россия қонунларида товон пули миқдори 10 дан 50000 минимал иш ҳақи ҳажмигача белгиланганд. Товон пулини муайян ҳажмини белгилашда суд жабрланувчининг эҳтимол тутилган зарар ҳажми, хуқуқбузарнинг олган даромади, унинг айби ва бошқа омилларни ҳисобга олмоғи лозим. Муаллиф бу ўринда учинчи шахс бўйича бир оз зиддиятли фикрлар баён қиласди: бир томондан жабрланувчи учун осон, иккинчи томондан қуйидаги ҳолатлардан суд келиб чиқмоғи лозим. Агар фуқаролик ва иқтисодий процесс жараёнида тортишувчилик тамойилидан исботлаш бурчидан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда барибир жабрланувчи зиммасида жуда улкан исботлаш мажбурияти мавжуд. Бу ҳолда жабрланувчи учун етказилган зарарни ундириш ёхуд қатый

белгиланган ҳажмларда товоң ундириш бир хил исботлаш предметини ташкил этади. Фикримизча, товоң ҳақи түләтиш акцессор (факультатив) хусусиятга эга бўлган жавобгарлик бўлиши лозим; жабрланувчи учун икки муқобил шакл – зарарни ундириш ёхуд ҳуқуқбузар олган фойдани талаб қилиб олишни қўллаш имконияти бўлмаганда, қатъий белгиланган микдорларда товоң пули ундиришни қўллаш мақсадга мувофиқ. Уни қўллаш асоси – ҳуқуқбузарлик содир этилган фактнинг ўзи. Бунда ҳуқуқ соҳибига зиён етгани (моддий кўринишда) ёхуд ҳуқуқбузарнинг даромад олгани аҳамиятга эга эмас. Мана шундай жавобгарлик шаклининг мавжудлиги ҳуқуқбузарликнинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олишда муҳим фуқаролик-ҳуқуқий восита ҳисобланади. Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик масаласи, айни вақтда маънавий зарарни пул кўринишида қоплаш ҳажмлари Фуқаролик кодексида ўз ифодасини топиши лозим.

Афсуски, Фуқаролик кодексида шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш хусусиятлари ниҳоятда номуайян, мавҳум тарзда ўз ифодасини топган (шаън, қадр-қиймат, ишchanлик обрусини ҳимоя қилиш бундан мустасно). ҳолбуки шахсий ҳуқуқлар, айниқса ижодкорнинг шахсий ҳуқуқлари алоҳида ўз хусусиятларига эга ва уларни ҳимоя қилиш ҳам аниқ-равшан, бу хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда Фуқаролик кодексида мустаҳкамланиши шарт.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқсан ҳолда Фуқаролик кодексига 1040¹-модда интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мулкий ҳуқуқларни бузганлик учун, 1040²-модда интеллектуал мулк обьектларига нисбатан шахсий мулк ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар киритиш, айни вақтда Фуқаролик кодексининг 1040-моддасини ҳам янги таҳрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Фуқаролик кодексига тегишли равишда бундай ўзгартиришлар киритиш унинг амалий аҳамиятини янада кучайтирган ва маданий қароқчиликка қарши муҳим ҳуқуқий восита сифатида қийматини оширган бўлар эди.

Интеллектуал мулк обьектлари ҳақида маҳсус қонунлар ҳам жиддий таҳрир қилинмоғи лозим. Масалан, “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 46 ва 61-моддалари қайта таҳрир қилиниши ёхуд улар қайта ишланиб, қонунга тўртинчи қисм муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш деган ном билан киритилмоғи лозим. Ушбу қисмда маданий қароқчилик тушунчasi, контрафакт нусхалар тушунчasi, мулкий ва шахсий ҳуқуқларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий санкциялар ўз ифодасини топиши лозим. Бу ўринда БИМТнинг намунавий қонуни 46-, 47-, 49-моддаларини асос қилиб олиш мумкин. Селекция ютуқларига нисбатан

шахсий, шахсий-мулкий ва мутлақ ҳуқуқларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарларни “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонунда ҳам мукаммал белгиланиши лозим. Умуман олганда интеллектуал мулк обьектлари бўйича барча маҳсус қонунлар ТРИПС битими билан уйғунлашуви нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлик ҳуқуқбузарлар учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 45-моддасида тижорат сирларини ошкор этганлик учун, 155-моддаси тўртинчи қисмида ўзганинг ЭҲМ учун яратилган дастури ёки маълумотлар базаларини ўз номидан чиқариш, қонунга хилоф равишда ундан нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш учун, 177-моддада маҳсулот (хизмат) белгиси эгасини ҳуқуқларини бузиш, 177¹-муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқларни бузиш, 177²-моддасида ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Афсуски, белгиланган маъмурий жарималар миқдори етарли эмас. Ушбу санкцияларда контрафакт нусхаларини, маданий қароқчилик предметларини йўқ қилиб ташлаш, мусодара қилиш масаласи белгиланган. Бироқ жабрланувчи фойдасига мусодара қилиш белгиланмаган. Бинобарин, интеллектуал мулк обьектларини маъмурий ҳуқуқий муҳофаза қилиш асослари жиддий мустаҳкамланиши лозим, чунки фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усуллари ҳар доим самарали натижа беравермайди. Фикримизча, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда (МЖТК) интеллектуал мулкнинг ҳар бир обьектига нисбатан мулкий ва шахсий ҳуқуқларни бузганлик, белгиланган тартибга риоя қилмаганлик учун маъмурий-ҳуқуқий санкциялар белгилаш лозим. Айни вақтда фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя усулларини узвий равишда қўшиб олиб бориш талаб этилади. Шу муносабат билан эътиroz билдирилиш мумкин: бир ҳуқуқбузарлик факти учун бир ҳуқуқий жавобгарлик белгиланади, агар бир қилмиш учун ҳам фуқаролик, ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланса, ушбу тамойилга путур етмайдими? Маълумки, бозор муносабатлари тизими анъанавий ҳуқуқий докториналарини тубдан ўзgartирди. Ҳуқуқбузар интеллектуал мулк ҳуқуқи меъёrlарини бузар экан у ҳам хусусий ҳуқуққа, ҳам умумий ҳуқуққа тажовуз қиласди. Шу сабабли ҳам айrim ҳолларда икки хил жавобгарлик қўлланиши мумкин. Бу хорижий давлатлар тажрибасида ҳам мавжуд. Масалан, “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Россия Федерацияси Қонунининг 49-моддаси 2-бандинга асосан суд ҳуқуқбузарга асосан етказилган зарарни ундириш ҳақида чора қўллаш билан бирга даъвогар фойдасига ундириладиган сумманинг 10 фоизи ҳажмида қўшимча маъмурий жарима ҳам солади. Айни вақтда шуни

ҳам ёдда тутиш лозимки маъмурий чора ҳар доим фуқаролик-хуқуқий чора қўллангандан кейин автоматик равища кўлланавермаслиги лозим.

Маъмурий жавобгарлик чораси:

контрафакт нусхалар ёки қароқчилик предметларини мусодара ёхуд йўқ қилиб юбориш учун;

интеллектуал мулк обьектларини рўйхатга олиш, фуқаролик муомаласида бўлиш қоидалари бузилганда;

хуқуқ соҳиби хорижий давлатда бўлганлиги ёхуд ўз бузилган хуқукини фуқаролик-хуқуқий тартибда ҳимоя қилиш имконияти йўқ бўлган ҳолларда;

қонунларда кўрсатилган бошқа ҳолатларда қўлланмоғи лозим.

Айни вақтда маъмурий жарималар микдори ҳам кескин оширилмоғи лозим. Интеллектуал мулк хуқуқбузарлигини маъмурий чора қўллангандан кейин такроран содир этиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши шарт. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида интеллектуал мулк ибораси ишлатилмаган, балки тафаккур мулки ибораси қўлланилган. Жиноят кодексининг 7-боби фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятларга бағищланган бўлиб, унинг 149-моддасида тафаккур мулки обьектига нисбатан муаллифлик хуқукини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулки обьектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунча ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Энг аввало, шуни эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ижод эркинлиги, фикр, сўз, эътиқод эркинлиги ўз ифодасини топган. Шу муносабат билан Жиноят кодексининг 149-моддаси орқали бу эркинликлар бевосита жиноят-хуқуқий муҳофаза остига олинган деб ҳисоблаш мумкин. Айни вақтда шуни очиқ айтиш лозимки, Жиноят кодексининг 149-моддаси мазмуни эски Ўзбекистон ССР Конституциясининг 45-моддасидаги авторлар, ихтирочилар ва рационализаторларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан қўриқланади деган қоида асосида 1995 йил 1 апрелга қадар амалда бўлган эски Жиноят кодексининг 144-моддасини мазмунини айнан ёдга туширади. Албатта, муаллиф жиноят ҳуқуқи бўйича ўзини мутахасис ҳисобламайди. Бироқ юқоридаги ҳолат интеллектуал мулк хуқукини жиноят-хуқуқий муҳофаза қилиш масаласи чукур ўрганилмаганлигидан ва мамлакатимиз ҳаётида рўй берган кескин сифат ўзгаришлари бу борада ҳисобга олинмаганлигидан далолат беради. Бугунги кунда интеллектуал мулк обьектлари мол-мулқ, товар сифатида бозор муносабатларидан мустаҳкам ўрин олган. Демак, интеллектуал мулқдорни ҳуқуқлари ҳар қандай мулқдор ҳуқуқлари каби ҳимоя остига олинмоғи лозим. Жиноят кодексининг 149-моддаси бўйича эса

фақат ижодкор муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Тўғри, ихтирога патент берилмасдан туриб патент формуласини ошкор қилиш, шунингдек муаллифнинг розилигисиз унинг асарини эълон қилиш бу ижодкорларнинг мулкий ҳуқуқларига салбий таъсир қилиши шубҳасиз. Бундай жиноят иқтисодиётда ёхуд хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларни ташкил этади. Бинобарин, интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий ҳуқуқларни бузиш алоҳида, мулкий ҳуқуқларни бузиш алоҳида жиноят сифатида қаралмоғи лозим.

Ўз пайтида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелда қабул қилган "Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида"ги Қарори бўйича мутлақ тутруқсиз кўрсатма берилган: "Жумладан, тадбиркорлик субъектларининг интеллектуал фаолияти натижаларини ўзлаштириб олиш Жиноят кодексининг 149-моддаси билан тавсифланиши мумкин. "Агар интеллектуал мулк объектлари моддий қийматликка эга бўлса, айборнинг қилмишлари талон-тарож сифатида баҳоланади". Ушбу кўрсатма интеллектуал мулк хусусиятлари ва мутлақ ҳуқуқ мазмунини ғоят бузиб, Фуқаролик кодексининг IV бўлимни нормаларига зид равишда талқин этишдир. Айни вақтда моддий қийматга эга бўлганлиги сабаблигина мол-мулк обьекти бўлишини, у ғоявий негизга эга бўлганлиги сабабли талон-тарож обьекти бўлмаслигини изоҳлаб ўтиришга эҳтиёж йўқ деб ҳисоблаймиз.

Жиноят кодексининг 174-моддасида (ахборотлаштириш қоидаларини бузиш), 183-моддасида (монополияга қарши кураш қоидаларини бузиш), 191-моддасида (қонунга хилоф равишида ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш) каби интеллектуал мулк обьектлари билан боғлиқ ҳуқуқлар жиноят-ҳуқуқий муҳофаза остига олинган.

Бироқ ҳозирги Жиноят кодекси ТРИПС битими талабларига жавоб бермайди. ТРИПС битимиға асосан маданий қароқчилик учун жиноят ҳуқуқий санкциялар белгиланиши шарт. Хўш бундай санкцияларни белгиловчи меъёрлар диспозицияси қандай бўлиши керак? Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат қиласиз. АҚШ қонунлари бўйича маданий қароқчилик жиноят ҳисобланиб, уни содир этган шахслар 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниши, бундан ташқари, жисмоний шахслар 25 минг, юридик шахслар эса 100 минг долларгача жарима тўлаш зиммасига юкланди. Буюк Британияда мутлақ ҳуқуқлар обьектларидан рухсатсиз фойдаланганлик – қароқчилик учун 2 йилгача, хужжатларни қалбакилаштириш орқали мутлақ

хуқуқларни ўзлаштириш учун 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши мумкин.

Ўз вақтида Россия Федерациясида 2003 йил 8 апрелдан бошлаб муаллифлик ва турдош хуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида Жиноят кодекси 145⁶-моддасининг янги таҳрири амал қилган. Ушбу модданинг биринчи қисмига кўра муаллифликни ўзлаштириш (плагиат) учун, агарда бундай қилмиш муаллифга ёки бошқа хуқуқ соҳибига йирик зиён етказса икки юздан тўрт юзгача минимал иш ҳақи ёхуд маҳкумнинг икки ойдан тўрт ойгача иш ҳақи ёки бошқа даромади ҳажмида жарима ёхуд бир юз саксондан то икки юз қирқ соатгача мажбурий ишларга жалб этиш, ёинки уч ойдан олти ойгача арест билан жазоланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисми маданий қароқчилик содир этгани учун санкциялар белгилайди. Унга кўра муаллифлик ёки турдош хуқуқлар объектларидан ғайриқонуний фойдаланиш, шунингдек, сотиш мақсадларида асарлар ёхуд фонограммалар контрафакт нусхаларини олиш, сақлаш, ташиш йирик миқдорларда содир этилса икки юздан тўрт юзгача минимал иш ҳақи ёхуд маҳкумнинг икки ойдан тўрт ойгача иш ҳақи ёки бошқа даромадлари ҳажмида жарима ёинки бир юз саксондан икки юз қирқ соатгача мажбурий ишларга жалб этиш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Агарда маданий қароқчилик ҳаракатлари бир неча марта, ўта йирик миқдорда, шахснинг ўз хизмат мансабидан фойдаланиш орқали содир этилса, мол-мулкни мусодара қилиб ёки қилмай икки йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кодексда йирик ва ўта йирик зиён ҳажми ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Агар асарлар ва фонограммалар нусхалари баҳоси ёки фойдаланилган муаллифлик ва турдош хуқуқлар қиймати юз минимал иш ҳақидан ошса йирик зиён, беш юз минимал иш ҳақи миқдоридан ошса ўта йирик миқдорда зиён ҳисобланади.

ТРИПС Битимининг 61-моддада жиноий жазо тижорат соҳаларида содир этилган муаллифлик хуқуқларини бузиш ёхуд товар белгиларидан ғайриқонуний равишда қасдан фойдаланиш учун қўлланиш лозимлиги кўрсатилади. Жазо чораси сифатида қамоқда сақлаш, пул жаримаси (жиноятнинг оғирлик даражасига қараб), контрафакт товарларни, хуқуқбузарлик содир этишда қўлланиш учун мўлжалланган ҳар қандай воситаларни йўқ қилиб ташлаш тавсия этилади. Айни вақтда ЖСТга аъзо давлатларга интеллектуал мулк хуқуқлари бузилган бошқа ҳолатларда ҳам, бу қасдан ва тижорат мақсадларда содир этилган бўлмасада, жиноий жавобгарлик назарда тутишлари мумкинлиги белгиланган. Фикримизча

ҳозирча ТРИПС битимини минимал, лекин энг зарур талабини - муаллифлик ҳукуқларини бузиш, товар белгиларидан ғайриқонуний фойдаланиш учун жиной жавобгарлик белгилаш ҳақидаги талабини бажариш лозим. Айни вақтда ҳар иккала ҳукуқбузарлик ҳаракатлари учун ягона жиноят таркибини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бинобарин, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ЖКнинг 149-моддасида муаллифлик, ихтирочилик деган сўзлар ўрнига интеллектуал мулк обьектига нисбатан ҳукуқларни бузиш деб номланмоғи, шунингдек, модда диспозициясида тафаккур мулки ўрнига интеллектуал мулк ибораси қўлланмоғи лозим. Ушбу ҳолатда нафақат муаллифлар ва ихтирочилар, балки турдош ҳукуқ обьектлари, бошқа ижодкорлар ҳукуқлари ҳам ҳимоя остига олинган бўлур эди.

Маданий қароқчилик учун жиной жавобгарлик ҳақидаги меъёр Жиноят кодексининг 3-бўлими - иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар туркумiga киритиш ҳеч қандай баҳс-мунозара га сабаб бўлмайди. Асосий масала уни Жиноят кодексининг қайси бобига жойлаштириш ҳақида. Аслини олганда бу жиноят моҳияти ва мазмунига қўра ўзгалар мол-мулкини талон-тарож қилиш бўйича жиноятлар гуруҳига мансуб. Бироқ, муаллифлик ҳукуқи ва товар белгисига бўлган ҳукуқлар амалда ашёвий мол-мулк эмас, идеал (ғоявий) хусусиятдаги мутлақ ҳукуқ обьекти. Шу сабабли ҳам одатдаги талон-тарож тушунчалик унга нисбатан қўллаш мантиқан тўғри бўлмайди. Ушбу жиноятни Жиноят кодексининг иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар бўлимига жойлаштириш мантиқан тўғри бўлган бўлур эди. Бироқ, бу туркумга кирувчи жиноят таркиблари ичида у остки (қўшимча, ҳосила) модда сифатида киритилиши мумкин бўлган таркиб мавжуд эмас. Гарчи ушбу жиноят иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар туркумiga моҳияттан мос келмаса ҳам, ташқи зоҳирий белгилари 190-модда (фаолият билан лицензиясиз шугулланиш)га остки модда сифатида киритилиши мақсадга мувофиқ.

«190¹-модда. Муаллифлик, турдош ҳукуқлар обьектларидан ва товар (хизмат) белгиларидан ғайриқонуний фойдаланиш.

Ўзгаларга мутлақ ҳукуқ асосида тегишли бўлган муаллифлик ҳукуқи, турдош ҳукуқлар обьектларидан ва товар (хизмат) белгиларидан била туриб фойда олиш мақсадида ғайриқонуний фойдаланиш, агарда бунинг натижасида кўп миқдорда зарар етказилса ғайриқонуний тайёрланган обьектларни, уларда ишлатиш учун мўлжалланган воситалар ва қурилмаларни мусодара қилиш ва йўқ қилиб юбориш шарти билан икки йилгача озодликдан маҳрум этиш билан, худди шундай ҳаракатлар бир неча марта ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган ташкилий гуруҳ томонидан содир этилиши ғайриқонуний тайёрланган обьектларни, уларда ишлатиш учун мўлжалланган воситалар ва қурилмаларни мусодара қилиш ва йўқ қилиб

юбориши шарти билан икки йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 дан 1000 бараваригача миқдорида жарима солиш билан жазоланади».

Юридик шахс раҳбарларининг юридик шахс маданий қароқчилик билан шуғуллангани учун жиноий жавобгарликка тортилиши, юридик шахснинг ўзига интеллектуал мулк ҳуқуқи эгалари томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тартибда даъво билдиришига асло тўсқинлик қилмайди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи обьектига нисбатан ҳуқуқ соҳиби ҳуқуқларини муҳофаза этишда маънавий зарарни ундириш энг муҳим юридик воситалардан бири ҳисобланади. Конунда маънавий зарарни ҳуқуқий таърифи бевосита назарда тутилмаган. Бироқ ҳуқуқий адабиётларда маънавий зарар деганда ҳуқуқ соҳибининг ҳуқуқлари бузилиши натижасида унга етказилган руҳий изтироблар, қийналишлар, азоб-уқубатлар тушунилиши қайд этилади. Маънавий зарар вужудга келиши мумкин бўлган ҳолатлар ичida интеллектуал мулк ҳуқуқини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай ҳолатлар нафақат ҳуқуқ соҳибининг шахсий номулкий ҳуқуқлари, балки мулкий ҳуқуқларини ҳам бузиш оқибатида вужудга келиши мумкин.

Маълумки, ҳар қандай интеллектуал мулк обьекти ижодий фаолиятининг маҳсулидир. У эса ўз навбатида инсон онгли фаолиятининг ўзига хос кўринишидир. Бинобарин, ижодкор шахс ўз фаолияти натижасига нисбатан энг аввало унинг яратувчиси сифатидаги мавқенини – муаллифлик ҳуқуқини барча томондан тан олиниши, эътироф этилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ муаллифлик ҳуқуқида ижодий фаолият натижаси яратилиши факти асосида, ўз-ўзидан вужудга келади ва бунда маълум расмиятчиликларга риоя этилиш талаб этилмайди. Бироқ асар номсиз ёки тахаллус остида эълон этилган бўлса, бошқа шахслар томонидан учинчи бир шахсни асар муаллифи сифатида гумон этиш ва кўрсатиш ҳолларида ҳақиқий муаллифга нисбатан маънавий зарар вужудга келмайди, чунки у асарни ўз номи билан эълон этмаганлиги сабабли бошқаларга асар муаллифини аниқ-равshan билиб олишларига имкон бермаган ҳисобланади (бошқа шахслар томонидан муаллиф ҳақидағи фактларни қасддан, атайлаб сохталаштириш ҳоллари бундан мустасно). Патент ҳуқуқида эса интеллектуал мулк обьекти давлатнинг ваколатли органи томонидан маҳсус муҳофаза ёрлиги (патент ёки муаллифлик гувоҳномаси) олган бўлиши шарт, акс ҳолда муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя қилинмайди, чунки ёрлик ижодкорнинг муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Бундай тартиб баъзи ҳолатларда муайян эътиrozлар вужудга келтириши мумкин. Масалан, ихтирочи ўзи яратган ихтиросига нисбатан ёрлик олишдан ихтиёрий равишда воз кечиб, уни умуминсоний бойлик сифатида барчани фойдаланиши учун тақдим этиши

мумкин. Ўтмишда К. Рентген, М. Складовская Кюрилар худди шундай йўл тутишган. Мана шундай ҳолларда ҳам ижодкорнинг муаллифлик ҳуқуқи жамият томонидан эътироф этилиши ва ҳуқуқий муҳофаза остига олиниши лозим ва бу ҳуқуқ бузилган тақдирда етказилган маънавий зарар қопланиши шарт. Адолат ва ҳақиқат мезонлари буни тақозо этади.

Интеллектуал мулк обьекти яратувчисининг муаллифлик ҳуқуқини бузиш қуидаги хатти-ҳаракатларнинг учинчи шахслар томонидан содир этилишида намоён бўлади:

- ҳақиқий муалифнинг муалифлигини инкор этиш;
- муалиф сифатида бошқа шахсни қўрсатиш;
- муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириш;
- ҳаммуаллифликка мажбур этиш;
- муалифнинг номини атайлабдан, жўрттага кўрсатмаган ёки яширган ҳолда обьектдан фойдаланиш ёки уни бирор тарзда муомалага киритиш.

Юқоридаги хатти-ҳаракатлар содир этилиши натижасида ижодкорга энг аввало маънавий зарар етказилади, яъни унинг қилган меҳнати эътироф этилмайди, тан олинмайди ва у бинобарин кўп ҳолларда оғир руҳий изтиробларга дучор бўлади. Ўтмишда баъзи ижодкорлар мана шундай руҳий қийноқлар натижасида руҳий хасталикларга ҳам мубтало бўлганлар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига асосан маънавий зарарнинг моддий (пул) кўринишида қопланиши учун энг аввало зарар етказувчининг айби бўлиши шарт. Маълумки айб ҳуқуқбузарнинг ўзи содир килган ҳуқуқбузарлигига ва унинг оқибатларига нисбатан руҳий-психологик муносабатда бўлиб, у қасд ёки эҳтиётсизлик шаклларида намоён бўлади. Конунда маънавий зарарнинг пул кўринишидаги ҳажми аниқ белгилаб қўйилмаган. У ҳар бир ҳолатда алоҳида иш ҳолатларидан келиб чиқиб, суд томонидан белгиланади. Ҳозирча бундай тоифадаги ишлар бўйича суд амалиёти тажрибаси кам. Бироқ Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига асосан маънавий зарарни қоплаш миқдорини белгилашда суд:

а) жабрланувчига етказилган руҳий азоблар хусусиятига (енгил ўкиниш, афсусланиш, чуқур қайғу алам, доимий тушкунлик ва ҳоказо);

б) айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига (қасдан ўтакетган сурбетлик, беҳаёлик, ноинсофлик билан ёхуд енгилтаклик, бепарволик билан маънавий зарар етказиш, рўй берган ҳуқуқса хилофлик оқибатларига нисбатан эътиборсизлик, лоқайдлик ёхуд чин дилдан пушаймон бўлиш, афсусланиш, бу оқибатларни бартараф этишга уриниш, кўмаклашиш ва ҳоказо) қараб қарор чиқаради.

Конунда жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари

ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланиши кўрсатиб ўтилган. Маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар деганда ҳуқуқбузар томонидан ҳуқуққа хилоф ҳаракат, қилмишни амалга ошириш жараёни, шартшароитлари, содир этиш усули бўйича фактик ҳолатлар тушунилиши лозим. Масалан, ҳуқуқбузар бошқа шахснинг муаллифлик ҳуқуқига ўзаро тор доирадаги суҳбатда илмий анжуман минбарида, ёхуд оммавий ахборот воситаларида, ёинки нашр этилган адабиётларда тажовуз қилиши мумкин (масалан, муаллиф мен ёки бошқа учинчи шахс деган мазмунда). Ушбу ҳолатлар хусусий (тор доирадаги суҳбат) ёхуд ижтимоий хусусиятга эга бўлиши (масалан, телевидение орқали чиқиш) маънавий зарар пул шакли миқдори белгилашда ҳисобга олинмоғи лозим. Жабрланувчининг шахсий ҳуқуқбузарлик унга қандай таъсир этгани (унчалик аҳамият бермаган, оғир қабул қилгани, ўзи учун фожеа сифатида баҳолагани) билан боғлиқ. Бироқ бунда шуни ҳам унутмаслик лозимки, баъзи ҳуқуқи бузилган шахс оғир изтироб кечинмаларини ичига ютишга, бошқаларга билинтирмасликка ҳаракат қиласди. Бошқа тоифадагилар эса арзимаган ҳолатдан «пашшадан фил ясашга» ҳаракат қиласди, ўз маънавий азобларини бўрттириб кўрсатишга, гўёки доимий ва сурункали изтиробларга дучор бўлгандай кўрсатишга ҳаракат қиласди. Айниқса даъво жабрланувчининг ўзи томонидан кўзғатилган ҳолларда суд жабрланувчининг ўзига етказилган маънавий зарар ҳажми, миқёслари ва оқибатлари ҳақидаги изоҳларини холис баҳолашга ҳаракат қилмоғи, бошқа ҳолатлар билан таққосламоғи лозим.

Қонунда маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналиқ ваadolatлилик талаблари эътиборга олиниши шартлиги белгиланган. Албатта оқилоналиқ ва адолатлилик аҳлоқий тушунчалар ҳисобланади ва бу тушунчаларни талқин этишда шахснинг ижтимоий ва ҳуқуқий онги, аҳлоқий-этик қарашлари муҳим ва белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади. Оқилоналиқ деганда ушбу ҳолатда белгиланадиган товон пули миқдорини ҳуқуқбузарнинг мулкий ҳолатига, унинг имкониятларига қай даражада мослиги нуқтаи назаридан талқин этиш мақсадга мувофиқ. Адолатлилик эса товон пули миқдорини белгилашда унинг маънавий зарар ҳажмига, оқибатларига мутаносиблиги, жабрланувчига нисбатан компенсация (қоплаш) функциясини бажара олиши хусусиятларида намоён бўлади. Ушбу мезонларга риоя қилмаслик маънавий зарарни пул қўринишида қоплаш бўйича суд амалиётида жиддий хатоликларга олиб келади. Масалан, мулкий жиҳатдан ночор шахслар зиммасига катта миқдорда товон пули тўлашни юклаш оқилона бўлмаган бўлур эди ёки бўлмаса содир этган ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этишга ҳаракат қилаётган шахсга нисбатан энг юқори даражада товон пули белгилаш ҳам мақсадга мувофиқ эмас ва адолатга хилофdir.

Маънавий зарар интеллектуал мулк объектига нисбатан нафақат шахсий хукуқлар, мутлақ хукуқлар бузилганда ҳам етказилиши мумкин. Масалан, товар белгиси, фирма номига нисбатан мутлақ хукуқлар амал қиласди. Агар учинчи шахслар томонидан рухсат олмаган ҳолда товар белгиси ўзлаштирилиб, сифатсиз маҳсулот муомалага чиқарилганда, товар белгиси эгасининг бозорда обрўси тушади, унинг товарлари ҳакида салбий таассуротлар вужудга келади. Мана шундай ҳолатларда хукуқ соҳибининг мутлақ (мулкий) хукуқлари бузилиши натижасида ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етади. Бинобарин, хукуқбузар бундай ҳолатларда ҳар иккала хил кўринишдаги заараларни қоплаши лозим.

Маънавий зарар ҳар доим субъектив шахсий хукуқ бузилганда етказилади. Марҳум ижодкорларнинг муаллифлиги, асарлари дахлсизлиги, номга бўлган хукуқлари бузилганда, маънавий зарар етказиладими?

Агар субъектив хукуқ соҳиби бўлмаса, субъектив хукуқ мавжуд эмас, бироқ ўша субъектив хукуқларга асос бўлган юридик фактлар сақланиб қолади. Бинобарин марҳум муаллифнинг муаллифлик хукукини ўзлаштиришда жамиятда белгиланган одоб-аҳлоқ ва хукуқ меъёрлари поймол бўлади, улар очиқдан очиқ менсимасдан топталади. Бунда ҳам жамиятга, ҳам унинг ҳар бир аъзосига маънавий зарар етади. Бу шунчаки абстракт мавҳум мулоҳаза эмас, балки реал воқеликдир. Худди шу сабабли бундай ҳолларда давлатнинг ваколатли идоралари ҳам (масалан, прокуратура) ёхуд марҳум муаллиф билан қариндошлиқ ҳолатидан қатъи назар жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳам жамиятга ва ўзига маънавий зарар етказилган деб ҳисоблаб, судда даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Бунда маънавий зарар давлат даромадига ва рамзий миқдорларда давогар - фуқаро фойдасига ундирилиши лозим.

2.3-§. Суд амалиётида адолат, инсоф, оқилоналикни қўллаш масалалари

Хукуқни қўллаш ва суд амалиёти ғоят мураккаб ва кенг қамровли жараён. Ҳар иккала жараён учун хос бўлган хусусият - бу уларнинг муайян хукуқ нормаларини талқин этиш ва қўллаш билан боғлиқ эканлигига ифодаланади. Мамлакатимиз миллий хукуқ тизимида юзлаб қонунлар, ўн минглаб қонун ости хужжатлари амал қиласди. Бироқ шунга қарамасдан уларнинг барчаси инсонни барча эҳтимол тутилган хатти-ҳаракатлари, хулқатвор қоидаларини аниқ, равshan, мукаммал белгилаб бера олмайди. Инсон ижтимоий субъект, унинг ижтимоий ҳаётида вужудга келадиган ҳамма жараёнларни олдиндан хукуқий алгоритмларда белгилаб қўйишга уриниш бемаънилик бўлган бўлур эди. Хукуқ энг зарур ижтимоий муносабатларни

тартибга солади. Агар мулкий муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқи соҳасини олиб кўрсак, унда қатъий кўрсатма берадиган императив нормалардан кўра субъектларга эркинлик, мустақиллик, ташаббускорлик берадиган диспозитив нормалар кўпроқ эканлигини эътироф этамиз.

Ҳуқуқ тамойиллари тушунчаси, моҳияти, мазмуни жуда қўп илмий тадқиқотларни мавзуи бўлганини эътиборга олиб²⁶ асосий эътиборни аёллар ва болалар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда тамойилларини қўллаш хусусиятларига қаратамиз.

Одатда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳам, суд амалиёти ҳам биринчи галда қонунларга асосланади. Қонунлар тушунчаси бу ўринда кенг маънода қўлланилади. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти иштирокчилари бир-бирларидан қонун талабларига риоя этишни, оғишмай бажаришни талаб қилишади. Кенг маънодаги қонун мазмуни фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи мазмунини қамраб оладими, ушбу тамойиллардан ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида бевосита фойдаланиш имкониятлари мавжудми деган савол туғилиши табиий. Баъзилар фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари функцияларини тор маънода талқин этадилар. Бунга кўра ҳуқуқий тамойиллар биринчи галда фуқаролик қонун ижодкорлиги жараёни учун дастурул амал ҳисобланади, яъни янги қабул қилинаётган қонунлар ушбу тамойилларга зид бўлмаслиги лозим. Тамойилларни бевосита қўлланиш масаласида эса Фуқаролик кодексининг 5-моддаси мазмунидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий муносабатни тартибга солувчи қонунлар ва ўхшаш қонунлар бўлмаган тақдирда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик қонун хужжатларининг умумий негизлари ва мазмуни (ҳуқуқ ўхшашлиги) ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат тамойилларига риоя қилган ҳолда белгиланади. Айни пайтда баъзи ҳолатларда фуқаролик қонунларида бевосита тамойилларга ҳавола этиш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан Фуқаролик кодексининг 187-моддаси биринчи қисмида ҳалол эгалик қилиш тўғрисидаги норма белгиланган.

Бундан ташқари шуни ҳам унутмаслик лозимки, ҳуқуқ тамойиллари ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини иштирокчиларини ижтимоий онги орқали ҳам бу борада ўзининг таъсирига эга. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти иштирокчилари ижтимоий онги таркибида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий қадриятлар шаклланган бўлади. Бинобарин, ушбу компонентлар ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини хатти ҳаракатига, хулқ-авторига, қонунларни англаш ва талқин қилиш бўйича ҳолатига таъсир қилувчи муайян субъектив омиллар мажмуини ташкил этади.

²⁶ А.Мухаммадиев. Фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари: назарий-амалий муаммолар. Тошкент. 2010 йил, X.Одилқориев., Ш.Якубов. Миллий ҳуқуқий тизим ва қадриятлар. Тошкент. 2010 йил.

Хуқуқни қўллаш амалиёти давлат ҳокимияти органларида, ўзини-ўзи бошқариш органларида, нотариал идораларда, медиация ва ҳакамлик жараёнларида фуқаролик хуқуқини ҳалоллик, оқилоналиқ ва адолат тамойилларини қўллаш жараёнини ўз ичига олади.

Энг асосийси жараён иштирокчилари айниқса, ҳуқуқни қўловчи шахслар яъни давлат ҳокимияти органлари ваколатли ходимлари, нотариус, медиатор, ҳакамлик судьяси тамойиллар моҳияти ва мазмунини тўлиқ англа бетган бўлишлари лозим. Бироқ, қонунларда тамойиллар тушунчаси, моҳияти аниқ равshan белгилаб қўйилмаган. Масалан, фуқаролик хуқуқини ҳалоллик тамойили. Ҳалоллик бу – баҳоловчи тушунча, яъни баҳоловчи субъект қайси нуқтаи назардан баҳолашига боғлиқ. Шу сабабли ҳам баъзи ҳолатларда киноя билан ҳар бир инсоннинг ўз ҳақиқати бор деган сўзларда муайян жон бор деб айтиш мумкин.

Биринчи навбатда шуни таъкидлаш ўринлики, Фуқаролик кодексининг ўзбекча ва русча матнларидаги ҳалоллик категориясини ўзбекча модели турлича ифодаланади. Агар Фуқаролик кодексининг 5-моддаси иккинчи қисмида бу ҳалоллик деб аталса, 229-моддасида эса бу инсофлилик деб ифодаланади. Русча матнлардан ҳар иккала нормаларда ҳам “добросовестность” ибораси қўлланилган. Бу ўринда ҳалол ёки инсофли тушунчаларини нисбатини белгилаш лозим бўлади. Муайян маънода ҳалоллик ва инсофлилик мазмунан мос келувчи жиҳатларини эътироф этиш лозим. Бироқ инсофли тушунчаси ҳалолликка нисбатан аниқроқ, кенгроқ ва юридик ибора режимига мазмунан мосроқ деб ҳисоблаш мумкин. Ҳалоллик, поклик бу айни пайтда маънавий категориялар ҳисобланади.

Инсофлилик – инсоннинг муайян жамиятда амал қиласиган ўз хулқи одобини назорат қилиш ва ахлоқий баҳолашидир. Инсоф виждонли одамнинг ёки маълум жамоанинг жамиятга ёки бошқа кишиларга нисбатан ўз хулқи автори учун маънавий жавобгарлик ҳиссидир.

Ҳалоллик – (арабча рухсат этилган, йўл қўйилган, қонуний асосли, тўғрилик, виждонлилик) – хиёнат, фирромлик кабилардан ҳоли, қинғир йўлга бормайдиган, бирорни алдамайдиган, тўғри, соф, покиза бўлишни талаб қиласиган маънавий ахлоқий меъёрни англатувчи тушунча. Ҳалол покиза яшаш бирорларнинг ҳаққига заррача бўлсада хиёнат қиласликдан иборатдир. Ҳалолликнинг мавжудлиги ростгўйлик ва фидоийлик билан шартланади. Ҳалоллик инсоннинг ички ва ташқи дунёсининг бирлиги, сўзи билан хатти-ҳаракати тўғри келиши, атрофдаги инсонларга очик кўнгил ва самимий муносабатни ифодаловчи маънавий, ахлоқий фазилатлардан ҳисобланади.²⁷

²⁷ С.Норқўзиев. Ахлоқнинг асосий меъёрлари. Тошкент. Шарқ. 2019 йил. 37,154-бетлар.

Бундан кўриниб турибдики, инсофлилик ва ҳалоллик категориялари ахлоқий категориялар сифатида мазмунан фарқланади. Шу сабабли ҳам русча матндағи бир хил ибора ФКнинг ўзбекча матнида ҳалоллик ва инсофлилик иборалари билан аталиши қонунчилик техникаси нуқтаи-назаридан тўғри бўлмаган.

Фуқаролик кодексининг ўзбекча матнини Фуқаролик кодексининг русча матнига мослаштириш ва “добропроведность”ни ҳар қандай ҳолатда инсофлилик сифатида ифодалаш ўринли бўлур эди. Ҳалоллик идеал ижобий ҳолат. Инсофлилика эса ҳар доим идеал ижобийлик даражаси намоён бўлавермайди. Ҳалолликда ўзига зулм қилиб бошқаларга марҳамат қилиш мумкин бироқ, инсофлилика бошқаларга зулм қилиш истисно этилиши билан бирга, ўзига ҳам зулм қилиш мақбул бўлиб ҳисобланмайди. Ҳукуқни қўллаш амалиётида инсофлилик нуқтаи назаридан келиб чиқиш ўринли бўлур эди.

Ҳукуқ тамойилларини қўллаш муаллифлар ва мутлақ ҳукуқ эгалари мулкий ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда қай даражада ижобий таъсир қўрсатиш мумкин деган савол туғилиши табиий. Фуқаролик қонун нуқтаи назаридан барча субъект тенг ҳукуқ ва имкониятларга эга. Бу умумий қоида бироқ, айни пайтда ҳукуқ доктринасида заиф томон ҳукуқий мақоми ҳам мавжуд. Қонун кўп ҳолларда заиф томон учун муайян имтиёзлар белгилайди, шу имтиёзлар орқали тарафларни фактик ҳолати тенглашади. Масалан, кредитор қарздорга нисбатан заиф томон ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, ФКнинг 333-моддасида қарздор учун айборлик презумпцияси белгиланган. Яъни мажбуриятни бажармаган қарздор то ўзини айби йўқлигини исбот қилиб бермагунча айбор ҳисобланади. Мажбуриятларда таваккал қилиш бурчи тақсимланганда ҳам, қонун чиқарувчи таваккал қилиш бурчини фактик жиҳатдан устун бўлган субъект зиммасига юклайди. Бундан ташқари шуни унутмаслик лозимки диний қадриятлар бизнинг маънавий қадриятларимиз таркибий қисми ҳисобланади. Масалан, Қуръони Каримдаadolat масаласига алоҳида урғу берилади. Унда “Ё айиҳаллазийна аманув, кувнув қоввамина бил қисти шуҳадоа лиллаҳи ва лав ала анфусикум авил валидайнин вал ақрабийн” яъни, эй мўминлар ҳар ишда,adolatli бўлинглар, гувоҳликларингиз холис Аллоҳ учун бўлсин, ўзларингиз ёки ота-оналарингиз, ё қавми қариндошларингизга зиён етгудек бўлса ҳамadolat йўлидан чиқманглар деган қўрсатма борлиги ҳақида машҳур уламо Алихонтўра Соғуний ёзади²⁸. Биринчи Президентимиз “Маънавият – енгилмас куч” асарида ушбу ҳолатга алоҳида урғу берганлар. Диний қадриятларда эса Қуръони Карим ва Хадиси Шарифларда етимнинг ва

²⁸ Алихонтўра Соғуний. Тарихи Мухаммадий. Тошкент. Шарқ. 2007 йил. 190 бет

аёлларнинг, заифларнинг ҳаққини еманг, етимларга аёлларга, заифларга нисбатан муруватли бўлинг каби қадриятлар мавжуд. Ушбу қадриятлар қонунларимизда, муайян даражада интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунларда ўз ифодасини топган ва муаллифни буюртмачи ёки иш берувчи билан бўлган муносабатларида манфаатлари устуворлиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм суроётганига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда буюк немис файласуфи Эммануэл Кант айтганидек “Адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди”. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлишлари лозим²⁹-деб таъкидлади.

Оммавий ахборот воситаларида “судлар адолат қўргони” деган қанотли ибора пайдо бўлди. Адолатни маъноси, моҳияти қандай талқин этилади, у қонунларда ўз ифодасини топганни деган савол туғилиши табиий. Жиноят кодексида одиллик принципи мавжуд (8-модда). ЖПКнинг 455-моддаси тўртинчи қисмида суд ҳукмининг адолатлилик моҳияти белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 373-моддасида суд ҳал қилув қарорларини қайта кўриб чиқиш асослари белгилаб қўйилган. Бунда суд ҳужжати қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш суд ҳужжатини қайта кўриб чиқиш асоси сифатида белгилаб қўйилган. ФПКнинг 4-бўлим 43-бобида суд ҳужжатини қонунийлиги ва асослантирилганлиги бўйича мезонлар ўз ифодасини топган. Бироқ, суд ҳужжатини адолатли эканлигини аниқлаш мезонлари унда ўз мужассамини топмаган. Фуқаролик кодексида ва бошқа қатор қонунларда ҳам адолат, адолатли бўлиш талаби белгилаб қўйилган. Бироқ, у нимада ифодаланиши мавхум бўлиб қолган. Адолат одил судлов учун асосий мезон экан, нима учун моддий қонунларда ҳам, процессуал қонунларда ҳам унинг моҳияти, мазмуни очиб берилмаганлигини ўзига хос илмий муаммо деб ҳисоблаш мумкин. Кўп ҳолатларда қонун адолат мезони, қонунларга риоя қилиниши, унинг талабларини қатъий бажариш адолатлиликни таъминлашни кафолатидир деган фикрлар кенг тарқалган. Бу муайян маънода ўзини оқлаган хулоса деб айтиш мумкин. Бироқ шунга қарамасдан қонунийлик ва адолатлилик ҳар доим айний тушунчалар сифатида қабул қилинмаган. Жуда кўп фундаментал қонунларда қонунийлик тамойили ва адолатлилик тамойили алоҳида алоҳида

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Янги Ўзбекистон. 2020 йил. 25 январ.

тамойиллар тарзида белгилаб қўйилган. Бу ўринда савол туғилиши табиий: адолатнинг моҳияти ва мазмуни қонунларда аниқ, равшан белгилаб қўйилмаган бўлса, у ҳолда ҳуқуқни қўллаш амалиёти иштирокчилари, судлар адолат мезонлари бўйича қандай қадриятларга асосланишлари лозим. Илмий адабиётларда адолат категорияси қандай шарҳланади. Фуқаролик ҳуқуқий доктринаси унинг моҳиятини қандай белгилайди деган савол туғилиши табиий.

Цивилистика фанида адолатга нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Д.Рябыхнинг фикрича адолат - бу биринчи навбатда индивид ва жамиятнинг фаровонлигига асос бўлувчи тартибдир. Бу тартиб юридик тенглик, ижтимоий умумийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш тамойилларига асосланади.³⁰ Г.Пашкова эса адолатни тенглаштириш, мувофиқлаштириш, мутаносиблик масалан, турли ҳуқуқ тизимларида чора кўришда тенглик (фуқароларнинг қонун олдида тенглиги), тақсимотдаги тенглик (моддий ва бошқа неъматларни тақсимлашда шахснинг барча ҳолатларини ҳисобга олиш) сифатида талқин этади.³¹ О.Мягкова адолат тамойилини мутаносиблик ва тенг ўлчовлилик сифатида ифодаланадиган манфаатлар мувозанати сифатида баҳолайди.³²

Шартномавий ҳуқуқий муносабатларда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мутаносиблиги, уларни ракобат қилувчи манфаатлари мувозанатга келтирилганлиги адолатнинг мужассами сифатида талқин этилади. Э.Анциферова адолат – умумқабул қилинган ва мажбурий норматив тизим – қонунда белгилаб қўйилган мезонларга мувофиқ хатти-ҳаракатларни мантикий баҳоси сифатида кўрсатади. Т.Майборода адолатга ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини хатти-ҳаракатларини ва воқеълик ҳолатларини ҳуқуқий мувофиқлигини баҳолашни акс эттирадиган, шахс ёки ижтимоий жамоанинг ижтимоий онгida шаклланган талаблар, ҳуқуқлар ва неъматлар тизими сифатида белгилайди. Адолатни объектив ва субъектив нуқтаи назардан кўриб чиқиши лозим. Объектив нуқтаи назардан адолат, адолатли давлат назарий моделини ижтимоий муносабатлар тизими ривожининг муайян босқичига мувофиқлигини акс эттиради. Адолатни субъектив баҳоси эса бу алоҳида шахслар, қатламлар ва гуруҳларнинг баҳоси ҳисобланади. Ўз

³⁰ Қаранг: Рябых, Д. И. Принцип справедливости в налоговом праве. / Д. И. Рябых // URL: <http://xn----7sbbaj7auwnffhk.xn--p1ai/article/28004> (дата обращения: 13. 08. 2019).

³¹ Қаранг: Пашкова, Г. Г. Реализация принципа социальной справедливости в праве социального обеспечения /Г. Г. Пашкова // URL: <http://xn----7sbbaj7auwnffhk.xn--p1ai/article/20117> (дата обращения: 13. 08. 2019).

³² Т.Ю.Майборода. Понятие справедливости в гражданском праве. //<https://moluch.ru/authors/121285/>

маъносига кўра адолат турлича функцияларни бажаради. У тамойил сифатида, мақсад сифатида, хатти-ҳаракатлар баҳоси сифатида намоён бўлиши мумкин. У ҳуқуқни қўллаш амалиётида адолат тушунчасига нисбатан қизиқиш ортиб бораётганини ва бу бўйича судларни барқарор амалиёти вужудга келганини қайд этади ва айни пайтда қонун чиқарувчи адолатни моҳиятини ва мезонларини белгилаб қўймаганлиги уни амалда қўллашда қийинчиликлар вужудга келтираётганини таъкидлайди.³³

А.Конавалов фуқаролик ҳуқуқида адолатни фуқаролик муомаласи иштирокчиларини ўзларига тегишли ҳуқуқларни амалга ошириш ва зиммасидаги мажбуриятларни бажаришда бошқа шахслар ва ижтимоий манфаатларни хисобга олишга, ҳуқуқни сустеъмол қилишдан тийилишга, фуқаролик муомаласи иштирокчилари мақомида тенгликка риоя қилишга ва зарурият бўлганда қонун талаб қилгандан кўра юқорироқ мажбуриятлар юкламаларни ўзига олишга бўлган ахлоқий асосланган интилиш, ҳаракат сифатида талқин этади. Фуқаролик ҳуқуқий адолат функционал жиҳатдан фуқаролик ҳуқуқи субъектилигини тўла қонли таъминлашга, мажбуриятларни лозим даражада бажарилишига, фуқаролик муомаласидаги заиф иштирокчиларни ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилади.³⁴

Ушбу муаллифнинг нуқтаи назари муайян маънода адолатни моҳиятини тўла қонли ифодалайди деб айтиш мумкин. Айни пайтда адолатнинг бундай моҳияти моддий қонунлар учун методологик аҳамиятга эга. Процессуал қонунларда эса адолат биринчи галда суд ҳужжатларини ижро қилиш оқибатлари нуқтаи назаридан баҳоланиши талаб этилади. Бунда бузилган ҳуқуқларни тикланиши, қонуний манфаатларни рўёбга чиқиши, заарларни ва товон пулинин мутаносиб равишда ундирилиши, умуман кўрилган чоралар адолатни қарор топишига олиб келиши лозим.

Қуръони Каримда кишилар ўртасида муносабатларда адолатли бўлишга такрор-такрор чақирилади. Жумладан, Нисо сурасининг 58-оятида одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюрилади деб кўрсатилган.³⁵ Мойида сурасининг 8-оятида эй мўминлар Аллоҳнинг ўзи учун хақ йўлни тутувчи адолат билан шаҳодат – гувоҳлик берувчи бўлингиз! Бирор қавмни ёмон кўришингиз сизларни адолат қилмасликка тортмасин! Адолат қилингиз! Дея таъкидланади.³⁶

Адолат тамойили моҳияти ва мазмунига кўра кенг қамровли ва мураккаб мезонлар тизимидан иборат. Буни бирданига ишлаб чиқиб, процессуал

³³ <https://moluch.ru/th/9/archive/137/4395/>

³⁴ <https://lexrussica.msal.ru/jour/article/view/882#>

³⁵ Қуръони Карим. Тошкент. Чўлпон. 1992 йил. 75-бет.

³⁶ Қуръони Карим. Тошкент. Чўлпон. 1992 йил. 91-бет.

қонунларда мустаҳкамлаб қўйиш, шошма шошарлик сифатида баҳоланиши мумкин. Адолат мезонлари бўйича суд амалиёти умумлаштирилиши ва тизимлаштирилиши лозим. Унда турли тоифадаги ишлар бўйича адолат мезонларини қўллаш хусусиятлари қандай намоён бўлиши тавсифини ишлаб чиқиш талаб этилади. Назариётчи олимлар ҳам ушбу муаммони нафақат назарий жиҳатдан, балки ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти ҳолатидан келиб чиқиб тадқиқ этиши талаб этилади. Якуний натижалар Олий суд Пленуми қарори лойиҳасида мустаҳкамлаб қўйилиши ва улар суд амалиётида апробациядан ўтиши мақсадга мувофиқдир. Агар у ўзини оқласа, шундан кейин уни процессуал қонунларда мустаҳкамлаб қўйиш ўринли бўлур эди.

А.Канавалов таъкидлаганидек, адолат тамойилининг таркибий қисмларидан бири бўлиб заифларни ҳимоя қилиш, улар учун маҳсус ҳуқуқий ҳимоя тизимини узлуксиз ва муқаррар, тизимли тарзда фаолият юритиши ҳисобланади. Заиф субъект, заиф иштирокчи турли хусусиятлар билан тавсифланади, бироқ қўп ҳолларда заиф субъектлар тизимида муқаррар равишда ижодкор субъектлар жой олади. Мамлакатимизда амал қилувчи ҳуқуқий ҳимоя тизими умумий ва маҳсус ҳуқуқий ҳимоя тизимига бўлинади. Умумий ҳуқуқий ҳимоя тизимидан ҳар қандай субъект ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиш учун ҳақли. Маҳсус ҳуқуқий ҳимоя тизими жисмоний ҳолати, вазият тақозоси ва бошқа омиллар сабабли умумий ҳуқуқий ҳимоя тизимидан фойдаланиш имконияти чекланган ёки ундан самарали фойдалана олмайдиган субъектлар учун яратилган.

Оқилоналиknи субъектив маънода тушуниш негизида унинг илмий моҳияти ётади. Бунда асосий эътибор муайян субъект, уни фикрлаш, онгли тафаккур қилиш хусусиятларига қаратилади. Л.Валасатованинг фикрича оқилоналиknинг умуммиллий аҳамияти, моҳияти деганда инсон онги барқарор фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда воқеа ва нарсаларнинг ички ва ташки алоқаларини маъно-мазмунини топиш, аниқлаш, тартибга ҳамда тизимга солишга қаратилган билиш қобилиятини тушунмоқ жоиз.³⁷

Оқилоналиk субъектив маънода ҳуқуқни амалга оширишнинг ички механизми сифатида амал қиласи. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқида шахснинг ҳуқуқ лаёқатлилигига бевосита таъсир кўрсатади. Субъектда бундай лаёқатлилиknинг (унинг ёши ёки руҳий касаллиги туфайли) ривожланмаганлиги у муайян ҳаракатларни мустақил амалга ошириш, уларни мазмунини тушуниш ва ундан келиб чиқадиган жавобгарликни англаб етишга қодир эмаслигини намоён этиши мумкин. Агарда аксинча ўйлаб кўриладиган

³⁷ Л.В.Валасатова. Принцип разумности в реализации субъектов гражданских прав. Автореф. Дисс. к.ю.н. Москва. 2005. 10бет

бўлса хуқуқ лаёқатлилиги фуқаролик муносабатлари оқилоналик презумпцияси ҳисобланади.³⁸

Ҳар доим муайян субъект имкониятларини баҳолаганда ўртача статистик имкониятлар даражасидан келиб чиқиш лозим. Бунда “супермен” имкониятлари ҳам ва заиф киши имкониятлари ҳам асос қилиб олиниши мумкин эмас. Бошқа жиҳатдан олганда субъект муайян масалалар бўйича қарор қабул қилганда ҳам оқилона равища ҳаракат қилиш лозим, шошма шошарлик билан қарор қабул қилиш, унинг оқибатларини чукур англаб етмаслик, ўз имкониятларини ҳаддан ортиқ баҳолаш кўп ҳолатларда фуқаролик хуқуқий низолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Шартномавий муносабатларда ҳам деликт муносабатларда ҳам ушбу муносабатлар жараёни билан боғлиқ равища таваккалчилик бурчи, рўй бериши мумкин бўлган хавфхатарлар билан боғлиқ омиллар тизимини ҳисобга олиш лозим. Таваккалчилик бурчи ва хатарлар омиллари тизими бугунги кунда фуқаролик муомаласи иштирокчилари ҳисобга олиниши лозим бўлган зарурий ҳолатлар жумласига киради. Судлар аёллар, болалар мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларни қўрища оқилоналик тамойилини қўллашда умумий қоидадан истисно тарзда, муайян вазиятдан келиб чиқкан ҳолда ўрта статистик субъект имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда қарор қабул қилишдан чекинишлари мақсадга мувофиқ деган хулоса тақдим этилади.

Фуқаролик хуқуқинингadolat, инсоф, оқилоналик каби тамойилларини хуқуқни қўллаш ва суд амалиётида изчиллик билан қўллаш жамиятда хуқуқ тартибот асосларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Бироқ амалиётда ушбу тамойиллардан фойдаланиш бўйича ўзига хос кўникма шаклланган деб айтиш қийин. Биринчи галда тамойиллар маъно-моҳияти судьялар, адвокатлар, прокурорлар ва бошқа хуқуқшунослар хуқуқий маданиятида аниқ-равshan мезонлар, тушунчалар кўринишида эмас балки муайян мавҳум назарий ақидалар тарзида ўрнашиб қолган. Тегишли илмий манбаларда ҳам бу бўйича методологик асос сифатида қабул қилиш мумкин бўлган илмий қурилмалар тўлақонли ишлаб чиқилмаган. Кўп ҳолларда қонун адолат мезони, қонунни бажарсанг, унга оғишмай риоя қилсанг адолатни таъминлаган бўласан деган чучмал тасаввурлар доирасида фикр юритилади. Албатта, қонунлар қабул қилишда етти ўлчаб бир кесилади иложи борича адолат, инсоф мезонларидан келиб чиқилади. Бироқ, қонундаги муайян кўрсатма бир пайтнинг ўзида турмушдаги минглаб ҳолатларга нисбатан қўлланилади. Баъзи ҳолларда қонунни қўллашда формал ҳолатлардан келиб чиқиш, муайян қолипларга

³⁸ А.Мухаммадиев. Фуқаролик хуқуқи тамойилларининг назарий ва амалий муаммолари. Тошкент. 2010. 155-бет.

солиш каби ёндашувлар учрайди. Зоҳиран қараганда қонун тўғри қўлланган бироқ амалда инсон тақдери, унинг манфаатлари кўздан қочирилади. Мана шундай ҳолатларда адолат, инсоф, оқилоналиқ тамойилларини қонун талаблари билан уйғунлаштириш ўта муҳим аҳамиятга эга бўлади. Фикримизча юридик таълим муассасаларида қонунлар моҳияти, мазмунини ўрганиш билан бирга адолат, оқилоналиқ, инсофлилик каби тамойиллар, қадриятлар моҳиятини англаб етиш лозим. Юридик таълимни маҳсус ўрта таълим босқичида ҳам, бакалавриат босқичида ҳам, магистратура босқичида ҳам шу жумладан Судьялар олий мактаби тингловчилари томонидан ҳам адолат, оқилоналиқ, инсофлилик бўйича рефератлар, эсселар ёзиш, казуслар ва кейсларни мақсадли тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Айни пайтда суд хужжатларини нафақат қонунийлиги ва асослантирилганлиги, балки адолатлилиги нуқтаи-назаридан ҳам баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий этиш талаб этилади. Мана шундагина адолат, инсофлилик, оқилоналиқ мавҳум тасаввурдан хуқуқни қўллаш ва суд амалиётида йўналтирувчи амалий қадриятга айланади.

2.4-§. Маданий қароқчилик хуқуқбузарлик тизими сифатида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2020 йил мамлакатимизда “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас албатта, илм-фан, янги техника-технологиялар, инновацион ишланмалар бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий тараққиётини таъминловчи манба ҳисобланади. Шу сабабли ҳам илм-фаннынг асосий ишланмалари интеллектуал мулк сифатида хуқуқий ҳимоя остидадир. Конституциямизнинг 65-моддасида хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлиги ва ҳар томонлама ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган. Бу билвосита интеллектуал мулкка ҳам тааллуқлидир. Мулк ҳуқуқи мамлакатимиздаги барча қонунлар ва хуқуқ тартибот асослари билан таъминланган. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳам нафақат Фуқаролик кодекси ва интеллектуал мулкнинг алоҳида обьектлари бўйича маҳсус қонунлар, балки хуқуқ тартибот тизими негизларининг асосий фундаментал таомиллари ва тамойиллари билан таъминлангандир. Мулкдор хуқуқлари ҳимояси учун мол-мулкка нисбатан қилинадиган ҳар қандай тажовузлар турлари ва уларга қарши санкциялар миллий ҳуқуқ тартибот тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Интеллектуал мулк ўз моҳиятига кўра, муайян хусусиятлари билан мулк ҳуқуқидан фарқ қиласи, шу сабабли ҳам мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишининг барча воситалари ва усувларини ўз-

ўзидан автоматик равишда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қўллаб бўлмайди. Бинобарин, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқий механизми мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳуқуқий механизми билан бир қаторда, унинг учун маҳсус яратилган ҳуқуқий ҳимоя механизмига ҳам таянади. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқий механизми интеллектуал мулкка нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгалари ваколатларини, шунингдек бу обьектларга нисбатан мулкий ҳуқуқлар ва шахсий ҳуқуқлар эгаларини ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиласди. Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан турли ҳуқуқ субъектлари қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунларда ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар турлари ва уларга қарши ҳимоя усуллари, жавобгарлик санкциялари белгилаб қўйилган. Интеллектуал мулкка қарши ҳуқуқбузарликларнинг катта қисми “маданий қароқчилик” умумлашма номи билан аталади. Тўғри на Фуқаролик кодексида, на Жиноят кодексида бевосита маданий қароқчилик ибораси қўлланмаган, бироқ бутун дунё бўйича мулкдорларнинг мол-мулкига очиқдан очиқ зўравонлик билан қилинадиган ҳуқуқбузарликка нисбатан қароқчилик ибораси ишлатилган ва бундай ҳолат интеллектуал мулкка нисбатан нисбат берилиб, маданий қароқчилик сифатида қарашиб эътироф этилган. Маданий қароқчилик ўз моҳиятига қўра интеллектуал мулкка нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасини ёки ундан лицензия асосида фойдаланувчи лицензиарни ёки шахсий ҳуқуқларга эга бўлган ижодкор муаллифни ҳуқуқларини очиқдан очиқ поймол этиб, менсимасдан ўзлаштириш, зўравонлик билан фойдаланиш ва шу йўл билан уларга зарар етказиш ҳаракатларида намоён бўлади. Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан субъектлар ҳуқуқларининг умумий тавсифи Фуқаролик кодексининг 1033-1037-моддаларида белгилаб қўйилган. Унда белгиланган ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни бузишни кўпчилик ҳолатлари маданий қароқчилик сифатида баҳоланиши мумкин. Интеллектуал мулкка доир алоҳида қонунларда маданий қароқчилик ҳуқуқбузарлик ҳолатларини алоҳида тавсифларини янада аниқроқ ўз ифодасини топган деб айтиш мумкин. Жумладан, “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги” Қонуннинг 13-моддаси иккинчи қисмида саноат мулкининг тегишли равишда патентланган маҳсулот ёки буюмни рухсат олмасдан тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш бошқача равишда фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаш, шунингдек, ихтиро сифатида патент билан муҳофаза қилинган усулдан фойдаланиш ёки фуқаролик муомаласига киритиш ёхуд шу мақсадда ихтиро сифатида патентнинг муҳофазаланган усули орқали бевосита тайёрланган маҳсулотни сақлаш патент эгасини мутлақ ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади деб кўрсатилган. “Секция ютуқлари тўғрисидаги” Қонуннинг 33-моддасида

селекция ютуқларига нисбатан маданий қароқчиликни намоён бўлиш хусусиятлари кўрсатилган. Бунга кўра рухсат олмаган ҳолда селекция ютугини етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш), селекция ютугини нав ёки наслли кондицияларига етказиш, муҳофаза қилинаётган селекция ютуқларидан фойдалангандан ҳолда яратилган маҳсулотни сотишга таклиф қилиш, сотиш ва бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш, сақлаш, олиб кириш ва олиб чиқиш маданий қароқчиликнинг бир қўриниши ҳисобланади. “Тижорат сирлари тўғрисидаги” Қонуннинг 6-моддасига кўра тижорат сири учинчи шахслар томонидан ошкора этилган, қонунга хилоф равишида олинган ёки ундан қонунга хилоф равишида фойдаланилган ҳолларда тижорат сири эгаси ўз хуқуқларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилиш, шу жумладан ўз хуқуқлари бузилиши натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини талаб қилишга ҳақли. “Фирма номлари тўғрисидаги” Қонуннинг 11-моддасига кўра фирма номидан ҳар қандай ғайриқонуний фойдаланиш мутлақ хуқуқнинг бузилиши ҳисобланади. Бундай ғайриқонуний фойдаланиш натижасидан товарлар, ёрлиқлар, қадоқлаш жиҳозларидаги ғайриқонуний қўйилган фирма номлари ўчириб ташланади. Ўчириб ташлашнинг иложи бўлмагандан бундай товарлар йўқ қилиб ташланади ёки фирма номи эгасига берилади.

Маданий қароқчилик бу интеллектуал мулк соҳасидаги хуқуқбузарликлар тизими ҳисобланади. Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ хуқуқлар ёхуд бошқача мулкий хуқуқлар эгасидан рухсат сўрамаган ҳолда фойдаланиш бу – маданий қароқчилик ҳисобланади. Шу маънода олганда маданий қароқчиликни, хуқуқий жиҳатдан олганда умумлашма категория сифатида баҳолаш мумкин. Уни XIX-XX асрларда вужудга келгани бежиз эмас, худди шу даврдан бошлаб интеллектуал мулк обьектлари бойлик тури, даромад манбаи, товар сифатида ўз хусусиятларини намоён эта бошлади. Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ хуқуқларнинг амал қилиш муддатлари белгилаб қўйилди. Худди шу муддат давомида улардан, хуқуқ эгасидан беруҳсат фойдаланганлик учун санкциялар қонунларда мустаҳкамлаб қўйилди. Албатта, бу бир мамлакат доирасида кураш олиб бориладиган хуқуқбузарлик эмас, у глобал хусусиятга эга бўлган хуқуқбузарликдир. Шу сабабли ҳам унга қарши халқаро миқёсда кураш олиб бориш зарурияти вужудга келганилиги сабабли XIX аср охирларида Саноат мулкини ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси, адабий-бадиий асарларни ҳимоя қилиш бўйича Берн конвенцияси ишлаб чиқилди ва дунёнинг кўп мамлакатларини унга қўшилиш жараёни бошланди. 1967 йилда Женевада Бутунжоҳон интеллектуал мулк ташкилоти ташкил топди. Унинг асосий мақсад, вазифаларидан бўлиб интеллектуал мулкка нисбатан хуқуқ эгалари

манфаатларини ҳимоя қилиш, бу соҳадаги хуқуқбузарликларга, шу жумладан, маданий қароқчиликка қарши кураш олиб бориш ҳисобланади.

Маданий қароқчиликни ижтимоий-хуқуқий категория сифатида ўрганишда унга нисбатан дунёнинг турли мамлакатларида турлича муносабатда бўлинишини қайд этиш лозим. Интеллектуал мулк маҳсулотларини асосий ишлаб чиқарувчиси бўлган Фарбий Европа ва АҚШ ўз манфаатидан келиб чиқиб бутун дунёда маданий қароқчиликка нисбатан шафқатсиз уруш эълон қилган. Улар дунёнинг бошқа мамлакатлари билан иқтисодий, илмий-маданий ҳамкорликни йўлга қўйишида ўша мамлакатда интеллектуал мулк хуқуқларига қай даражада риоя қилиниши, маданий қароқчиликка қарши муросасиз кураш олиб борилишига алоҳида эътибор қаратадилар. Улар етакчи мавқега эга бўлган халқаро иқтисодий ҳамкорлик тузилмалари - Европа Иттифоқи, Америка давлатлари иттифоқи, Бутунжаҳон савдо ташкилоти ва шу кабиларда аъзоликка қабул қилиш масаласида интеллектуал мулк соҳасидаги хуқуқбузарликка қарши кураш олиб бориш бўйича қонуний санкциялар мавжудлиги ва уни амалда қўллаш ҳолатига алоҳида эътибор қаратадилар. Интеллектуал мулк маҳсулотларини истеъмолчиси бўлган дунёнинг баъзи мамлакатлари эса маданий қароқчиликка нисбатан зўраки кураш, формал бефарқлик ёки ҳатто яширин унга хайриҳоҳлик кузатилади.

Ўзбекистон Республикасидаги маданий қароқчиликка нисбатан расмий муносабат соҳасида шуни таъкидлаш ўринлики, мамлакатимиз интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича кўплаб халқаро конвенциялар ва битимлар иштирокчиси, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти иштирокчиси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида, Жиноят кодексида, Божхона кодексида, Солик кодексида ва бошқа қатор қонунларда маданий қароқчиликка қарши юридик воситалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Маданий қароқчиликка қарши кураш олиб бориш Ўзбекистонни ички бозорида ва ташқи иқтисодий фаолиятда ўзига хос хусусиятларга эга. Ўзбекистон товарлар импорти-экспортида интеллектуал мулк соҳасида қонунларга қатъий риоя қилишга ҳаракат қиласди ва бошқа ҳамкорлардан ҳам шуни талаб этади. Бу масалада ҳар қандай бошқача позиция Ўзбекистоннинг обрўсини тушириши мумкин.

Юқорида маданий қароқчилик ижтимоий-хуқуқий воқелик сифатида умумлашма категория эканлиги таъкидланган эди. Агар уни хуқуқбузарликлар тизими сифатида баҳоласак бу ҳолда қонун ҳужжатларида унинг қуйидаги турлари мавжуд эканлигини қайд этмоқ лозим:

асар муаллифларининг шахсий номулкий хуқуқларини бузиш;

ижрочини исм-шарифга бўлган ва ижрони ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;

хуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектини такрорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш (“Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно);

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

асарлардан ёки турдош ҳуқуқ объектларидан ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;

хуқуқ эгаларининг мулкий ҳуқуқларини бошқача тарзда ҳар қандай бузиш, асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг такрорланиши ёки тарқатилиши муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган ҳолда амалга оширилган нусхалари контрафакт нусхалардир.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги Қонуни”га мувофиқ муҳофаза қилинадиган асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг бундай асарларини ва турдош ҳуқуқлар объектларини муҳофаза қилиш тўхтатилган ёки ҳеч қачон муҳофаза қилинмаган давлатларда ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз импорт қилинадиган нусхалари хам контрафакт нусхаларидир.

“Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонун муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техник воситаларга нисбатан қилинган ҳуқуқбузарликлардан ҳам ҳимояланиш чораларини мустаҳкамлайди. Асарлардан ёки турдош ҳуқуқ объектларидан фойдаланишни назорат қилувчи муаллиф турдош ҳуқуқлар эгаси ёхуд асарларга ёки турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бошқа эгаси томонидан рухсат этилмаган ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини оловчи ёки уларни чекловчи ҳар қандай техник қурилмалар ёхуд уларнинг таркибий қисмлари муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситалари деб эътироф этилади. Ҳуқуқ эгалари бундай воситалардан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан фойдаланишга ҳақли.

Асарларга ёки турдош ҳуқуқ объектларига нисбатан:

асарлардан ёки турдош ҳуқуқ объектларидан фойдаланишга доир муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситаларини қўллаш ҳуқуқи билан белгиланган чеклашларни олиб ташлашга қаратилган ҳаракатларни ҳуқуқ эгаларининг рухсатисиз амалга оширишга;

ҳар қандай қурилмани ёки унинг таркибий қисмларини тайёрлашга, тарқатишга, прокатга беришга, вақтингчалик текин фойдаланишга беришга, импорт қилишга, реклама қилишга, улардан тижорат мақсадида фойдаланишга ёхуд хизматлар кўрсатишга, агарда бундай ҳаракатлар натижасида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситаларидан фойдаланиш мумкин бўлмай қоладиган бўлса ёки бундай техника воситалари кўрсатадиган ҳуқуқларнинг лозим даражада ҳимоя қилинишини таъминламаса, йўл қўйилмайди. Бу “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ти Қонуннинг 63-моддасида белгилаб қўйилган.

Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техник воситалардан фойдаланишга тўсқинлик қилиш охир оқибатда маданий қароқчилик ҳуқуқбузарликлари содир этилишига олиб келади ва шу сабабли ҳам маданий қароқчиликни содир этилиш усули сифатида қаралиши лозим. Маданий қароқчилик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар таркибига кирувчи яна бир туркумдаги ҳуқуқбузарликлар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида ахборотларга қарши қаратилган ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади. Асарни ёки турдош ҳуқуқ обьектини, муаллифни, турдош ҳуқуқлар эгасини ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгасини идентификацияловчи ҳар қандай ахборот ёхуд асардан ёки турдош ҳуқуқ обьектларидан фойдаланиш шартлари ҳақидаги асарнинг ёки турдош ҳуқуқ обьектининг нусхасида мавжуд бўлган, уларга илова қилинган ёхуд бундай асарни ёки турдош ҳуқуқ обьектини барчанинг эътибори учун юбориш ёхуд барчанинг эътиборига етказиш муносабати билан пайдо бўладиган ахборот, шунингдек, шундай ахборотни ўз ичига олган ҳар қандай рақамлар ва кодлар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги ахборот деб эътироф этилади.

Уларга қарши қуидаги ҳуқуқбузарликлар таъкиқланади:

муаллифлик ва турдош ҳуқуқ тўғрисидаги ахборотни ушбу ахборотни мавжуд бўлишидан манфаатдор бўлган шахсларни рухсатисиз чиқариб ташлаш ёки ўзгартиришга;

муаллифлик ва турдош ҳуқуқ тўғрисидаги ахборотни ушбу ахборотни мавжуд бўлишдан манфаатдор бўлган шахсларнинг рухсатисиз чиқариб ташланган асарларни ёки турдош ҳуқуқи обьектларини такрорлаш, тарқатиш мақсадида импорт қилиш, омма олдида ижро этиш, барчанинг эътибори учун юборишга, етказишга йўл қўйилмайди.

Доира ичидаги С белгиси ва доира ичидаги Р ҳарфидан кейин қўйилган ахборотлар ҳуқуқ эгалари тўғрисида ахборот беради. Бундай маълумотларни ўзбошимчалик билан олиб ташлаш обьектлардан фойдаланувчилар учун ҳуқуқ эгалари тўғрисида маълумот олишга, улардан рухсат олишга имкон

бермайди ва бинобарин, муаллифлик ва турдош хукуклар тўғрисида хукуқбузарликларни вужудга келишига олиб келади.

Интеллектуал мулк соҳасида бугунги кунда Ўзбекистонда кенг тарқалган хукуқбузарликлардан бири бу – плагиат (кўчирмачилик) ҳисобланади. Плагиат нафақат фан, адабиёт, санъат асарлари яратишида, илмий-тадқиқотларни амалга оширишида балки, таълим соҳасида, шоубизнесда ҳам намоён бўлаётган иллатдир. Плагиат яратилиш факти асосида муҳофаза қилинадиган, объектив шакл негиз бўлиб ҳисобланадиган муаллифлик хуқуқи объектларида бошқача, ғоявий мазмун асосий негиз бўлиб ҳисобланадиган хуқуқий муҳофаза ёрлиғи асосида ҳимоя қилинадиган объектларда бошқача тарзда намоён бўлади. Масалан, илмий ишланмаларда, диссертацияларда асосий илмий ғоя, унинг янгилиги, оригиналлиги, самарадорлиги ва шу кабилар. Адабий асарларда эса объектив шакл, ундаги сўзлар тизими алоҳида аҳамият касб этади. Битта сюжет асосида ўнлаб асарлар яратиш мумкин. Ҳатто, битта ғояни турли қўринишлардаги объектив шаклда ифодалаш мумкин. Шу сабабли ҳам илмий ишланмаларда мазмун юкига асосий эътибор берилади. Ихтиро асосида ётган ғоя қандай сўзлар орқали ифодаланишидан қатъи назар мазмунан янги оригиналлича қолади. Муаллифлик хуқуқида адабий асарларни айнан турли муаллифлар томонидан айний (адекват) объектив шаклда яратиши учрамайди. Лекин илмий ғояларни дунёнинг турли ҳудудларида яшаган шахслар томонидан бир-биридан бехабар ҳолда кашф этилиши кўплаб учрайди. Масалан, Англияда Джоул, Россияда Ленц бир пайтнинг ўзида физикани қонуниятини очишган, бугунги кунда адабиётларда Джоул-Ленц қонунияти деб юритилади. Бироқ XIX асардан фарқли равищда XXI асрда ахборот айрибошли шиддатли тарзда кетмоқда. Дунёнинг бир бурчагида яратилган янги ғоя саноқли дақиқалардан сўнг дунёнинг шу соҳа бўйича тегишли мутахассисларига маълум бўлмоқда. Шу сабабли ҳам, Париж конвенцияси бўйича илмий ишланмани яратиш факти бўйича устуворлик саналари белгилаб қўйилган. Муаллифлик хуқуқ объектларида плагиат асарлар матни, қўшиқлар мусиқа-оҳангি, ва шу кабилардаги мослик даражаси орқали аниқланади. Мусиқада аранжировка, компьютер дастурлари компиляция каби ҳосила асарлар мавжуд. Мусиқани аранжировка қилган бастакор турли мусиқа асарлари элементларидан фойдаланган ҳолда ҳосила асар яратади ва мустақил муаллиф сифатида эътироф этилмайди.

Бугунги кунда илмий-бадиий асарлар бўйича плагиатни аниқлаш маҳсус техник антиплагиат дастурлари орқали амалга оширилади. Инглиз тилидаги, рус тилидаги матнлар бўйича антиплагиат экспертизасини амалга ошириш учун ҳеч қандай муаммо йўқ, бироқ, илмий ишланмадаги матннаги

мосликтининг йўқлиги айнан битта ғояни бошқа матнлар орқали такрорланишига халақит бермайди. Бу ҳолда турли матнлар мазмуни бўйича тадқиқ этилиб плағиат масаласи ҳам этилиши мумкин. Плағиат таълим тизимида рефератлар, курс ишлари, диплом ишлари, магистрлик диссертациялари соҳасида ҳам учраб туради. Масалан, якуний назорат ишлари бўйича плағиат ҳолатлари аниқланганда плағиатга рухсат берган оригинал иш муаллифи ҳам, кўчирмачи ҳам қониқарсиз баҳо олади. ОАҚ низомлари бўйича фан доктори диссертацияси бўйича ҳам, фалсафа доктори диссертацияси бўйича ҳам плағиатни аниқланишини ҳар қандай факти диссертацияни ҳимоядан четлатиш, агар плағиат ҳимоядан кейин аниқланган бўлса илмий даражадан маҳрум этиш учун асос бўлади. Бироқ диссертация иши ўз таркибий тузилиши бўйича ҳам, мазмуни бўйича ҳам турлича қисмлардан иборат. Бунда биринчи пландаги илмий материаллар (ҳимояга олиб чиқилаётган илмий ғоялар), иккинчи пландаги илмий материаллар (ёндашув, методологик асослар, илмий тизим), учинчи пландаги илмий материаллар (илмий манбалар тизими, амалиёт материаллари тизими), тўртинчи пландаги илмий материаллар (турли иловалар, социологик сўровлар ва шу кабилар) фарқланади. Биринчи, иккинчи пландаги илмий материаллар бўйича плағиат диссертацияни салбий баҳолаш учун асос бўлиши эътиroz туғдирмайди. Бироқ, жиддий аҳамиятга эга бўлмаган материаллар соҳасида, масалан, ҳаволани тушиб қолиши ҳам плағиат сифатида баҳоланади ва ҳимоядан четлаштириш учун баҳона бўлади. Шу сабабли ҳам ОАҚ низомларига бу бўйича аниқлик киритиш лозим. Чунки, учинчи пландаги илмий материал бўйича асарга ҳаволани тушиб қолиши (бу кўпинча тасодифий ҳолатда бўлади) диссертацияни салбий баҳолаш учун асос бўлмаслиги лозим.

Модомики маданий қароқчилик ҳуқуқбузарлик тизими ҳисобланар экан унга нисбатан кураш олиб бориш ҳам тизимли асосда амалга оширилиши лозим. Бошқача айтганда бу борада Фуқаролик кодекси, Маъмурий жавобгарлик кодекси, Жиноят кодекси, Божхона кодекси, Солиқ кодекси шунингдек интеллектуал мулкнинг алоҳида обьектлари бўйича қонунлар ўртасида ўзаро боғланиш ва уйғунлик бўлиши лозим. Ушбу қонунлар тизимида Фуқаролик кодекси алоҳида ўринни эгаллайди. Фуқаролик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишида интеллектуал мулкка бағишлиланган интеллектуал мулк умумий қоидлари қисми назарда тутилмоғи лозим. Бунда интеллектуал мулкка нисбатан мутлақ ҳуқуқ субъектлари ваколатлари, мулкий ҳуқуқлар шу жумладан, лицензиат ва лицензиарлар ҳуқуқлари, интеллектуал ижодкорларнинг шахсий ҳуқуқлари атрофлича батафсил белгилаб қўйилмоғи лозим. Бундай ҳолат маданий қароқчилик ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқ, равшан, тўлақонли тавсифини тасаввур қилиш имконини беради. Жиноят

кодексида ҳам маданий қароқчилик ҳам шахс ҳукуқлари, эркинликларига қарши жиноятлар туркумидаги ҳам, иқтисодий жиноятлар туркумидаги ўз ифодасини топмоғи лозим. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда эса интеллектуал мулкка қарши ҳукуқбузарликлар махсус параграф сифатида белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Маданий қароқчилик ҳукуқбузарлик тизими сифатида қонунларда белгиланиб қўйилиши билан бир пайтда, бундай ҳукуқбузарлик ҳолатларига нисбатан шафқатсиз кураш олиб бориш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июнданги ПҚ 4380-сонли қарорида интеллектуал мулк обьектларини ҳукуқий муҳофаза қилинишини, муаллифларнинг бошқа ҳукуқ эгаларининг ҳукуқлари муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича, шу жумладан, контрафакт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, реализация қилишга қарши курашда ваколатли давлат органлари фаолиятини жонлантириш белгилаб қўйилган. Қонунлардаги аниқлик, ҳукуқни қўллаш амалиётидаги фаоллик мамлакатимизда маданий қароқчилик ҳукуқбузарликларини қўламини кескин суратда камайишига ва шу орқали инвестиция жозибадорлигини ошишига, Ўзбекистон Республикасини халқаро миқёсларда рейтинг даражасини ўсишига олиб келган бўлар эди.

Маданий қароқчиликнинг турли кўринишлари миллий ҳукуқ тизимида ҳам тадқиқотлар предмети сифатида жиддий ўрганилмоқда. Жумладан, цивилист олимлардан Б.Тошев.,³⁹ Н.Имомов.,⁴⁰ Қ.Мехмонов⁴¹, З.Бобоқулов⁴², жиноят ҳукуқи нуқтаи назаридан М.Рустамбаев⁴³, божхона ҳукуқи нуқтаи назаридан Б.Рўзиев⁴⁴, ҳукуқ назариясида А.Фофуров⁴⁵ илмий тадқиқотларни амалга оширганлар. Шуни эътироф этиш керакки, агарда бу соҳа Ўзбекистон миллий ҳукуқ фанида энди шаклланиб келаётган бўлса, дунё миқёсида ғоят кенг қўламли тадқиқотлар мавзусига айланган.⁴⁶

³⁹ Б.Тошев. Муаллифлик ҳукуқи. Тошкент. Мерос. 1996 й.

⁴⁰ Н.Имомов. Интеллектуал мулк ҳукуқининг янги обьектлари. Тошкент. ТДЮУ. 2011 йил.

⁴¹ Қ.Мехмонов. Компьютер дастурлари, маълумотлар базаси ва интеграл микросхемалар топологияларининг ҳукуқий режими. Тошкент. ТДЮУ. 2017 йил.

⁴² З.Бобоқулов. Товар белгиларнинг фуқаролик ҳукуқий мақоми: назарий ва амалий масалалар. Тошкент. 2019.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Тошкент. Илм-зиё. 2006 йил.

⁴⁴ Б.Рўзиев. Товар белгиларидан ғайриконуний фойдаланиш. Божхона хабарномаси. 2019 йил. 15 сон.

⁴⁵ А.Фофуров. Развитие системы интеллектуальной собственности в странах СНГ// Право интеллектуальной собственности перспективы развитие. Тошкент. Адолат. 2012 йил.

⁴⁶ Against intellectual monopoly. By Michele Boldrin and David K. Levine. Cambridge university Press. 2008. 298 р., Андрійчук О. Реальная виртуальность: интеллектуальное пиратство в цифровую эпоху//Сайт «Зеркало недели».

Шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимизда маданий қароқчилик оммавий тус олган, кундалик ҳаёт тарзида оддий воқеа сифатида қараладиган ҳолатлар учрайди. Масалан, жуда кўплаб радио каналларда халқимиз севган хонандалар К.Рахимов., Н.Хамроқулов., Ш.Жўраев., О.Отажоновларнинг оригинал ижролари ўрнига уларнинг қўшиқларини ўртамиёна хонандалар томонидан айтилиш ҳолатлари кўп учрайди. Ишончимиз комилки бу ўртамиёна хонандалар ҳуқуқ эгаларидан ҳеч қандай рухсат олмаган. Яқин даврларда айрим “чаққонлар” дунёнинг машҳур брендларини Ўзбекистон Республикасида ўзларининг номларига расмийлаштириб олиш ҳолатлари учради. Шуниси афсусланарлики, уларда ушбу брендлардан фойдаланиш учун ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконияти ҳам, хоҳиши ҳам бўлмаган. Улар Ўзбекистон Республикасига ўша машҳур бренд эгалари товарлар ва инвестициялар билан кириб келишини қутишган ва уларга нисбатан шантаж ва товламачилик содир этганлар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4380-сонли Қарори 9-банди, б-кичик бандида Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум деб эътироф этиладиган товар белгиси ва хизмат қўрсатиши белгисининг мезонлари белгилаб қўйилгандан кейин бундай ҳуқуқбузарликлар содир этишнинг йўли тўсилди. Бироқ, бу ҳолат Ўзбекистонда маданий қароқчилик даражаси юқорилиги тўғрисида хорижий мамлакатлар мутахассислари учун ахборот манбаси бўлиб хизмат қилди. Яна бунинг устига баъзи ҳолларда суд амалиётида ҳам бундай “чаққонлар” ҳуқуқлари ҳимоя қилинди. Масалан, товар белгисидан фойдаланиш шарт бўлган муддат ўтиш хавфи туғилганда “чаққонлар” брендларни бошқа “чаққонлар”га сотдилар. Судлар эса ушбу мутлақ ҳуқуқни ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқни тасарруф этиши эмас, балки мутлақ ҳуқуқдан фойдаланиш ваколатини амалга ошириш сифатида талқин этиб, хорижий инвесторлар кўз ўнгидага мамлакатда инвестиция жозибадорлиги ҳолатига салбий таъсир кўрсатдилар.

Мамлакатимизда бугунги кунда профессионал, ҳалол ва адолатли судьялар корпуси шакллантирилмоқда. Маданий қароқчилик ҳуқуқбузарлик тизими сифатида қонунларда белгиланиб қўйилиши ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида бундай иллатга қарши тизимли равишда кураш олиб борилиши Ўзбекистон Республикасини халқаро рейтинг даражасини ҳар томонлама кўтаришга хизмат қилган бўлур эди.

Ш-БОБ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ СУД ОРҚАЛИ ХИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

3.1-§. Интеллектуал мулк объектларини суд орқали ҳимоя қилиш масалаларига доир хорижий тажриба

Бугунги кунда глобал даражада шиддат билан ривожланаётган инновацион иқтисодиёт шароитида дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида интеллектуал мулк объектларига доир ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш институти тобора кенгроқ қўлланилмоқда. Шунингдек, ушбу масалага доир ҳалқаро шартномалар юзасидан вужудга келган низоларнинг судга тааллуқлиги масаласида ва суд қарорларининг бажарилиши бўйича ҳам қатор ҳалқаро битимлар ҳамда конвенциялар қабул қилинмоқда.

Ўз фуқароларини интеллектуал мулк обьектига нисбатан хорижий давлатларда ҳуқуқий муҳофазага олишни кафолатлаш мақсадида 1883 йилда 11 (ўн бир)та давлат саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясини имзолади ва Халқаро Париж Иттифоқини тузди. Ҳозирги вақтда ушбу Конвенцияни 110 (бир юз ўн)дан ортиқ мамлакат имзолаган. Ўзбекистон Республикаси 1993 йилдан бўён Париж конвенцияси иштирокчиси ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти аъзоси бўлғанлиги боис интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш институтини такомиллаштириш масаласи барча ривожланган мамлакатлар қатори бизнинг ҳуқуқий тизимимиз учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур масаланинг моҳиятини тўлароқ англаш учун бу борадаги ҳалқаро амалиёт ва хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Институционаллик

Дастлаб, бу борада ҳалқаро даражадаги институционал тузилма бўлган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Суд институти фаолиятига қисқача тўхталсак. Мазкур Суд институти Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти иштирокчи-давлатлари судларига интеллектуал мулк ҳуқуқига доир низолар ҳал қилиш бўйича муайян ихтисослашган хизматларни кўрсатиб келади. Бунда, албатта, ҳар бир иштирокчи-давлатда қарор топган ижтимоий-иктисодий шароит ва ҳуқуқий анъаналар инобатга олинади.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Суд институти томонидан миллий мамлакатлар судларига, жумладан, қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

- судлар ҳамжамиятлари учун глобал форумлар ўтказиш. Бу форумларда ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий тизими, ижтимоий-иктисодий шарт-

шароитларидан келиб чиққан ҳолда интеллектуал мулк ҳуқуқига доир суд амалиёти юзасидан фикрлар мухокама қилинади ҳамда жамоавий ёндашувлар шакллантирилади;

- иштирокчи давлатлар судларини улар томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқига доир суд низоларини самарали ҳал этилишига йўналтирилган институционал ва инсоний салоҳиятларини қўллаб-қувватлаш;

- суд тизимлари ва интеллектуал мулк ҳуқуқи низоларига доир чиқарилган суд қарорлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни мувофиқлаштириб бориш;

- WIPO Lex маълумотлар базаси орқали иштирокчи-давлатлардаги интеллектуал мулк ҳуқуқига доир шартномалар, қонун ҳужжатлари, суд қарорлари ва суд бошқаруви хусусидаги ахборотларни олиш эркинлиги даражасини ошириш.

Таҳлиллар кўрсатадики, жаҳон мамлакатлари тажрибасида интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш институти институционал нуқтаи назардан ҳар хил тарзда ҳал этилган. Жумладан, Бельгия, Бразилия, Венгрия, Гонконг, Дания, Истроил, Канада, Испания, Италия, Нидерландия, Норвегия, Панама, Покистон, Руминия, Словения, Словакия, Финландия, Франция, Швеция, Эрон, каби давлатларнинг умумюрисдикция судлари тизимида интеллектуал мулкка доир ишларни кўриб чиқувчи, гарчанд улар турлича номланса-да, махсус, яъни моҳиятан бир масала – интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялашга ихтисослашган судлар, суд таркиблари (дивизионлар) ва бошқача суд тузилмалари фаолият кўрсатади.

Японияда интеллектуал мулк бўйича Юқори суд фаолият кўрсатади, Германия ва Швейцарияда – Федерал патент судлари, Корея Республикасида – Патент суди, Россияда – Интеллектуал ҳуқук бўйича суд, Хитой ва Португалияда – Интеллектуал мулк бўйича судлар, Таиландда – Интеллектуал мулк ва халқаро савдо масалалари бўйича марказий суд, Мексикада – Солиқ ва маъмурий ишлар бўйича федерал суднинг Интеллектуал мулк масалаларига доир махсус палатаси, Францияда – Ихтисослаштирилган судлов палаталари мавжуд.

Австрия, Ирландия ва Филиппинда эса интеллектуал мулкка доир низолар тижорат судлари томонидан кўриб чиқилади.

АҚШ, Бразилия, Колумбия ва Чилида интеллектуал мулк билан боғлиқ масалалар апелляция судларида кўрилади.

Австралия, Кения, Сингапур, Янги Зелландияда эса ушбу масалага доир низоларни кўриб ҳал этувчи махсус трибуналлар ташкил этилган бўлиб, улар суд саналмайди.

Кўриниб турибдики, дунёнинг аксарият мамлакатлари суд тизимида патент судлари уларнинг анъанавий (классик) вариантида қарор топмаган. Бундай судлар фақат бир неча давлатда, яъни Германия, Швейцария ва Буюк Британиядагина мумтоз шаклда мавжуддир.

Хусусан, Германияда патент судлари 1961 йилнинг 1 июлидан буён фаолият кўрсатиб келади. ГФР қонунлари интеллектуал мулк ҳуқуқига доир ишларни кўриш жараёнида, умумий қоидага асосан, судларга низони ҳал этиш учун тарафлар тақдим этган далиллар билан чегараланиб қолмасдан, бошқа манбаларни ҳам жалб этиш ва судга маълум бўлмаган чет давлат ҳуқуқи мазмунини аниқлаш учун барча чораларни кўриш ваколатини беради. Чет давлат ҳуқуқий ex officio меъёрлари мазмунини белгилаш Австрия, Венгрия, Италия, Туркиянинг халқаро хусусий ҳуқуққа оид қонунларида ҳам назарда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк обьектлари билан боғлиқ низоларни кўришга ихтисослашган алоҳида судларнинг ташкил этилганлиги интеллектуал мул соҳасида чукурроқ билимга эга бўлган судьялар корпусини шакллантириш, бу тоифадаги судлов ишларини унификациялаш орқали низоларни сансалорликларсиз, қисқа муддатларда кўриб чиқилишига ҳамда қонуний, асосли ва адолатли суд қарорлари қабул қилинишига замин яратади.

Компетентлилик

Интеллектуал мулк ҳуқуқига доир ишларни кўришга ихтисослашган судларнинг компетенциялари, одатда, интеллектуал мулк обьектига ёки кўриладиган иш тоифасига боғлиқ бўлади. Масалан, Швейцария Федерал патент суди фақат патент ишларини кўрса, Ҳиндистондаги Интеллектуал мулк бўйича апелляция ҳайъати интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ ишларни кўрмасдан, фақат Патент ва товар белгилари бўйича бош назоратчи маҳкамама қарорларини ҳақиқий эмаслиги хусусидаги ва апелляциясига доир ишларнигина кўриб чиқади.

Швецияда рўйхатга олинган патент, товар белгиси ёки саноат намунасини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишлар Умумий судлар ёхуд Стокгольм округ суди томонидан (фақат патент бўйича низолар) кўрилади.

Мексикада интеллектуал мулк билан боғлиқ масалаларнинг аксарияти Мексика саноат мулки институти томонидан ҳал этилади, ва фақат, мазкур Институт ҳуқуқнинг бузилганлиги тўғрисида узил-кесил тўхтамга келган тақдирдагина, лицензия шартномаларининг бузилганлиги ёки зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Буюк Британияда (Англия ва Уэльсда) рўйхатдан ўтказилган саноат намунаси ва патентга тааллуқли бўлган интеллектуал мулкка доир

низоларнинг барчаси Канцлер бўлинмасининг тузилмаси ҳисобланувчи Патент суди ёхуд Интеллектуал мулк ишлари бўйича суд томонидан кўрилади. Қолган тоифадаги интеллектуал мулк билан боғлиқ ишлар мазкур масала юзасидан тажрибалироқ судьялар, шунингдек Патент суди судьяларини ҳам ўз ичига олувчи кенгроқ таркибдаги Канцлер бўлинмаси томонидан кўриб чиқилади.

АҚШда округ федерал судлари муаллифлик хуқуки бузилишига ва патентга доир ишларни кўриш бўйича мутлақ ваколатга, АҚШ Федерал округ бўйича апелляция суди эса патент низолари бўйича апелляцияларни кўриш бўйича мутлақ ваколатга эга бўлиб, мазкур суднинг қарорлари фақат АҚШ Олий суди томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Федерал судлар ва штатлар судлари интеллектуал мулкка доир низоларни кўриб чиқувчи маҳсус тузилмаларга эга бўлмасалар-да ушбу умумюрисдикция судлари товар белгиларининг бузилиши ва ноу-хауларни ноқонуний белгилашга доир низоларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Корея Республикасида патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари ва селекция ютуқларини ҳимоя қилишга доир ишларни биринчи инстанция судлари тариқасида кўришга ихтисослашган бешта округ судлари фаолият кўрсатади. Сеул Марказий округ суди, гарчанд бошқа округ судларининг судловига тааллуқли бўлса-да, бу тоифадаги ҳар қандай ишни кўриб чиқиш ваколатига эга. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ёки ноу-хауни ноқонуний эгаллаш билан боғлиқ низолар бўйича ишлар биринчи босқич судлари тариқасида округ судлари томонидан кўриб чиқилади. Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳақиқий эмас деб топишга доир даъво аризалари эса Корея интеллектуал мулк бўйича судига, шунингдек Корея интеллектуал мулк масалалари бўйича ташкилотининг маъмурий судига берилиши керак. Корея интеллектуал мулк бўйича суди ва округ судларининг қарорларига нисбатан апелляциялар Патент судига берилади.

Японияда Токио Юқори судининг маҳсус тузилмаси ҳисобланувчи Интеллектуал мулк бўйича юқори суд Япония патент идорасининг қарорлари устидан берилган шикоятларни биринчи босқич суди сифатида, интеллектуал мулк соҳасидаги фуқаролик низоларини (кашфиётларга, фойдали моделларга, интеграл схемалар топологияларига ва компьютер дастурларига бўлган ҳуқуқларга доир) ишларни иккинчи босқич суди тариқасида кўриш ваколатига эга. Токио ва Осака округлари судлари интеллектуал мулкка доир фуқаролик ишларини кўришга ихтисослашган тузилмаларга эга бўлиб, улар тегишинча Япониянинг шарқий ва ғарбий қисмларидан бўлган ишларни кўриб чиқишинча.

Судлов тартиб-таомиллари

Жаҳон мамлакатлари суд амалиётида интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоларнинг турли судлов иш юритиши тартибида кўрилиши мавжуд. Яъни, интеллектуал мулк ҳуқуқига доир ишлар, юқорида таҳлил қилиб чиққанимиздек, аксарият ҳолларда фуқаролик судлари судловига тааллуқли бўлса-да, ушбу масаланинг бошқа турдаги судларда – жиноят, маъмурий ва иқтисодий судлар томонидан ҳам кўриб чиқилишини кузатиш мумкин.

Хорижий мамлакатларнинг жиноятга дахлдор бўлмаган ҳолатлардаги интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ судлов ишларини асосан уч туркумга ажратиш мумкин: умумюрисдикия судлари бўлган фуқаролик ёки тижорат судлари томонидан қўлланиладиган тартиб-таомиллар; интеллектуал мулк масалаларига ихтисослашган судлар томонидан қўлланиладиган тартиб-таомиллар ва маъмурий тартиб-таомилларга асосланган судлов ишлари. Биринчи ва иккинчи туркумдаги судлар томонидан интеллектуал мулк билан боғлиқ ишлар умумий тартибда кўриб чиқилса, учинчи туркумдаги судларда эса низо дастлаб қонунчиликда белгиланган тартибда муайян маъмурий органларда тўлиқ ёки қисман маъмурий тартиб-таомиллардан ўтгандан сўнггина судларда кўрилади. Бундай суд амалиёти Мексика, Хитой, Чили, Швеция ва Ҳиндистон каби мамлакатларда мавжуддир.

Деярли барча хорижий мамлакатлар судларида интеллектуал мулк билан боғлиқ ишларни кўриш тезлаштирилган тартиб-таомиллар асосида дастлаб муайян суд чекловларини қўллашдан бошланади. Бундай суд чекловларни қўллаш қўйидаги принципларга асосланади:

- даъвони таъминлаш нуқтаи назаридан;
- суд чекловларини қўлламаслик даъвогарга бартараф этиб бўлмас зарар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларнинг мавжудлиги;
- жавобгар аниқ бўлмаган ҳолатларда суд чекловларини қўлламаслик ҳар иккала тараф манфаатларига зиён етказиш эҳтимоли бор бўлганда;
- суд чекловларини қўллаш мажбурияти қонунчиликда қатъий қилиб белгиланган бўлса.

Баъзи малакатларда, хусусан, Бельгия ва Германияда, суд чекловлар қўллашдан олдин жавобгарга “қўриқловчи ҳат” йўллаши мумкин. Бундай “қўриқловчи ҳат”га нисбатан жавобгар қандай асосларга кўра суд чекловларини қўлламаслик зарурлигини кўрсатган ҳолда ўз эътиrozларини билдириши мумкин. Мексикада жавобгар ўзининг қарама-қарши кафолатини билдириши мумкин бўлиб, бу вақтинчалик суд чекловларининг ҳаракатини тўхтатади. Буюк Британия ва Ҳиндистонда вақтинчалик суд чекловларини қўллаш суд жараёнининг зарурий кичик босқичи ҳисобланади.

Далиллар тақдим этиши қоидалари

Хорижий мамлакатлар тажрибасида интеллектуал мулк билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш жараёнида судга далиллар тақдим этиш қўйидаги меъзонларга асосланади:

- барча мамлакатлар судларида, хоҳ у фуқаролик суди бўлсин, хоҳ у ихтисослашган суд бўлсин, судга далиллар тақдим этиш фуқаролик судлови иш юритиши тартибида белгиланган қоидаларга асосланади;

- барча мамлакатлар судларида ҳам ҳар бир тараф, яъни ҳам даъвогар ва ҳам жавобгар судда ўз талаб ҳамда эътиrozлари асосли эканлигини исботлаб бериш мажбуриятига эгадирлар;

- аксарият мамлакатлар судлов амалиётида деярли бир хил, яъни ҳужжатли далиллар, тарафларнинг аризалари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт хulosалари, суд текширувлари натижалари иш бўйича далил сифатида тан олинади;

- умумий ҳуқуқ мамлакатлари бўлган Буюк Британия ва Ҳиндистон каби мамлакатлар судловида далил нуқтаи назаридан гувоҳларнинг оғзаки кўрсатмаларига устуворлик берилади, шунинг билан биргаликда суддаги асосий сўроқ пайтида олинган ёзма гувоҳлик кўрсатмалари ҳам суд жараёнини тартибга солиш борасида инобатга олинади. Кўндаланг саволжавоб (*перекрестный допрос*) натижасида суд муайян тарафнинг важ ва эътиrozларини суд текширувидан ўтмаган ҳисоблаб, мақбул далил сифатида баҳоламаслиги мумкин;

- аксарият мамлакатлар судловида интеллектуал мулк бўйича низода даъвогар сифатида қатнашаётган тараф маълумотлар олиш, далилларни аниқлаш, текшириш ва уларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир. Бинобарин, айrim ҳолларда ижобий далиллар фақат жавобгар тарафдагина бўлиши мумкин. Айrim мамлакатларда, хусусан Францияда, жавобгарнинг манфаатларига путур етказмаслик нуқтаи назаридан конфиденциал маълумот суд пристави ёки бошқа холис шахслар ёрдамида сўраб олиниши мумкин. Баъзи бир давлатлар, жумладан Буюк Британия, Мексика ва Ҳиндистонда суд очиқлаштирилаётган конфиденциал маълумотни далил сифатида эътироф этса-да, ушбу маълумотнинг сирлигини сақлаш тўғрисида муайян суд буйруғи чиқариш орқали у билан танишиш ҳуқуқини суд жараёнини асосий иштирокчиларидағина қолдириши ва ушбу буйруқни суд қарорига илова сифатида қўшиб қўйиши мумкин. Ҳиндистонда маҳсус ваколатли шахс томонидан далилни назардан ўтказиш каби ноёб суд амалиёти ҳам қўлланилади;

- аксарият мамлакатлар судларининг нуқтаи назарига қўра, интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш жараёнида далилларга мутлақ (абсолют) нисбат бериш камдан-кам ҳолатлардагина

мумкин бўлади. Шу боис, судлар, одатда, исботлашнинг қуйидаги икки стандартига риоя этган ҳолда қарорлар чиқаришади. Биринчиси, бу “эҳтимоллиги юқорироқ” бўлган принцип бўлиб, у нисбатан мўтадилроқ талабга асосланади, яъни у ёки бу факт ҳақиқатга кўпроқ мос келса, ушбу ҳолат исботланган саналади. Иккинчи, нисбатан қаттиқроқ бўлган стандарт эса “асосли шубҳанинг мавжуд эмаслиги” принципи ҳисобланади. Мазкур принципнинг моҳияти шундаки, судья иш бўйича у ёки бу фактни исботланган деб ҳисоблайди, агарда у бунга ишонса, лекин шак-шубҳасиз ишончи комил бўлмаса ҳам. Айни бу принцип, асосан жиноят ишларини кўриш жараёнига тааллуқлидир. Албатта, аксарият интеллектуал мулк билан боғлиқ низолар фуқаролик судлови тартибида кўриб чиқлади. Чунончи, патентларга бўлган хуқуқларнинг бузилишига ёки товар белгиларига доир ишлар камдан-кам ҳолатда жиноят судлови тартибида кўриб чиқилиши мумкин, гарчанд суд томонидан зарарни қоплаш учун кўлланиладиган сумма жарима хусусиятига эга бўлса-да (мисол учун, АҚШда ва “Европа Иттифоқининг Интеллектуал мулкни суд орқали ҳимоялаш тўғрисидаги директиваси” асосида кўриладиган ишлар). Шунинг билан биргалиқда, айрим тоифадаги интеллектуал мулк хуқуқининг бузилиши билан боғлиқ ишлар кўпинча жиноий-хуқуқий табиатга эга бўлади, масалан, муаллифлик хуқуқининг қалбакилаштирилиши ва бошқача тарзда жиддий бузилиши ҳолатлари.

Суддаги вакиллик

Хорижий давлатлар судларида интеллектуал мулк хуқуқи билан боғлиқ ишларнинг кўрилиши жараёнида асосан уч хил тоифа вакиллик институтининг мавжудлигини кўриш мумкин.

Биринчи тоифа вакиллик бу адвокатлар ёки суд ишончли вакиллари бўлган шахслар ҳисобланади (айрим давлатларда, масалан Буюк Британия ва Ирландияда “адвокатлар” оғзаки чиқишларга ихтисослашган мустақил юристлардан ҳам иборат бўлиши мумкин).

Иккинчи тоифа вакилликни судларда, адвокат ёки суд ишончли вакили бўлмаган, интеллектуал мулк соҳадаги амалиётчи мутахассислар (масалан, патент ишончли вакиллари, патент агентлари, товар белгилари бўйича ишончли вакиллар, агентлар кабилар) амалга ошириши мумкин.

Учинчи тоифада эса судда вакил сифатида ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс иштирок этиши мумкин бўлиб, улар адвокат ҳам, ва ёки, интеллектуал мулк соҳасидаги амалиётчи мутахассис ҳам ҳисобланишмайди. Мазкур тоифадаги вакил сифатида судда корпоратив юрист ёки корхона ходими, жамоат бирлашмалари ва алоҳида фуқаролар иштирок этишади.

Баъзи давлатлар судлов жараёнида фақат адвокатларгина вакил бўлиб қатнашишса, бошқа бир давлатларда бир суд жараёнида бирваракайига бир неча тоифадаги вакилларнинг иштирокига йўл қўйилади.

Хусусан, Испания, Португалия, Чили ва Франция каби мамлакатларда судларда интеллектуал мулк билан боғлик низоларнинг кўрилиши жараёнида вакил сифатида фақат адвокатлар ҳамда суд ишончли вакиллари иштирок этиши мумкин.

Германия, Корея Республикаси, Швейцария ва Япониядаги барча интеллектуал мулк билан боғлик суд жараёнларида адвокатлар ва суд ишончли вакиллари иштирок этиши мумкин бўлса, интеллектуал мулк обьектига бўлган ҳукуқни бекор қилиш ёки тугатиш каби маъмурий тартибтаомилларда адвокатлардан ташқари интеллектуал мулк соҳасидаги амалиётчи мутахассисларнинг ҳам вакил сифатида қатнашишига рухсат этилади.

Мексика, Перу, Россия, Хитой ва Швеция мамлакатларининг судловидаги ўзаро ўхшашлик шундаки, уларда интеллектуал мулк билан боғлик низоларнинг судда кўрилиши жараёнида барча тоифадаги вакилларнинг иштирокига йўл қўйилади. Таякидлаш жоизки, Хитой қонунчилигидаги баъзи бир чекловлардан фарқли равишда Перу ва Россия давлатлари қонунчилиги маъмурий судларда бирор-бир малакавий талабни қўймаган ҳолда ҳар қандай шахснинг вакил сифатида иштирок эта олишини назарда тутади.

Мавжуд муаммолар

Одатда, хорижий давлатлар судлари томонидан интеллектуал мулк билан боғлик масалаларни кўриб чиқиш жараёнида, асосан, икки тоифадаги муаммо мавжуд бўлади.

Биринчиси, субъектив омиллар билан боғлик бўлса, иккинчиси, обьектив қийинчилар ҳисобланади. Чунончи, субъектив муаммолар қаторида судларда мазкур тоифадаги ишларнинг барчасини ҳам кўриб ҳал этиш бўйича тажрибанинг мавжуд эмаслигини айтиш мумкин. Кўп ҳолатларда судга мурожаат этувчиларнинг аксарияти ўзининг ҳукуқларини тўла англаб етмайдилар. Масалан, Россияда судга ариза берганлар ўзларининг низоли мулкка эгалик ҳукуқи расман тан олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қила олишмайди. Бинобарин, амалдаги қонунчиликка кўра ўзининг ҳукуқлари бузилган деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс уни ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш ҳукуқига эга. Ҳолбуки, қонунчиликда барча интеллектуал мулк обьектларига нисбатан ҳам муаллифлик ҳукукини рўйхатдан ўтказиш назарда тутилмаган.

Объектив омиллар сифатида судлар томонидан ушбу тоифадаги ишларни кўриб чиқишида муайян яхлит бир ҳукукий асоснинг мавжуд эмаслиги ёхуд тегишли қонун хужжатларининг лозим даражада такомиллашмаганлигини айтиш мумкин.

3.2-§. Интеллектуал мулк объектларини суд орқали ҳимоя қилиш бўйича Германия тажрибаси

Ҳар бир мамлакатнинг юқори даражада иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, жамиятдаги ҳаёт фаровонлигини ошириш учун интеллектуал мулк муҳофазаси кучли ҳукукий тизимга эга бўлиши, интеллектуал мулк эгалари давлат томонидан қўллаб-қувватланиши лозим.

Интеллектуал мулк ҳукукий жиҳатдан кучли муҳофазага олинса, ихтирочи ва ижодкорларга яратган объектлари учун муносиб ҳақ тўланса, ушбу соҳа инвестициялар учун жозибадор бўлса, бунда ўз-ўзидан иқтисодиётни тараққий эттиришга замин яратилади.

Таъкидлаш лозимки, айнан шу рейтингда етакчилик қилаётган **Швейцария, Швеция, Финландия, Франция, Германия, Корея, Хитой** давлатларида интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ низоларни кўриб чиқувчи маҳсус ихтисослашган судлар ташкил этилганлиги яна бир бор ушбу судларнинг аҳамиятга молик эканлигини қўрсатади.

Шунингдек, Бельгия, Бразилия, Венгрия, Гонконг, Дания, Истроил, Эрон, Испания, Италия, Канада, Голландия, Норвегия, Покистон, Панама, Руминия, Словения, Словакия, Жанубий Америка мамлакатлари, Финландия, Франция, Швеция, Россия, Туркия каби давлатларнинг умумюрисдикция судлари тизимида интеллектуал мулкка доир ишларни кўриб чиқувчи маҳсус, яъни ихтисослашган суд таркиблари ташкил этилган.

Германия – Европада энг йирик иқтисодиётга эга давлат сифатида минтақада фаолият юритаётган хорижий компаниялар учун савдо ва инвестициялар бўйича муҳим бозор ҳисобланади. Бундай компаниялар бозордаги ўз мавқенини ҳимоя қила олишлари керак. Шунингдек, улар рақобатчиларнинг патентлари ва уларни қандай қўллаш мумкинлиги ҳақида хабардор бўлишлари керак.

Германияда патент даъволари тизими яхши йўлга қўйилган ва самарали ҳамда арzon суд жараёнлари билан ушбу давлат Европада патент даъволари учун муҳим марказ ҳисобланади.

Дунёнинг турли мамлакатларида ихтисослаштирилган судларнинг ташкил этилиши кўп жиҳатдан интеллектуал мулк соҳасидаги миллий қонунларни унификация қилиш тенденцияси, суд-ҳукуқ тизимларини

яқинлаштириш орқали ҳуқуқни қўллашга ягона ёндашувни таъминлаш зарурияти билан боғлиқ. Жаҳон амалиётида интеллектуал мулк обьектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ низоларни судда кўришнинг маҳсус модели умумий қабул қилинган. Ушбу *ad hoc* модел суд ва маъмурий жараёнларнинг комбинациясига асосланади. Шу муносабат билан Германия патент суди фаолиятининг асосий жиҳатларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Суд тизими

Патент даъвоси маҳсус патент судларида олиб борилади. Германия Федератив Республикасининг деярли ҳар бир федерал штатида патент низоларини кўриб чиқиш учун бир ёки бир нечта маҳсус палаталарга эга бўлган биринчи ва иккинчи инстанция маҳсус фуқаролик судлари мавжуд. Процессуал қонунчиликка кўра, муайян иш бўйича ваколатли суд патентни бузгани даъво қилинган шахс (жавобгар)нинг иш жойи ёки даъво қилинган патент бузилиши содир бўлган жойга боғлиқ ҳолда белгиланади. Бироқ, кўпгина эҳтимолий патент бузилиши ҳолатлари (масалан, веб сайт орқали сотишни таклиф қилиш орқали муаллифлик ҳуқуқини бузиш, яъни онлайн савдо) маълум бир жойга боғлиқ бўлмаганлиги сабабли, даъвогарлар даъвони тақдим этиш ҳамда ишни кўриб чиқишида патент судини одатда ўзлари танлашлари мумкин. Патент даъволари учун энг кўп фойдаланиладиган судлар Дюсселдорф, Мюнхен, Майнхайм ва Гамбургдаги тўртта минтақавий судлар бўлиб, Франкфурт ҳам бу борада кўп низо кўриладиган судлардан биридир.

Бироқ, муҳим жиҳати шундаки, Германия патент қонунчилиги ҳуқуқбузарликни кўриб чиқувчи судга патентнинг ҳақиқийлиги тўғрисида қарор қабул қилишга, яъни берилган патентни ҳақиқий эмас деб топишга рухsat бермайди. Берилган патентни бекор қилиш ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарор қабул қилишга фақат Патент идораси ёки Федерал Патент суди ваколатли. Шу сабабли, патентни бузгани даъво қилинган шахслар одатда ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги даъво тақдим этилганидан кейин Мюнхенда жойлашган Федерал Патент судига патентни бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилишади. Бир томондан ҳуқуқбузарларни баҳолаш ва иккинчи томондан ҳақиқийликни ажратиши “биfurkация” деб аталади ва Германия патент ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Бифуркация

Бифуркациянинг асл мақсади патентнинг амал қилиш муддатини техник жиҳатдан малакали сенат (кенгаш), шу жумладан илгари патент экспертизаси бўйича тажрибага эга бўлган учта техник судья томонидан ҳал

қилинишини таъминлашдир. Ушбу техник экспертиза Федерал Патент судига ҳақиқийликни баҳолаш соҳасида кучли обрўга эга бўлишга имкон берди.

Бироқ, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритиш ва ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш юритишни ажратиш баъзи қизикарли оқибатларга олиб келади. Масалан, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш (тахминан 9 ойдан 15 ойгача) одатда, ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни кўришдан кўра тезроқ (тахминан 18 ойдан 24 ойгача, ҳатто ундан ҳам узокроқ) амалга оширилади. Патентнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги даъво одатда ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги даъводан сўнг қўзгатилганлиги сабабли судланувчи патентнинг ҳақиқийлиги тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдин ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги суд қарорига дуч келиши мумкин. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарор дастлабки экспертизадан бери ҳақиқийлиги текширилмаган патентга асосланиб чиқарилиши мумкин. Шундай қилиб, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарор устидан шикоят кўпинча патентнинг ҳақиқийлиги тўғрисида биринчи инстанция суди қарори чиққунга қадар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишни узайтириш учун берилади. Натижада, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги суд қарорининг чиқиши одатий ҳақиқий эмаслик тўғрисидаги биринчи инстанция иш юритуви муддатига мос келиши учун кечиктирилиши мумкин. Германияда ишларнинг 60 фойздан бироз камроқ қисми барча масалалар якуний ўрганилишидан олдин ҳал қилинади.

Ҳозирда муҳокама қилинаётган “Патент қонунчилигини модернизация қилиш тўғрисида”ги иккинчи қонун бошқа масалалар қатори, ҳуқуқбузарлик ва ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш юритишни параллел тарзда оптималлаштириш ва синхронлаштиришга қаратилган. Патент тўғрисидаги қонуннинг 82, 83-моддаларига режалаштирилган ўзгартишлар ҳақиқий эмас деб топиш жараёнини тезлаштиришни назарда тутади, бу ҳолда Федерал Патент суди томонидан чиқарилган суд хабарномалари ҳуқуқбузарлик бўйича параллел равишда иш юритилган тақдирда ваколатли бошқа судга ўтказилади. Хусусан, ушбу суд хабарномаси суд ўз вақтида биринчи қўрсатмани олиши ва ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишида ушбу қўрсатмани ҳисобга олиши учун ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш юритиш бошланган кундан бошлаб 6 ой ичida тайёрланиши ва тақдим этилиши керак.

Харажатлар

Германияда патент даъволарини олиб боришининг машҳурлигининг яна бир сабаби суд жараёнининг нисбатан паст харажатлариdir. Қопланадиган харажатлар суд тўловлари ва адвокат тўловларини ўз ичига олади, уларнинг иккаласи ҳам низонинг қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади. Амалда, бу қопланадиган харажатларни нисбатан аниқ тахмин қилиш мумкинлигини

англатади, яъни улар жараённинг узунлиги ёки тафсилотларига боғлиқ эмас. Хукуқбузарлик ва бир вақтнинг ўзида патентнинг ҳақиқийлиги билан боғлиқ суд жараёнларининг ўртача умумий харажатлари одатда 80 000 € ва 200 000 € орасида бўлади. Одатда, бу харажатлар ютқазган тараф томонидан қопланади.

Суд буйруғи

Германия патент қонунчилиги, масалан, савдо ярмаркаларида патент қоидаларини бузувчи маҳсулотларнинг намойиш этилишига йўл қўймаслик учун дастлабки чора кўришга рухсат беради. Агар хукуқбузарлик аниқ бўлса, патент ҳақиқий бўлса ва шошилинч зарурият туғилса, дастлабки қарор бир неча соат ичida олиниши мумкин. Судья потенциал хукуқбузарни эшитмасдан ҳам бундай чорани қўллаши мумкин. Бироқ, агар ташкилот ўз рақобатчиси томонидан унинг фаолиятини чекловчи дастлабки эҳтиёт чорасини олишга ҳаракат қилиниши мумкинлигини билса, у ҳолда ташкилот бундай ҳаракатга олдиндан қарши чиқиш учун ҳимоя баённомаси тақдим этиши имкониятига эга. Судья қарор қабул қилишда ушбу баённомани ҳисобга олиши керак.

Бироқ, дастлабки чорани талаб қилганда бир нечта юқори судлар, бир нечта истиснолардан ташқари, Патент идораси томонидан экспертиза ўтказиш тартибида патентга лаёқатлиликнинг техник экспертизасидан ташқари, патентга лаёқатлилик/яроқлилик тўғрисидаги (иккинчи) тасдиқни тақдим этиши керак, деб ҳисоблайдилар. Бунинг сабаби шундаки, патентнинг амал қилиш муддати, агар патент аллақачон қарама-қарши процессларда (Германия ёки Европа Патент идораси олдида) ёки Федерал Патент судида ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суд муҳокамасидан омон қолган бўлса, қабул қилиниши мумкин.

Мюнхен минтақавий суди бу талқинни Европа Иттифоқи қонунчилигига зид деб ҳисоблайди ва шунинг учун ишни дастлабки қарор қабул қилиш учун Европа Иттифоқи Адлия суди (Court of Justice of the European Union (CJEU)) га юборади. Европа Иттифоқининг 2004/48/ЕС директивасининг 9(1) бандига кўра, патент бузилишининг давом этишини тақиқлаш учун патентни бузган шахсга дастлабки чора кўрилиши керак. Бироқ, юқори минтақавий судларнинг юқорида таъкидланган фикрига кўра, патент эндиғина берилган бўлса, бундай қилишнинг иложи йўқ⁴⁷.

Германияда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ихтиrolар, савдо белгилари, муаллифлик ҳуқуқи асарлари ва бошқа ҳимояланган объектларга тааллуклиdir. Германия Европа Иттифоқининг аъзоси бўлганлиги сабабли ихтирочилар ва тижорат тузилмаларига интеллектуал мулк ҳуқуқларини

⁴⁷ <https://www.mewburn.com/news-insights/patent-litigation-in-germany-an-overview>

рўйхатдан ўтказиш ва уларни ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун қўшимча имкониятлар тақдим этилади.

Муаллифлик хуқуқи ва патент хуқуқи соҳасидаги халқаро актларнинг барча нормалари ва қоидалари Германия қонунчилигига тақорланади. Ижодий иш натижаларига бўлган хуқуқларни рўйхатдан ўтмасдан тасдиқлашингиз мумкин, чунки улар асар яратилгандан кейин дарҳол пайдо бўлади. Баҳсларни ҳал қилиш учун муаллиф муаллифлик хуқуқини тасдиқлашнинг қўйидаги стандарт усусларидан фойдаланиши мумкин:

асарни ҳуқуқий ҳимоя белгилари – “©” белгиси (инглиз тилидан “copyright” – муаллифлик хуқуқи), ижодкорнинг исми ёки тахаллуси, биринчи нашр этилган йили жойлаштирилган ҳолда нашр этиш;

асарни ўз ичига олган моддий воситани немис ёки Евropa муаллифлик жамиятларидан бири орқали сақлаш;

асар яратилганинги нотариус органлари ёки нотариал адвокатлар орқали тасдиқлаш;

компьютер дастури ёки маълумотлар базасини ихтиёрий равиша рўйхатдан ўтказиш тартибидан ўтиш;

Германия ва Евropa Иттифоқи қонунчилигига ҳам интернетда муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилишнинг маҳсус қоидалари назарда тутилган. Хусусан, ноқонуний контентни тарқатиш билан боғлиқ кўплаб низолар Германия Патент ва савдо белгилари идораси (DPMA) тегишли бўлими орқали маъмурӣ тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

Худди шу бўлим орқали саноат ва тижорат мулки обьектларига бўлган хуқуқлар таъминланади. Қўйидаги соҳаларда ноёб технология ёки маҳсулот номи учун ҳимоя олиниши мумкин:

миллий патентлаш – резидентлар ва хорижий ишлаб чиқувчилар немис тилида Германия Патент ва савдо белгилари идорасига мурожаат қилишлари мумкин, аммо бу ҳолда ҳимоя режими фақат Германия чегараларида пайдо бўлади;

ихтирочи бир вақтнинг ўзида бир неча мамлакатларда, шу жумладан Германияда ҳимояга эга бўлиши мумкин – бунинг учун у Товар белгиларини рўйхатга олиш тизими ёки Евropa патентини бериш учун ариза топшириши мумкин;

савдо белгилари миллий Германия Патент ва савдо белгилари идораси орқали ҳам рўйхатдан ўтказилиши ёки Мадрид тизими имкониятларидан фойдаланилиши мумкин – иккинчи вариантни танлашда битта аризада ҳимоя сўраладиган бир нечта мамлакатлар кўрсатилиши мумкин.

Агар чет эллик ихтирочи ёки бизнес тузилмаси патент олиш учун ариза топширса, уларнинг Германиядаги манфаатларини Германия Патент ва савдо

белгилари идораси (DPMA) ёки Европа идораси (EUIPO) томонидан аккредитация қилинган патент вакили ҳимоя қилиши керак.

Ариза берувчи Германия ва/ёки бошқа мамлакатлар бозорига кириши учун қайси патент ёки сертификат олиши кераклигини танлаш ҳуқуқига эга. Агар фаолият фақат Европада режалаштирилган бўлса, Европа Патент Конвенцияси бўйича ҳуқуқларни таъминлаш кифоя. Агар компания ёки ишлаб чиқарувчининг ташқи иқтисодий манфаатлари бутун дунё мамлакатларига тааллуқли бўлса, энг оптимал усул товар белгиларини рўйхатга олиш тизими бўйича патентлашни амалга ошириш ҳисобланади. Халқаро ва минтақавий рўйхатга олиш тизимларининг афзаликлари қаторига битта ариза билан барча тартиб-коидаларни бажариш имконияти ҳамда тўловларни сезиларли даражада тежаш киради.

Ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказгандан сўнг, ихтирочи ёки ишлаб чиқувчи бир қатор эксклюзив ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлади. Уларни амалга ошириш муаллифлик ҳуқуқи эгасининг қарорига боғлиқ ва қуйидаги соҳаларда амалга оширилиши мумкин:

ўз эҳтиёжлари учун янги технологиялар ва тижорат белгиларидан фойдаланиш – Германияда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ҳимояланган обьектлардан фойдаланган ҳолда маҳсулотларни янги бозорларга чиқариш ва бошқалар;

ҳуқуқларни учинчи шахсларга сотиш – бунинг учун Германия Патент ва савдо белгилари идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган топшириқ шартномалари тузилади;

лицензия шартномалари бўйича рўйхатга олинган ҳуқуқларни ўтказиш – бундай битимлар ҳам Германия Патент ва савдо белгилари идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак ва томонлар ҳуқуқларни ўтказиш муддати ҳамда ҳудудини мустақил равишда келишиб олишлари, шунингдек лицензия бўйича ҳақ тўлаш миқдорларини белгилаб олишлари мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқи худди шу тарзда ишлатилиши ва ўтказилиши мумкин. Бироқ, томонларнинг максимал ҳимояси учун муаллифлик жамиятлари орқали битимни тасдиқлаш мумкин бўлса-да, бундай шартномаларни рўйхатдан ўтказиш шарт эмас.

Ҳуқуқ эгаси нафақат рўйхатга олинган обьектга бўлган ҳуқуқлардан қандай фойдаланиш ёки ўтказиш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиши мумкин, балки Германия қонунчилиги ҳуқуқ эгасининг манфаатларини миллий ва халқаро миқёсда ҳимоя қилиш учун тўлиқ ваколатларни тақдим этади. Патент ёки рўйхатга олиш гувоҳномаси эгаси ҳуқуқбузарлик хусусиятига қараб қуйидаги чораларни кўриши мумкин:

қоидабузарга ёзма талаблар ёки даъволар қўйиш – яъни, объектдан ноқонуний фойдаланишни тўхтатиши, контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариши ёки уларни бозорларда сотишни тақиқлашни, зарар ёки бой берилган фойдани ихтиёрий равишда қоплашни талаб қилиши мумкин;

талабномани қўриб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш босқичида келиб чиқадиган низолар ва эътиrozлар бўйича, шунингдек патентга бўлган хукуқ муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда Германия Патент ва савдо белгилари идораси хузуридаги ихтисослаштирилган палата томонидан қарор қабул қилиниши мумкин;

Халқаро даражада БМТ хузуридаги ваколатли орган бўлган Бутунжоҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) хукуқ эгаларини ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштиради.

Судда эксклюзив хуқуқларни бузганлик учун заарни қоплаш ёки пул компенсациясини тўлаш учун даъво қўйилиши мумкин. Германиянинг патент ва муаллифлик хукуки бўйича низоларни ҳал қилиш бўйича ўз суд тизими мавжуд, аммо агар сизда халқаро патент ёки сертификат бўлса, бошқа давлатлар судларига ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳимоя чора-тадбирларини амалга оширишнинг энг муҳим оқибатларидан бири бу хуқуқлар бузилган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки бозорга чиқарилган маҳсулотларни мусодара қилишдир. Бундан ташқари, мусодара ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан амалга оширилади ва компаниянинг ноқонуний фаолияти унинг ёпилишига олиб келиши мумкин⁴⁸.

Германияда интеллектуал мулк хуқуқлари Америка Кўшма Штатларидаги каби шунга ўхшаш соҳалар, жумладан патентлар, савдо белгилари, муаллифлик хуқуқлари ва тижорат сирлари орқали ҳимоя қилинади. Германия интеллектуал мулк хуқуқлари Патент қонуни, Товар белгиси тўғрисидаги қонун, Муаллифлик хукуки тўғрисидаги қонун ва Адолатсиз рақобатга қарши қонун каби турли федерал қонунлар билан ҳимояланган.

Ихтисослашган судлар ва суд тизимидағи бўлинмалар интеллектуал мулк низоларини қўриб чиқиш учун масъулдир. Патентга оид низолар биринчи инстанцияда худудий судлар (Landgericht) таркибидаги ихтисослаштирилган патент палаталари томонидан, кейин эса юқори миintaқавий судлар (Oberlandesgerichte) доирасидаги ихтисослаштирилган патент ҳайъатларида шикоят асосида қўриб чиқилади. Федерал суд (Bundesgerichtshof) якуний апелляцияларни қўриб чиқади. Савдо белгиси ва

⁴⁸ <https://prof-patent.ru/46zashhita-intellektualnoj-sobstvennosti-v-germanii.html>

муаллифлик хуқуқига оид низолар бир хил суд тизимидағи ихтисослаштирилған бўлинмалар томонидан кўриб чиқилади⁴⁹.

Германия интеллектуал мулк низоларни ҳал қилишда низоларни муқобил ҳал этишнинг потенциал афзаликларини тан олади. Энг кенг тарқалган низоларни муқобил ҳал этиш механизмлари орасида медиация, арбитраж ва музокаралар мавжуд. Германияда муаллифлик хуқуки ва товар белгилари бўйича низолар учун медиация қўпроқ қўлланилади, патент низолари учун эса арбитраж камроқ тарқалган.

Германия Патент ва савдо белгилари идораси патентлар ва товар белгиларини бошқариш билан шуғулланади, муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилиш эса судларнинг юрисдикциясига киради.

Ҳар бир Германия штатида патент даъволарини кўриб чиқиши ваколатига эга бўлган туман судлари⁵⁰ мавжуд бўлиб, уларда патентни бузилиши бўйича барча ишларни кўриб чиқиши учун ихтисослашган патент палаталари бор⁵¹. Интеллектуал мулк эгалари хуқуқларини ҳамда мазкур соҳадаги хуқуқбузарликлар бўйича низоларни ваколатли судлар яъни Патент судлари кўриб чиқади. Хукуқбузарлик ҳолатлари кўплиги натижасида мазкур ваколатли судлар томонидан деярли фақат патентга оид низолар кўриб чиқилади ва унда экспертиза даражаси юқори. Апелляция судларида учта судъядан иборат ихтисослаштирилған ҳайъатлар мавжуд бўлиб, улар биринчи инстанция судлари қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини кўриб чиқади. Шунингдек, апелляция шикоятлари Федерал Олий судга берилиши ҳам мумкин ва у кўп йиллик тажрибага эга, малакали ҳамда энг қобилиятли беш нафар тажрибали судъядан иборат таркибда кўриб чиқилади.

Германияда, шунингдек, факат интеллектуал мулк хуқуқига оид ишларни кўриб чиқадиган маъмурӣ трибуналлар мавжуд. Германия Патент ва товар белгилари идораси қошидаги патент бўлинмалари келтирилган эътиrozларни кўриб чиқиши хуқуқига эга. Бўлинмалар учта техник аъзодан иборат бўлиб, баъзида агар ишни кўриб чиқишида юридик ечим топиш масаласида қийинчиликларга дуч келинса, аъзо сифатида юридик маълумотга эга шахс ҳам киритилиши мумкин. Баъзи ҳолатларда учта техник аъзодан ҳамда юристдан ташкил топган Федерал Патент судининг Апелляция палатаси

⁴⁹ С.Юсубова АҚШда интеллектуал мулк соҳасидаги низолар, низоларни суд ва судгача ҳал қилиш масалалари // Innovations in technology and science education // SJIF 2023: 5.305. volume 2 issue 10. P. 94-104.

⁵⁰ The competent courts, with districts in parentheses, are: LG Mannheim (Baden-Württemberg); LG Munich I and LG Nuremberg-Fürth (Bavaria); LG Berlin (Berlin, Brandenburg), LG Hamburg (Bremen, Hamburg, Mecklenburg-Western Pomerania, Schleswig Holstein), LG Düsseldorf (North Rhine-Westphalia); LG Frankfurt (Hessen, RhinelandPalatinate); LG Braunschweig (Lower Saxony); LG Leipzig (Saxony); LG Magdeburg (Saxony-Anhalt); LG Erfurt (Thuringia); and LG Saarbrücken (Saarland). EUROPEAN PATENT OFFICE, supra note 123, at 23.

⁵¹ Bernd Allekotte & Ulrich Blumenroder, Germany, PATENTS IN EUROPE 2010-11 41 (2010), <http://www.iammagazine.com/issues/article.ashx>

ишларга нисбатан эътиroz, яъни қарши овоз бериш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Федерал Патент суди Германия Патент ва товар белгилари бўйича экспертиза бўлимлари ёки Патент бўлинмаларининг қарорлари, ўз кучини йўқотган деб эълон қилиш бўйича даъвалар ва мажбурий лицензиялар устидан шикоятларни кўриб чиқадиган мустақил федерал суддир⁵².

Федерал Патент судининг вазифалари.

Федерал Патент суди Германия Патент ва товар белгилари идорасининг экспертиза органлари ва бўлимлари томонидан қабул қилинган қарорлар устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилишга масъулдир. Германия Федератив Республикасида амалда бўлган немис патентлари ёки Европа патентларини ҳақиқий эмас деб топиш бўйича ҳаракатлар тўғрисида, шунингдек, мажбурий лицензияни бериш ёки қайтариб олиш ёки белгиланган мажбурий лицензия учун тўловни тузатиш бўйича ҳаракатлар тўғрисида қарор қабул қиласди. Шунингдек, Федерал Патент суди Федерал Ўсимликлар навлари идорасининг эътиroz қўмиталарининг қарорлари устидан шикоятлар бўйича қарор қабул қилиш учун жавобгардир. Саноат мулки хуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ низолар, бошка томондан, Федерал Патент судининг ваколатига кирмайди, бундай турдаги ишлар фуқаролик судларининг судловига тааллуклидир, яъни уларнинг юрисдикцияга киради.

Германия Патент ва товар белгилари идораси ва Ўсимликлар навлари бўйича Федерал идора сингари, Федерал Патент суди фақат ҳимоя хуқуқини (патент, товар белгиси, фойдали модел, топография, дизайн, навни ҳимоя қилиш хуқуқи) берилиши (рўйхатга олиниши) ёки рад этилиши ҳақида қарор қабул қиласди. Шунингдек, у берилган мулк хуқуқини бекор қилиши ёки уни ҳақиқий эмас деб эълон қилиши мумкин.

Федерал Патент судига президент бошчилик қиласди, унга вице-президент ёрдам беради. Судьялар ўз судьялик фаолиятини ҳайъатларда амалга оширадилар. Суддан ташқари барча фаолиятлар бўлимларга бўлинган Суд маъмуриятига юклangan, бўлимлар судьялар томонидан бошқарилади. Демак, Федерал Патент суди қуйидаги тузилмага эга.

Суд бошқаруви

Ҳайъатлар

Суд маъмурияти

Ҳайъатлар

Федерал Патент суди жами 23 та ҳайъатдан иборат (2023 йил 1 январь ҳолатига кўра): 1 та суд апелляция ҳайъати, 7 та хуқуқни бекор қилиш

⁵² Patentgesetz [Patent Law], December 16, 1980 as amended BGBl I, § 65(1) (Germany); EUROPEAN PATENT OFFICE, supra note 123, at 23.

бўйича ҳайъат, 8 та техник апелляция ҳайъати, 4 та товар белгилари бўйича апелляция ҳайъатлари, 1 та савдо белгилари ва дизайнлар бўйича апелляция ҳайъати, 1 та фойдали моделлар бўйича апелляция ҳайъати ва ўсимлик навлари бўйича 1 та апелляция ҳайъати.

2022 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, Федерал Патент суди жами 94 нафар судьядан иборат эди. Бу гурӯҳ 26 нафар аёл ва 68 нафар эркак судьялардан иборат бўлиб, улардан 53 нафари техник ва илмий соҳаларда малака оширган, 41 нафари ҳукуқшунослик бўйича маълумотга эга бўлган.

Федерал Патент судининг Германия суд тизимидағи ўзига хос хусусияти шундаки, унинг ҳайъатлари таркиби ҳам ҳукуқшунослар, ҳам олимлар, яъни техник малакага эга судьялардан иборат. Юридик малакали аъзолар сингари, бу олимлар ҳам профессионал судьянинг барча ҳукуқ ва мажбуриятларига эга бўлиб, умрбод тайинланидаган профессионал судьялар ҳисобланишади. Техник малакали судьялар техник ихтиронинг хусусиятларига тааллукли (ҳеч бўлмагандек қисман) барча суд жараёнларида – масалан, патент бериш ёки бекор қилиш билан боғлиқ ишларда ёки фойдали моделлар билан боғлиқ ишларни бекор қилишда иштирок этадилар. Бошқа томондан, товар белгиси бўйича иш юритишда ҳакамлар ҳайъати тўлиқ юридик малакага эга бўлган аъзолардан иборат бўлади.

Иш юритиш турига қараб, ҳайъатлар уч, тўрт ёки беш нафар судьядан иборат таркибда ишларни кўриб чиқади.

Суд ҳайъатларидан ташқари, Суд маъмурияти Федерал Патент судининг муҳим таркибий қисми ҳисобланди. У суднинг низоларни кўришдан ташқари барча вазифалари учун жавобгардир, яъни суддаги ташкилий-таркибий тузилма фаолиятини олиб боради.

Суд маъмурияти 6 бўлимдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига судья ёки юқори лавозимли давлат хизматчиси бошчилик қиласи ҳамда у давлат хизматчилари ва суд аппарати ходимларидан ташкил топган.

Федерал Патент суди олий федерал суд бўлиб, Федерал Адлия вазирлиги ва Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш вазирлиги ваколати остида, у 1961 йил 1 июлда ўз фаолиятини бошлаган.

Бу даврга қадар Германия Патент идорасининг экспертиза бўлимлари ва бўлинмаларининг қарорлари “Апелляция ҳайъатлари” томонидан кўриб чиқилар эди. Ушбу ҳайъатлар Патент идорасининг бир қисмини ташкил этган ва уларнинг аъзолари давлат хизматчилари эди. Аммо, ҳайъат қарорлари устидан судга шикоят қилиш имконияти йўқ эди.

Бироқ, Федерал маъмурий суднинг 1959 йил 13 июндаги қарорига кўра, Патент идорасининг Апелляция ҳайъатлари қарори маъмурий орган томонидан қабул қилинган хужжат ҳисобланади ва шунинг учун суд

томонидан текширилиши керак. Асосий Қонуннинг 19-моддаси тўртинчи қисми ўз хукуқлари давлат органи томонидан бузилган деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс ушбу қарорларни мустақил судлар томонидан қайта кўриб чиқилишини талаб қилиши мумкинлигини кафолатлади. Лекин, Патент идорасининг апелляция ҳайъатлари қонунчиликка кўра суд ҳисобланмаганлиги сабабли, низоларни кўриб чиқиша аризачиларнинг хукуқларини суд орқали ҳимоя қилиш заруриятини юзага чиқарди. Шундай қилиб, Германияда 1961 йилдан Федерал Патент суди фаолият юрита бошлади.

Иш юритиш турлари

Патент, фойдали моделлар, яrim ўтказгичларни ҳимоя қилиш, товар белгилари, дизайнлар ва ўсимликлар навлари тўғрисидаги қонуларда мавжуд бўлган маҳсус қоидаларга мувофиқ ҳар хил турдаги иш юритиш амалга оширилади.

Апелляция тартиби

Иш юритиш турларидан бири апелляция тартибидир. Федерал Патент судининг юрисдикциясига кирувчи ҳар бир процессуал кодекс апелляция тартибини ҳам назарда тутади. Бундай ҳолларда Федерал Патент судининг апелляция ҳайъатлари Федерал патент ва товар белгилари идораси ва Федерал ўсимлик навлари идораси томонидан қабул қилинган қарорларни суд назорати инстанцияси сифатида кўриб чиқади ва қарор қабул қилинади. Қарорлар ҳам факт, ҳам хукуқий нуқтаи назаридан ҳар томонлама кўриб чиқилади. Шу мақсадда Федерал Патент суди ҳам ўз терговини амалга оширади (*ex officio* тергов принципи). Федерал Патент суди мулк хукуқини (патент, фойдали модел, яrim ўтказгич маҳсулотларининг топографияси, товар белгиси, дизайнни, ўсимлик нави) бериш, уни рўйхатдан ўтказишни рад қилиш ёки илгари берилган хукуқни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Федерал Патент суди апелляция ҳайъатларининг иккинчи инстанция қарорларига нисбатан Федерал судга шикоят қилиш мумкин. Карлсру шаҳрида жойлашган Федерал Суд умумий юрисдикциянинг энг юқори органи ҳисобланади. У биринчи инстанция судининг қарорлари устидан тарафлар апелляция ҳайъатларига шикоят қилганларида, ҳайъат қарорнинг баҳсли жиҳатларини хукуқий текшириб, биринчи инстанция томонидан ишни кўриб чиқиш натижаси юзасидан ўз қарорида қонун нормаларини нотўғри қўлланиш ҳолатларини текширади ва тегишли суд хужжатини қабул қилади. Хукуқий нуқтаи назардан берилган шикоят факат маълум шартлар бажарилган тақдирдагина қабул қилинади. Бундай рухсатсиз, агар шикоятчи қонунда аниқ санаб ўтилган жиддий процессуал қоидабузарликлардан бирини, масалан, суд

муҳокамасига бўлган ҳуқуқнинг бузилганлиги тўғрисида даъво қиласагина, шикоят қабул қилинади.

Бекор қилиш ҳаракатлари, яъни рўйхатдан ўтган патентни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича ҳаракатлар Федерал Патент суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида ҳал қилинади. Патентни бекор қилиш жараёни рўйхатга олиш тартибидан алоҳида бўлиб, рўйхатдан ўтган миллий патентларнинг, Германия Федератив Республикасида нисбатан кўлланиладиган Европа патентларининг ёки қўшимча ҳимоя сертификатларининг амал қилиш муддати тўғрисида қарор қабул қилинади.

Патентни бекор қилиш тўғрисидаги иш Федерал Патент судида патент эгасига қарши шикоят бериш орқали бошланади. Патентни бекор қилиш тўғрисидаги даъво одатда ҳуқуқбузарлик натижасида пайдо бўлади. Муайян шахс томонидан патент ҳуқуқларининг бузилганлигини аниқлаш бўйича ҳаракатлар (патент ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги даъво) умумий юрисдикция судлари томонидан ҳал қилинади, яъни минтақавий судлар, юқори минтақавий судлар ва охирги инстанцияда Федерал суд (бўлиниш принципи сифатида танилган). Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритиш патент эгаси (даъвогар) томонидан потенциал ҳуқуқбузарларга (жавобгарларга) қарши даъвони ўз ичига олади. Патентни бекор қилиш тўғрисидаги иш юритишда даъвогарлар потенциал ҳуқуқбузарлар, патент эгалари эса жавобгарлардир. Бекор қилиш тўғрисидаги даъво рад этилган тақдирда, бундай қарор факат процесс иштирокчилари ва суд қарорида кўрсатилган томонларга нисбатан кўлланилади. Бироқ, агар патент тўлиқ ёки қисман бекор қилинган бўлса, бунда патент ҳамма учун ёки ҳаммага қарши бекор қилинади ёки чекланади. Бошқача қилиб айтганда, таъсир доираси бекор қилиш жараёни иштирокчиларидан ташқарига чиқади. Бекор қилиш ёки чеклаш патент реестрида қайд этилади ва Патент бюллетенида эълон қилинади.

Шунингдек, судлов ҳайъати қўшимча ҳимоя гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб топиш ёки лицензияни бериш ёхуд қайтариб олиш тўғрисида, шунингдек, мажбурий лицензия учун йиғим миқдори тўғрисидаги иш юритишда биринчи инстанция суд сифатида қарорлар қабул қиласади.

Процессуал қоидалар патент, фойдали моделлар, яrim ўтказгичларни ҳимоя қилиш, товар белгилари, дизайнлар ва ўсимлик навлари тўғрисидаги қонунларнинг тегишли қоидаларида мавжуд. Агар ушбу қонунларда процессуал қоидалар мавжуд бўлмаса, судлар Конституция ва Фуқаролик процессуал кодексининг қоидаларига кўра, бироқ бу факат иш юритишнинг ўзига хос хусусияти бундай кўлланилишни истисно қилмаган ҳолларда иш юритади.

Федерал Патент судидаги иш юритишга *ex officio* жорий этилмайди; балки улар фақат иштирокчиларнинг илтимосига биноан, яъни шикоят ёки апелляция бериш йўли билан бошланади. Иштирокчилар, одатда, исталган вақтда ўз илтимосномаларини қайтариб олиш орқали процессни тугатишлари мумкин. Бунда ягона истисно – бу патент ишида эътиrozни қайтариб олиш, бу фақат эътиroz билдирган шахснинг иш юритишда иштирок этишини тугатади, эътиroz билдириш жараёнининг ўзи эмас. Бундан ташқари, даъвогарнинг илтимоси процесснинг предметини белгилайди.Faқат шу доирада Федерал Патент суди ариза ёки шикоят бўйича қарор қабул қиласди.

Федерал Патент судидаги иш юритишда иш адвокат томонидан тақдим этилиши шарт эмас; иштирокчилар адвокатсиз процессда ўзлари иштирок этишлар ҳамда юритишлари мумкин. Аммо улар адвокат ёки патент вакили томонидан вакиллик қилишни ҳам танлашлари мумкин. Агар муайян шартлар бажарилган бўлса, бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ҳам ваколатли вакил сифатида фаолият кўрсатишга рухсат берилади. Faқат Германияда яшаш жойи ёки филиали бўлмаган иштирокчилар (жумладан, Германия фуқаролари ёки компаниялари) патент судидаги иш юритишда иштирок этиш учун патент вакили ёки адвокат ёллашлари шарт. Европа Иттифоқи ёки Европа Кенгашига аъзо давлатларидан бўлган адвокатлар ёки патент вакиллари ҳам Федерал Патент судида вакил сифатида иштирок этиш хуқуқига эга.

Федерал Патент судига тақдим этилган шикоятлар ёки аризалар суднинг иш юритиш рўйхатига мувофиқ ваколатли ҳайъатга иш рақами берилганидан кейин тақсимланади. Жараённинг барча иштирокчилари ўз позицияларини билдириш имкониятига эга бўлгандан сўнг, ҳайъат аъзоси томонидан тайинланган маърузачи судья ёзма хulosани тузади, ҳайъатнинг бошқа аъзолари иш хужжатларини кўриб чиққандан сўнг, ўз фикрларини билдирадилар (одатда ёзма равищда). Ишда раислик қилувчи маслаҳатлашув ёки оғзаки тинглаш санасини белгилайди. Бекор қилиш жараёнларида, олдин оғзаки тинглаш бўлиб ўтади, ҳайъат одатда Патент қонунининг 83-моддасига мувофиқ ёзма малакали кўрсатмалар беради. Кўрсатмалар, одатда, оғзаки тинглаш санаси тўғрисидаги билдиришнома билан бирга берилади.

Бекор қилиш ва мажбурий лицензиялаш бўйича иш юритишда умумий қоида сифатида дастлабки эшитув ўтказилади. Бошқа турдаги ишларда процессуал кодекслар одатда ёзма тартибни назарда тутади. Бироқ, агар процесс иштирокчиларидан бири келмаган бўлса, гувоҳларни сўроқ қилиш зарур бўлса ёки ҳайъат оғзаки эшитувни фойдали деб ҳисобласа, оғзаки суд мажлиси ўтказилади.

Дастлабки эшитув яқунлангач, ҳайъат ўз қарорини қабул қилиш учун маслаҳатга ўтади, қабул қилинган қарор дарҳол, ёки кейинги санада эълон

қилинади ва тегишли тартибда қарор иштирокчиларга ёзма шаклда юборилади. Бекор қилиш билан шуғулланувчи ҳайъатлар ўзларида кўрилаётган ишлар бўйича қарорлар қабул қиласди. Апелляция ҳайъатларининг қарорлари буйруқ шаклида чиқарилади.

2000 йил 1 январдан бери Федерал суд томонидан чиқарилган қарорларга суднинг маълумотлар базаси орқали кириш мумкин ва улар доимий равишда янгиланади. Алоҳида қарорларни “сана” (қарор санаси) ва “суд иши рақами” маҳсус қидирав майдонлари орқали ёки тўлиқ матнли қидирав ёрдамида қидириш мумкин. Бундан ташқари, процесснинг предмети бўлган мулк ҳуқуқининг рақамини қидириш ҳам мумкин.

Барча қарорлар нотижорат мақсадларда юклаб олиниши мумкин. Тижорат мақсадларида фойдаланишга фақат тўлов асосида рухсат берилади.

Германиядаги барча интеллектуал мулк билан боғлиқ суд жараёнларида адвокатлар ва суд ишончли вакиллари иштирок этиши мумкин бўлса, интеллектуал мулк обьектига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ёки тугатиш каби маъмурий тартиб-таомилларда адвокатлардан ташқари интеллектуал мулк соҳасидаги амалиётчи мутахассисларнинг ҳам вакил сифатида катнашишига рухсат этилади.

Ягона патент суди (UPCA) ҳозирда Европа Иттифоқига аъзо ўн етти давлат учун умумий бўлган халқаро суд бўлиб, унда Ягона патент суди (UPCA) тўғрисидаги Битим амал қиласди. Мазкур битим исталган вақтда уни имзолаган еттига бошқа Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг ҳар бири томонидан ратификация қилиниши мумкин. Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг қолган аъзо давлатлари исталган вақтда унга қўшилиши мумкин.

Ягона патент суди Европа даражасида патент даъволари учун ягона, ихтисослашган ва самарали тизимни таклиф қиласди. У ҳуқуқбузарлик ва бекор қилишга оид ишларни кўради. Суд “классик” Европа патентлари ва унитар таъсирга эга Европа патентлари (Унитар патентлар) бўйича эксклюзив юрисдикцияга эга. Бироқ, “классик” Европа патентлари бўйича эксклюзив юрисдикция етти йиллик ўтиш давридаги истисноларга боғлиқ. Ушбу давр мобайнида “классик” Европа патентларига оид даъволар ҳали ҳам миллий судлар ёки бошқа ваколатли миллий органларга топширилиши мумкин. Бундан ташқари, “классик” Европа патентлари Ягона патент суди юрисдикциясидан бутунлай чиқариб ташланиши мумкин.

Суд таркибида биринчи инстанция суди, апелляция суди ва рўйхатга олиш идораси киради. Бундан ташқари, низоларни тинч йўл билан ҳал этишга қўмаклашиш мақсадида Патент медиация ва Арбитраж марказини ташкил этиш режалаштирилган.

Суд бутун Европадан келган судьялардан иборат. Ҳайъат таркиби патент даъволарида катта тажрибага эга юридик ва техник жихатдан малакали судьялардан ташкил топган.

Биринчи инстанция суди

Биринчи инстанция суди марказлаштирилмаган тузилмага эга бўлиб, Мюнхендаги бўлим ва Париждаги марказий бўлимни, шунингдек, бутун Европада жойлашган турли маҳаллий ва минтақавий бўлинмаларни ўз ичига олади.

Биринчи инстанция суди Ягона патент суди (UPCA) тўғрисидаги Битимнинг 32-моддасида кўрсатиб ўтилган турли хил даъволарни қўриб чиқади. Биринчи инстанция судининг раиси Флоренс Бутин хонимdir.

Апелляция суди

Апелляция суди Люксембургда жойлашган бўлиб, биринчи инстанция судининг қарорлари устидан шикоятлар ва суднинг якуний қарорларини қайта қўриб чиқиш талаблари бўйича ваколатга эга бўлиб, тегишли қарорлар қабул қиласди.

Апелляция суди раиси доктор Клаус Грабински, у шунингдек Ягона патент суди Раёсатининг раиси ҳам ҳисобланади.

3.3-§. Италияда интеллектуал мулк ҳуқуқлари: уларни ҳимоя қилиш масалалари

Италияда интеллектуал мулк ҳуқуқи. Ушибу параграфда Италияда интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича маълумотлар, савол-жавоблар берилган, шунингдек, патентлар, фойдали моделлар, савдо белгилари, муаллифлик ҳуқуқи, рўйхатдан ўтган дизайнлар, рўйхатдан ўтмаган дизайнлар, тижорат сирлари ва маҳфий маълумотлар, домен номлари ва маълумотлар базаси ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, сақлаши ва қўллаши бўйича умумий маълумот берилади.

Италияда интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилишидан энг кўп зарар кўрган соҳаларга мусиқа, кино, дастурий таъминот, нашриёт, мода ва фармацевтика киради. Халқаро Интеллектуал Мулк Альянси (ПРА) 2016 йилда Италиядаги муаллифлик ҳуқуқи қароқчилиги туфайли савдо йўқотишиларини 1,4 миллиард доллардан ортиқ деб баҳолади⁵³. Ўз репутациясини яхшилаш учун Италия интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилишини чеклашга қаратилган кучли қонунларни қабул қилди. Бироқ, қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши олдинга қўйилган муҳим қадам

⁵³ Edward Carrington, Tyler Burr & Barbara Lapini. “IPR Toolkit for Italy”, Sept 2007.

бўлса-да, кўпгина қонунлар тўлиқ ва самарали ижро этилмади. Хусусан, сохта товарларни сотиб олганлик учун катта жарималар Италия судларида эътиrozга сабаб бўлмоқда. Италия Париж конвенциясини (савдо белгилари ва патентлар), Берн конвенциясини (муаллифлик ҳуқуқи) ва Патент ҳамкорлик шартномасини имзолаган, шунингдек, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) ва Жаҳон савдо ташкилоти (WTO) аъзосидир. Италия молия полицияси (Guardia di Finanza) суд буйруқларига риоя қилинишини таъминлайди, мусодара қилади, қалбакилаштириш ва қароқчиликка ҳамда ушбу фаолият ортидаги уюшган жиноятчилик тармоқларига қарши доимий кураш олиб боради.

Италияда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш муаллиф/ижодкорнинг ҳаёти давомида ва вафотидан кейин 70 йил давомида автоматик равища таъминланади. Италияда муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган сотувдаги асарларнинг аксариятида (баъзи мухим истиснолардан ташқари) Италия муаллифлар ва ноширлар жамиятининг (SIAE) стикери бўлиши керак. Стикернинг ҳар бир нусхаси тахминан 0,03 евро туради ва бозордаги асар нусхаларининг ҳақиқийлигини кафолатлаш ҳамда муаллифлар ва рассомларга товон пули тўлаш учун мўлжалланган. 50 фоиздан кам аудио ёки видео материалларни ўз ичига олган дастурний таъминот стикер олишдан озод қилинади.

Италия қонунчилиги компаниялардан ушбу маҳсулотларни бозорга чиқаришдан олдин Италия муаллифлар ва ноширлар жамиятига маҳсулот идентификация декларациясини топширишларини талаб қилади. Баъзи бошқа дастурний таъминот тоифалари иккала талабдан ҳам озод қилинган.

Стикер тизими асосан мусиқа ва кино саноати томонидан кенг қабул қилинган бўлса-да, дастурний таъминот саноати буни жуда оғир деб топди ва Италия ҳукуматига аудиовизуал контенти 50 фоиздан кам бўлган дастурний таъминот учун ҳар қандай стикер ёки декларация талабларини бекор қилишни сўради. Италияда нашр этилган китоблар, шунингдек, адабий асарлар учун Италия муаллифлар ва ноширлар жамиятидан стикер олиш талаб этилади. Мусиқа, фильмлар ва дастурний таъминотни ноқонуний юклаб олиш мамлакатда тобора кенгайиб бормоқда. Халқаро фонография саноати федерацияси (IFPI) маълумотларига кўра, 2005 йилда Италияда бир вақтнинг ўзида 4 миллиондан ортиқ одам мусиқани ноқонуний равища бошқалар билан бўлишган. Ўша йили Италияда ноқонуний юклаб олиш бўйича янги қонун қабул қилинди, унга кўра, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган материални Интернетда ноқонуний юклаб олиш учун жойлаштирганлик учун тўрт йилгача қамоқ жазоси киритилди. У қаттиқ санкцияларни, шу жумладан

шахсий, нотижорат мақсадларда фойдаланиш учун ўзаро файл алмашғанлик учун жиноий жазоларни назарда тутади.

Амалдаги қонунга кўра, муаллифлик ҳуқуқларини бузувчи файлларни юклаб олиш юклаб олувчига нисбатан турли хил маъмурий жазо чоралари, масалан, жарима, мусодара ва ҳоказолар қўлланилишига сабаб бўлади; Муаллифлик ҳуқуқларини бузадиган ўзаро файл алмашиш (P2P) жиноий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади, лекин молиявий манфаатлар учун бўлмаса, жарима тўлангандан кейин жиноят тугатилиши мумкин. Молиявий даромад олиш учун муаллифлик ҳуқуқини бузадиган P2P файл алмашиш (50 дан ортиқ нусхада) жиноят ҳисобланади ҳамда жиноий ва маъмурий жазоларга, жумладан жарима ва тўрт йилгача қамоқ жазосига олиб келиши мумкин.

Италия қонунчилиги ва суд амалиёти бўйича Интеллектуал мулкнинг ҳар бир обьектларига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

ПАТЕНТЛАР

Патент олиш учун талаблар

Патентнинг қисқача таърифи, уни олиши учун асосий ҳуқуқий талаблар ва амалдаги қонунчилиги.

Патентлар – бу ўз эгаларига ихтиродан маълум бир ҳудудда фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқ берувчи ва уларинг рухсатисиз бошқалар томонидан ихтирони ишлаб чиқариш, сотиш ёки ундан фойдаланишга тўсқинлик қилиш имконини берувчи юридик номлардир. Италияда ихтирога бўлган патент ҳуқуқлари Саноат мулки кодексининг (Industrial Property Code) IV бўлими билан тартибга солинади.

Патент олиш учун қонуний талаблар:

- янгилик;
- ихтирочилик босқичи;
- саноатда фойдаланиш;
- қонунийлик;
- етарли тавсифланганлик;
- мавзу тақдим этилган ариза доирасидан ташқарига чиқмаслиги керак.

(Саноат мулки кодекси 46-моддаси).

Қўйидагилар ихтиро ҳисобланмаслиги сабабли патент муҳофазасидан чиқарилади:

- кашфиётлар, илмий назариялар ва математик усуллар;
- интеллектуал фаолият, ўйин ёки тижорат фаолияти учун режалар, тамойиллар ва усуллар;
- дастурий таъминот;
- ахборот тақдимотлари.

(Саноат мулки кодекси 45-моддаси).

Куйидагилар ихтиро деб ҳисобланса ҳам патент муҳофазасидан чиқариб ташланади:

- инсон ёки ҳайвон танасини жарроҳлик ёки терапевтик даволаш усуллари, инсон ёки ҳайвон танаси учун диагностика усуллари;
- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари, ҳайвонлар ёки ўсимликларни яратиш учун муҳим бўлган биологик жараёнлар;
- олдиндан мавжуд бўлган бошқа навнинг генетик модификациясидан иборат янги ўсимлик навлари;
- миллий қишлоқ хўжалиги реестрида рўйхатга олинган ўсимлик навлари ва келиб чиқиши, муҳофаза қилинадиган географик қўрсаткичи ёки анъанавий ўзига хослиги кафолатланган маҳсулот олинадиган ўсимликлар навлари.

Патентни рўйхатдан ўтказиш

Патентни рўйхатга олиш органи. Италия Патент ва товар белгилари идораси (UIBM) патентни рўйхатдан ўтказиш учун масъул орган ҳисобланади.

Патент олиш учун аризалар ваколатли патент вакилларининг ёрдами билан тўлдирилиши тавсия этилади.

Патент олиш учун берилган ариза қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

- хуроса;
- тавсиф;
- даъволар;
- чизмалар;
- библиография (ихтиро номи, ариза бериш санаси, устуворлик санаси, ихтирочининг шахсий маълумотлари).

Саноат ихтиросига патент олиш учун ариза берган ҳар бир шахс бир вақтнинг ўзида фойдали моделга патент олиш учун ариза бериши мумкин. Италия Патент ва товар белгилари идораси илованинг ихтиро ёки фойдали модель сифатида берилиши мумкинлигини баҳолайди.

Жараён ва муддат

Рўйхатга олиш жараёни юқоридаги маълумотларни ўз ичига олган аризани топширишдан бошланади.

Ариза топширилган кундан бошлаб 18 ой ўтгач ёки устуворлик санасидан эътиборан омма учун очиқ бўлади. Агар ариза берувчи аризада уни дарҳол оммага очиқ қилиш истагини билдирган бўлса, Италия Патент ва товар

белгилари идораси ариза ва унинг иловаларини топширилган кундан бошлаб 90 кун ўтгач очик қиласди.

Жараён бир неча босқичларга бўлинади:

Дастлабки маъмурӣ-техник экспертиза. Бу ихтиро билан боғлиқ барча ҳужжатлар илова қилинганлигини ва ариза бериш учун тўловлар тўланганлигини тасдиқлади. Италия Патент ва товар белгилари идораси, шунингдек, ихтиронинг патент олиш истиснолари қаторига кирмаслигини ҳам текширади. Агар экспертизанинг биринчи босқичи муваффақиятли бўлса, Италия Патент ва товар белгилари идораси аризани малакали идорага (Италия учун Европа Патент ташкилоти (ЕРО)) га дастлабки синов тадқиқоти босқичи учун юборади.

Дастлабки синов тадқиқоти. Италия Патент ва товар белгилари идораси аризани патентга лаёқатлилик талаблари бўйича ёзма фикр бериш учун Европа патент ташкилотига юборади. Ташкилот шу билан бирга дастлабки синов тадқиқоти ҳисоботини ҳам тузади.

Мурожаатни моҳиятан текшириши. Экспертиза дастлабки синов тадқиқоти натижалари ва ариза берувчи томонидан тақдим этилган патент ҳужжатларига ҳар қандай қарши далиллар ёки ўзгартирислар асосида амалга оширилади.

Жараён патент бериш ёки рад этиш билан тугайди. Рад этиш тўғрисидаги билдиришнома олинган кундан бошлаб 60 кун ичida рад этиш устидан шикоят қилиш мумкин⁵⁴.

Саноат мулки кодексида учинчи шахслар томонидан эътиroz билдириш кўзда тутилмаган. Ҳар қандай изоҳ ва жавоблар файлда сақланади, лекин Италия Патент ва товар белгилари идораси томонидан баҳоланмайди.

Берилган патент устидан турли асосларда ваколатли судга шикоят қилиниши мумкин.

Патент қидируви ва ахборот воситалари

Италия Патент ва товар белгилари идораси веб-сайтида патентлар ва тегишли маълумотларни мустақил равишда қидириш мумкин бўлган маълумотлар базаси мавжуд. Бироқ, устувор қидирув ҳар доим патент бўйича хукуқшунос томонидан амалга оширилиши тавсия этилади.

Патентни муҳофаза қилиш муддати

Патентлар йиллик тўловларни тўлаш шарти билан ариза берилган кундан бошлаб 20 йил давомида амал қиласди. Фармацевтика патентлари учун қўшимча ҳимоя гувоҳномалари (SPCs) бундан мустасно бўлиб, улар маълум

⁵⁴ Sofia Bernardini, Franzosi, Dal Negro, Setti. Intellectual Property Rights in Italy: Overview <https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/>

чекловлар доирасида муҳофаза қилиш муддатини узайтиришга имкон беради. Эксклюзив ҳуқуқлар грант асосида берилади.

Патентларни сақлаш

Патентни рўйхатдан ўтказиш (ва муҳофаза қилиш) учун эгаси Италия Патент ва товар белгилари идорасига барча йиллик тўловларни тўлаши керак (акс ҳолда патент бекор қилинади). Йиллик тўловлар миқдори тўғрисида маълумот идора веб-сайтида кўриш мумкин. Йиллик йифим тўланмаган тақдирда, белгиланган сўнгти муддатдан бошлаб олти ойлик муддат берилади ва 100 евро миқдорида қўшимча тўлов мавжуд бўлиб, уни тўлаш керак, акс ҳолда патент ўз кучини йўқотади.

Патент эгаси патентланган ихтиродан уч йил мобайнида фойдаланиши шарт, акс ҳолда мажбурий лицензия талаб қилиниши мумкин.

Патентнинг бузилиши

Патент билан бериладиган ҳуқуқлар

Патент ўз эгасига фақат ихтиродан фойдаланиш ва ундан фойда олиш ҳуқуқини беради. Саноат мулки кодексининг 66-моддасига биноан патент эгасига қўйидаги мутлақ ҳуқуқлар берилган:

- агар патент предмети маҳсулот бўлса, учинчи шахсларга унинг розилигисиз ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш, фойдаланиш, сотиш, сотиш олиш ёки олиб киришни тақиқлаш ҳуқуқига эга;
- агар патент предмети процедура бўлса, учинчи шахсларга ушбу тартибни қўллашни, шунингдек процедурадан бевосита олинган маҳсулотлардан фойдаланиш, сотиш ёки импорт қилишни тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Италия қонунчилиги патент эгаларини ҳисса (ёки билвосита) деб аталадиган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қиласди.

Патент ҳуқуқини бузувчи асослар

Кимдир патент предмети бўлган маҳсулотни (ёки жараённи) ишлаб чиқарса, бозорга олиб чиқса, импорт ёки экспорт қилса патент эгаси ҳуқуқбузарлик тўғрисида даъво қўзғатиши мумкин.

Ҳуқуқ эгаси, шунингдек, бошқа шахснинг ҳуқуқбузарлигига ҳисса қўшган шахсга нисбатан ҳисса қўшган ҳуқуқбузарлик учун даъво бошлаши мумкин. Агар шахс патентланган ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга ушбу ихтиронинг ажралмас элементига тегишли бўлган ва ихтирони у ҳимоя қилинадиган давлат ҳудудида амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларни тақдим этса ёки тақдим этишни таклиф қилса, бошқа шахснинг ҳуқуқбузарлигига ҳисса қўшган деб ҳисобланади (Саноат мулки кодекси 66-моддаси 2-банди).

Даъволар иқтисодий судлар ва апелляция судларининг ихтисослаштирилган бўлинмалари томонидан кўриб чиқилади (уларнинг фақат баъзилари 168/2003-сонли қарорга биноан хорижий компаниялар иштирокидаги суд ишларини юритиш учун тўғри форумдир).

Патент бузилиши даъволари бўйича маҳсус тезлаштирилган ёки кичик даъволар тартиби мавжуд эмас, лекин ихтисослаштирилган суд ишларини юритиш бўлинмалари одатда оддий суд ишлари бўлинмаларига қараганда тезроқ иш юритишади.

Патент ҳукуқи бузилиши юзасидан ҳимоя чоралари қўйидагилардан иборат:

- дастлабки огоҳлантирув (бузганлик учун жазо билан);
- зарар, компенсация ва/ёки фойдани ҳисобга олиш;
- товарларни тинтуб қилиш, олиб қўйиш ва йўқ қилиш;
- бозордан чиқиш учун буйруқ;
- суд қарорининг эълон қилиниши;
- суд харажатларини қоплаш;
- якуний жиноий айбловлар.

Патентни бекор қилиш

Патентга эътиroz билдириш учун қўйидаги асосий асослар қўлланилади:

- янгиликнинг йўқлиги;
- ихтирочилик босқичининг етишмаслиги;
- саноатда қўлланилишнинг камлиги;
- қонунбузарлик;
- етарли тавсиф бермаслик;
- тақдим этилган аризанинг мазмунидан ташқарига чиқадиган мавзу;
- ғараз ниятли мурожаат.

ФОЙДАЛИ МОДЕЛЛАР

Фойдали моделни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий шартлари

Фойдали моделларга патентлар Саноат мулки кодексининг 82-модда-сига мувофиқ қўйидаги хусусиятларга жавоб беганда берилиши мумкин:

- янги;
- маҳсус самарадорлик ёки қўллаш ёхуд фойдаланиш қулайлигига эга.

Саноат жараёнлари, шунингдек, барча кимёвий, биотехнологик ва электрон ихтиrolар фойдали модель сифатида патентлашдан чиқариб ташланади.

Рўйхатга олиш органи

Италия Патент ва товар белгилари идораси фойдали моделларни рўйхатга олади. Идоранинг веб-сайти ариза бериш бўйича ва фойдали моделни рўйхатдан ўтказиш бўйича батафсил кўрсатмаларни тақдим этади.

Патент олиш учун ариза бериш қоидалари фойдали моделларга ҳам тегишли. Ушбу аризаларни ваколатли патент ҳукуқшунос ёрдамида топшириш тавсия этилади.

Жараён ва муддат

Дастлабки маҳорат синови талаб этилмайди ва аризани кўриб чиқиши ариза берувчи томонидан тақдим этилган аризага илова қилинган ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Фойдали модель ариза омма учун очик бўлган кундан бошлаб 180 кун ичida берилади.

Саноат мулки кодекси фойдали моделларни бериш тартибида учинчи шахслар томонидан кузатувлар ёки эътиrozлар беришни назарда тутмайди.

Фойдали моделларни қидириш ва ахборот воситалари

Фойдали модель патентларини қидириш Италия Патент ва товар белгилари идораси расмий веб-сайтлари маълумотлар базаларидан фойдаланган ҳолда онлайн тарзда амалга оширилиши мумкин. Патент агентига итальян маълумотлар базасида ёки Италия Патент ва товар белгилари идораси архивларида қидирувни амалга оширишга рухsat бериш тўғри ҳисобланади, чунки барча маълумотлар омма учун очик эмас.

Фойдали моделни муҳофаза қилиш муддати

Фойдали моделга патентнинг амал қилиш муддати ариза берилган кундан бошлаб ўн йилни ташкил этади.

Фойдали моделларни сақлаш

Фойдали моделни рўйхатга олишни (ва муҳофаза қилинишини) сақлаб қолиш учун эгаси биринчи беш йиллик давр охирида Италия Патент ва товар белгилари идорасига янгилangan тўловларини тўлаши керак. Тўловни тўламаган тақдирда, белгилangan сўнгти муддатдан бошлаб олти ойлик қўшимча муддат берилади ва 100 евро миқдорида қўшимча йиғим тўланади ёки патент ўз кучини йўқотади.

Фойдали моделнинг бузилиши

Патентланган ихтиrolарга тегишли қоидалар, агар улар бошқача тартибга солинмаса, фойдали моделларга ҳам тааллуклиdir (Саноат мулки кодекси 87-моддаси). Кодексда берилган ҳукуқлар ва фойдали моделларнинг бузилиши бўйича аниқ қоидалар мавжуд эмаслиги сабабли, патентнинг бузилишига нисбатан қўлланиладиган қоидалар фойдали моделга нисбатан ҳам қўлланилади.

Фойдали моделни бузганлик учун жавобгарлик чоралари куйидагилардан иборат:

- дастлабки огоҳлантириш (бузганлик учун жазо билан);
- зарар, компенсация ва/ёки фойдани ҳисобга олиш;
- товарларни тинтуб қилиш, олиб қўйиш ва йўқ қилиш;
- бозордан чиқиш учун буйруқ;
- суд қарорининг эълон қилиниши;
- суд харажатларини қоплаш;
- якуний жиноий айловлар.

ТОВАР БЕЛГИЛАРИ

Товар белгисини олиш учун хуқуқий талаблар

Товар белгиси компаниянинг маҳсулот ёки хизматларини ракобатчиларнидан ажратиб турадиган ҳар қандай белгидан иборат.

Товар белгилари агар улар реестрда ваколатли органлар ва жамоатчиликка эгасига берилган ҳимоя предметини аниқ ва тўғри аниқлаш имконини берадиган тарзда тақдим этиш учун мос бўлса, сўзларни, шу жумладан одамларнинг исмларини, чизмаларни, ҳарфларни, рақамларни, товушларни, маҳсулот ёки унинг қадоқлаш шаклини, рангларнинг комбинациясини ёки сояларини ўз ичига олиши мумкин (Саноат мулки кодекси 7-моддаси).

Рўйхатдан ўтмаган товар белгилари

Чекланган муҳофаза рўйхатдан ўтмаган товар белгисига берилади, агар унинг эгаси Италия худудида ундан етарли даражада фойдаланилишини исботлай олса (2571-модда, Фуқаролик кодекси ва Саноат мулки кодексининг 12-моддаси).

Рўйхатдан ўтмаган товар белгиси фақат ундан фойдаланиш натижасида малакали обрўга эга бўлган ёки маҳаллий даражада фойдаланилган тақдирдагина ҳимояланади. Шу сабабли, рўйхатдан ўтган белгини ҳақиқий фойдаланишдан олдин ҳам ҳимоя қилиш мумкин бўлса-да, рўйхатдан ўтмаган белги бундай ҳимоядан фойдаланмайди.

Товар белгиларини рўйхатга олиш органи

Италия Патент ва товар белгилари идораси товар белгиларини рўйхатдан ўтказади. Унинг веб-сайти ариза бериш бўйича кўрсатмалар ва товар белгисини рўйхатдан ўтказиш бўйича батафсил маълумот тақдим этади. Товар белгисига аризалар товар белгиси бўйича ваколатли адвокатлар ёрдамида топширилиши тавсия этилади.

Жараён ва муддат

Ариза топшириш жараёни бир неча босқичларга бўлинади:

Аризанинг қабул қилинишини текшириш. Ариза асосий элементлар билан тўлдирилганлигини ва тўловлар тўланганлигини текшириш;

Фаолиятни текшириш. Савдо белгисининг қонуний талабларга жавоб беришни ва ҳимоя сўралган маҳсулот ва хизматларнинг тўғри кўрсатилганини ва сўралган синфга тегишли эканлигини текшириш. Товар белгисининг янгилигини аниқлаш учун ҳеч қандай қидирув ўтказилмаган. Муаммолар мавжуд бўлса, Италия Патент ва товар белгилари идораси жавоб бериш учун вақт ажратиб, аризада кўрсатилган яшаш жойига расмий хабарларни юборади.

Рўйхатга олинадиган аризалар Италияning савдо белгиси бўллетенида эълон қилинади ва улар эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ичида рўйхатдан ўтишни рад қилишлари мумкин.

Савдо белгиларини қидириш ва маълумот олиши воситалари

Савдо белгиларини қидириш Италия Патент ва товар белгилари идораси веб-сайтида маҳсус қидирув воситасидан фойдаланган ҳолда онлайн тарзда амалга оширилиши мумкин.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асослар

Товар белгиси қуидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

- умумий атамалар;
- таърифловчи атамалар;
- чалғитувчи белги.

(Саноат мулки кодексининг 13 ва 14-моддалари).

Худди шу қоида агар белги қонунга, ахлоққа ёки жамоат тартибига зид бўлса ва товар белгисидан фойдаланиш учинчи шахсларнинг муаллифлик ҳуқуқи, саноат мулки ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқларнинг бузилиши бўлса ҳам кўлланилади.

Рўйхатдан ўтишдан олдин товар белгиси аризасига эътиroz билдириш учун учинчи томон асослари

Олдиндан рўйхатдан ўтган (ёки рўйхатдан ўтказилмаган) товар белгисининг эгаси ариза эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ичида эътиroz билдириши мумкин.

Худди шу ёки ўхшаш маҳсулот ёки хизматлар учун бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш товар белгисини рўйхатдан ўтказишга эътиroz билдирилиши мумкин.

Қаршилик, ҳатто ўхшаш бўлмаган маҳсулот ёки хизматлар учун ҳам таникли товар белгиси асосида берилиши мумкин.

Турли синflарга мансуб маҳсулотлар ёки хизматлар одатда ўхшаш эмас деб ҳисобланади. Бироқ, маҳсулот ёки хизматлар ўртасидаги ўхшашлик ёки ўхшашликни таққослаш ҳар бир алоҳида ҳолатда амалга оширилиши керак, чунки маълум шароитларда турли синflарга тегишли маҳсулот ёки хизматлар

ўхшаш деб ҳисобланиши мумкин. Шу сабабли, қарши эътиroz тавсия этиладими ёки йўқлигини ҳал қилиш учун стандарт мезон йўқ.

Миллий суд амалиётига кўра, маҳсулот ёки хизматларнинг ўхшашлигини баҳолашда уларнинг табиати, мақсади, ишлатилиши ва ўзаро рақобатбардошлиги ёки бир-бирини тўлдириши ҳисобга олиниши керак. Ушбу элементлар, шунингдек, якуний фойдаланувчилар, бизнес тури, тарқатиш каналлари ва савдо нуқталарини ўз ичига олиши мумкин.

Товар белгисини муҳофаза қилиниш муддати

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тегишли ариза берилган кундан бошлаб ўн йил давом этади. Бир вақтнинг ўзида ўн йил муддатга чексиз муддатга янгиланиши мумкин. Эксклюзив ҳуқуқлар рўйхатдан ўтиш орқали берилади.

Савдо белгиларини сақлаш

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш (ва муҳофаза қилиш) учун эгаси:

- Ўн йиллик давр охирида тўланиши керак бўлган йиллик янгиланган тўловларини Италия Патент ва товар белгилари идорасига тўлайди. Тўловни тўламаган тақдирда, белгиланган сўнгги муддатдан бошлаб олти ойлик кўшимча муддат ва 34 евро миқдорида қўшимча тўлов мавжуд.

- Товар белгисидан рўйхатга олинган кундан бошлаб беш йил ичида ҳақиқий фойдаланиш ёки ҳар қандай ҳолатда, бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси берилган санадан олдин фойдаланишини бошлаш ёки давом эттириш мумкин, акс ҳолда товар белгиси бекор қилиниши мумкин (Саноат мулки кодексининг 24-моддаси).

- Савдо белгиси маҳсулот ёки хизмат тури учун умумий номга айланишидан сақланиш лозим (Саноат мулки кодексининг 26-моддаси).

- Бир хил маҳсулот ва/ёки хизматлар учун кетма-кет беш йил давомида бир хил ёки шунга ўхшаш кейинчалик рўйхатдан ўтган товар белгисидан била туриб фойдаланмаслик лозим, акс ҳолда кейинги товар белгисининг ҳақиқий эмаслиги ва аввалгисининг бузилиши ҳақида даъво қилиш мумкин бўлмайди (Саноат мулки кодексининг 28-моддаси).

Савдо белгиси томонидан берилган ҳуқуқлар

Рўйхатга олинган товар белгилари ўз эгаларига белгидан мутлақ фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Савдо белгисини бузилиши

Савдо белгисини бузиш бўйича даъволарнинг асослари ва элементлари

Бир хил ёки ўхшаш маҳсулот ёки хизматлар учун олдинги рўйхатга олинган товар белгисига ўхшаш ёки ўхшаш товар белгисидан фойдаланилганда ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги даъво қўлланилиши мумкин.

Агар рўйхатга олинган товар белгиси нуфузли товар белгиси мақомини олган бўлса, ундан ҳатто ўхшаш бўлмаган маҳсулот ёки хизматлар учун ҳам фойдаланишнинг олдини олиш мумкин (Саноат мулки кодекси 20-модда).

Савдо белгиси бўйича даъволарга қарши ҳимоя

Фойдаланилмаётганлиги сабабли бекор қилиш тўғрисидаги даъво учун энг яхши мудофаа ҳақиқий фойдаланишни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишдир.

Трибуналлар ва апелляция судларида бизнес масалалари (жумладан, интеллектуал мулк масалалари) бўйича ихтисослашган бўлимлар мавжуд, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам хорижий компаниялар иштирокидаги суд ишларини юритиш учун тўғри форум эмас.

Савдо белгисини бузилиши ҳаракатлари учун тезкор ёки кичик даъволарнинг умумий тартиби мавжуд эмас, лекин ихтисослашган суд бўлинмалари одатда оддийларга қараганде тезроқ иш юритади. Бироқ, Италия Патент ва товар белгилари идораси қошида яроқсизлик ва бекор қилиш учун тезкор процедура ўрнатилган (лекин ҳали кучга кирмаган).

Савдо белгисини бузилиши юзасидан **ҳимоя воситалари қўйидагилардан** иборат:

- дастлабки огоҳлантирув (бузганлик учун жазо билан);
- зарар, компенсация ва/ёки фойда ҳисоби;
- тинтув, олиб қўйиш ёки йўқ қилиш;
- бозордан чиқиш учун буйруқ;
- суд қарорининг эълон қилиниши;
- суд харажатларини қоплаш;
- якуний жиноий айбловлар.

Рўйхатдан ўтгандан кейин товар белгисига эътиroz билдириш

Рўйхатдан ўтгандан сўнг, товар белгисини ҳақиқий эмас деб топиш ва бекор қилиш юзасидан эътиroz билдирилиши мумкин. Даъвогар товар белгисини ҳақиқий эмас деб даъво қилиши мумкин, агар:

- яроқлилик талабларидан бири йўқ бўлса;
- Саноат мулки кодекси қоидаларидан бирини бузса;
- гаразли ният билан судланган бўлса.

Даъвогар қўйидаги ҳолларда бекор қилишни талаб қилиши мумкин:

- савдо белгиси ишлатилмаган бўлса;
- савдо белгиси умумий белгига айланган бўлса;
- бу жамоатчиликни чалғитиши ёки қонунни бузиши мумкин бўлса.

Савдо белгиларининг бузилиши мониторинги

Тегишли бозор ва рақобатчиларнинг фаолиятини назорат қилиш ҳам жуда муҳим, чунки товар белгилари доимий равишда фойдаланилган бўлса ҳам, рўйхатдан ўтмаган бўлса ҳам, Италияда ҳимояланиши мумкин.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

Муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси остида бўлган обьектлар тоифалари

Адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат, архитектура, театр ва кинематография соҳаларига тегишли интеллектуал асарлар, компьютер дастурлари, маълумотлар базалари (уларнинг материалларини танлаш ва жойлаштириш интеллектуал ижодни ташкил қиласа) ҳимоя қилинади.

Ушбу рўйхат (Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонуннинг (633/1941-сон) 1 ва 2-моддаларида мавжуд) тўлиқ эмас, шунинг учун кейинги интеллектуал ижодлар муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш талабларига жавоб берса, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясини олиш учун ҳуқуқий талаблар

Қонуний талабларга қуйидагилар киради:

- янгилик;
- ижодий хусусият.

Муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси асар яратилиши билан автоматик равишда юзага келади ва ҳеч қандай расмиятчилик талаб этилмайди.

Муаллифлик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш

Нашр қилинмаган асарни Италия муаллифлар ва ноширлар жамияти (SIAE)га асарнинг мавжуд бўлиш санаси (фойдаланиш санаси) ни белгилаш мақсадида топшириш мумкин. Ариза топшириш мажбурий эмас, чунки Италия қонунчилиги ҳар қандай расмиятчиликдан қатъи назар ижодга оид интеллектуал ишларни ҳимоя қиласи. Рўйхатдан ўтиш – яратилиш санасининг кўпроқ кафолати (ва шунинг учун ишнинг янгилигини текширишни осонлаштиради). Бироқ, энди рўйхатдан ўтмасдан, маълум бир санани асарга боғлашнинг бир неча йўли мавжуд. Муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган ишлар одатда рўйхатга олинмайди.

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш муддати

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш қачон бошланади ва у қанча давом этади?

Иқтисодий ҳуқуқлар муаллифнинг бутун умри ва вафотидан кейин 70 йил давом этади. Муаллифнинг маънавий ҳуқуқларига чеклаш муддати белгиланмайди.

Муаллифлик ҳуқуқини сақлаш

Агар фильм продюсери уни адабий ёки мусиқий қисмлари топширилган кундан бошлаб уч йил ичида тугатмаса ёки у тугаганидан кейин уч йил ичида намойиш этмаса, ушбу қисмлар муаллифлари фильмдан эркин фойдаланишлари мумкин.

Мусиқа асарининг адабий қисмининг муаллифи, бастакор уни опера асарлари учун топширилган кундан бошлаб беш йил ичида мусиқага киритмаса ёки бирлаштираса, ундан фойдаланиши мумкин.

Иш Италия муаллифлар ва ноширлар жамиятига топширилгандан сўнг, янгилаш учун тўлов олинмайди.

Муаллифлик хуқуқини қидириш ва ахборот воситалари

Муаллифлик хуқуқи билан ҳимояланган асарларни Италия муаллифлар ва ноширлар жамияти расмий веб-сайтида қидириш мумкин. Архив иш турлари (мусиқий, театр, радио ва телевидение, лирик ва хореографик, кинематография ва аудиовизуал, адабий ва тасвирий санъат) бўйича тузилган.

Муаллифлик хуқуқининг бузилиши мониторинги

Муаллифлик хуқуқи билан ҳимояланган асарлар одатда рўйхатдан ўтмаганлиги сабабли, тадқиқот/қидирувларни амалга ошириш ва тегишли бозор ва рақобатчилар фаолиятини назорат қилиш учун маҳсус интеллектуал мулк бўйича маслаҳатчи ёки юридик фирмани ёллаш мумкин.

Муаллифлик хуқуқининг бузилиши

Муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилиш муаллифлик хуқуқи эгасига қўйидаги мутлақ хуқуқларни беради:

- асарни нашр қилиш;
- асарни қайта ишлаш;
- асарни мослаштириш;
- асарни омма олдида ижро этиш ёки намойиш этиш;
- асарни визуал ёки аудио воситалар орқали оммага етказиш;
- асарни тақсимлаш;
- асарни таржима қилиш;
- асарни ижарага бериш;
- муаллифлик хуқуқи билан ҳимояланган ишни очик кўрсатиш.

(Муаллифлик хуқуқи тўғрисидаги қонуннинг 12-моддаси).

Муаллифлик хуқуқи, шунингдек, маънавий хуқуқларни ҳам беради (Муаллифлик хуқуқи тўғрисидаги қонуннинг 20-моддаси).

Муаллифлик хуқуқини бузилиши юзасидан даъво асослари ва элементлари

Қўйидагилар хуқуқбузарлик учун асослардир:

- муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарлардан ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз фойдаланиш (жумладан, қайта ишлаб чиқариш, тарқатиш, намойиш қилиш ёки ижро этиш);
- муаллиф асарини тил, фикр, ғоя ёки ифодалар орқали ўзлаштириш (плагиат).

Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши бўйича даъвони ҳимоя қилиш

Ҳимоя чораларига қўйидагилар киради:

- дастлабки огоҳлантирув (уни бузган тақдирда жарима);
- зарар, компенсация ва/ёки фойда ҳисоби;
- қидирув, олиб қўйиш ёки йўқ қилиш учун буйрук;
- бозордан чиқиш учун буйрук;
- бузилган ишни йўқ қилиш;
- суд қарорининг эълон қилиниши;
- суд харажатларини қоплаш;
- якуний жиноий айбловлар.

Маънавий ҳуқуқлар

Маънавий ҳуқуқлар ҳимоя қилинади (Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонуннинг 20-моддаси). Ижодий хусусиятдаги ва муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарнинг муаллифи (муаллифлик ҳуқуқи эгаси) ва асарнинг муаллифлик ҳуқуқи эгасининг шаъни ва/ёки обрўсига путур етказувчи ҳар қандай деформация, бузилиш ёки ўзгартиришга эътиroz билдириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ушбу ҳуқуқлар ҳеч қандай шароитда бошқа шахсга берилиши, лицензияланиши ёки улардан воз кечилиши мумкин эмас ва муаллифлик ҳуқуқи эгаси вафот этганидан кейин ҳам муддат чекланмаган ҳолда давом этади. Муаллифлик ҳуқуқи эгаси вафот этган тақдирда, маънавий ҳуқуқни уларнинг оила аъзолари талаб қилиши мумкин.

РЎЙХАТДАН ЎТГАН ДИЗАЙН ҲУҚУҚЛАРИ

Рўйхатга олинган дизайнни ҳимоя қилиш асослари

Дизайн ҳуқуқини ҳимоя қилиш рўйхатдан ўтиш орқали вужудга келади.

Бунда қўйидаги шартлар бажарилиши керак:

- янгилик;
 - индивидуал хусусият;
 - қонунийлик;
 - маҳсулотнинг кўринадиган хусусиятлари фақат унинг техник функцияси билан белгиланмаслиги керак.
- (Саноат мулки кодексининг 32-моддаси).

Дизайн ёки моделларни рўйхатдан ўтказиш мумкин эмас, агар:

- улар амал қилиш талабларига жавоб бермаса;
- улар фақат маҳсулотнинг техник функцияларига мос келади деб ҳисобланса;
- улар давлат байроғи каби ҳимояланган расмий белгилар ёки тимсолларни ўз ичига олса;
- улар жамоат тартибига ёки ахлоққа зид деб ҳисобланса.

Дизайнни рўйхатга олиш органи

Италия Патент ва товар белгилари идораси дизайнларни рўйхатдан ўтказади. Унинг веб-сайти ариза бериш тартиби ва дизайнларни рўйхатдан ўтказиш бўйича батафсил маълумотни кўрсатади. Хукуқий ҳимоядан фойдаланиш учун дизайнни рўйхатдан ўтказиш керак, чунки рўйхатдан ўтмаган дизайнлар ҳақида қоидалар Саноат мулки кодексида мавжуд эмас.

Жараён ва муддат

Жараён бир неча босқичларга бўлинади:

Аризанинг мақбуллигини текшириш. Бу ариза асосий элементлари тўлдирилганлигини ва тўловлар тўланганлигини аниқлаш учун амалга оширилади.

Моҳияти бўйича имтиҳон. Бу рад этиш учун мутлақ асосларнинг бор-йўқлигини текшириш учун ўтказилади. Италия Патент ва товар белгилари идораси дизайн ёки моделнинг янгилигини аниқлаш учун дастлабки техникавий текширувларни амалга оширмайди.

Агар бирон бир муҳим муаммолар мавжуд бўлса, Италия Патент ва товар белгилари идораси аризада кўрсатилган танланган яшаш жойига расмий хабарларни юборади ва жавоб бериш учун вақт ажратади.

Рўйхатдан ўтган дизайн аризасига қарши чиқиш мумкин эмас.

Италия Саноат намуналарини халқаро рўйхатга олиш бўйича Гаага тизимининг шартнома тарафидир.

Қидирув ва ахборот воситалари

Дизайн қидирувлари Италия Патент ва товар белгилари идораси веб-сайтида ва Европа Иттифоқи интеллектуал мулк идорасида (EUIPO) ўзларининг маҳсус тадқиқот воситалари орқали онлайн тарзда амалга оширилиши мумкин, аммо қидирувларни амалга ошириш учун вакилни жалб қилиш тавсия этилади.

Рўйхатдан ўтган дизайн хукуқини ҳимоя қилиш муддати

Рўйхатдан ўтиш ариза топширилган кундан бошлаб беш йил давом этади. Узайтиришлар беш йиллик муддатларда максимал 25 йилга олиниши мумкин. Рўйхатдан ўтган дизайнлар учун муддат узайтирилиши мумкин эмас.

Дизайн ҳуқуқларини сақлаш

Дизайнни рўйхатдан ўтказиш (ва ҳимоя қилиш) учун эгаси тегишли беш йиллик давр охирида Италия Патент ва товар белгилари идорасига янгиланган тўловларни тўлаши керак. Дизайн ҳуқуқи максимал 25 йилга узайтирилиши мумкин. Тўловни тўламаган тақдирда, белгиланган сўнгги муддатдан бошлаб олти ойлик қўшимча муддат мавжуд ва 100 евро миқдорида қўшимча тўлов тўланиши керак.

Рўйхатга олинган дизайн ҳуқуқининг бузилиши

Рўйхатдан ўтган дизайн ҳуқуқлари билан берилган ҳуқуқлар

Дизайнни рўйхатдан ўтказиш эгасига ундан фойдаланишнинг мутлақ ҳуқуқини беради ва учинчи шахсларнинг розилигисиз ундан фойдаланишни тақиқлайди. Фойдаланиш дизайнни киритилган маҳсулотни ишлаб чиқариш, таклиф қилиш, сотиш, импорт қилиш, экспорт қилиш ёки ундан фойдаланишни ўз ичига олади.

Рўйхатга олинган дизайн ҳуқуқини бузиш учун асослар

Учинчи шахс томонидан дизайндан рухсатсиз фойдаланганлик учун ҳуқуқбузарлик даъвоси қўзғатилиши мумкин (Саноат мулки кодекси 41-моддаси).

Рўйхатдан ўтган дизайн ҳуқуқини бузиш бўйича даъвони ҳимоя қилиш

Асосий ҳимоя чоралари – ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик ва ҳимоя талабларининг йўқлиги (янгилик, индивидуал хусусият ёки қонунийлик).

Қўйидаги ҳимоя чоралари мавжуд:

- зарар, компенсация ва/ёки фойда ҳисоби;
- қидиув, олиб қўйиш ёки йўқ қилиш учун буйруқ;
- бозордан чиқиш учун буйруқ;
- суд қарорининг эълон қилиниши;
- суд харажатларини қоплаш;
- якуний жиноий айловлар.

Дизайн ҳуқуқбузарлиги мониторинги

Ҳимоя учун асос

Италия қонунчилиги рўйхатдан ўтмаган дизайнлар учун маҳсус ҳимояни таъминламайди. Муайян шароитларда, индивидуал хусусиятга эга бўлган ва ишлаб чиқарувчини аниқлайдиган маҳсулот шаклини нусхалаш адолатсиз рақобат учун даъво қилиниши мумкин.

Бироқ, рўйхатдан ўтмаган дизайнлар Италияда Европа Иттифоқи ҳамжамиятининг дизайн тўғрисидаги низоми (Regulation (EC) 6/2002) остида ҳимояланган.

Рўйхатга олинмаган дизайн ҳуқуқларининг ҳуқуқий шартлари

Жамият дизайнлари тўғрисидаги низомга мувофиқ, рўйхатдан ўтмаган дизайнлар учун ҳимоя талаблари рўйхатдан ўтган дизайнлар билан бир хил: янгилик ва индивидуал хусусият. Конституциявий расмийлаштиришлар (рўйхатга олиш ва нашр этиш) талаб қилинмайди. Ҳуқуқ тўғридан-тўғри ва автоматик равишда дизайннинг биринчи намойиши билан пайдо бўлади.

Рўйхатдан ўтмаган дизайнни ҳимоя қилиш муддати

Ҳамжамият дизайнлари регламентига кўра, рўйхатдан ўтмаган дизайн Евropa Иттифоқида биринчи марта оммавий фойдаланишдан бошлаб уч йил давомида ҳимояланган.

Рўйхатдан ўтмаган дизайн бузилиши

Рўйхатдан ўтган дизайн эгаси ҳар қандай тақлид қилишнинг олдини олиш учун мутлақ ҳуқуқка эга. Рўйхатдан ўтмаган дизайн эгаси фақат қасдан, онгли равишда ва ёмон ниятда нусха кўчиришнинг олдини олиш учун мутлақ ҳуқуқка эга.

Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги даъво Жамият дизайнлари тўғрисидаги низомнинг 19-моддасига мувофиқ кўзғатилиши керак.

Ҳимоя усуллари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- зарар, компенсация ва/ёки фойда ҳисоби;
- қидиув, олиб қўйиш ёки йўқ қилиш учун буйруқ;
- бозордан чиқиш учун буйруқ;
- суд қарорининг эълон қилиниши;
- суд харажатларини қоплаш;
- якуний жиноий айбловлар.

Жамоат судлари (аъзо давлатлар томонидан тайинланган) рўйхатдан ўтмаган дизайн ҳуқуқини бузиш ҳаракатлари устидан юрисдикцияга эга.

ТИЖОРАТ СИРЛАРИ ВА МАҲФИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Тижорат сирлари Саноат мулки кодексининг 98 ва 99-моддаларига мувофиқ ҳимоя қилинади, унга Евropa Иттифоқининг савдо сирлари бўйича директивасини (2016/943) татбиқ этган 63/2018-сонли Қонунчилик қарори билан ўзgartиришлар киритилган. Низом бизнес маълумотлари ва техник-саноат экспертизасини, шу жумладан тижорат экспертизасини назарда тутади. Тижорат сири бўйича ҳуқуқлар қўйидаги ҳолларда юзага келади:

- маҳфийлиги;
- сир сифатида иқтисодий аҳамиятга эгалиги;
- уни сир сақлаш бўйича тегишли чоралар кўрилганлиги.

Италияда тижорат сири бўйича ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тизими мавжуд эмас (чунки тижорат сирининг асоси унинг нашр этилмаганлигидан иборат).

Тижорат сирлари ва маълумотларни сақлаш

Тижорат сирлари рўйхатдан ўтган ҳуқуқлар эмаслиги сабабли, уларни сақлашнинг ягона йўли тегишли чораларни кўрган ҳолда уларни сир ва маълумотларни сақлашдир (масалан, мураккаб хавфсизлик тизимлари ва етказиб берувчилар, бизнес шериклар, ходимлар ва ҳатто мижозлар билан имзоланган шартномалар).

Тижорат сирлари ва маълумотларниң бузилишини мониторинг қилиш

Бизнес тегишли бозор ва рақобатчиларнинг фаолиятини, шунингдек ўз ходимлари ёки бизнес шериклари ёки мижозларининг ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларини қузатиши ва назорат қилиши керак.

Берилган ҳуқуқлар

Тижорат сири эгаси, агар учинчи шахс томонидан мустақил равишда қўлга киритилмаган бўлса, учинчи шахсларга унинг розилигисиз сирни олиш, ошкор қилиш ёки суиистеъмоллик билан фойдаланиши тақиқлашга ҳақли.

Рухсатсиз фойдаланиш учун асослар

Даъво қўйидаги асослар бўйича қўлланилиши мумкин:

- рухсатсиз ўзлаштириш;
- рухсатсиз фойдаланиш;
- учинчи шахсларга ошкор қилиш.

(Саноат мулки кодексининг 99-моддаси).

Агар дастлабки чора кўрилган бўлса, лекин кейин бекор бўлса ёки бекор қилинса, даъвогар дастлабки чора билан боғлиқ ҳолда судланувчига етказилган заарни тўлаши мумкин.

Ҳимоя воситалари

Мавжуд ҳимоя воситаларига қўйидагилар киради:

- зарар, компенсация ва/ёки фойда хисоби;
- қидирув, олиб қўйиш ёки йўқ қилиш учун буйруқ;
- бозордан чиқиш учун буйруқ;
- суд қарорининг эълон қилиниши;
- суд харажатларини қоплаш;
- якуний жиноий айловлар.

ДОМЕН НОМЛАРИ

Италия учун домен кенгайтмаси “it” ва интернет домен номларининг реестри <https://www.registro.it> веб-сайтида юритилади.

Registro.it веб сайти Реестринг қоидалари ва техник процедуралари бўйича комиссия томонидан тайёрланган домен номларини белгилаш ва

бошқариш қоидаларини амалга оширади. Шунинг учун рўйхатдан ўтиш мажбурийдир.

Рўйхатдан ўтиш домен номини рўйхатга олувчи орқали, рўйхатга олиш китобида танланган домен бошқа бировга тегишли эмаслигини текширгандан сўнг якунланиши керак.

Домен номининг амал қилиш муддати чексиз, йиллик янгиланишини талаб қиласди (ёки танланган обуна турига қараб).

МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ ҲУҚУҚЛАРИ

Маълумотлар базалари – бу тизимли ёки услубий жиҳатдан тартибга солинган ва электрон ёки бошқа воситалар билан алоҳида кириш мумкин бўлган ишлар, маълумотлар ёки бошқа мустақил элементлар тўплами. Маълумотлар базалари Италияда Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳимояланган ва шунинг учун рўйхатдан ўтиш шарт эмас.

Муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси маълумотлар базаси материални танлаш ёки тартибга солиш орқали интеллектуал ижодни ташкил қилганда юзага келади.

Маълумотлар базасини яратувчиси унинг тўлиқ ёки муҳим қисмини ажратиб олишни ва қайта фойдаланишини тақиқлаш ҳуқуқига эга. Экстракция маълумотлар базаси таркибининг барча ёки муҳим қисмини доимий ёки вақтинча ўтказишни англатади. Қайта фойдаланиш деганда маълумотлар базаси таркибининг барчасини ёки муҳим қисмини оммага очик қилишнинг ҳар қандай шакли тушунилади.

Ушбу ҳуқуклар маълумотлар базаси тўлдирилганидан кейин юзага келади ва тўлдирилган кундан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб 15 йил ўтгач тугайди. Маълумотлар базасига ўзгартириш киритилгандан кейин оммага эълон қилинган пайтдан бошлаб худди шу муддат яна қўлланилади.

Юқоридаги ҳуқуқ қонун томонидан рухсат этилган барча усуллар ва шаклларда олиниши ёки берилиши мумкин.

ХАЛҚАРО ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ШАРТНОМАЛАРИ

Италия қуйидаги асосий халқаро интеллектуал мулк шартномаларида иштирок этади, шу жумладан:

Патент кооперацияси шартномаси 1970 (PCT);

Европа патент ташкилоти (EPO);

Белгиларни халқаро рўйхатга олиши тўғрисидаги Мадрид келишуви 1891 йил;

Саноат мулкини ҳимоя қилиши бўйича Париж конвенцияси 1883 йил;

Адабий ва бадиий асарларни ҳимоя қилиши бўйича Берн конвенцияси;

Саноат намуналарини халқаро рўйхатга олиши тўғрисидаги Гаага битими 1925 йил.

2019 йил 20 февралдаги 15-сонли Қонунчилик қарори билан Европа Иттифоқининг янги товар белгилари бўйича директиваси (2015/2436) амалга оширилди. Бу товар белгиси эгаларига фуқаролик судига иш қўзғатишга муқобил равишда маъмурий иш юритиш орқали Италия Патент ва товар белгилари идорасига товар белгисининг ҳақиқий эмаслиги ёки бекор қилинишини даъво қилиш имконини беради. Процессуал кўрсатмалар чиқарилгунга қадар Италия Патент ва товар белгилари идораси олдидаги иш юритишни бошлиш мумкин эмас. Ушбу процессуал кўрсатмалар ҳали ҳам ишлаб чиқиш жараёнида.

2019 йил 28 июндаги 58-сонли Қонун билан Миллий манфаатдорлик тарихий товар белгилари реестри ташкил этилди. Бу Италиянинг тарихий корхоналарини ёпилишдан ва/ёки чет элга кўчиришдан ҳимоя қилишга қаратилган. Иқтисодий ривожланиш вазирлиги 2020 йил бошида уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Тарихий товар белгилари қўйидагилар:

- Италияда камидаги 50 йил олдин рўйхатдан ўтган;
- рўйхатдан ўтмаган (de-facto) ва Италиядаги камидаги 50 йил давомида товарлар ёки хизматлар учун фойдаланилган.

Тарихий товар белгилари реестрида рўйхатдан ўтказиш белгининг тарихий хусусиятини расмий тан олиш ҳисобланади.

3.4-§. Интеллектуал мулк обьектларига бўлган хуқуқлар бузилиши билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш бўйича Англия судлари тажрибаси

Англиядаги интеллектуал мулк обьектларини хуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларни судларда кўриш жараёнлари бошка ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг мавжуд амалиётдан фарқ қиласиди.

Англиядаги патентлар ва патент даъволари билан боғлиқ хуқуқ тизими қўйидагиларга асосланади:

- а) интеллектуал фаолият натижаларини патентлаш – 1977 йилда қабул қилинган “Патент тўғрисида”ти Қонун⁵⁵ (The Patents Act 1977);
- б) интеллектуал фаолият натижаларининг патентга лаёқатлилик шартлари – Европа патент конвенцияси⁵⁶ (European Patent Convention 1973);

⁵⁵ <https://assets.publishing.service.gov.uk/media/5ff6c264d3bf7f65d42209f9/consolidated-patents-act-1977.pdf>

⁵⁶ https://link.epo.org/web/EPC_17th_edition_2020_en.pdf

в) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни бузиш – Ҳамжамият патент шартномаси⁵⁷ (Agreement relating to Community patents 1989);

г) патентлаш, патентга лаёқатлик шартларини белгилаш ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи халқаро шартномалар:

Саноат мулки муҳофазаси бўйича Париж конвенцияси⁵⁸ (Paris Convention for the Protection of Industrial Property 1883);

Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдога оид аспектлари бўйича битим⁵⁹ (Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights, 1994) ва бошқа ҳужжатлар.

“Патент тўғрисида”ги Қонун” (The Patents Act 1977) барча турдаги патентланадиган интеллектуал мулк объектларига, шу жумладан биотехнологик ихтиrolарга ҳам татбиқ этилади. Умуман олганда Буюк Британия қонунчилигида халқаро шартномалар устун туриши белгиланган, шунинг учун миллий қонунчилик халқаро шартнома ва конвенциялар талаблари билан бирхиллаштирилган қоидалар билан акс эттирилган.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, Буюк Британия Европа иттифоқидан чиққунига қадар унинг ҳудуди Европа иттифоқи қонунлари миллий қонунлардан кўра устун мавқега эга бўлган.

Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи асосий органлардан бири суд ҳисобланади. Англияда ҳам бутун дунёда бўлгани каби судлар интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишни ўзларининг асосий вазифаларидан бири сифатида билишади. Англия Буюк Британиянинг бир бўлғи бўлишига қарамасдан унинг алоҳида судлари мавжуд бўлиб, уларнинг юрисдикцияси ва қабул қилган қарорлари фақатгина Англия доирасида мажбурий ҳисобланади. Буюк Британия Олий суди томонидан қабул қилинган қарорлар эса бутун мамлакат, шу жумладан Англия учун ҳам мажбурий саналади.

Англияда интеллектуал мулкка оид ишлар биринчи босқичда патент суди (Patents Court) ёки интеллектуал мулк судлари (Intellectual Property Enterprise Court) томонидан кўриб чиқилади. Қайд этилишича, Англияда интеллектуал мулк соҳасида юзага келадиган низоларнинг асосий қисми ушбу икки суд томонидан кўриб чиқилади.

Интеллектуал мулк судлари (Intellectual Property Enterprise Court) патент низолари бўйича умумий юрисдикцияга эга бўлиб, у асосан мураккаб

⁵⁷ <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/HTML/?uri=CELEX%3A41989A0695%2801%29>

⁵⁸ <https://www.wipo.int/wipolex/ru/text/288514>

⁵⁹ https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/31bis_trips_01_e.htm

бўлмаган ва кам аҳамиятли ишларни кўриб чиқади. Интеллектуал мулк судлари (Intellectual Property Enterprise Court) томонидан қабул қилинган қарорлар устидан Патент судига (Patents Court) шикоят қилиниши мумкин.

Интеллектуал мулк судлари муқаддам округ патент судлари деб танилган. Унинг асосий мақсади – кичик ва ўрта корхоналар, жисмоний шахсларни ўзларининг интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларини ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилишга ундаш ҳисобланиб, унда суд ишлари Олий судга қараганда тезроқ, камроқ мураккаб ва арzonроқ бўлган платформа вазифасини бажаради.

Интеллектуал мулк судларидаги суд жараёни одатда икки кундан ортиқ давом этмайди ва катта микдордаги далилларни талаб қиладиган ишлар ёки кенг кўламли ҳуқуқий низолар каби мураккаброқ ҳолатларда суд жараёни тўққиз ойдан ўн икки ойгача кўриб чиқилиши керак⁶⁰.

Интеллектуал мулк судларида ҳар қандай турдаги интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларга доир низолар кўриб чиқилади. Кўпинча бундай даъволар сирасига патентлар, рўйхатдан ўтган саноат намуналари, рўйхатдан ўтмаган саноат намуналари, товар белгилари, муаллифлик ҳукуқи билан боғлиқ низолар киради.

Шу билан бирга, Интеллектуал мулк судлари томонидан айрим шартномавий муносабатларга доир низолар ҳам кўриб чиқилиши мумкин бўлиб, бунда шартнома талаблари интеллектуал мулк даъвоси билан боғлиқ бўлиши талаб этилади.

Даъвогар ўз ишининг барча тафсилотларини бошиданоқ айтиб беришга мажбурдир (бу Олий суддаги анъанавий даъво билан таққослаганда дастлабки харажатларнинг ошишига олиб келиши мумкин) ва ишларни кўриб чиқишининг суд жадвалига қатъий мувофиқ равишда, аниқ кўрсатмалар ва далиллар ҳамда чекловлар билан ахборотни ошкор қилиш амалга оширилади.

Интеллектуал мулк судларига даъво аризасини берининг икки муқобил йўллари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар: кўп босқичли; кам босқичли⁶¹.

Интеллектуал мулк билан боғлиқ ҳар қандай даъво кўп босқичли процедура йўли орқали кўриб чиқилиши мумкин. Бунда, қопланиши мумкин бўлган максимал зарар миқдори 500 000 фунт стерлингни ташкил қилиши ҳамда харажатлар миқдори (яъни, ютқазган томон голиб томонга тўлаши керак бўлган сумма) 50 000 фунт стерлингдан ошмаслиги лозим.

⁶⁰ 9-5.000 - kashfiyot, sud jarayonlari va boshqa protsesslar bilan bog‘liq masalalar: <https://www.justice.gov/jm/jm-9-5000-issues-related-trials-and-other-court-proceedings>

⁶¹ Intellectual Mulk Korxona sudidan (IPEC) kichik da'volar bo'limidan: <https://www.gov.uk/courts-tribunals/intellectual-property-enterprise-court>

Кам босқичли процедура йўли орқали муаллифлик ҳуқуқи, товар белгилари, ҳуқуқларни ўтказиш ва рўйхатдан ўтмаган саноат намуналари билан боғлиқ мураккаб бўлмаган низоларни кўриб чиқади, бунда даъвонинг умумий қиймати 10 000 фунт стерлингдан ошмаслиги лозим.

Яна шундай тартиб ҳам борки, унда даъволар Олий суднинг соддалаштирилган суд иш юритиш тартибида кўрилади.

Бундай даъволарга Интеллектуал мулк суди ваколатига тўғри келмайдиган, мисол учун заарнинг умумий миқдори 500 000 фунт стерлингдан ортиқ, бироқ Олий суд иш юритишида кўриладиган даражада мураккаб бўлмаган даъволар киради.

Ўз навбатида мураккаб бўлмаган ва кам аҳамиятли ишлар бўйича Интеллектуал мулк судлари томонидан, мураккаб ва ўта аҳамиятли ишлар бўйича Патент суди қарорлари устидан шикоят Апелляция судига берилади. Апелляция суди томонидан қабул қилинган қарор устидан берилган шикоят эса Олий суд томонидан кўрилади⁶².

Шу ўринда қайд этиш керакки, Олий суд интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилишига доир ишларни ҳам кўриб чиқиши мумкин. Бунда, тегишли низо бўйича даъво аризаси мураккаб, катта, фактлар ва далиларга тўла бўлиши лозим.

Шу билан бирга, Олий судга даъво аризаси беришнинг афзаллиги-жабрланган томон даъво қилиши мумкин бўлган зарар миқдори бўйича чекловларнинг йўқлигидир.

Олий судда мураккаб ишлар судда кўриб чиқиш учун тегишли вақт билан чегараланмаган ҳолда, бироқ оқилона муддатлар ичida кўриб чиқилади.

Англия судларида ишларни кўриб чиқиш бўйича харажатлар ишни ютқазган томонидан қопланади, бунда ютқазган томон ғолиб томон харажатларининг маълум бир қисмини ҳам тўлаши керак бўлади.

Суд харажатлари низо бўйича суд муҳокамаси тайинлангунга қадар даъвогар ва жавобгар томонидан ўзаро келишилган ҳолда тақдим этилади. Суд, агар жиддий сабаблар мавжудлигига ишонч ҳосил қилмаса, томонларнинг келишилган харажатлар бюджетидан четга чиқишига йўл қўймайди.

Харажатларни баҳолашда (процесснинг якунида) суд даъво қилинган харажатларнинг асослилиги ва мутаносиблигини баҳолашда бюджетни ҳисобга олади. Шундай килиб, ҳар бир томон процесснинг бошиданоқ ўз

⁶² <https://www.gov.uk/guidance/patent-disputes-resolution-hearings>

харажатлари қандай бўлишини ва бошқа томонга нисбатан қандай максимал харажатларни келтириб чиқариши мумкинлигини олдиндан билади.

Патент суди ва Интеллектуал мулк суди – ихтисослашган судлар бўлиб, улар интеллектуал мулк масалаларини, шу жумладан патент низоларини кўриб чиқадилар.

Ушбу судларда фаолият олиб борувчи судьяларнинг асосий қисми интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритувчи адвокат бўлган шахслар ташкил қиласди. Бир қатор судьялар Англияда илмий фаолият билан шуғулланувчи олим ва мутафаккирларга бериладиган илмий фанлар бўйича биринчи илмий даражага ҳам эга ҳисобланишади.

Патент судида ўтирган судьялар ҳам зарурият туғилганда Интеллектуал мулк судида ҳам фаолият олиб боришлари мумкин.

Патент суди ва Интеллектуал мулк судларида ишларни кўриб чиқиши инглиз тилида олиб борилади. Агар судда ишни кўриб чиқиши жараёнида инглиз тилини тушунмайдиган ёки лозим даражада тушунмайдиган бошқа тилда сўзлашувчи томонлар бўладиган бўлса, бу ишни кўриб чиқишига таржимон мажбурий жалб қилинади.

Патент суди ва Интеллектуал мулк судларида патентга доир низоларни кўриб чиқиши жараёнида тегишли ҳуқуқлардан қонунга хилоф равишида фойдаланилаётганлиги исботлаш мажбурияти бевосита судга даъво аризасини киритган даъвогарга юклатилади. Бунда даъвогар суд ишида қўйидагиларни исботлаши талаб этилади:

➤ патентга бўлган ҳуқуқни бузища гумон қилинаётган жавобгарнинг маҳсулотлари бевосита даъвогарга тегишли бўлган патент муҳофазаси доираси кирадиган маҳсулот бўлса;

➤ патентга бўлган ҳуқуқни бузища гумон қилинаётган жавобгарнинг маҳсулотлари бевосита даъвогарга тегишли бўлган патент билан муҳофаза қилинадиган усулдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ёки тайёрланган бўлса.

Алоҳида қайд этиш керакки, Патент суди ва Интеллектуал мулк судларида патентга доир низоларни кўриб чиқиши жараёнида патентга бўлган ҳуқуқни бузган жавобгар иш хусусиятларига кўра ушбу патент берилган интеллектуал мулк обьектига бўлган муаллифлик ҳуқуқини бузганлиги учун ҳам жавобгар сифатида ишга жалб этилиши мумкин.

Патент суди ва Интеллектуал мулк судларида патентга доир низоларни кўриб чиқиши жараёнида қўйидаги асослар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибга берилган патент ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

- тегишли патентланган интеллектуал мулк объектида янгиликнинг мавжуд эмаслиги;
- тегишли патентланган интеллектуал мулк объектида ихтирочилик даражасининг мавжуд эмаслиги;
- тегишли патентланган интеллектуал мулк объектини амалда малакали шахслар томонидан ҳам қўллаш учун аниқ ва тўлиқ имкониятларнинг (саноатда қўллашнинг) мавжуд эмаслиги.

Ушбу жараёнда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлардан бири бу патентни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқища исботлаш мажбуриятининг кимга юклатилиши ҳисобланади. Англия қонунчилигига кўра, патентни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлик ишини кўриш жараёнида патентнинг ҳақиқий эмаслигини исботлаш патент эгасига эмас балки, патентни ҳақиқий эмас деб топишга интилаётган томоннинг зиммасига юкланади. Бунда патентнинг эгаси унга тегишли бўлган патентнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўғри ва патент бериш учун белгиланган лаёқатлик шартларига жавоб беришини исботлаши талаб этилмайди.

Мазкур турдаги ишларни кўриб чиқища суд патентни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Шу ўринда яна бир эътиборга молик жиҳатлардан бири Англия қонунчилигига фойдали модель интеллектуал мулк объекти сифатида эътироф этилмаганлигидир.

Бундан англашиладики, суд патентни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқища берилган патент бекор қилинаётган интеллектуал мулк объектини у Ўзбекистон қонунчилиги бўйича фойдали модель сифатида эътироф этиш бўйича барча талабларга жавоб берганда ҳам уни ихтиродан фойдали моделга ўзгартириш имконсиз саналади.

Англия қонунчилигига кўра, Патент суди ёки Интеллектуал мулк суди патент билан боғлик ёки патентга бўлган хуқуqlар бузилиши билан боғлик низоларни кўриб чиқиш жараёнида ишга алоқаси бўлмаган жавобгарни ишга бевосита алоқадор бўлган жавобгар билан алмаштириши, жавобгар сифатида юридик шахслар жалб этилиши белгиланган ҳолларда ишга жалб этиладиган юридик шахс қайта ташкил этилганда, тегишли хуқуқий ворис ҳисобланувчи юридик шахсни ишга жавобгар сифатида жалб қилиш, даъво предметининг шартли ёки шартсиз ўзгартиришга ҳақлидир.

Патентга бўлган низо бўйича даъво предметини ўзгартириш, агарда бундай ўзгартириш ишда янги даъвони юзага чиқармаса ҳамда патент билан берилган хуқуқий муҳофаза қамровини кенгайтирмаса йўл қўйилади (“Патент тўғрисида”ги Қонуннинг 76-моддаси учинчи қисми).

Шу ўринда патентга бўлган ҳуқуқнинг бузилиши билан боғлиқ ишларни судда кўриш жараёнига тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу турдаги даъволар асосан патент эгалари томонидан берилади.

Эътибор қаратиш жоизки, ҳаммуаллифликда ҳуқуқий муҳофазага олинган патент бўйича исталган ҳаммуаллифлардан бири бошқа ҳаммуаллифнинг розилигисиз патентга бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши тўғрисида даъво бериши мумкин. Бироқ, бунда суд бошқа ҳаммуаллифларни ҳам мазкур ишни кўриш жараёнига жалб қилиши талаб этилади ((“Патент тўғрисида”ги Қонуннинг 66-моддаси икинчи қисми).

Патент эгаси томонидан берилган лицензия шартномаларига асосан эксклюзив лицензиатлар ҳам уларга берилган патентга бўлган ҳуқуқнинг бузилиши бўйича судга даъво киритиши мумкин бўлиб, ушбу жараёнда патентнинг асл эгаси иштирок этиши шарт ҳисобланади ((“Патент тўғрисида”ги Қонуннинг 68-моддаси).

Интеллектуал мулк судлари муҳокамалари Лондондан ташқарида ҳам ўтказилиши мумкин. Бунинг учун ўзи киритган даъво бўйича суд муҳокамасини Лондондан ташқарида ўтказилишини истаган шахс Интеллектуал мулк суди раисининг ёрдамчиси билан боғланиши ва тегишли суд муҳокамасини ўтказиш тартибларини келишиб олиши лозим бўлади.

Шу билан бирга, суд муҳокамалари видеоконференцалоқа шаклида, шу жумладан Teams ёки Skype электрон платформалари орқали амалга оширилиши мумкин.

Ҳар қандай шахс Интеллектуал мулк суди суд муҳокамаларида ўзининг шахсий вакили сифатида ўзи иштирок этиши мумкин. Бироқ, интеллектуал мулк билан боғлиқ низолар ўзига хос хусусиятга эга бўлиши ва мураккаблиги боис томонларга профессионал вакиллар хизматидан фойдаланиш таклиф этилади.

Интеллектуал мулк суди суд муҳокамаларида профессионал вакиллик қилишга адвокатлар, патент вакиллари ва товар белгилари бўйича вакиллар ҳақли ҳисобланади. Ушбу тоифадаги шахслар маҳсус билим ва малакага эга бўлишади.

Юридик шахслар ҳисобланувчи корхона ва корпорациялар ўзларининг интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўзининг ходимлари, уларнинг лавозимидан қатъи назар ишончли вакил сифатида Интеллектуал мулк суди муҳокамаси жараёнларига жалб қилиши мумкин. Корхона ва корпорациялар ходимлари уларга белгиланган тартибда ваколат берилганлигини тасдиқловчи хужжатларни судга тақдим этгач, суд томонидан уларнинг суд муҳокамасида иштирок этишларига рухсат берилади.

Шу билан бирга, Интеллектуал мулк суди суд мухокамасида тарафлар вакил ёллаш учун маблағта эга бўлмаганда, унга “*pro bono*” хизмат кўрсатувчи профессионал вакиллар ишга жалб қилинади.

“*Pro bono*” хизмат кўрсатувчи профессионал вакиллар рўйхати ва улар ҳақидаги маълумотлар www.ipprobono.org.uk веб-сайтида жойлаштириб борилади. Интеллектуал мулк суди ўз фаолиятини Фуқаролик процессуал қоидалари асосида амалга оширади⁶³.

Интеллектуал мулк судида интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқлар бузилишига доир иш юритиш судга тегишли даъво аризаси топширилган вақтдан эътиборан бошланади. Бунинг учун ўзининг интеллектуал мулк ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобловчи даъвогар 1-шаклни тўлдириши ва уни судга юбориши керак бўлади. 1-шаклни <http://www.gov.uk/government/publications/form-n1-claim-form-cpr-part-7> ҳаволаси орқали эркин ва бепул олиш мумкин.

1-шакл ва унга илова ҳужжатлар судга электрон шаклда юборилади. электрон шаклда судга ҳужжатларни юбориш тартибини www.gov.uk/guidance/civil-file-system-information-and-support-advice ҳаволаси орқали танишиш мумкин.

Интеллектуал мулк судлари томонидан иш қўзгатиш, суд мухокамаси ва даъво аризаси берганлик учун тўлов олинади. Тўланиши лозим бўлган тўловларнинг амалдаги микдорлари мунтазам электрон тизимга жойлаштириб борилади. Тўлов микдори билан www.gov.uk/government/publications/fees-in-the-civil-and-familycourts-main-fees-ex50 ҳаволаси орқали танишиш мумкин.

Интеллектуал мулк суди суд мухокамасида иштирок этаётган шахсларнинг таклифига биноан суд мухокамаси якуни бўйича қарорни улар иштирокисиз қабул қилиши мумкин. Бунда интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқлар бузилиши бўйича даъво аризаси киритган шахс ва иш бўйича даъвогар сифатида жалб қилинган шахсларнинг бундай қарор қабул қилиш усулига рози эканлиги ҳақидаги ёзма розилиги судьянинг ёрдамчисига тақдим этилиши талаб этилади.

Интеллектуал мулк суди томонидан қўриб чиқилаётган интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқлар бузилиши бўйича даъво аризаси бўйича далиллар, одатда, суд мухокамасида ҳозир бўлган гувоҳлар томонидан тақдим этилади. Интеллектуал мулк суди судьяси ишни суд мухокамаси жараёнида қўрища гувоҳларга тегишли далилларни видеоалоқа воситасида ҳам тақдим этишга рухсат бериши мумкин. Бунда, судьянинг далилларни видеоалоқа воситасида тақдим этишга розилиги суд мухокамаси бошлангунга қадар олинган бўлиши керак.

⁶³ [https://www.justice.gov.uk/courts/procedure-rules/civil/rules](http://www.justice.gov.uk/courts/procedure-rules/civil/rules)

Агар интеллектуал мулк обьектларига бўлган хукуқлар бузилишига оид даъво аризаси бўйича суд мухокамаси жараёнида стенограмма тузилаётган бўлса, гувоҳ томонидан видеоалоқа воситасида тақдим этилган далиллар судьяга электрон почта орқали ва қофоз нусхаларида тақдим этилиши керак.

Интеллектуал мулк суди томонидан интеллектуал мулк обьектларига бўлган хукуқлар бузилишига оид даъво аризаси юзасидан суд мухокамаси якуни бўйича тегишли қарор томонларнинг кўрсатмалари ва гувоҳлар томонидан тақдим этилган далилларни ўрганиш натижалариға қараб қабул қилинади. Интеллектуал мулк судининг қарори ҳар бир томонга тақдим этилади. Интеллектуал мулк суди томонидан интеллектуал мулк обьектларига бўлган хукуқлар бузилишига оид даъво аризаси бўйича қабул қилган қарорини тўлақонли ижро қилинишини истовчи томон бу тўғрисида судга алоҳида ариза билан мурожаат қилиши керак бўлади.

Интеллектуал мулк суди судъясининг қарори устидан шикоят қилиниши мумкин. Бу Интеллектуал мулк суди томонидан интеллектуал мулк обьектларига бўлган хукуқлар бузилишига оид даъво аризаси бўйича суд мухокамаси натижасида чиқарилган қарорларга ва судга берилган аризага жавобан чиқарилган қарорларга ҳам тегишли ҳисобланади.

Интеллектуал мулк суди томонидан интеллектуал мулк обьектларига бўлган хукуқлар бузилишига оид даъво аризаси бўйича қабул қилинган қарорлар юзасидан шикоят бериш ҳақидаги барча мурожаатлар Апелляция судига берилади.

Апелляция суди томонидан Интеллектуал мулк суди томонидан интеллектуал мулк обьектларига бўлган хукуқлар бузилишига оид даъво аризаси бўйича қабул қилинган қарорлар юзасидан шикоятни кўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарор устидан шикоят Олий судга берилади ва бундай шикоят Олий суд томонидан кўриб чиқиласди.

3.5-§. Россия Федерациясининг интеллектуал мулк билан боғлик низоларни кўриб чиқиши бўйича тажрибаси

Россия суд тизими Конституциявий суд, Олий суд, умумий юрисдикция судлари ҳамда арбитраж судлари ва унинг таркибига кирувчи **Интеллектуал мулк хукуқлари бўйича ихтисослаштирилган суддан** иборат.

Интеллектуал мулк хукуқларини ҳимоя қилиш учун қайси суд тизими ёки давлат органига мурожаат қилиш кераклиги масаласини аниқлаш Россияда интеллектуал мулк хукуқларининг судда ҳимоя қилинишининг ўзига хос хусусиятларини ёритишда мухим аҳамият касб этади.

Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг (РФ ФПК) 134-моддаси ва Арбитраж процессуал кодексининг (РФ АПК) 127-моддасига биноан низони кўриб чиқиш учун ариза беришда судга тааллуқлилиги қоидасига амал қилмаслик аризанинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасидан фарқли ўлароқ Россияда интеллектуал мулк билан боғлиқ **барча низолар юзасидан бевосита судга мурожаат қилиш мумкин эмас**.

Россия Федерацияси Олий суди ва Интеллектуал мулк бўйича Федерал хизматининг (кейинги ўринларда – Роспатент деб юритилади) расмий веб-сайтлари шуни кўрсатадики, низоларнинг асосий қисмини интеллектуал мулк обьектларига доир муҳофаза ҳужжатларининг ҳақиқийлигини аниқлаш, яъни товар белгиларини, ихтиrolарни, фойдали моделларни ва бошқа обьектларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ишлар ташкил этади.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1248-моддасига мувофиқ интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ қуйидаги низолар **мажбурий тартибда ваколатли маъмурий органлар** томонидан амалга оширилади:

ихтиrolарга, фойдали моделларга, саноат намуналарига, селекция ютуқларига, товар белгиларига, хизмат кўрсатиш белгиларига, географик кўрсаткичларга ва товар келиб чиқсан жой номларига (саноат мулки обьектларига) доир талабномалар бериш ва кўриб чиқиш;

саноат мулки обьектларини рўйхатдан ўтказиш ва уларга муҳофаза ҳужжатларини бериш;

интеллектуал фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларига ҳуқукий муҳофаза бериш ёки уни бекор қилиш билан боғлиқ низолар.

Бошқача қилиб айтганда, **саноат мулки обьектига муҳофаза бериш ва бекор қилиш**, шунингдек бундай муҳофазани таъминлаш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатларда интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари **Роспатентнинг мутлақ ваколатига киради**.

Қайд этилган тоифадаги низолар учун маъмурий тартиб мажбурий бўлиб, бу тегишли ижро этувчи ҳокимият органига мурожаат қилишдан олдин судга мурожаат қилиш имконини бермайди.

Мисол учун, агар маълум бир шахс фойдаланимаётганлиги сабабли бошқа шахсга тегишли товар белгисининг муҳофазасини бекор қилмоқчи бўлса, у ҳолда шахс фақат **Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича судга мурожаат қилиши мумкин**. Агар шахс унинг ҳуқуқини бузадиган бошқа шахсга тегишли товар белгисининг муҳофазасини бекор қилмоқчи бўлса, **Роспатентга мурожаат қиласди**.

Маъмурий тартибда ҳимоя қилиш функциясини бажарувчи асосий давлат органи бу Роспатент ҳисобланади. Роспатент **селекция ютуқларидан ташқари** бошқа барча саноат мулки объектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга оширади. Селекция ютуқларига доир талабномаларни кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш, шунингдек бу тусдаги низоларни кўриб чиқиш **Россия Федерацияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги** томонидан амалга оширилади.

Роспатентга ёрдам бериш **мақсадида Федерал саноат мулки институти** (ФИПС) ташкил этилган ва Роспатент унинг таъсисчиси ҳисобланади.

Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш билан боғлиқ низолар Федерал саноат мулки институти таркибий бўлинмаси “**Интеллектуал мулк, патентлар ва товар белгилари бўйича Федерал хизматнинг Патент низолари бўйича палатаси**” федерал давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Патент низолари бўйича палата) томонидан кўриб чиқилади.

Таъкидлаш жоизки, бундай ишларни маъмурий тартибда фақатгина Патент низолари бўйича палата кўриб чиқмайди. Айрим ҳолларда бошқа давлат органлари интеллектуал мулк билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишига ваколатли ҳисобланади. Хусусан, агар низо **маҳфий ихтиро** билан боғлиқ бўлса, РФ ФКнинг 1401-моддасига биноан Россия Федерацияси хукумати томонидан ваколат берилган федерал ижро этувчи ҳокимият органлари, Атом энергияси давлат корпорацияси (Росатом), Космик фаолият бўйича давлат корпорацияси (Роскосмос) ихтиронинг предметидан келиб чиқсан ҳолда кўриб чиқади.

Интеллектуал мулк ҳуқуqlari билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиши ваколатига эга бўлган яна бир орган бу **Россия Федерал монополияга қарши хизматидир**. “Рақобатни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Федерал қонуннинг 14-моддасига биноан интеллектуал фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларидан ноконуний фойдаланишда ифодаланган **инсофсиз рақобат ҳолатларида** низолар монополияга қарши орган ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Юқорида қайд этилган барча ҳолларда маъмурий органнинг ваколатлари қонун билан чекланган ва бузилган **хуқуқни тўлиқ тиклаш учун барibir судга мурожаат қилиниши лозим**. Хусусан, товон пули талаб қилиш, зарарни қоплаш ёки Роспатентнинг қарорларига эътиroz билдириш учун судга мурожаат қилиш керак.

Шуни таъкидлаш керакки, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1398-моддасига мувофиқ агар тараф ихтирога бўлган мутлақ ҳуқуқни бузганлик учун зарарни қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилса, бошқа томон

муҳофаза ҳужжатининг патентга лаёқатлилик шартларига мос келмаслиги боис унинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида важ билдира олмайди. Чунки бу масалани фақат Роспатентга эътиroz бериш орқали ҳал қилиш мумкин.

Бундан англашиладики, судлар томонидан ишни кўриб чиқиши жараёнида ўз ваколатига кирмайдиган янги ҳолат юзага келганда, улар ишнинг айни шу қисмини кўриб чиқиши ҳуқуқига эга эмас.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексида **маъмурий тартибда кўриб чиқилмасдан туриб, судларнинг юрисдикциясига кирувчи қуидаги ишлар** назарда тутилган:

патентланган обьектлар ва селекция ютуқлари учун мажбурий лицензия бериш (Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1239, 1362 ва 1423-моддалари);

мутлақ ҳуқуқни қабул қилиб олувчининг ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш ва зарарни қоплаш;

патентга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича патент эгасини белгилаш;

патентланадиган обьектларнинг муаллифлиги;

бузилган мутлақ ҳуқуқни ҳимоя қилиш;

лицензия шартномалари ва ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар, шунингдек, олдин ва кейин фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ҳуқуқи билан боғлиқ ишлар (Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1406-моддаси);

нашр этувчи шахснинг асарга бўлган ҳуқуқларини муддатидан олдин бекор қилиш;

Маълумот учун: илгари нашр этилмаган ва жамоат мулкига айланган ёки қонунга мувофиқ жамоат мулки бўлган фан, адабиёт ёки санъат асарини қонуний равишда нашр этган ёки нашр этишини ташкил этган шахс **нашр этувчи шахс** деб тан олинади.

фойдаланилмаганлиги сабабли товар белгисининг муҳофазасини муддатидан олдин тугатиш ва жамоавий белгининг сифати ёки бошқа умумий хусусиятлари бўйича бир хил белгиларга эга бўлмаган товарларга нисбатан ушбу белгидан фойдаланиш;

товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқ унинг эгаси билан шартнома тузмасдан ўтказилиб, бунинг натижасида маҳсулот ёки унинг ишлаб чиқарувчиси тўғрисида истеъмолчиларни чалғитиш эҳтимоли мавжуд бўлиб, товар белгисининг муҳофазасини тугатиш билан боғлиқ ишлар.

Маълумот учун: Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1241-моддасида кўра товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни унинг эгаси билан шартнома тузмасдан бошқа шахсга ўтказишга қонунда белгиланган

ҳолларда ва асосларда, шу жумладан, универсал меросхўрлик тартибида (мерос ва юридик шахсни қайта ташкил этиш) ва ундирувни хукуқ эгасининг мулкига қаратилган ҳолатда йўл қўйилади.

Муаллифлик хукуки ва турдош хукуқларни ҳимоя қилиш билан боғлик низолар умумий қоидага кўра **умумий юрисдикция** судлари томонидан, хусусан, **туман** судлари томонидан биринчи инстанция сифатида кўриб чиқилади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, **интернетда** муаллифлик хукуки ва (ёки) турдош хукуқларни (фотосуратга бўлган хукуқлар ва фотосуратга ўхшаш усуслар билан олинган асарлар бундан мустасно) ҳимоя қилиш билан боғлик низоларда ушбу суд томонидан даъво ариза берилганига қадар дастлабки вақтинчалик чоралар кўрилган ва бекор қилинмаган бўлса, бундай низолар бевосита Москва шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқилади (Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 144¹-моддаси).

Маъмурий ва суд тартибида кўриладиган ишларнинг тоифаларини таҳлил қилиб, умумий хulosага келишимиз мумкинки, у ёки бу тарзда **интеллектуал мулк обьектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнига**, яъни уларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш ва тугатишга тааллуқли низолар **Патент низолари бўйича палатаси, лицензия ва хукуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномалари**, мутлақ хукуқларни ҳимоя қилиш бўйича низолар эса суд томонидан кўриб чиқилади.

Юқоридаги таҳлиллардан Россияда низоларнинг тааллуқлилигида ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатлари масаласи етарли даражада чегараланганлигини кўриш мумкин. Шу билан низоларни тўғридан тўғри суд тизимининг ўзида тақсимланиши, жумладан, арбитраж судлари тизими ичida низоларнинг тааллуқлилиги масаласи ҳам долзарб ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистондаги қаби Россияда ҳам тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият билан боғлик низолар арбитраж судлари томонидан кўриб чиқилади. Эътибор бериш керакки, умумий қоидага кўра ишнинг судга тааллуқлилиги қоидаларининг бузилиши даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ёки иш қабул қилинган бўлса, уни тугатишга олиб келади.

Бироқ иқтисодий низо тушунчasi жуда кенг тушунча бўлиб, умумий арбитраж ва ихтисослаштирилган Интеллектуал мулк хукуқлари бўйича судга тааллуқли ишларни ажратиш учун ёрдамчи мезонлардан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Кўпинча арбитраж судлари **юридик шахслар** ва **якка тартибдаги тадбиркорлар** иштирокидаги низоларни кўриб чиқади, аммо баъзи ҳолларда бундай низоларда **жисмоний шахслар** ҳам иштирок этади.

Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг “Судлар ва арбитраж судларига ишларнинг тааллуқлилигига оид айрим масалалар тўғрисида”ги қарорининг 3-бандига биноан жисмоний шахс бир томон сифатида иштирок этувчи низолар (ёки якка тартибдаги тадбиркор, агар низо тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаса) **умумий юрисдикция** судларида кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, муаллифларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низо у ёки бу судда кўриб чиқилиши унинг субъект таркибига боғлиқ. Бунда Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўришда судларда юзага келадиган масалалар тўғрисида”ги Қарорининг 7-бандига мувофиқ агар низо тарафи якка тартибдаги тадбиркор бўлса ҳам, аммо ишлар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган асослар бўйича қўзғатилган бўлса, улар умумий юрисдикция судида кўриб чиқилиши керак.

Аммо низони умумий юрисдикция судида ёки арбитраж судида кўриб чиқилиши бўйича қоидада низо субъекти таркибига қараб иккита истисно ҳолати мавжуд.

Биринчидан, ишда мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг иштирок этиш ва **товар белгисини мухофаза қилишни муддатидан олдин тугатиш ҳолатлари**. Бундай ҳолатлар ҳар қандай ҳолатда ҳам судларнинг **арбитраж тизими**га киради.

Иккинчидан, низо бўйича дастлабки таъминлаш чораси қўлланилганда **муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни интернетда ҳимоя қилиниши** бўйича ишларнинг (фотосуратга бўлган ҳуқуқлар ва фотосуратга ўхшаш усуллар билан олинган асарлар бундан мустасно) **бевосита Москва шаҳар суди томонидан** кўриб чиқилади (Россия Федерацияси Фуқаролик процескуал кодексининг 144¹-моддаси). Ушбу суднинг ҳужжатлари устидан шикоят аризаларини кўриб чиқиш худди шу суднинг апелляция инстанцияси томонидан амалга оширилади.

Россияда интеллектуал мулк ҳуқуқларига оид низоларнинг кўриб чиқилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун унинг арбитраж судлари тизимида алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, сабаби соҳа бўйича низоларнинг аксарияти (83 фоиздан ортиғи) суд тизимининг ушбу тармоғига тўғри келади.

Маълумот учун: 2022 йилда Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича судда биринчи инстанция сифатида **1215 та**, кассация инстанцияси сифатида эса **2865 та** иш кўриб чиқилган.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1252-моддасига кўра даъво аризасини топширишдан олдин, баъзи ҳолларда **низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига** риоя этиш талаб этилади. Шунга кўра интеллектуал мулк эгаси арбитраж судига мурожаат қилишдан олдин ҳуқуқбузарга унинг ҳуқуқларини бузадиган ҳаракатларни тугатиш тўғрисида талабнома юбориши лозим.

Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг 4-моддаси ва Фуқаролик кодексининг 1252-моддаси **фақат товон тўлашни талаб этиш ва зарарни қоплаш** билан боғлиқ ишларда **мажбурий талабнома юбориш тартибини** назарда тутади. Бунда томонлар **юридик шахс** ва (ёки) **якка тартибдаги тадбиркор** ҳамда низо **арбитраж судида** кўриб чиқиладиган бўлиши керак. Талабнома юборилган қундан бошлаб **30 кун** ичидаги иккинчи томон ҳуқуқ эгасининг талабларига жавоб бермагандаги ёки уларни бажаришдан бош тортганда у даъво бериш ҳуқуқига эга бўлади.

Шунингдек, қоидага мувофиқ **бошқа талаблар бўйича**, хусусан, интеллектуал ҳуқуқларни тан олиш, қонунга хилоф ҳаракатларга чек қўйиш, контрафакт маҳсулотларни олиб қўйиш, ҳақиқий ҳуқуқ эгаси номи кўрсатилган суд қарорини эълон қилиш тўғрисидаги талаблар бўйича тўғридан тўғри судга мурожаат қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари ва селекция ютуқлари учун мажбурий лицензия бериш, патентга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш (патент эгасини белгилаш, патентланадиган объектларнинг муаллифлигини аниқлаш, бузилган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар, лицензия шартномалари ҳамда олдин ва кейин фойдаланганлик учун хақ тўлаш ҳуқуқи билан боғлиқ ишлар) каби **маъмурий тартибда кўриб чиқилмасдан туриб, судларнинг юрисдикциясига кирувчи ишлар** биринчи инстанция сифатида **Россия Федерацияси субъектларининг Арбитраж судлари** томонидан уч ой муддатда кўриб чиқилади.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган қундан бошлаб **бир ой муддатда 21 та** апелляция судларидан бирига шикоят қилиниши мумкин.

Арбитраж судларига тааллуқли **бошқа ишлардан интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш** билан боғлиқ ишларнинг **кўриб чиқилиши** ўртасидаги асосий фарқ ишларнинг учинчи инстанция даражасида **кўриб чиқилишида бошланади**. Барча низолар бўйича шикоятлар кассация тартибда **10 та Округ арбитраж судларига** бериладиган бўлса, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича низолар юзасидан

шикоялтар фақатгина **Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича судга** (ИМХС) берилади ва 3 нафар судъядан иборат ҳайъат томонидан кўриб чиқилади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича суд Россияда интеллектуал мулк билан боғлиқ низолар бўйича барча **кассация шикоятларини** кўриб чиқадиган **ягона суд** ҳисобланади.

Ўз навбатида, Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича суд **кассация инстанцияси** сифатида қўйидагиларни кўриб чиқади:

- 1) у томонидан биринчи инстанцияда кўриб чиқилган ишлар;
- 2) биринчи инстанцияда Россия Федерацияси субъектларининг Арбитраж судлари ва апелляция арбитраж судлари томонидан кўриб чиқилган интеллектуал ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича ишлар.

Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича суднинг қарорлари Россия Федерацияси Олий судининг Иқтисодий низолар бўйича коллегияси томонидан **иккинчи (такрорий) кассация** тартибида кўриб чиқилиши мумкин.

Яъни тўртинчи инстанция сифатида бу тусдаги ишларни кўриб чиқиши Олий суд Раёсатига тааллуклидир. Бундан англашиладики, Россияда интеллектуал мулк соҳасидаги ҳар қандай низо бўйича суд ҳужжатлари устидан шикоят қилишнинг **4 та босқичи** мавжуд.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, учинчи инстанцияда низоларни кўриб чиқиши Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича суднинг ягона ваколати эмас. Баъзи масалалар унда **биринчи инстанция** сифатида кўриб чиқилади. Хусусан:

1) федерал ижро этувчи ҳокимият органларининг патент ҳуқуқлари ва селекция ютуқларига, интеграл микросхемалар топологияларига, ишлаб чиқариш сирларига бўлган ҳуқуқлар (ноу-хай), шунингдек, юридик шахсларнинг товарларини ва хизматларини индивидуаллаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда **ягона технологиянинг** таркибига кирувчи интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлар соҳасидаги **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** юзасидан низолашиб билан боғлиқ ишлар;

Маълумот учун: Ягона технология – бу ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ёки бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг у ёки бу комбинациясини ўз ичига олган объектив шаклда ифодаланган илмий-техник фаолият натижасидир. Ягона технология фуқаролик ёки ҳарбий соҳадаги муайян амалий фаолият учун технологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2) федерал ижро этувчи ҳокимият органларининг патент ҳуқуқлари ва селекция ютуқларига, интеграл микросхемалар топологияларига, ишлаб

чиқариш сирларига бўлган ҳуқуқлар (ноу-хай), шунингдек, юридик шахсларнинг товарларини ва хизматларини индивидуаллаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда ягона технологиянинг таркибига кирувчи интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлар соҳасидаги тушунтиришларни ўз ичига олган ва тартибга солувчи хусусиятларга эга бўлган ҳужжатлар юзасидан низолашиш билан боғлиқ ишлар;

3) интеллектуал фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқларни (муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар обьектлари, интеграл микросхемалар топологиялари бундан мустасно) бериш ва бекор қилиш боғлиқ низолар, шу жумладан:

– интеллектуал мулк бўйича федерал ижроия органи, селекция ютуқлари бўйича федерал ижроия органи ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, Россия Федерацияси ҳукумати томонидан маҳфий ихтиrolарга патент беришга доир талабномалар кўриб чиқиш ваколати берилган органларнинг норматив бўлмаган ҳуқуқий ҳужжатлари, қарорлари ва ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш бўйича;

– федерал монополияга қарши курашиш органнинг юридик шахсларнинг товарларини, ишларини, хизматларини ва корхонасини индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлиш билан боғлиқ хатти-харакатларни инсофсиз рақобат деб эътироф этиш тўғрисидаги қарорига эътиroz билдириш бўйича;

– патент эгасини белгилаш бўйича;

– ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига ёки селекция ютуғига патентни, товар белгисига, товар келиб чиқсан жой номига ҳуқуқий муҳофаза бериш тўғрисидаги қарорни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича;

– товар белгисидан фойдаланилмаганлиги сабабли унинг ҳуқуқий муҳофазасини муддатидан олдин тугатиш бўйича.

Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича суд қарорлари улар қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради, бу эса оддий шикоят тартибидан фойдаланиш имконини бермайди. Шунинг учун **Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича суд** томонидан биринчи инстанция суди сифатида қабул қилинган қарорлар устидан **апелляция босқичини четлаб ўтиб**, дарҳол **Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича суднинг Раёсатига** (кассация) шикоят қилиниши мумкин. Унинг таркибига суд раиси, раис ўринбосарлари, суд ҳайъатларининг раислари ва шикоятни иш юритишга қабул қилган судья киради.

РФ АПКнинг 200-моддасига мувофиқ интеллектуал мулк соҳаси бўйича ишларни маъмурий тартибда кўриб чиқишга ваколатли органларнинг (Патент низолари бўйича палатаси, Роскосмос, Росатом ва бошқалар) қарорлари ва

ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан уч ой ичида **Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича судга шикоят қилинади**. Ушбу муддат ишнинг ҳажмига қараб асослантирилган хат асосида узоғи билан **олти ойгача** узайтирилиши мумкин.

Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича суд томонидан бундай ишлар улар иш юритувга келиб тушган санадан бошлаб **ўн кун** ичида кўриб чиқилиши лозим.

Эътибор бериш керакки, Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича суд интеллектуал мулк соҳаси бўйича ишларни маъмурий тартибда кўриб чиқишига ваколатли органларнинг **қарорлари** ва **ҳаракатларининг (ҳаракатсизлиги)** қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини кўриб чиқади.

Бундай ишларда **исботлаш юки** қарорни қабул қилган ёки муайян ҳаракатларини (ҳаракатсизлиги) амалга оширган **ташкилотда** ёки **шахсада** бўлади.

Россия ҳамда Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузганлик учун белгиланган **жиноий** ва **маъмурий жавобгарлик** бўйича юзага келадиган ишларни кўриб чиқиш бироз фарқ қиласди. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида Россиянинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо эканлигини келтиришимиз мумкин (2012 йил).

Таъкидлаш жоизки, интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш бўйича минимал талабларни белгиловчи ТРИПС битимининг 61-моддасига мувофиқ аъзо давлатлар ўзларинг қонунчилигига, агар **товар белгиси** ёки **муаллифлик ҳуқуқининг** бузилиши қасдан тижорат мақсадларида содир этилган бўлса, бундай ҳаракатлар учун **жиноий жавобгарлик** чораларини қўллаш асосларини аниқ белгилаб қўйиш лозимлиги назарда тутилган.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасида фақат муаллиф ёки ихтирочининг **шахсий номулкий ҳуқуқлари бузилган тақдирда жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилиши белгиланган** бўлиб, интеллектуал мулкка доир мулкий ҳуқуқларини қасдан тижорат мақсадларида бузганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган.

Ваҳоланки, Россияда муаллифлар, ихтирочилар ва саноат мулки обьектлари ҳуқуқ эгаларининг ҳам мулкий, ҳам шахсий номулкий ҳуқуқларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, бундай ишлар умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқлади.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 7.12-моддасида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, ихтирочилик ва патент ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Шунингдек, 14.10-модда товарлар ва хизматларни

индивидуаллаштириш воситаларидан ноқонуний фойдаланганлик учун **маъмурый жавобгарликни** назарда тутади.

Эътиборли томони шундаки, Россияда интеллектуал мулк соҳасидаги маъмурый ҳуқуқбузарликлар **умумий юрисдикция** судлари томонидан ҳам, **арбитраж судлари** томонидан ҳам кўриб чиқилади.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк соҳасидаги маъмурый ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ ишларнинг барчаси **жиноят ишлари бўйича судларда** кўриб чиқиладиган бўлса, Россияда бу амалиёт бироз фарқ қиласди. Хусусан, **Арбитраж судлари** юридик шахслар ва уларнинг мансабдор шахслари ёки бошқа ходимлари, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан **индивидуаллаштириш воситаларидан ноқонуний фойдаланиш** билан боғлиқ ишларни кўради.

Бошқа ҳолларда, индивидуаллаштириш воситаларидан ноқонуний фойдаланиш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни, шунингдек, ихтирочилик ва патент ҳуқуқларини бузганлик учун маъмурый ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқилади.

3.6-§. Қозогистон Республикасида интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий ҳимоя усуллари

Қозогистон Республикасида интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳаси Қозогистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ти, “Қозогистон Республикасининг Патент қонуни”, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткич ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ти, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида”ти қонунлари ва бошқа қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қозогистон Республикаси Фуқаролик кодексининг З-моддасининг саккизинчи қисмига кўра, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида миллий қонунчилик билан халқаро шартнома қоидалари мазмuni ўзаро бир-бирига зид бўлса халқаро шартнома қоидалари кўлланилиши белгилаб қўйилган. Қозогистон Республикаси интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича бир қанча халқаро конвенция, шартномаларни ва бошқа ҳужжатларни ратификация қилган ҳамда уларга қўшилган. Хусусан, 1993 йил 5 февралда “Саноат мулкини ҳимоя қилиши соҳасидаги халқаро шартномалар тўғрисида”ти декларацияни (Стокгольм, 1967), 1994 йил 9 сентябрда Евроосиё патент конвенциясини ратификация қилди. Шунингдек, “Белгиларни халқаро рўйхатга олиш тўғрисида”ти Мадрид келишуви (1891 йил 14 апрель), “Товар

белгилари бўйича Сингапур шартномаси” ҳамда “Сингапур шартномасига қўшимча резолюция” ва бошқа халқаро ҳужжатларни ратификация қилган.

Қозогистон Республикасида интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини Адлия вазирлиги амалга оширади. Адлия вазирлиги таркибига кирувчи Интеллектуал мулк Миллий институти интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги эксперт ташкилот ҳисобланади.

Қозогистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳамда юридик шахсларнинг жисмоний шахс ва юридик шахснинг маҳсулотлари, бажарган ишлари ва хизматларини индивидуаллаштириш воситаларига (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва бошқалар) бўлган мутлақ ҳуқуqlари тан олинади.

Интеллектуал фаолият натижалари ва хусусийлаштириш воситаларидан учинчи шахсларнинг фойдаланиши фақат муаллифлик ҳуқуқи эгасининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин, Қозогистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно (Қозогистон Республикаси Фуқаролик кодекси 125-модда).

Муаллифлик ҳуқуқи

Муаллифлик ҳуқуқи Қозогистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ти Қонуни (1996 йил 10 июнь) билан тартибга солинади.

Муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган интеллектуал мулк объектлари.

Муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган муаллифлик ҳуқуқи объектлари ижодий фаолият натижаси бўлган фан, адабиёт, санъат асарлари ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи фан, адабиёт ва санъат асарларининг мазмунни, йўналиши, аҳамияти, ифодаланиш усули ва шаклидан қатъи назар тадбиқ қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи қўйидаги бирон-бир объектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари:

- 1) ёзма (қўлда, босма ёзувлар ва бошқалар);
- 2) оғзаки (халқ олдида сўзлаш, оломон олдида чиқиши ва ҳоказо);
- 3) овоз ёки видео ёзиш (механик, рақамли, магнит, оптик ва бошқалар);
- 4) тасвирлаш (эскиз, расм, режа, чизма, кино, телевизор, видео ёки фото рамка ва бошқалар);
- 5) ҳажм-фазовий (тавсиф, макет, конструкция ва бошқалар);
- 6) бошқа шаклларда ифодаланади.

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси.

Мутлақ ҳуқуқ әгаси ҳар бир нусхасида акс эттириладиган ва қуидаги учунсурдан иборат муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисидан фойдаланиши мумкин:

- айланы ичига олинган лотинча «С» ҳарфи;
- алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари әгасининг исми (номи);
- асар биринчи марта эълон қилинган йил.

Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисида кўрсатилган шахс, башарти бошқа ҳол исботланмаган бўлса, ҳуқуқ әгаси ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи объектларига бўлган мулкий ҳуқуқларнинг ҳуқуқий ҳимоя муддати.

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг **бутун ҳаёти** давомида ва унинг вафотидан кейин **етмиш йил** давомида амал қиласди.

Муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи **муддатсиз** муҳофаза қилинади.

Аноним ҳамда тахаллус остида эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди. Агар кўрсатилган муддат ичидан аноним ёки тахаллус остидаги асар муаллифи ўз шахсини маълум қилса ёки бундан буён унинг шахси шубҳага ўрин қолдирмаса, умумий муддатлар қўлланилади.

Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охирги шахс вафот этганидан кейин **етмиш йил** давомида амал қиласди.

Муаллифнинг вафотидан кейин ўттиз йил ичидан биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар эълон қилинганидан кейин **етмиш йил** давомида амал қиласди. Бунда муддат асар эълон қилинган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан ўта бошлайди.

Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя усуллари:

- 1) ҳуқуқни тан олиш;
- 2) ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш;
- 3) ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;
- 4) заарни ундириш, шу жумладан бой берилган фойдани ҳам;
- 5) муаллифлик ҳуқуқи бузилиши натижасида ҳуқуқбузар томонидан олинган даромадларни ундириш;
- 6) товон пули ундириш;
- 7) қонунларда белгиланган бошқа чораларни ҳам суд қўллаши мумкин.

Маълумот учун: Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя усули бўлган товои пули ундириш миқдори “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунда белгилаб берилган. Унга кўра, суд ихтиёрига кўра белгиланадиган юз ойлик ҳисоб-китоб кўрсатгичидан ўн беш минг ой ҳисоб-китоб кўрсатгичгача бўлган миқдорда ёхуд асардан одатда фойдаланганлик учун ундириладиган сумманинг икки баробари ёки асар нусхалари қийматининг икки баробари миқдорида суд томонидан белгиланади.

Турдош ҳуқуқ

Муаллифлик ҳуқуқи Қозоғистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни (1996 йил 10 июнь) билан тартибга солинади.

Турдош ҳуқуқ билан ҳимоя қилинадиган интеллектуал мулк обьектлари: постановка, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшилтириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшилтиришлар.

Юқоридаги обьектларга нисбатан турдош ҳуқуқлар уларнинг мақсади, мазмуни, аҳамияти, ифодаланиш усули ва шаклидан қатъи назар қўлланилади.

Турдош ҳуқуқ обьектларига бўлган мулкий ҳуқуқларнинг ҳуқукий ҳимоя муддати.

Ижрочига нисбатан турдош ҳуқуқлар биринчи марта постановка ёки ижро амалга оширилгандан сўнг 70 йил давомида амал қиласи. Ижрочининг исмга бўлган ҳуқуқи ва постановка ёки ижрони бузиб амалга оширишдан ҳимоялаш ҳуқуқлари муддатсизdir.

Фонограмма тайёрловчига нисбатан турдош ҳуқуқлар фонограмма биринчи марта эълон қилинган кундан эътиборан 70 йил давомида ёки агар фонограмма бу муддат ичida оммавий эълон қилинмаган бўлса, у биринчи ёзиб олингандан кейин 70 йил мобайнида амал қиласи.

Телерадиоэшилтириш ташкилотига нисбатан турдош ҳуқуқлар бундай ташкилот томонидан биринчи эшилтириш эфирга узатилганидан кейин 70 йил давомида амал қиласи.

Кабел эшилтириш ташкилотига нисбатан турдош ҳуқуқлар ташкилот биринчи марта кабел орқали узатилганидан кейин 70 йил давомида амал қиласи.

Бунда муддатлар муддатнинг бошланиши учун асос бўлган юридик факт содир бўлган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан бошланади.

Турдош ҳуқуқининг ҳимоя усуллари:

- 1) ҳуқуқни тан олиш;
- 2) ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш;

- 3) ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган харакатларнинг олдини олиш;
- 4) заарни ундириш, шу жумладан бой берилган фойдани ҳам;
- 5) турдош ҳуқуқ бузилиши натижасида ҳуқуқбузар томонидан олинган даромадларни ундириш;
- 6) товон пули ундириш;
- 7) қонунларда белгиланган бошқа чораларни ҳам суд қўллаши мумкин.

Маълумот учун: Турдош ҳуқуқнинг ҳимоя усули бўлган товон пули ундириш микдори “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунда белгилаб берилган. Унга кўра, юз ойлик ҳисоб-китоб кўрсаткичидан ўн беш минг ой кўрсатгичгача бўлган микдорда ёхуд товон пули асардан одатда фойдалангандик учун ундириладиган сумманинг икки баробари ёки асар нусхалари қийматининг икки баробари микдорида белгиланган.

Патент ҳуқуқи

Патент билан ҳимоя қилинадиган интеллектуал мулк обьектлари. Қозоғистон Республикасида патент ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ҳуқуқий ҳимояси Қозоғистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Қозоғистон Республикасининг Патент қонуни” билан тартибга солинади.

Патент ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган интеллектуал мулк обьектлари ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқлар ҳисобланади.

Патент саноат мулки обьектига устунлик, муаллифлик ва мутлақ ҳуқуқни тасдиқлайди.

Ихтиро ва саноат намунасига патент аризани кўриб чиқиб, обьект расмий экспертизадан ўтказилгандан сўнг берилади.

Фойдали моделга патент фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талаб талабнома экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича берилади.

Ихтиронинг патентга лаёқатлилик шартлари. Ихтиро янги, ихтирочилик босқичига эга бўлса, саноатда қўлланилиши мумкин бўлсагина унга ҳуқуқий ҳимоя берилади.

Патент билан таъминланган ҳуқуқий ҳимоя доираси қўйидагилар билан белгиланади: ихтиро ва фойдали модел учун – уларнинг формуласи бўйича, саноат намунаси учун эса - маҳсулот ташки кўриниши тасвирларида кўрсатилган унинг муҳим белгилари бўйича.

Қўйидагилар Қозоғистон Республикасида ихтиро ҳисобланмайди:

- 1) кашфиётлар;
- 2) илмий, назарий ва математик усуллар;
- 3) хўжаликни бошқариш ва ташкил қилиш усуллари;

- 4) шартли белгилар, жадваллар ва қоидалар;
- 5) ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва алгоритмлар;
- 6) иншоот, бинолар, худудлар учун лойиҳалар ва режалаштириш схемалари;
- 7) маҳсулотнинг ташқи кўринишигагина таклифлар;
- 8) жамоат тартиби, инсонпарварлик ва одоб-ахлоқ тамойилларига зид бўлган таклифлар;

Шунингдек қуидагилар учун патент берилмайди:

- 1) одамни клонлаш ва клонлаш усусларини яратганлик учун;
- 2) инсон жинсий ҳужайраларини генетик яхлитлигини ўзгартириш усуслари;
- 3) инсон эмбрионларидан тижорат, ҳарбий ва саноат мақсадларидан фойдаланиш учун.

Фойдали моделнинг патентга лаёқатлилиги шартлари. Фойдали модель маҳсулот (курилма, модда, микроорганизм штампи, ўсимлик ёки ҳайвон ҳужайрасини етишириш), усул билан боғлиқ ҳар қандай соҳадаги техник ечимларни ўз ичига олади.

Одамларни ёки ҳайвонларни даволаш учун терапевтик ёки жарроҳлик усуслари бундан мустасно.

Фойдали модель, агар у янги ва саноатда қўлланилиши мумкин бўлса, ҳуқуқий ҳимояга эга бўлади.

Фойдали модель агар унинг муҳим хусусиятларининг умумийлиги техниканинг юқори даражаси тўғрисидаги маълумотлар номаълум бўлса, янги ҳисобланади.

Қозогистон Республикасида ихтиро ҳисобланмайдиган ва патент берилмайдиган обьектларга тегишли техник ечимлар фойдали модель ҳисобланмайди ва уларга патент берилмайди.

Саноат намунасининг патентга лаёқатлилиги шартлари. Саноат намунаси саноат ёки ҳунармандчилик маҳсулотининг бадиий-конструкторлик ечими бўлиб, маҳсулотнинг ташқи кўринишини белгилайди. Саноат намунаси янги, оригинал бўлсагина ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Саноат намунаси агар маҳсулот тасвирларида акс эттирилган муҳим белгиларнинг умумийлиги саноат намунаси устувор санасидан олдин дунёда оммага очиқ бўлган маълумотлардан номаълум бўлсагина, янги ҳисобланади.

Қуидагилар саноат намунаси сифатида тан олинмайди:

- 1) маҳсулотнинг фақат техник функцияси бўйича;
- 2) архитектура обьектлари (кичик меъморий шакллардан ташқари), саноат, гидротехник ва бошқа стационар иншоотлар;

3) суюқ, газсимон, мүрт ёки шунга ўхшаш моддалардан бекарор шаклдаги объектлар;

4) жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва одоб-ахлоқ тамойилларига зид бўлган маҳсулотлар.

Патентни амал қилиш муддати:

Ихтирога нисбатан патент 20 йил амал қиласди. Мазкур муддат патент олиш тўғрисида ариза берилган кундан ўта бошлади.

Ихтирога нисбатан берилган патент 5 йилга узайтирилиши мумкин.

Фойдали моделга патент ариза берилган кундан бошлаб 5 йил давомида амал қиласди. Унинг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосига биноан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Саноат намунасида патент ариза берилган кундан бошлаб ўн йил давомида амал қиласди. Унинг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосига биноан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Селекция ютуқлари

Қозоғистон Республикасида ҳам худди миллий қонунчилигимиздагидек селекция ютуқлари патент билан ҳукуқий ҳимоя қилинади. Бироқ, бу муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик алоҳида ҳисобланади. Қозоғистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонуни 1999 йилда қабул қилинган.

Селекция ютуғи бу –ўсимликнинг янги нави ёки ҳайвоннинг янги зоти.

Нав – бу маълум бир генотип ёки генотиплар биримасини тавсифловчи белгиларнинг намоён бўлиш даражаси билан белгиланадиган, бир хил ботаника таксонидаги қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг бошқа гурухларидан бир ёки бир неча жиҳатлари билан фарқ қиласдиган гуруҳидир.

Ҳимоя қилинадиган навлар – бу клонлар, линия, биринчи авлод дурагайи, популяция.

Зот –муайян хўжалик ва табиий шароитларда инсон ижодий фаолияти натижасида яратилган, “ўз-ўзидан” кўпаядиган, иқтисодий ва наслчилик қийматига эга бўлган, уларнинг генотипига мос келадиган технологик шароитларни яратиш мумкин бўлган, шунингдек, морфологик, физиологик ва фойдали иқтисодий хусусиятига кўра бир турдаги бошқа зотлардан ажратиб турадиган бир хил турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлар гуруҳи.

Селекция ютуғига бўлган ҳукуқ Қозоғистон Республикаси қонунчилиги билан ҳимоя қилинади ва патент билан тасдиқланади. Патент патент эгасининг селекция ютуғидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳукуқини, унинг устуворлигини ва селекционернинг мазкур селекция ютуғи муаллифи эканлигини тасдиқлайди.

Селекция ютуғининг патентга лаёқатлилик шартлари. Патент янги, үзига хослик, бир хиллик ва барқарорликка эга бўлган селекция ютуғига берилади. Агар ариза берилган санада ушбу селекция ютуғининг уруғи, кўчати наслчилик материаллари муаллиф ёки унинг меросхўрлари томонидан сотилмаган, бошқа шахсларга берилмаган бўлса **янги ҳисобланади**.

Нав ёки зот, агар у ариза бериш вақтида мавжудлиги умуман маълум бўлган бошқа нав ёки зотдан яққол фарқ қиласидиган бўлса, **ўзига хослик мезонларига жавоб беради**.

Агар нав, зот, уларнинг кўпайишининг үзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бу нав ёки зотнинг ўсимликлари танлаб олинган белгилари бўйича бир жинсли бўлса, **бир жинсли ҳисобланади**.

Нав, зот, агар уларнинг асосий белгилари ҳар бир кўпайишдан кейин ўзгаришсиз қолса, кўпайишининг маҳсус циклида эса ҳар бир кўпайиш циклининг охирида ўзгармай қолса, **барқарорлик мезонига жавоб беради**.

Селекция ютуқларининг устуворлиги. Нав, зотнинг устуворлиги эксперт ташкилотига ариза берилган сана бўйича белгиланади. Агар эксперт ташкилотига бир вақтнинг ўзида бир хил селекция ютуғига патент бериш тўғрисидаги икки ёки ундан ортиқ ариза келиб тушган тақдирда, устуворлик ариза юборишининг энг олдинги санаси бўйича берилади. Агар аризалар бир санада келиб тушган бўлса, устуворлик аризаларни рўйхатга олишда берилган рақам билан аниқланади. Бунда илгари рақам берилган ариза бўйича селекция ютуғи устуворликка эга ҳисобланади.

Селекция ютуғига нисбатан берилган патентнинг амал қилиш муддати. Ўсимлик навлари учун патентнинг амал қилиш муддати – 25 йил, ҳайвон зотлари учун – 30 йил, узум, манзарали дараҳт, мева ва ўрмон экинлари навлари, шу жумладан уларнинг илдизпоялари учун – 35 йил.

Патентнинг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосига биноан узайтирилган ҳар бир йил учун тўланадиган тўловни ҳисобга олган ҳолда, лекин кўпи билан 10 йилга узайтирилиши мумкин.

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсатгичлар ва товарлар келиб чиққан жой номига бўлган ҳуқуқлар

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткичлар ва товар келиб чиққан жой номларига бўлган индивидуаллаштириш воситалари Қозогистон Республикасида рўйхатга олиш ҳуқуқий ҳимоя усули билан ҳимоя қилинади. Бу муносабатлар Қозогистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткич ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади. Шунингдек, “Белгиларни халқаро рўйхатга олиш тўғрисида”ги Мадрид келишуви (1891 йил 14 апрель), “Товар белгилари бўйича Сингапур

шартномаси” ҳамда “Сингапур шартномасига қўшимча резолюция” (2006 йил 27 марта қабул қилинган, 2012 йил 8 апрелда ратификация қилинган) халқаро хужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Товар белгиси – бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиласиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказилмаса-да, Қозоғистон Республикаси иштирок этаётган халқаро шартномаларга кўра ҳимоя қилинадиган белгилардир.

Хизмат қўрсатиши белгиси – бир юридик ва жисмоний шахслар хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги хизматларидан фарқлаш учун хизмат қиласиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказилмаса-да, Қозоғистон Республикаси иштирок этаётган халқаро шартномаларга кўра ҳимоя қилинадиган белгилардир.

Географик қўрсаткич – маълум сифати, обрўси ва бошқа хусусиятлари кўп жиҳатдан унинг географик келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган маҳсулотни идентификацияловчи қўрсаткич. Географик худуд маҳсулотнинг хусусиятларига сезиларли таъсир кўрсатган бўлиши керак ёхуд маҳсулотни ишлаб чиқариш босқичларидан бири шу худуд билан боғлиқ бўлиш керак.

Қозоғистон Республикасида товар белгиларининг хуқуқий муҳофазаси улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши асосида ёхуд Қозоғистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича рўйхатдан ўтказилмасдан хуқуқий ҳимоя қилинади.

Товар белгиси сифатида мажозий, сўз, ҳарф, рақамли, ҳажм ва бошқа шакллардаги белгилар ёки белгилар йиғиндиси рўйхатга олиниши мумкин. Бу бир шахснинг товар ва/ёки хизматларини бошқа шахсларнинг шундай турдаги товар ва/ёки хизматларидан фарқлаш имконини беради.

Қуйидагилар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

- 1) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;
- 2) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;
- 3) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини, шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;
- 4) ўзида халқаро патентланмайдиган дори воситалари номини ифодаловчи белгилар;
- 5) товарлар ёки хизматлар билан бевосита тавсифий алоқага эга бўлган белгилар.

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткичлар ва товар келиб чиқкан жой номлари бўлган индивидуаллаштириш воситалари давлат реестрига киритиш орқали рўйхатга олинади. Давлат реестри барча учун очиқdir. Унда:

- 1) товар белгиси тасвири;
- 2) товар белгиси эгаси тўғрисидаги маълумотлар;
- 3) товар белгисини рўйхатдан ўтказиш рақами;
- 4) товар белгиси рўйхатга олинган товарлар (хизматлар) рўйхати;
- 5) экспертиза ташкилотига ариза бериш рақами ва санаси (устуворлик учун);
- 6) товар белгисига оид бошқа маълумотлар (масалан, мутлақ ҳукуқларнинг бошқага ўтказилганлиги ва ҳоказо) акс эттирилади.

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткичлар ва товар келиб чиқкан жой номларини рўйхатга олишнинг амал қилиш муддати.

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткич ва товар келиб чиқкан жой номларини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза берилган кундан бошлаб 10 йил амал қиласи.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддатининг охириги йилида товар белгиси эгасининг аризасига кўра товар белгисини рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддати ҳар сафар **10 йилга узайтирилиши** мумкин.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ваколатли ташкилотга келиб тушгандан сўнг 10 кун ичида кўриб чиқилади. Агар муддат узайтирилган тақдирда, бу ҳақда товар белгиларининг ягона реестрига белги қўйилади.

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткич ва товар келиб чиқкан жой номларини рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топиш. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткич ва товар келиб чиқкан жой номлари рўйхатдан ўтганлиги юзасидан низолашиб, индивидуаллаштириш воситасининг рўйхатдан ўтганини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш мумкин.

Агар товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткич ва товар келиб чиқкан жой ном сифатида товар белгиси сифатида рўйхатга олиш мумкин бўлмаган белгилар рўйхатга олинган бўлса ёхуд товар белгисини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби бузиб рўйхатга олинган бўлса, рўйхатга олиш тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Индивидуаллаштириш воситаларига бўлган белгиларни ва жой номларини рўйхатга олишни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича талаб белгини

амал қилиш даврида берилиши мумкин. Бироқ, айрим талаблар бўйича товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатга олганликни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича **5 йиллик даъво муддати қўлланилади**.

Мисол учун, ҳаммага маълум бўлган товар белгиси товар белгиси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, бу бўйича даъво муддати қўлланилади. Товар белгиси рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 5 йил ичида мазкур асос билан уни рўйхатдан ўтганлигини ҳақиқий эмас деб топиш мумкин.

Шунингдек, устуворлик ҳуқуқи бўйича низолашилаётган товар белгисининг рўйхатдан ўтганлигини ҳақиқий эмас деб топиш бўйича талабни ҳам товар белгиси давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 5 йил ичида тақдим этиши мумкин.

Товар белгисини рўйхатдан ўтганлиги суд ёхуд апелляция комиссияси томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткич ва товар келиб чиқсан жой номларини рўйхатдан ўтганлигини тугатиш асослари:

1) товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткич ва товар келиб чиқсан жой номларини рўйхатдан ўтганлик муддатининг тугаши билан;

2) товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткич ва товар келиб чиқсан жой номи эгаси бўлган жисмоний шахснинг вафот этиши билан ёки юридик шахснинг тугатилиши билан;

3) товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткич ва товар келиб чиқсан жой номи эгасининг аризасига кўра;

4) товар белгисидан 3 йил давомида фойдаланилмаса суд қарорига кўра;

5) товар белгиси ўзининг ўзига хослиги ва ўхшашлиги туфайли истеъмолчини маҳсулот ва унинг ишлаб чиқарувчиси тўғрисида чалғитиши мумкин бўлса тугатилиши мумкин.

Эксперт ташкилоти товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткич ва товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтганлигини уларнинг рўйхатдан ўтганлиги тугатилиши ёки рўйхатдан ўтганлиги ҳақиқий эмас деб топилиши билан бекор қиласи ва бу тўғрисида реестрга маълумот киритади.

Домен номларига бўлган ҳуқуқлар

Қозоғистон Республикасида домен номларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги маҳсус қонунчилик Қозоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Интернет тармоғининг Қозоғистон

сегменти худудида домен номларини рўйхатдан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва тарқатиш тўғрисида”ги Қоидалар билан тартибга солинади.

Домен номи – интернет-манзиллаш қоидаларига мувофиқ шакллантирилган, маълум бир тармоқ манзилига мос келадиган ва интернет манзилига муайян ном остида мурожаат қилишга мўлжалланган рамзий (ҳарф-рақам) белгидир.

Домен номларининг Интернет тармоғининг Қозогистон сегментида фаолияти билан боғлиқ муносабатлар Қозогистон Республикаси юрисдикциясига тегишли масала ҳисобланади. Интернет тармоғининг Қозогистон сегменти майдони бу - Қозогистон Республикаси худудида жойлашган аппарат ва дастурий таъминот тизимларида жойлаштирилган Интернет-ресурслар тўплами ҳисобланади. Ана шу майдондан жой эгаллаш муайян домен манзиллари орқали амалга оширилади. Домен номи ўз навбатида интернет хизматларини кўрсатувчининг индивидуаллаштирилган воситаси ҳисобланиб, бу маҳсулотни ва уни ишлаб чиқарувчисини ажратиш учун ишлатилади.

Қозогистон Республикасининг давлат эҳтиёжлари учун ишлатиладиган ва қисқартирилган домен номлари **захирага олинган ёки захираланган домен номлари** ҳисобланади. Улардан умумманфаатлар юзасидан фойдаланиш мумкин.

Қўйидаги доменлар Қозогистон Республикасида захираланган домен номлари ҳисобланади:

ORG.KZ - нотижорат ташкилотлари, Қозогистон Республикаси резидентлари учун учинчи даражали домен номларини рўйхатдан ўтказиш учун мўлжалланган;

EDU.KZ - таълим фаолияти учун лицензияга эга бўлган Қозогистон Республикаси резидентлари ташкилотлари учун учинчи даражали домен номларини рўйхатдан ўтказиш учун мўлжалланган;

NET.KZ - Қозогистон Республикаси Транспорт ва коммуникациялар вазирлигининг тегишли лицензияларига эга бўлган маълумотларни узатиш тармоқлари соҳасидаги ташкилотлар учун учинчи даражали домен номларини рўйхатдан ўтказиш учун мўлжалланган;

GOV.KZ - Қозогистон Республикаси давлат сектори ташкилотлари учун учинчи даражали домен номларини рўйхатдан ўтказиш учун мўлжалланган;

MIL.KZ - Қозогистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ташкилотлари учун учинчи даражали домен номларини рўйхатдан ўтказиш учун мўлжалланган;

СОМ.KZ - тијорат ташкилотлари учун учинчи даражали домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтган товар белгиларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган.

Домен номларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига Домен номи маъмури томонидан аккредитация қилинган Қозоғистоннинг резиденти бўлган юридик шахслар эга.

Қозоғистон Республикасида домен номларини рўйхатдан ўтказувчи юридик шахслар мавжуд. Домен номларини рўйхатдан ўтказиш хусусий секторга тегишли. Мазкур юридик шахслар домен номларини домен номларининг ягона реестирига киритишади. Шунингдек, улар домен номлари ва улар эгалари тўғрисидаги маълумотларида ўзгариш бўлган тақдирда ўзгаришларни киритади ҳамда домен номларини реестранд ӯчиради.

Мисол учун PS Cloud Services компанияси Қозоғистон Республикасида 2006 йилдан бери домен номлари рўйхатдан ўтказиб келади.

Домен номини рўйхатдан ўтказиш учун домен номларини рўйхатдан ўтказувчи юридик шахсга (регистраторга) ариза билан мурожаат қилинади. Улар ариза келиб тушгандан сўнг 3 иш куни ичидаги қўйидагиларни текширади:

1) аризада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги, шу жумладан домен номи қўлланиладиган Интернет тармоғининг Қозоғистон сегменти худудида сервер ускунасининг жойлашуви тўғрисидаги маълумотлар;

2) сўралган домен номини ариза бериш вақтида рўйхатдан ўтказиш учун мавжудлиги;

3) рўйхатдан ўтказиш сўралган домен номининг Интернет стандартларига мувофиқлиги: RFC-1032, RFC-1034, RFC-1035, RFC-1122, RFC-1133, RFC-1591;

4) захираланган домен номи белгиларининг мавжуд эмаслиги;

5) рўйхатдан ўтказиш сўралган домен номидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган суд қарорининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

6) рўйхатдан ўтказиш сўралган домен номи мазмунида Қозоғистон Республикаси қонулари билан тақиқланадиган маълумотнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини.

Домен номини рўйхатдан ўтказувчи (регистр) домен номини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза келиб тушгандан сўнг юқоридаги ҳолатларни текшириб уни рўйхатдан ўтказишга қаршилик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, домен номини рўйхатдан ўтказувчи (регистратор) билан домен номини рўйхатга ўтказишга ариза берган шахс (регистрант) ўртасида

шартнома тузилади. Шундан сўнг регистратор домен номи тўғрисидаги маълумотларни ягона реестрга киритади.

Домен номлари улар тўғрисидаги маълумотлар реестрга киритилган пайтдан эътиборан рўйхатга олинган ҳисобланади.

Интернет тармоғининг Қозоғистон сегменти ҳудудида домен номидан фойдаланиш қуидаги ҳолларда тўхтатилади:

1) рўйхатдан ўтказувчининг домен номини рўйхатдан ўтказиш учун берган аризасида кўрсатилган рўйхатга оловчи тўғрисида нотўғри маълумотлар аниқланганда;

2) Интернет ресурсда Интернетдан хавфсиз фойдаланишга таҳдид соладиган заарли дастурлар аниқланганда;

3) домен номидан фойдаланиши тўхтатиб туриш тўғрисидаги қонуний кучга кирган суд қарори мавжуд бўлганда;

4) ваколатли органдан ёки Ахборот хавфсизлигини мувофиқлаштириш миллий марказидан хабар олинган ахборот хавфсизлиги ҳодисаси рўйхатга оловчи томонидан бартараф этилмаганда;

5) хавфсизлик сертификати мавжуд бўлмаганда (маҳаллий ёки хорижий);

6) Интернет-ресурсларни Қозоғистон Республикаси ҳудудидан ташқарида аппарат-дастурий комплексларга жойлаштирилганда;

7) Ахборот хавфсизлиги операциялари марказидан ёки Ахборот хавфсизлиги ҳодисаларига жавоб бериш хизматидан, тармоқ Ахборот хавфсизлиги операциялари марказидан олинган Интернет-ресурсда фишинг аниқланганлиги тўғрисида билдиришнома мавжуд бўлса.

Интеграл микросхемалар топологияси

Қозоғистон Республикасида интеграл микросхемалар топологиясининг ҳуқуқий ҳимояси “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Интеграл микросхемалар топологияси муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинади ва унинг муаллифида мутлақ ҳуқуқлар мавжуд бўлади.

Интеграл микросхема топологияси деганда қонунчиликка кўра интеграл микросхемалар тўпламишининг фазовий-геометрик жойлашуви ва улар ўртасидаги моддий ташувчига маҳкамланган уланишлар.

Интеграл микросхема топологиясининг ҳуқуқий ҳимояси фақат топологиясининг асл нусхасига нисбатан қўлланилади. Муаллифнинг ижодий фаолияти натижасида яратилган топология оригиналдир. Акси исботланмагунга қадар топология оригинал ҳисобланади.

Интеграл микросхема топологиясининг ва ундаги ғоялар, усуллар, тизимлар, технология ёки кодланган ахборотга ҳуқукий ҳимоя татбиқ этилмайди.

Агар топологияни яратишда бир неча шахслар иштирок этган бўлса, уларнинг барчаси унинг муаллифлари (ҳаммуаллифлари) ҳисобланади. Ҳаммуаллифларга тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги келишув билан белгиланади. Топологияни яратишда шахсий ижодий ҳисса қўшмаган, лекин муаллифга фақат техник, ташкилий ёки моддий ёрдам қўрсатган ёки унга бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш ва ундан фойдаланишга ҳисса қўшган шахслар муаллифлар деб эътироф этилмайди.

Интеграл микросхема топологиясига бўлган муаллифлик ҳуқуки дахлсиз шахсий номулкий ҳуқуқ бўлиб, муддатсиз ҳимоя қилинади.

Интеграл микросхема топологиясига мутлақ ҳуқуқ. Топологияга мутлақ ҳуқуқ топология муаллифига ёки иш берувчига ёки буюртмачига ёхуд уларнинг ҳуқукий ворисларига тегишилдири. Ҳуқуқ эгаси топологиядан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай усулда, хусусан, бундай топологияга эга бўлган интеграл микросхемалар ишлаб чиқариш йўли билан фойдаланишга, шу жумладан, ушбу топологиядан бошқа шахслар томонидан тегишли рухсатисиз фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Бир нечта топология муаллифларига ёки бошқа ҳуқуқ эгаларига тегишли бўлган мутлақ ҳуқуқдан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги келишув билан белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, уларнинг ҳар бири ҳимояланган топологиядан ўз хоҳишига кўра фойдаланиши мумкин, лекин бошқа муаллифлик ҳуқуки эгаларининг розилигисиз унга лицензия бера олмайди ёки мутлақ ҳуқуқни бошқа шахсга бера олмайди.

Интеграл микросхема топологиясини рўйхатдан ўтказиш. Топология муаллифи ёки бошқа муаллифлик ҳуқуки эгаси эксперт ташкилотига рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш орқали топологияни рўйхатдан ўтказишга ҳақли.

Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар қозоқ ёки рус тилларида тақдим этилади. Агар қўрсатилган ҳужжатлар бошқа тилда тақдим этилган бўлса, эксперт ташкилоти аризага илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотларнинг таржимасини талаб қилишга ҳақли. Таржима ариза билан бир вақтда ёки ариза олинган кундан бошлаб икки ой ичида топширилиши керак.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза топологиядан биринчи марта фойдаланилган кундан бошлаб икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши мумкин.

Рўйхатдан ўтиш учун ариза битта топологияга тегишли бўлиши ва ўзида қуидаги маълумотларни акс эттирган бўлиши керак:

- 1) топологияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза, унда муаллиф ва номига рўйхатдан ўтказиш сўралётган шахслар, шунингдек уларнинг яшаш жойи ёки жойлашган жойи, топологиядан биринчи фойдаланиш санаси, агар мавжуд бўлса;
- 2) топологияни аниқловчи материаллар, шу жумладан реферат;
- 3) агар рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза вакил орқали берилган бўлса, ишончнома.

Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун келиб тушган ариза бўйича экспертиза ўтказилади. Экспертизанинг ижобий натижаси билан топология Интеграл микросхемалар топографияларининг давлат реестрида рўйхатга олинади ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Рўйхатдан ўтишдан олдин талабнома берувчи ариза материалларини тўлдириш, аниқлаштириш ва тузатиш хуқуқига эга. Муаллифлик хуқуқи эгаси бўлмаган топология муаллифига эксперт ташкилоти томонидан муаллифлик гувоҳномаси берилади.

Интеграл микросхемалар топографияларининг давлат реестрига киритилган маълумотлар, акси исботланмагунча ишончли ҳисобланади.

Топологияга мутлақ хуқуқнинг амал қилиши муддати. Топологияга бўлган мутлақ хукуқ топология рўйхатга олинган қундан бошлаб ўн йил давомида амал қиласи. Агар топология рўйхатга олинмаган бўлса, кўрсатилган ўн йиллик муддат ушбу топология ёки ушбу топологияга эга интеграл микросхемалар дунёning исталган мамлакатида биринчи марта қўлланилганлигининг хужжатлаштирилган санасидан бошлаб ҳисобланади.

Топологияга бўлган мутлақ хуқуқнинг бузилиши. Топологияга бўлган мутлақ хуқуқнинг бузилиши муаллифлик хуқуқи эгасининг рухсатисиз қуидаги ҳаракатларни содир этишда ифодаланади:

- 1) топологияни тўлиқ ёки унинг бир қисмини интеграл микросхемага киритиш ёки бошқача тарзда нусхалаш, унинг фақат асл бўлмаган қисмини нусхалаш бундан мустасно;
- 2) топологияни, ушбу топологияга эга интеграл микросхемани ёки бундай интеграл микросхемани ўз ичига олган маҳсулотдан фойдаланиш, импорт қилиш, сотишга таклиф қилиш, сотиш ва фуқаролик муомаласига бошқа тарзда киритиш.

IV БОБ. ФУҚАРОЛИК СУДЛОВ ИШЛАРИНИ ЙОРИТИШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

4.1-§. Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш: мулкий ҳуқуқларни жамоавий бошқариш институти мисолида

Муаллифлик ҳуқуқини таъминлашда жаҳонга ўрнак бўладиган мамлакатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, ушбу соҳадаги қонунчилик нормаси механизмларини таъминлашда мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар алоҳида ўринга эга бўлиб, муаллифлик ҳақларини йиғиш ва тақсимлашнинг энг **самарали воситаси** ҳисобланади. Зеро, бундай ташкилотларнинг асосий вазифалари қаторида ўз аъзолари ҳисобланган ижодкорларнинг асарлари реестри ва ундан фойдаланувчилар ҳисобини юритиш, тегишли муаллифлик ҳақи (гонорар)ни йиғиш ҳамда тақсимлашдан иборат. Шуни таъкидлаш керакки, тарихда бу каби институт дастлаб Францияда пайдо бўлган. Кейинчалик, яъни XIX аср охири ва XX аср бошларида Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам шу каби жамоат бирлашмалари фаолияти йўлга қўйила бошланди.

Муаллифлик ҳуқуқини жамоавий бошқариш институти туфайли муаллифлик ҳуқуқлари индивидуал асосда амалга оширилиши мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган мутлақ мулк ҳуқуқларини амалга ошириш мумкин. Айнан мазкур институтнинг самарали фаолият кўрсатиши Ўзбекистоннинг муаллифлик ҳуқуқи соҳасида имзолаган шартномалари доирасидаги мажбуриятларини бажариш имкониятини оширишда ҳам муҳим ўрин тутади. Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар – бу ҳуқуқ эгаларининг номидан ҳаракат қилувчи ташкилот ҳисобланади. Ҳуқуқ эгалари номидан бу каби ташкилотлар фойдаланувчилар билан тарифларни келишади, муҳофаза қилинадиган асарлардан фойдаланиш бўйича лицензияларни беради, асарлардан фойдаланишдан тушган маблағларни ўз аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда фойдаланиш тартибини назорат қиласди.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларга қўйиладиган асосий талаблардан бири бу – улар фаолиятидаги шаффоффлик ва йиғилган муаллифлик ҳақларини белгиланган шартларда ва муддатда тўланиши ҳисобланади. Шунга кўра ҳамда сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам бу каби ташкилотлар сони ортиб бораётганлиги муносабати билан Ҳукуматнинг “Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва улар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида”ги қарорини қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби

айнан муаллифлик соҳасидаги ваколатли органга юклатилиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, Беларусь Республикаси, Сингапур, Филиппин каби мамлакатларда интеллектуал мулк бўйича ваколатли орган томонидан мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш (аккредитация) тажрибаси мавжуд. Шу билан бирга, таклиф этилаётган ушбу қарорда муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар таъсисчиларининг минимал сони ҳамда устав капиталини белгилаб ўтилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунда ҳам ушбу ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш шартлари ва тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши кўрсатилган.

Ҳозирда мамлакатимизда бир қатор бу турдаги жамоат бирлашмалари фаолият бошлаган бўлиб, бугунги кунга келиб уларнинг сони ўсиб, (6 та) шу билан бирга фаолияти такомиллашиб бормоқда. Хусусан, биргина 2019 йилда 3 та муаллифлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида рўйхатдан ўтказилди. Таққослаш учун бундай ташкилотлар Озарбайжонда 2 та, Туркияда 28 та, Тожикистанда 2 та, Қозогистонда 8 тани ташкил этмоқда, Қирғизистонда эса Қирғизпатент томонидан муаллифлар ва ҳуқуқ эгалари учун фойдаланувчилардан муаллифлик ҳақларини йигишиш ва тақсимлаш ишлари амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бир қатор мамлакатларда муаллифлик жамиятлари ҳаттоки, ишчилар касаба уюшмаларидан ҳам илгари тузилган. Бугунги кунга келиб бу каби ташкилотларнинг минтақавий ва халқаро ассоциациялари ҳам фаолият юритмоқда. Булар сирасига ёзувчилар ва бастакорлар бирлашган халқаро конфедерацияси (CISAC), нусха кўчириш ташкилотлари халқаро федерацияси (IFRRO), ижро чиларнинг Европа ташкилотлари ассоциацияси (AEPO) кабиларни киритиш мумкин.

Маълумот сифатида эътибор қаратадиган бўлсак, Муаллифлар ва бастакорлар халқаро конфедерация (CISAC) 130 дан ортиқ мамлакатдан 250 дан ортиқ мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларини бирлаштирган ташкилот бўлиб, 2017 йилда ушбу ташкилот таркибига кирувчи жамоат бирлашмалари томонидан йиғилган муаллифлик ҳақлари (гонорар) миқдори 447,8 млн АҚШ долларини ташкил этган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоясини таъминлашга доир бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, муаллифлар, турдош ҳуқуқ эгалари ҳамда бошқа ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, уларнинг муаллифлик ҳақи (гонорар)ни **адолатли олинишини** таъминлаш шулар жумласидандир.

Муаллифлар ва хукуқ эгалари ўзларининг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик хукуки ва турдош хукуқлар тўғрисида”ги Қонунига кўра фан, адабиёт ва санъат асарларининг муаллифлари, ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар ёки бошқа хукуқ эгалари ўз мулкий хукуқларини жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар тузишга ҳақлидир.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 58-моддасига асосан бу каби ташкилотлар қуйидаги хукуқларга эга:

- тўланадиган ҳақ миқдорини ва шартномаларнинг тузилишига доир бошқа шартларни фойдаланувчилар билан келишиб олиш;
- бундай ташкилот бошқараётган хукуқлардан фойдаланиш учун фойдаланувчилар билан шартномалар тузиш;
- ташкилот тўланадиган ҳақни йиғиш билан шартнома тузмасдан шуғулланган тақдирда, бундай ҳақ миқдорини фойдаланувчилар билан келишиб олиш;
- шартномаларда назарда тутилган ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш;
- бундай ташкилот ўзи бошқараётган хукуқларни ҳимоя қилиш учун зарур бўладиган **ҳар қандай юридик ҳаракатларни бажариш**;
- шундай ташкилот томонидан белгиланган тартибда асарларни ва (ёки) турдош хукуқлар обьектларини, шунингдек асарларга ва (ёки) турдош хукуқлар обьектларига бўлган хукуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олишни ва (ёки) сақлашга топширишни амалга ошириш.

Мулкий хукуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар ва муаллифлар ўртасидаги хукуқий муносабатлар топшириқ шартномаси хусусиятига эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 817-моддасига кўра, топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган битим бўйича хукуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчida вужудга келади. Топшириқ вакил томонидан бир ёки бир неча муайян юридик ҳаракатларни содир этиш ҳақида ёки топшириқ берувчининг ишларини унинг кўрсатмаларига мувофиқ юритиш ҳақида берилиши мумкинлиги белгиланган. Яна шуни қайд этиш лозимки, одатда амалиётда мулкий хукуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар кўпроқ муаллиф ва бастакорлар мулкий хукуқларини ҳимоячиси сифатида кўрилади. Бунга сабаб ижрочиларнинг даромад олиш манбалари кўплиги, хусусан бунда мусиқий нашриётлар алоҳида ўрин тутишлиги қайд этилади. Сабаби мусиқий нашриётлар асосан ижрочи ёки фонограмма тайёрловчи ёки овоз ёзувчи студиялар билан ишлайди

ҳамда даромад манбаси сифатида ижтимой тармоқлар кўрсатилади (Youtube, Instagram каби).

Ваҳоланки, мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар ҳам турдош ҳуқуқлар субъектлари мулкий манфаатлари ифодачиси ҳисобланишади. Хусусан, ушбу жиҳат Жаҳон савдо ташкилотининг ТРИПС битими нормаларига мувофиқ келади.

Муаллифлик ҳуқуқи обьектлари рўйхатдан ўтказилмаслиги нуқтаи назаридан ўз навбатида мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларга ҳуқуқ эгалигини тасдиқлаш ва аниқлаштириш билан боғлиқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг 65-моддасига кўра мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот мулкий ҳуқуқларни бошқариш шундай ташкилот томонидан амалга оширилаётган шахсларнинг бузилган муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, қонунда белгиланган тартибда ўз номидан ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир. Шунингдек, мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ўз ҳуқуқлари қаторида ўзи бошқараётган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун зарур бўладиган ҳар қандай юридик ҳаракатларни бажариш ҳуқуқига эга. Айнан ушбу турдаги ташкилот томонидан муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳолатни қўйидаги мисол орқали ҳам кўриш мумкин.

Жорий йилнинг 13 январ куни Фуқаролик ишлар бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судида мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот – даъвогар “Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жамияти”нинг ўз аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири У.Азимов манфаатлари юзасидан жавобгар С.Жавбердиевга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи бузилишига чек қўйиш, муаллифлик ҳуқуқлари бузилганлиги учун товон (компенсация) пули ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги аризаси юзасидан суд мажлиси бўлиб ўтди. Аҳамиятли жиҳати ушбу суд иши ўзининг йўналиши нуқтаи назаридан Ўзбекистонда кўриб чиқилган дастлабки суд ишлари қаторига киради. Даъвогар, яъни “Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жамияти” жавобгардан муаллиф фойдасига 245 000 000 миллион сўм товон пули ва 100 000 000 миллион сўм маънавий зарар ундиришни ҳамда жавобгар томонидан қўшиқ қилиб ижро этилган “Карвон” шеърини турли оммавий манбалар (интернет, турли телекоммуникация тармоқлари, ижтимоий тармоқлар)дан олиб ташлашни сўраган. Юқоридаги суд мажлиси қарорига кўра, мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот – “Ўзбекистон Республикаси

Муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жамияти”нинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилди. Суд қарорига кўра, жавобгар С.Жавбердиевдан базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдоирда товон пули ва 40 000 000 сўм маънавий зарар ундирилиши белгиланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 августдаги “Интеллектуал мулк обьектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунга заарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг ҳусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда зарар қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда тўланиши лозим бўлган товонни тўлашни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг 65-моддасига мувофиқ, **муаллиф**, турдош ҳуқуқлар эгаси ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси ҳуқуқбузардан ҳуқуқларни тан олишини, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклашини ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини юзага келтирадиган харакатларни тўхтатишини ҳамда ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқи бузилмаган тақдирда, у фуқаролик муомаласининг одатдаги шароитларида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромади миқдоридаги заарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган. Ушбу моддадаги “мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси” дейилганда айнан мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот назарда тутилганлигини таъкидлаш лозим.

Юқоридаги норма орқали товон миқдори чегараларининг қонунчиликка киритилиши судлар учун жавобгарлик чорасини белгилашда муҳим асос бўлиб хизмат қилди дейиш мумкин. Зеро, илгари бу каби норма мавжуд эмас эди ва судлар томонидан товонни белгилаш билан боғлиқ ҳолатлар деярли кузатилмаган.

Мазкур суд ишида яна бир ўзига хос жиҳати унда муаллиф номидан мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот даъво ариза билан чиққанлигидир. Зеро, бу каби жараён ҳам Ўзбекистонда илк маротаба кузатилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига кўра мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ўзи қайси ҳуқуқ эгаларининг номидан иш кўраётган бўлса, шу ҳуқуқ эгаларининг номидан ва

улардан олинган ваколатлар асосида ўзи бошқараётган хуқуқларни ҳимоя қилиш учун зарур бўладиган ҳар қандай юридик ҳаракатларни бажариш хуқуқига эга. Шунингдек, мазкур қонуннинг 65-моддасига кўра мулкий хуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот мулкий хуқуқларини бошқариш шундай ташкилот томонидан амалга оширилаётган шахсларнинг бузилган муаллифлик хуқуқлари ва турдош хуқуқларини ҳимоя қилиб қонунда белгиланган тартибда ўз номидан ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир. Демак, Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни нормаларига мувофиқ бу каби ташкилотларга ўз аъзоси бўлган ижодкорлар номидан уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш учун барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ваколати мавжуд деган хulosага келиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги 7-сон Қарорида **маънавий зарар** деганда жабрланувчига қарши содир этилган хуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилиши белгиланган. Ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)нинг обьекти бўлиб фуқарога туғилган вақтидан буён ва қонунга мувофиқ тегишли бўлган номоддий манфаатлари (ҳаёти, соғлиғи, шахснинг қадр-қиммати, ишchanлик обрў-эътибори, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сири), шахсий номулкий хуқуқлари (ўз номидан фойдаланиш хуқуқи, **муаллифлик хуқуқи ва бошқа номулкий хуқуқларнинг интеллектуал фаолият натижаларини қонунларга кўра хуқуқий муҳофаза қилиш**) ва мулкий хуқуқлари (уй-жой дахлсизлиги, мулк хуқуқи ва бошқалар)ни бузилиши бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, юқоридаги суд иши доирасида учинчи шахс сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги ҳам жалб этилган бўлиб, унинг хulosасига кўра юридик ва жисмоний шахслар асардан фақат хуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкий хуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин. Агентлик вакили ушбу иш доирасида юқоридагиларга асосан, С.Жавбердиев муаллифнинг розилигисиз унинг асаридан фойдаланган ва “Муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқлар тўғрисида”ги Қонун талабларини бузганлигини баён қилиб, қонуний қарор

қабул қилишни сўраган. Шуни таъкидлаш керакки, илгари интеллектуал мулк соҳасидаги ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги айнан муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси билан боғлиқ низоларда деярли иштирок этмаган эди. Буни Агентликнинг қуидаги расмий ҳисоботларидан олинган маълумотлар орқали ҳам кўриш мумкин.

**Интеллектуал мулк агентлигининг интеллектуал мулк соҳасидаги суд низоларида иштироки юзасидан статистикаси
(2017-2019 й.)**

2017 йил							
Иштирок этиш мақоми	Ихтиро	Товар белги-си	Селекция ютуғи	Фойдали модель	Саноат намунаси	Муаллиф-лик ҳуқуқи	Жами
Жавобгар сифатида	1	13	-	-	5	-	19
Учинчи шахс сифатида	-	62	-	-	4	-	66
Жами:	1	75	-	-	9	-	85
2018 йил							
Иштирок этиш мақоми	Ихтиро	Товар белги-си	Селекция ютуғи	Фойдали модель	Саноат намунаси	Муаллиф-лик ҳуқуқи	Жами
Жавобгар сифатида	1	22	-	-	2	-	25
Учинчи шахс сифатида	-	61	-	1	-	-	62
Жами:	1	83	-	1	2	-	87
2019 йил							
Иштирок этиш мақоми	Ихтиро	Товар белги-си	Селекция ютуғи	Фойдали модель	Саноат намунаси	Муаллиф-лик ҳуқуқи	Жами
Жавобгар сифатида	-	30	-	-	-	-	30
Учинчи шахс сифатида	5	64	1	-	-	-	70
Жами:	5	94	1	-	-	-	100

Шу билан бирга, Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлааро судида ҳам “Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жамияти” (UzAvtor) томонидан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” Кўзиев Тоир Асқарович манфаатлари юзасидан киритилган даъво аризаси қўриб чиқилди. Ушбу киритилган даъво аризасининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, яъни жамият томонидан мамлакатимизда илк маротаба муаллиф рухсатисиз унинг асаридан фойдаланганлик учун ресторон судга берилди. Яъни, муаллиф Тоир Кўзиевнинг “Cumite” номли мусиқий асаридан унинг розилигини олмасдан фойдаланган Тошкентдаги машхур ресторонлардан бирига нисбатан суднинг ҳал қилув қарори ўқиб эшитирилди. Ҳал қилув қарорида жавобгарга (*номини ошкор қилмаслигимизни илтимос қилган*) нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунига биноан муаллиф Кўзиев Тоир Асқарович фойдасига 5 миллион сўм товон пулинини (бой берилган фойда) тўлаб бериш мажбурияти юклатилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сўнгти йилларда Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ низоли ишлар ошиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан ушбу йўналиш институтлари (мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар) фаол ишлаётганлигидан ҳамда ижодкорларнинг ўз ҳуқуқларини тушуниб етаётганлигидан дарак беради. Шу билан бирга, ҳозирда Ўзбекистонда муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоясини таъминлашга доир бир қатор ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаш керак. Хусусан, муаллифлар, турдош ҳуқуқ эгалари ҳамда бошқа ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, уларнинг муаллифлик ҳақи (гонорар)ни адолатли олинишини таъминлаш шулар жумласидандир.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотлардан келиб чиқиб, мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фаолиятига доир қўйидаги хulosаларга келиш мумкин:

Биринчидан, мулкий ҳуқуқларни бошқариш билан шуғулланадиган ташкилотлар бевосита субъектларнинг ошкора умумий йиғинларида, сайлаш орқали ва бошқа субъектларнинг аъзо бўлиб киришига имкон берадиган йўналишларда тузилиши керак.

Иккинчидан, мулкий ҳуқуқларни жамоа бўлиб бошқариш билан шуғулланадиган ташкилотлар ҳуқуқ эгалари шартнома асосида ўтказган ҳуқуқларнигина амалга ошириши лозим.

Учинчидан, субъектлар хоҳлаган вақтда бу ташкилотларнинг назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш имкониятини олишлари керак.

Тўртинчидан, бу ташкилотлар хуқуқ эгаларининг манфаатларини хорижда ифода этиши лозим.

Бешинчидан, бу ташкилотлар муаллифлик хуқуқининг турли соҳалари бўйича тузилиши мумкин.

Мазкур таклифлар бўйича ишларни тўғри ва тизимли тарзда йўлга қўйилиши, ўйлаймизки муаллифлик хуқуқини ҳимоясини таъминлашга бу орқали эса ижодкорлар меҳнати учун тегишли ҳақларни тўланишига ҳамда мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожланишига олиб келади.

4.2-§. Ўзбекистонда патент хуқуқи ва индивидуаллаштириш воситаларини ҳимоя қилиш амалиёти

Патент хуқуқи – интеллектуал мулкнинг энг қийин институтларидан бири ҳисобланади, сабаби патентни ҳимоя қилиш ва расмийлаштириш учун нафақат қонунчиликни билиш, балки техника соҳасидаги тегишли билимга эга бўлиш ҳам талаб этилади. Патент – бу кашфиёт ёки бирор янгилик, ишлаб чиқариш ускунаси намунаси каби бирор-бир нарсага бўлган муаллифнинг мутлақ хуқуқини тасдиқловчи хужжат бўлиб, унинг асосий вазифаси муаллифнинг интеллектуал хуқуқини ҳимоя қилишдир. Шунингдек, Патент хуқуқи ислом хуқуқшунослигида ҳам тан олинади ва ҳимоя қилинади⁶⁴.

Патент олиш жараёни, патент олувчининг масъулиятлари ва хуқуқлари турли мамлакатларда турличадир. Патент эгасига бериладиган мутлақ хуқуқлар бошқаларнинг (учинчи томоннинг) патентланган ихтирони рухсатсиз ясаси, кўллаши, сотиши ёки тарқатиши олдини олади.

Патентлар интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб, улар нафақат аниқ ихтиро қилинган машинани ёки жараённи, балки айни пайтда ихтиро қилинган машинанинг вариантлари ёки асосида ётиши мумкин бўлган жараёнларни ҳам хуқуқий муҳофаза қиласиди⁶⁵.

Бундан ташқари, патентлар компанияларнинг янги ва инновацион ғоялар ва технологияларидан максимал фойда олиш имкониятларини оширишнинг бош воситаси ҳисобланади. Ҳеч кимга сир эмаски, билимларга асосланган замонавий иқтисодиётда инновацион компаниянинг патент стратегияси унинг ишбилармонлик стратегиясининг асосий компонентидир. Асл ихтиро ва ғоялар замонавий иқтисодиётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи, билим ресурсларини, айниқса янги ғоялар ва концепцияларни бошқариш тезкор ўзгараётган бизнес-муҳитдаги рақобатчилик шароитида ҳар бир

⁶⁴ Ислом молияси. Исломда ақл-заковат, муаллифлик ва номоддий бойликларга эга бўлган хуқуқ [Электрон ресурс] islommoliyasi.uz. 06.07.2020.

⁶⁵ Jeffrey I. Auerbach. Patent law principles and strategies. — USA, 2006. — 30 р.

компаниянинг имкониятларини ўзгартириш, мослаштириш ва янги имкониятлардан фойдаланиш лаёқати учун муҳим аҳамиятга эга. Биргина инновацион ғоя ортидан вужудга келган янгилик ҳайратланарли даражадаги ютуқларни келтириб чиқариши ёки банкротлик бўсағасида турган компанияларнинг келажагини ўзгартириши мумкин, буни Apple ҳамда Fortune 500 каби молиявий гигантлар ҳам исботлаганлар.

Мамлакатимизда патентлар билан ишлаш ҳали ривожланмаган. Бошқа мамлакатлар компаниялари патентлар билан фаол ишламоқда — улар сотиб олиш ва сотиш, патент ҳавзаларини яратиш, компаниянинг капиталлашувида патентлар ва савдо белгиларидан фойдаланиш, шунингдек, ўз маҳсулотларини бозорларга олиб чиқиш ёки ташқи бозорларда товарлар ва хизматлар билан билвосита рақобатлашиш борасида жадал фаолият юритмоқда, АҚШ ҳатто бизнес усусларини ҳам патентламоқда⁶⁶.

Илм-фандада турли мезонлардан фойдаланган ҳолда, патент ҳукуқининг кўплаб тамойиллари таъкидланган. Албатта, патент ҳукуки қоидалари барча фуқаролик қонунчилиги тамойиллари билан тавсифланади. Ушбу тамойилларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-моддасида (муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этиш, мулкнинг дахлсизлиги, шартноманинг эркинлиги, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўйилмаслиги, фуқаролик ҳукуқлари тўсқинликсиз амалга оширилиши, бузилган ҳукуқлар тикланиши, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлиги ва бошқалар) келтирилган.

Интеллектуал мулк тизимининг ҳар қандай институтида бўлгани каби патент ҳукуқининг ҳам биринчи қоидаси ихтиrolар, фойдали моделлар, селекция ютуқлари ва саноат намуналарини яратадиган шахсга мутлақ ҳукуқларни тақдим этиш ва уларни ҳимоя қилишdir. Бу нафақат бутун патент ҳукуки тизими унинг устига қурилган пойdevor, шу билан бирга инсониятнинг илмий ва технологик ривожланишида ихтироилар учун энг муҳим рағбатлантирувчи омиллардан биридир. Бу қоида ижросини таъминлаш зарурияти асрлар давомида ўз тасдифини топган ва нафақат мамлакатларнинг ички қонунчилигига, балки бир қатор халқаро шартномаларда ҳам белгиланган.

Патент эгасининг патентланган объектдан фойдаланишда мутлақ ҳукуқларни тан олиниши қоидаси ҳимояланган объектни тайёрлаш, фойдаланиш, импорт қилиш, сотишга таклиф қилиш, сотиш ёки бошқа йўл

⁶⁶ Ирода Ёқубова. Интеллектуал мулк – инновацион ривожланишнинг зарурий омили. Янги Ўзбекистон. 6 ноябрь 2020 йил. [Электрон ресурс] yuz.uz/news.

билин фуқаролик муюмаласига киритиш (тижорат айланмаси) хуқуқига фақат патент эгасигина эга эканлигини билдиради. Шартнома ёки қонун билан ҳимояланган ҳар қандай хуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиниши ва хуқуқбузар эса қонунда назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилиши даркор.

Бироқ хукуқ эгасининг қонун билан берилган “имтиёзлари” чекланмаган эмас. Мутлақ хукуқлардаги чекловлар, асосан, фавқулодда вазиятларга қарши курашиш, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш зарурияти, ахолининг ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиқади, Ўзбекистон Республикаси 2002 йил 29 августдаги “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги 397-II-сонли Қонунининг 12-моддасида батафсил ёритилган. Жумладан, унга қўра, қуйидаги ҳоллар патент эгаси мутлақ хукуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайди:

- Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган саноат мулки обьектларидан таркиб топган қурилмаларни Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси иштирокчиси бўлган бошқа давлатнинг транспорт воситасида мазкур восита вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси худудида турган вақтда, башарти бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бўлса, қўллаш;
- патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки обьектларидан таркиб топган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажриба ўтказиш;
- патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки обьектларидан таркиб топган воситаларни табиий оғатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда қўллаш;
- патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки обьектларидан таркиб топган воситаларни, агар бу воситалар фуқаролик муюмаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса, қўллаш;
- патентлар билан муҳофаза қилинаётган саноат мулки обьектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий мақсадларда қўллаш;
- дорихоналарда шифокор рецепти бўйича дори воситаларини бир маротабалик тайёрлаш.

Бундай чекловлар патент хукуқининг иккинчи қоидаси сифатида кўрилади. Уни бошқача қилиб патент эгаси ва жамият манфаатлари ўртасидаги балансга риоя этиш қоидаси деб ҳам аташ мумкин⁶⁷.

Патент хукуқи обьектларининг таркибий элементини ҳимоя қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш талаблари. Асар шаклинни ҳимоя қилувчи

⁶⁷ Патентное право: конспект лекций учебного курса. Составители Кожарская И.Ю., к.ю.н. Прахов Б.Г. — К.: ЗАО Институт интеллектуальной собственности и права, 2003. – С140.

муаллифлик ҳуқуқидан фарқли равища, патент ҳуқуқи илмий-техника соҳасидаги ақлий фаолият натижаларининг муҳим элементини ҳимоя қиласи.

Патент ҳуқуқининг яна бир қоидаси — мутлақ ҳуқуқлар ва ихтирони давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза бериш ҳуқуқининг ўзаро нисбатидир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1083-моддасига кўра патент билан муҳофазаланган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан ўз хоҳишича фойдаланишдаги алоҳида ҳуқуқ, шу жумладан, муҳофазаланган ечимларни қўлланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, патент билан муҳофазаланган технологик жараёнларни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш, муҳофазаланган ечимга эга бўлган маҳсулотларни сотиш ёки сотишга таклиф этиш, тегишли маҳсулотларни четдан келтириш ҳуқуқи патент эгасига тегишилидир. Фуқаролик кодексининг 1084-моддасида эса патентга бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш қоидалари назарда тутилган бўлиб, унга кўра, патент олиш ҳуқуқи, талабномани рўйхатдан ўтказишдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар, патентга эгалик ҳуқуқи ва патентдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман берилиши мумкин.

Мутлақ ҳуқуқни ўтказиш, шунингдек, обьектдан фойдаланиш ҳуқуқини шартномалар асосида (лицензия шартномаси) ёки шартномадан ташқари воситалар билан (мерос, гаровга қўйиш ва ҳ.к.) бошқаларга берилиши мумкин. Нафакат патент ҳуқуқи учун, умуман фуқаролик ҳуқуқи учун шартноманинг эркинлик тамойилини қўллаш хосдир. Ушбу тамойилдан чекланиш Ўзбекистон Республикаси “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Конунининг 11-моддасида патент эгалари патент рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил мобайнида саноат мулки обьектидан фойдаланмаса ёки етарли даражада фойдаланмаса, ушбу муҳофаза этилаётган саноат мулки обьектидан фойдаланишни хоҳловчи ва фойдаланишга тайёр ҳар қандай шахс, патент эгаси лицензия шартномаси тузишдан бош тортган тақдирда, ўзига мажбурий номутлақ лицензия беришни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Илм-фанда патент қонун қоидаларини таснифлаш бўйича бошқа фикрларни ҳам учратиш мумкин, гарчи кўпчилик тадқиқотчилар фақатгина патент ҳуқуқи учун қўлланиладиган қоидаларни алоҳида ажратмай интеллектуал мулк тизими учун умумий қоидаларни белгилашади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 октябрдаги “Патент вакиллари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 887-сонли Қарори билан тасдиқланган Патент вакиллари тўғрисидаги низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 5-бандига асосан, номзодни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда патент вакилини аттестациядан ўтказиш Агентлик томонидан

Агентлик белгилайдиган патент вакилларини аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Патент вакиллигига номзоднинг аттестацияси патент вакили сифатида фаолиятни амалга ошириш истагини билдирган жисмоний шахснинг патент вакилига қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда патент вакиллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 298-сонли Қарори билан тасдиқланган “Патент вакиллари тўғрисида”ги Низоми Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 октябрдаги “Патент вакиллари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 887-сонли Қарори билан низомга бир неча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Унга кўра мазкур низомнинг 2-бандига мувофиқ, патент вакили — юридик ёки жисмоний шахслар номидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Интеллектуал мулк департаменти ҳамда бошқа ташкилотлар олдида интеллектуал мулк обьектларига ҳуқуқий муҳофаза олиш ва уни амалга ошириш масалалари бўйича вакиллик қилиш ҳуқуқи берилган жисмоний шахс тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, агар ихтиро сифатида кўрсатилган обьект янги, ихтириолик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Ихтиронинг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва қайтариб олинмаган талабномалар ҳам ҳисобга олинади. Ихтиро, башарти уни саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда қўллаш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади. Башарти, ихтирога оид талабнома, шу ихтирога тааллуқли маълумот муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита ушбу маълумотни олган бошқа ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор қилинган санадан бошлаб олти ойдан кечиктирмай Агентликка топширилган бўлса, бу ҳолат ихтиронинг патентга лаёқатлигини тан олишга таъсир кўрсатадиган вазият сифатида эътироф этилмайди. Бундай ҳолда ушбу фактни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади. Курилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги мақсадда қўлланилиши ихтиро сифатида эътироф этилади.

Қўйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди:

илмий назариялар ва математика усуллари;

хўжаликни ташкил этиш ва бошқариш усуллари;
шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;
ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;
электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва
схемалари;
эстетика талабарини қаноатлантиришга йўналтирилган, маҳсулотлар-
нинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;
интеграл схемаларнинг топологиялари;
ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;
жамоат манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид
ечимлар.

Замонавий ихтиrolарнинг қўп қисми йирик ишларнинг ва илмий-
тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига (ИТТКИ) киритилган узоқ
муддатли инвестицияларнинг натижаси бўлган ҳолда ҳам, бошқа кўпчилик
ихтиrolар оддий ва арzon бўлиб, лекин катта фойда келтирадиган техник
такомиллаштиришлардан иборат бўлса ҳам ихтирочиларга ёки компанияларга
катта даромад ва фойда олиб келади⁶⁸.

Фойдали модель ва ихтиronинг табиати битта. Мутахассислар фойдали
моделларни кичик ихтиrolар деб аташади. Фойдали моделилар ҳам ихтирога
ўхшаб техник воситалардан фойдаланиши назарда тутувчи техник
муаммоларнинг техник ечимлари ҳисобланади. Фойдали модельдан
фойдаланганда техник натижа (ҳодиса, сифат) намоён бўлади. «Кичик»
таърифи фойдали моделиларга қўлланилиши фойдали моделиларни патентлашда
ихтиrolардан кўра уларга қўйиладиган талабни камайтиради. Бошқача қилиб
айтганда, фойдали моделин яратиш ихтирога қараганда камроқ ижодий куч
талаб қиласи. Ихтиrolарга тегишли таснифлаш турлари назарий жиҳатдан
фойдали моделиларга ҳам тегишли.

Фойдали моделилар “қисқа муддатли патентлар”, “кичик патентлар”,
“инновацион патентлар” кўринишида маълум бўлган. Қўп мамлакатларда
аввалдан мавжуд бўлган маҳсулотдаги кичик такомиллаштиришларнинг баъзи
кўринишлари фойдали модель сифатида муҳофаза қилинади.

Фойдали моделиларнинг ўзига хос томонлари: Фойдали моделиларга
муҳофаза тақдим этиш шартлари юмшоқроқ, чунки “ихтирочилик даражаси”
талабининг мавжудлиги юмшатилиши ёки умуман бўлмаслиги мумкин
(Ўзбекистон Республикаси «Ихтиrolар, фойдали моделилар ва саноат

⁶⁸ Келажакни ихтиро қилиб // Интеллектуал мулк бизнес учун “Кичик ва ўрта
корхоналар учун патентлар” мавзусига кириш. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент
идораси, 2011.

намуналари тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ фойдали моделнинг патентга лаёқатлилик шартлари “саноатда қўллаш мумкинлик” ва “янгилик” дан иборатdir). Фойдали моделлар муҳофаза тақдим этиш процедураси одатда ихтиrolарга патент беришга қараганда қисқароқ ва соддароқ. Патент олиш ва уни кучда сақлаб туриш учун патент божи ихтиrolарга патент беришга қараганда камроқ. Фойдали моделларга тақдим этиладиган муҳофазанинг максимал муддати ҳам ихтиро патенти муддатига қараганда қисқароқ.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, фойдали моделларни муҳофаза қилиш кенг қўлланиладиган мамлакатлар, жумладан, Германия, Корея, Тайван, Хитой, ва Япония каби мамлакатларда ихтиrolар ва фойдали моделлар учун талаб қилинадиган патент олиш стандартлари ўртасидаги жиддий фарқлар мавжуд. Германияда ихтиро ва фойдали моделлар патентлари ўртасида имтиёз давридан ташқари қўшимча фарқлар бор, фойдали моделларга ҳимоя тақдим этиш учун Германиядан ташқарида жамоатчилик фойдаланишида бўлганлик тўсиқ ҳисобланмайди.

Баъзи мамлакатларда фойдали моделлар маълум бир техника соҳаси билан чекланган бўлиб факат маҳсулотга (усулга эмас) (Ўзбекистон Республикасида факат қурилмага) оид бўлиши мумкин ва одатда фойдали моделга талабномани ихтирога бўлган талабномага ўзгартириш мумкин.

Фойдали модель сифатида кўрсатилган обьект, башарти у янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, хуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади. Фойдали модель, башарти унинг муҳим аломатлари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги деб ҳисобланади. Талабнома топширилган фойдали модель амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган воситалар ҳақидаги ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотлар, шунингдек уларни қўллашга доир маълумотлар техника тараққиёти даражасига киритилади. Фойдали модель, башарти ундан амалда фойдаланиш имкони бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади. Башарти фойдали моделга оид талабнома, шу фойдали моделга тааллуқли маълумот муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита ушбу маълумотни олган бошқа ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор қилинган санадан бошлаб олти ойдан кечиктирмай Патент идорасига топширилган бўлса, бу ҳолат фойдали моделнинг янгилигига таъсир кўрсатадиган вазият сифатида эътироф этилмайди. Бундай ҳолда ушбу фактни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади. Амалиётбоп қилиб тайёрланган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари, шунингдек уларнинг таркибий қисмлари фойдали моделлар жумласига киради.

Ўзбекистон Республикаси “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” Конунининг 2002 йилнинг 29 августида қабул қилинган янги таҳририга мувофиқ саноат намунасига буюмнинг ташқи кўринишини белгилайдиган унинг бадиий-конструкторлик ечимлари тааллуқли бўлади. Саноат намунаси сифатида талабнома берилган обьектга, агар у янги ва оригинал бўлса, ҳуқуқий муҳофаза берилади. Босма маҳсулотлар, архитектура обьектлари (кичик архитектура шаклларидан ташқари), саноат, гидротехника ва бошқа муқим иншоотлар, суюқ, газсимон, сочилиувчан ёки уларга ўхшаш моддалардан тайёрланган мустаҳкам бўлмаган шаклдаги обьектлар, буюмнинг мутлақ техник функциясидан келиб чиқадиган ечимлар, жамоатчилик манфаатлари, инсонпарварлик ва аҳлоқ принциплариларига қарши келадиган ечимлар саноат намунаси сифатида ҳисобланмайди. Саноат намунасига берилган патент талабнома Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига топширилган санадан бошлаб патент божлари тўланган ҳолда ўн йил давомида амал қиласди.


Патент ҳуқуки ихтиrolарни, фойдали моделларни (техник ижодкорлик соҳасида) ва саноат намуналарини (бадиий ва техник ижод соҳасида) расмий тан олиш, улардан фойдаланиш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуки институтидир.

Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи патент хужжати давлат томонидан ихтиро, фойдали модель ва саноат намунаси муаллифига (ҳаммуаллифлари) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрлари), иш берувчи билан муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига улар томонидан ихтиро ва фойдали модель формуласидаги маҳсулот ёки усулни ёки буюм умумий кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конфекцион харитасини очиб бериш эвазига ҳуқуқий муҳофаза бериш ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Бугунги кунда республикада илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ва инновация ишлари билан шуғулланувчи 229 та муассаса бўлиб улардан: 93 таси илмий тадқиқот муассасалари; 73 таси олий таълим муассасалари; 63 таси конструкторлик ва бошқа ташкилотлар. Кейинги 14 йилда мазкур ташкилотларда илмий тадқиқот билан шуғулланаётган 26145 нафар тадқиқотчи томонидан 5468 та интеллектуал мулк обьектига [3065 (56 %) — ихтиро, 1091 (20 %) — фойдали модель, 1312 (24 %) — саноат намунасига] патент олинган, шу ўтган даврда 4585 та интеллектуал мулк обьектига талабнома йўлланган. Қиёслаш учун шу ўтган даврда Европа иттифоқи ихтирочиларидан 1 млн 253 минг, Хитой Xалқ Республикаси ихтирочиларидан

2934 минг, Япония ихтирочиларидан 3 млн 426 минг, Жанубий Корея ихтирочиларидан 1 млн 512 минг, АҚШ ихтирочиларидан 4 млн 79 минг талабнома уларнинг патент идораларига тақдим этилган.

Интеллектуал мулк агентлигидаги расмийлаштирилган патентлар тўғрисида маълумот



Интеллектуал мулк агентлигининг расмий нашрларида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти стандартларини қўллаш.

БИМТнинг стандартлари саноат мулки масалалари бўйича ҳужжатлардаги маълумотлар билан ишлаш учун ягона умумий тизим саналади. Улар патентлар, товар белгилари ва саноат намуналарига тааллуқлидир ва саноат мулкига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишнинг барча босқичларида (ҳужжатларни топшириш, экспертизадан ўтказиш, нашр этиш, ҳимоя қилиш ва бошқалар), шунингдек маълумотларни тарқатиш мақсадларида қўлланилади.

БИМТ стандартларини қўллаш орқали бутун дунё бўйлаб интеллектуал мулк идоралари янада самарали, изчил ва тезроқ ишлашга қодир. Бундан ташқари, БИМТ стандартлари интеллектуал мулк идоралари ўртасидаги халқаро ҳамкорликни сезиларли даражада соддалаштиради ва оддий фойдаланувчиларга интеллектуал мулк бўйича маълумотларга кириш ва иловаларда улардан фойдаланишини осонлаштириш орқали ёрдам беради.

Ягона терминология ва форматлардан фойдаланиш, масалан техника даражаси бўйича маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатларга ҳаволалар беришнинг бир хил шакли интеллектуал мулк тизимларининг тезкорлиги ва иқтисодий самарадорлигини ошириши мумкин. Бу интеллектуал мулк идораларининг ишини соддалаштиради, халқаро ҳамкорликни осонлаштиради ва интеллектуал мулк маълумотларини янада тушунарли қиласди. Улар Патент бўйича ҳамкорлик шартномаси (РСТ), Мадрид ва Гаага тизимлари каби глобал интеллектуал мулк хизматларини тақдим этишда, шунингдек интеллектуал

мулк идоралари томонидан нашрларни тайёрлашда, глобал интеллектуал мулк маълумотлар базаларида ва IPAC, Wipo Publish каби интеллектуал мулк идоралари учун дастурий таъминотларда фойдаланилади.

БИМТнинг стандартлари дунёдаги энг яхши амалиётларни акс эттиради. Улар БИМТ томонидан ўтказиладиган йиғилишларда ва онлайн форумларда кўплаб мамлакатлар мутахассислари ёрдамида ишлаб чиқилган⁶⁹.

БИМТ стандартларидан кимлар фойдаланади деган саволга эса қуйидагича жавоб бериш мумкин. БИМТнинг стандартлари учта асосий фойдаланувчилар гурӯҳига мўлжалланган бўлиб, улар турли тизимларда ва турли тилларда ҳужжатлар билан ишлашни осонлаштиришга мўлжалланган:

1. Интеллектуал мулк идоралар ҳужжатларни ракамлаш, бошқа идоралар билан битта тилда мулоқот қилиш, расмий нашрларни тайёрлаш ва бошқа мақсадларда БИМТ стандартларидан фойдаланадилар. БИМТнинг стандартлари Интеллектуал мулк идораларига ахборот тизимларини модернизация қилишда ҳам ёрдам беради.

2. Интеллектуал мулк маълумотларидан фойдаланувчилар мамлакатлар ва ташкилотларни кодлари бўйича аниқлаш, келтирилган ҳужжатларни қидириш ва қидирув ҳисботларини кўриш учун БИМТ стандартларини қўллашлари мумкин.

3. Интеллектуал мулк ҳимоясини олишга интилаётган талабнома берувчилар аввалги ҳужжатларга мурожаат қилганда, адабиётлар (манбалар) рўйхатини тақдим қилганда, рақамлаштиришга аризаларини тайёрлаётганда ва саналарини кўрсатганда БИМТ стандартларидан фойдаланадилар.

БИМТнинг стандартлари, тавсиялари ва қўрсатмалари учун асосий манба – БИМТнинг саноат мулки тўғрисидаги маълумот ва ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича қўлланмаси (WIPO Handbook on industrial Property Information and Documentation) ҳисобланади.

Индивидуаллаштириш воситалари – бу баъзи бир товарлар, хизматлар, шахслар ва корхоналарни бошқа ўхшаш товарлардан ажратиб турадиган маркетинг белгиси; бу товарлар, хизматлар, шахслар ва корхоналарни қўплаб бир хил товарлардан ажратиш учун ишлатиладиган белгилар. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги индивидуаллаштириш воситаларининг хуқуқий таърифини бермайди, фақат маълум турларни тавсифлайди.

Кўпинча “интеллектуал фаолият натижаларини индивидуаллаштириш воситаси” ибораси ишлатилади. Аммо, барча интеллектуал фаолият натижалари индивидуаллаштирилмайди. Баъзан муаллифлик хуқуқи обьекти сифатида ҳимояланадиган Электрон ҳисоблаш машиналари учун

⁶⁹ URL: https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/ru/wipo_pub_standards_flyer.pdf.

дастурларини индивидуаллаштириш мумкин. Бироқ, бу ҳолда, дастурлар интеллектуал мулк обьекти сифатида эмас, балки товар сифатида индивидуализация қилинади.

Товар ва хизмат кўрсатиш белгилари бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиласиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Товар белгисининг асосий мақсади истеъмолчиларга бирон-бир товар белгиси эгаси, яъни тадбиркорлик билан шуғулланадиган юридик ёки жисмоний шахснинг товарлари ёки хизматларини индивидуаллаштириш ва рақобатчилар таклиф этаётган айнан бир хил ёки бир турдаги товарлар ёки хизматлардан фарқлаш имконини беради. Шунингдек, товар белгиси ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини ўзаро соғлом рақобатини таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласиди⁷⁰.

Индивидуаллаштириш воситаларига ҳуқуқий ҳимоя таъминланадиган шароитда саноат мулкининг барча турлари иккита асосий тоифага бўлинади: давлат органларида рўйхатдан ўтиши шарт бўлган ва рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайдиган обьектлар. Индивидуаллаштириш воситаларининг иккинчи турига мисол қилиб рўйхатдан ўтказмасдан фойдаланиш мумкин бўлган тижорат сири киради.

Бундан ташқари, индивидуаллаштиришнинг барча воситалари эгасининг турига қараб уч турга бўлинади:

биринчи, юридик шахсларни индивидуаллаштириш воситалари (фирма номлари);

иккинчи, тижорат фаолиятида фойдаланиладиган ва давлат органларида рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган идентификация қилиш воситалари (масалан, товар келиб чиқсан жой номлари);

учинчи, алоҳида товарларни (брэндлар) индивидуаллаштириш воситалари ёки бутун фирмалар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар (хизмат кўрсатиш белгилари, товар белгилари).

Индивидуаллаштириш воситаларининг барчasi ҳам интеллектуал мулк обьекти саналса-да, интеллектуал фаолият натижаси саналмайди. Мисол сифатида товар келиб чиқсан жой номлари мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий обьектнинг товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий обьектга хос

⁷⁰ Б.Ходжаев. Товар белгиларини тижоратлаштириш ҳамда баҳолашнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари/хорижий эксперталар иштирокида видеоконференция шаклида) Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.:ТДЮУ, 2020. – 336 б.

табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номидир. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи худди шу жўғрофий объектда жойлашган ва айнан шундай хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётган бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ҳам берилиши мумкин. Бу эса товар келиб чиқсан жой номларини мутлақ ҳуқуқлар обьектига тааллуқли эмаслигини кўрсатади.

Индивидуаллаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқларнинг яна бир ўзига хос жиҳати уларни яратган шахслар эмас, балки ўз номига расмийлаштирган шахслар бу ҳуқуқларнинг мутлақ эгаси саналади. Ушбу воситаларга бўлган мутлақ ҳуқуқлар субъектлари таркиби бошқа интеллектуал мулк обьектларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар субъектларига нисбатан чекланган, чунки индивидуаллаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқлар, биринчи навбатда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилади. Бу субъектлар қаторига тижорат ташкилотлари (хўжалик субъектлари, жамиятлар ва унитар корхоналар) ва якка тартибдаги тадбиркорлар киради.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 2001 йил 30 августдаги «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида»ги 267-II-сон Қонуни, 2006 йил 18 сентябрдаги «Фирма номлари тўғрисида»ги ЎРҚ-51-сон Қонуни билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 65-боби (Фуқаролик муомаласи қатнашчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштириш воситалари) фирма номи, товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) ва товар чиқарилган жой номи каби индивидуаллаштириш воситаларига ҳуқуқий муҳофаза берилишини назарда тутади.

Хизмат кўрсатиш белгиси ҳам товар белгиси каби – бир юридик ёки жисмоний шахснинг хизматларини бошқа юридик ёки жисмоний шахсларнинг худди шу турдаги хизматларидан фарқлашга ёрдам берадиган ҳамда ўз соҳиби номига тегишли тартибда расмийлаштирилган нишон-тамғадир. Бундай белгилар сифатида сўзлар, ҳарфлар, рақамлар, тасвирлар, муайян шакллар, логотиплар, этикеткалар ва уларнинг бирикмалари, бир ёхуд турли рангдаги жамланма ифодалар рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

“Фирма номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади, чет эл юридик шахсининг фирма номи эса, чет эл юридик шахси Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида фуқаролик муомаласи иштирокчиси сифатида фаолиятни амалга оширишни бошлаган санадан эътиборан ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин. Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши керак.

Фирма номига бўлган ҳуқуқ. Юридик шахс ўз фирма номидан фойдаланишда ва бошқа юридик шахсларга ушбу фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда мутлақ ҳуқуққа эга. Юридик шахс товарларда, уларнинг идиши ва ўровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисобварагларда, босма нашрларда, расмий бланкаларда ва ўзининг фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда, шунингдек маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўtkазилаётган кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этиш вақтида фирма номидан фойдаланишда алоҳида ҳуқуққа эга.

Чет эл юридик шахсининг фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқи шу юридик шахс таъсис этилган мамлакатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳужжат билан тасдиқланади. Фирма номидан товар белгисининг (хизмат кўрсатиш белгисининг) элементи сифатида фойдаланилиши мумкин.

Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ **Фирма номида:**

1) давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматлараро ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи (кўрсатиб ўтилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки ташкилотнинг рухсати бўлса, фирма номига киритилиши мумкин);

2) тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган рухсатсиз;

3) фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан мамлакат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

4) жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган белгилар **кўрсатилмаслиги керак.**

Фирма номида:

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан

ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиқкан жойларнинг номлари билан, шундай номдан фойдаланиш хуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар ҳам кўрсатилмаслиги керак.

Фирма номига бўлган мутлақ хуқуқни ундан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш:

- юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш мақсадида суд қарори тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;
- ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрликлар, идишлар ва ўровлардан хуқуқбузар ҳисобидан олиб ташлаш;
- ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрликлар, идишлар ва ўровлардан олиб ташлаш мумкин бўлмаган тақдирда, уларни хуқуқбузар ҳисобидан йўқ қилиб ташлаш;
- контрафакт товарлар, ёрликлар, идишлар ва ўровларни фирма номига бўлган хуқуққа эгалик қилувчи юридик шахсга бериш орқали амалга оширилади.

Фирма номига бўлган мутлақ хуқуқни ундан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усуслар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Товар белгиси. Индивидуаллаштириш воситаларининг ушбу тури маълум бир маҳсулотнинг маълум бир ишлаб чиқарувчига тегишли эканлигини ва уни бошқа компанияларнинг ўхшаш маҳсулотларидан ажратиш учун ишлатилади. Масалан, Ferrari, Coca-cola, Rafaello. Товар белгиси график, уч ўлчовли, товушли ва бошқа шаклларга эга бўлиши мумкин.

Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини хуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида”ги 267-II-сон Қонуни орқали тартибга солинади. Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби эса “Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидлари”да белгиланган.

Бу индивидуаллаштириш воситалари қуйидаги шаклларда мавжуд бўлиши мумкин.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг З-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ тасвиirlар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Сўзли белгиларга сўзлар, сўз кўринишига эга бўлган ҳарфий бирикмалар (хусусан, ҳар қандай кетма-кетликдаги унлилар ва ундош товушларнинг бўғин ҳосил қилувчи бирикмалари), сўз бирикмалари, гаплар, шунингдек уларнинг бирикмалари киради.

Тасвирий белгиларга жонли мавжудотлар, предметлар, табиий ва бошқа объектлар тасвиirlари, ва шунингдек чизиқлар, доғлар, ҳар қандай фигуralарнинг текислиқдаги композициялари (ҳажмлиларидан ташқари) киради.

Ҳажмли белгиларга фазовий жойлашган уч ўлчамли объектлар, фигуralар ва чизиқлар ва фигуralарнинг комбинациялари киради.

Жамлама белгиларга турли хусусиятдаги яъни тасвирий, сўзли, муайян шаклдаги ҳажмли ва бошқа элементлар комбинацияси киради.

Товар белгилари индивидуаллаштириш воситасининг энг машҳур тури. Тадбиркорлик субъектлари ўзларининг маҳсулотларини, товарлар, ишлар ва хизматларини (бу ўринда товар белгиси хизмат кўрсатиш белгиси деб аталади) рақобатчиларнинг ўхшашиб маҳсулотлари, ишлар ва хизматлари орасида ажратиш учун ишлатилади. Фуқаролик Кодексида фақат “товар белгилари” атамаси қўлланилади, аммо амалда товар белгилари ҳар хил турларга бўлинади — логотиплар, брендлар, савдо маркалари ва бошқалар.

Товар келиб чиқсан жой номи. Индивидуаллаштириш воситаларининг ушбу тури маҳсус ва ноёб маҳсулотни идентификациялаш учун ишлатилиши (ишлаб чиқариш хусусиятлари ёки бошқа сабабларга кўра) туфайли шуҳрат қозонган географик объектнинг номи.

Товар келиб чиқсан жой номи бир нечта белгиларга эга:

Худудий объектнинг номи — мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий обьект ва бошқалар — тўлиқ ёки қисқартирилган шаклда, расмий ёки норасмий бўлиши мумкин.

Жуғрофий худуднинг ўз-ўзидан машҳурлиги эмас, фақат бу ерда ишлаб чиқарилган баъзи маҳсулотлар билан боғлиқлик нуқтаи назаридан муҳим саналади: “Borjomi” минерал суви, Грузия лаваши ва бошқалар. Жуғрофий худуднинг машҳурлиги ижтимоий сўровномалар орқали аниқланади.

Маҳсулотнинг ноёб хусусиятлари уни ишлаб чиқарилган жойнинг географик, табиий, иқлиний ва бошқа хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши керак (масалан, ушбу худудда ўстирилган турли хил узум навларидан минерал

сувлар ёки шароблар) ёки инсон омилига боғлиқ маҳсулотлар (Чуст пичоқлари).

Аслида, индивидуаллаштиришнинг жуда фаол ишлатиладиган яна бир тури мавжуд: домен номлари. Домен номи ёки веб-сайт манзили Интернетдаги сайтни белгилайдиган белгидир. Домен номлари домен зоналарига киритилган ва фойдаланувчиларга ўзлари хоҳлаган Интернет сайтларига ёки тармоқ манбаларига киришларига имкон беради.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ти Қонуннинг 27-моддасига кўра, домен номида ишлатилиши ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2014 йил 30 декабрдаги 94мҳ-сон қарорига илова қилинган “UZ” доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар”га асосан, Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиши сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки анча илгарироқ устуворликка эга бўлган домен номлари, товар келиб чиқсан жой номи бўлган домен номлари, фирма номлари (муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно) билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшашиб бўлган доменин рўйхатдан ўтказиш тақиқланади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасида домен номларининг хуқуқий муҳофазаси бўйича маҳсус норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиниши ва бу соҳадаги қонунчилик такомиллаштирилиши лозим, зеро домен номларидан фойдаланиш амалиётини қонуний тартибга солиш зарурияти замон талабига айланиб ултурган.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маълумотларига кўра дунёда 2018 йилда 14 321 800 та товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар берилган⁷¹. Ушбу кўрсаткич 2017 йилда 12 387 660 тани⁷², 2016 йилда 9 768 200 тани ташкил қилган бўлиб⁷³, 2015 йилга нисбатан 16.4 фоизга кўпдир. Талабномалар беришда Хитой (51.4 %), АҚШ (4.5 %), Япония (3.6 %), Европа давлатлари (2.7 %) ва Эрон (2.7 %) етакчи ҳисобланади. Бу

⁷¹ WIPO IP Facts and Figures 2019

URL: http://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_943_2019

⁷² WIPO IP Facts and Figures 2018

URL: http://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_943_2018

⁷³ WIPO IP Facts and Figures 2017

URL: http://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_943_2017

маълумотлар 2018 йил ҳолатида Хитой (46.3 %), АҚШ (5.0 %), Япония (4.5 %), Европа давлатлари (3.0 %) ва Эрон (2.9 %)ни ташкил этган. Бундан Хитойнинг товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш борасида келиб тушаётган талабномалар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда ва мамлакат бу борада мутлақ етакчи ҳисобланади.

Товар келиб чиққан жой номлари ва географик номларнинг муҳофазаси. Агар географик (жуғрофий ном) – масалан, минтақа, жой ёки мамлакат номи – истеъмолчига маҳсулотнинг келиб чиқиши тўғрисида маълумот беришдан ташқари, маҳсулот муайян ўзига хос хусусиятларга мос келишини таъминлаш учун хизмат қиласа, товар келиб чиққан жой номи (Geographical indication) ёки географик жой номи (Appellation of Origin — географик кўрсаткич) деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиши белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ти Конунида интеллектуал мулкнинг товар келиб чиққан жой номлари обьектига қуидагича таъриф берилади: «Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий обьектнинг товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий обьектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг биримаси билан белгиланадиган номи товар келиб чиққан жой номи деб эътироф этилади».

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида эса ушбу обьект товар чиқарилган жой номи (келиб чиқиш кўрсаткичи) деб эътироф этилади.

Товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш ва уларни ҳалқаро рўйхатдан ўтказиш бўйича Лиссабон шартномасида эса товар келиб чиққан жой номларига қуидагича таъриф берилади: «бу мамлакатда, минтақада ёки аҳоли пунктида, унинг сифати ёки хусусиятлари батамом ёки асосан ушбу географик муҳитга, шу жумладан табиий ва инсон омилларига боғлик бўлган маҳсулотни белгилаш учун хизмат қилувчи жуғрофий номни англатади».

Товар келиб чиққан мамлакат – бу маҳсулот ёки унинг номи обрўсини берган товар келиб чиққан жой номини ташкил этувчи жой ёки минтақада жойлашган мамлакат.

Маҳсулотнинг асл келиб чиқишига тақлид қилишнинг ҳар қандай шакли, ҳатто жой номи таржима қилинган шаклда ишлатилса ҳам ёки “усул”, “тур”, “ўхшаш” каби сўзларни қўшиб ишлатиш ҳам ҳуқуқий муҳофазага таҳдид ҳисобланади. Жўғрофий обьектнинг тарихий номи товар чиқарилган жойнинг номи бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига кўра, гарчи жўғрофий обьектнинг номи бўлса-да ёки шу номни ўз таркибига олган бўлса-да, аммо Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товарнинг у тайёрланган

жой билан боғлиқ бўлмаган белгиси сифатида умумий истеъмолга кириб кетган белги товар чиқарилган жой номи деб эътироф этилмайди ва хукуқий муҳофаза мақсадларида рўйхатдан ўтказилмайди. Бироқ бу ҳол бундай номдан инсофиззик билан фойдаланиш натижасида хукуки бузилган шахсни ўз хукуқларини қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан муҳофаза қилиш имкониятидан маҳрум этмайди.

Географик жой номлари, асосан қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ва ўзининг маҳсус хусусиятлари туфайли бозорда яхши мавқе қозонган аниқ бир худудда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни белгилаш учун ишлатилади. Ушбу хусусиятлар худуд билан боғлиқ бўлган ҳарорат, намлик, тупроқ ва шу кабиларни ўз ичига олади, масалан, цейлон чойи. Географик кўрсаткич сўзлар ёки рақамлар ёки иккаласининг комбинацияси бўлиши мумкин.

Кўпинча географик жой номлари товарларнинг келиб чиқиши жойининг номидан иборат, масалан, “*Jamaica Blue Mountain*” (Ямайка Блю Маунтин) қаҳваси ёки “*Darjeeling*” (Дарджилинг) чойи каби. Аммо географик бўлмаган номлар, масалан, “*Vinho Verde*” (*Вино Верди*) – Португалияning Минью провинциясида ишлаб чиқариладиган яшил вино тури, “*Cava*” (Испанияда ишлаб чиқариладиган газланган вино) ёки “*Argan Oil*” (Мароккода ишлаб чиқариладиган ўсимлик ёғи) ёки жой билан боғлиқ бўлган таассурот ўйғотувчи белгилар географик кўрсаткични ташкил қилиши мумкин. Аслида, белги географик кўрсаткич вазифасини бажарадими ёки йўқми – бу миллий қонунчилик ва истеъмолчиларнинг идрокига боғлиқдир.

1994 йилда географик кўрсаткичлар муҳофазаси борасида алоҳида бўлимни ўз ичига олган Интеллектуал мулк хукуқининг савдога оид жиҳатлари тўғрисидаги битим (ТРИПС битими) қабул қилинганидан бери, интеллектуал мулкнинг ушбу шакли сиёсатчилар ва савдо-сотиқ вакиллари, музокарачилар, шунингдек ишлаб чиқарувчилар (асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари), хуқуқшунослар ва иқтисодчиларнинг диққатини тортмоқда. ТРИПС битимининг географик кўрсаткичлар бўйича бўлимида ҳозирги кундаги сиёсатини анъанавий равишда олиб борувчи чекланган мамлакатлар рўйхатидан ташқарида тобора кўпроқ мамлакатларга мурожаат қилинмоқда.

Географик кўрсаткичлар интеллектуал мулкнинг анъанавий обьектларидан деб ҳисобланади. 1883 йилдаги Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг 1(2)-моддасида “манба белгилари” (*Indication of Source*) ва “товар келиб чиқсан жой номлари” (*Appellation of origin*) саноат мулки обьекти сифатида кўрсатилади. Худди шу модданинг (3) бандида “саноат мулки” атамаси “саноат ва тижорат” билан чегараланиб қолмай, балки қишлоқ хўжалиги ва қазиб олиш соҳаларига, шунингдек, “вино, ғалла, дон маҳсулотлари, тамаки барги, мевалар, қорамол, минераллар,

минерал сувлар, пиво, гуллар, ун ва бошқалар” каби барча ишлаб чиқарилган ёки табиий маҳсулотларга нисбатан қўлланилади.

Париж конвенцияси имзоланганидан кейинги даврда географик ва товар келиб чиқкан жой номларининг кўп томонлама ҳимоя даражасини оширишга қаратилган кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилди, бу эса 1891 йилдаги “Товарлар келиб чиқкан манбалар тўғрисидаги ёлғон ёки чалғитувчи белгиларга қарши кураш тўғрисида”ги Мадрид битими, 1958 йилда “Товар келиб чиқкан жой номларини муҳофаза қилиш ва уларни халқаро рўйхатдан ўтказиш бўйича” Лиссабон шартномаси ва ТРИПС битимида географик кўрсаткичлар бўйича маҳсус бўлимни киритилишига олиб келди.

ТРИПС учун бўлган музокаралар давомида Европа Иттифоқи, айниқса Франция, географик кўрсаткичларни, жумладан Шампань, Бургундия ва “Cotes-du-Rhone” (Кот-дю-Рон) каби вино ишлаб чиқарувчи жойларни ТРИПС битими муҳофазаси таркибига киритиш масаласида қатъий позицияни илгари сурди. Яна бир муаммо АҚШ ва Европа Иттифоқи ўртасида келиб чиқиши асли Европа бўлган винолар учун чалғитувчи номлар вино маҳсулотлари, масалан Калифорнияда етиштирилган узумдан тайёрланувчи винолар учун умумий номга айланганлиги, бу борада қўшимча муҳофаза тури киритилишига эҳтиёж келтириб чиқарди.

Битимнинг 23-моддаси биринчи қисмида вино ва спиртли маҳсулотлар учун қўшимча муҳофаза сифатида географик кўрсаткичлар киритилди. Бунда улар “тур”, “усул”, “ўхшаш” каби иборалардан фойдаланиш сабабли омма томонидан асл товар келиб чиқкан жой номи билан чалкаштирилиши хавфи мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам ҳимоя қилинадиган бўлди. Муҳофазанинг бу даражаси 22-моддада кўрсатилган муҳофазанинг умумий қоидаларига қараганда анча юқори ва кенгроқ ҳимоя даражасини яратди.

Ўзбекистон Республикасида “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Шу ўринда, бу икки обьектни ўзаро фарқлаш керак. Товар келиб чиқкан жой номларининг келиб чиқиши минтақаси билан алоқаси торрок: унинг ўзига хос хусусиятлари нафақат инсон омилларига, балки табиий шароитларга ҳам боғлиқ. Шунинг учун хом ашё товар ишлаб чиқариладиган жойда топилиши, маҳсулотни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва ишлов бериш жараёни айнан шу шароитда амалга оширилиши керак. (масалан: Текила ичимлиги).

Юқоридаги таъриф товар келиб чиқкан жой номлари маҳсулот ишлаб чиқарилган жой номидан иборат эканлигини англатади. Шу билан бирга, жой номлари бўлмаган, аммо маҳсулот билан боғлиқ бўлган бир қатор анъанавий белгилар Лиссабон битими бўйича (масалан, “Реблошон (*Reblochon*) – пишлок

ва “*Vinho Verde*” – яшил вино) товар келиб чиққан жой номлари сифатида химояланганлиги қизик.

Баъзан, худуд билан боғлиқ маълум бир обрўга эга бўлган, аммо бошқа сифатлари келиб чиқиши жойига таалуқли бўлмаган маҳсулотлар Лиссабон битимиға мувофиқ товар келиб чиққан жой номлари деб қаралмайди. Бироқ, бу талқин умумэътироф этилмаган.

Географик жой номларига келсак, келиб чиқиши жойи билан боғлиқлик қатъий эмас: табиий ва инсон омиллари таъсирисиз маҳсулотнинг мавқеи ёки бир неча ўзига хос хусусиятларидан бири географик келиб чиқиши жойи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, маҳсулотни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ёки ишлаб чиқариш жараёни келиб чиқиши минтақасида содир бўлиши кифоя, яъни маҳсулот сифатига ёки бошқа хусусиятига ёки фақат унинг мавқеига боғлиқ бўлган ягона мезон етарли бўлади. Бундан ташқари, хом ашёни ишлаб чиқариш ва географик жой номи маҳсулотини ишлаб чиқиши ёки қайта ишлаш тўлиқ белгиланган географик худудда бўлиши шарт эмас.

Шунга қарамай, товар келиб чиққан жой номи ва географик жой номи иккаласи ҳам улар бевосита кўрсатадиган маҳсулот ва унинг келиб чиқиши жойи ўртасида сифат боғлиқлигини талаб қиласди. Иккаласи ҳам истеъмолчиларга маҳсулотнинг жуғрофий келиб чиқиши, ишлаб чиқарилган жойи билан боғлиқ бўлган маҳсулотнинг сифати ёки тавсифи тўғрисида маълумот беради. Иккала атама ўртасидаги асосий фарқ шундаки, келиб чиқиши жойи билан боғлиқлик товар келиб чиққан жой номларида нисбатан кучлироқ бўлади.

Патент хуқуқи самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири саноат мулки обьектларини яратувчилар ва патент эгаларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашдир. Патент муҳофазасининг моҳияти шундан иборатки, ижодий меҳнати орқали жамият учун янги техник воситаларни яратган шахс, ушбу воситага монопол эгалик қилишдан қонун билан белгиланган муддат давомида фойда олиши кафолатланади, муддати тугаши билан у жамоат мулкига айланади. Бундай имкониятни тақдим этиш маҳсус процедура доирасида амалга оширилади, унга қўйидагилар киради: ушбу техник янгиликнинг яратилганлиги тўғрисида жамоатчиликка маълумот бериш (талабнома тузиш ва топшириш, талабнома материалларини нашр этиш, берилган патентлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш ва ҳоказо), ваколатли давлат органи томонидан ҳақиқатан ҳам мазкур техник ечим патентга лаёқатлиликнинг янгилик талабига жавоб бера оладими ва жаҳон техника даражасини бойитишга хизмат қила олишини текшириш (талабномани экспертизадан ўтказиш) ва ниҳоят, талабнома

берувчининг ҳуқуқларини кафолатлайдиган давлат номидан махсус ҳимоя ҳужжатини бериш.

Юқоридаги босқичлар кетма-кетликда амалга оширилгач, талабнома берувчида талабномада кўрсатилган интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар пайдо бўлади ва ушбу ҳуқуқларни тасдиқловчи патент ҳужжати берилади. Мазкур ҳужжат патент эгасининг патент олинган обьектнинг учинчи шахслар томонидан ноқонуний фойдаланишидан ҳимоялаш имконини беради.

Патентни бузиш ноқонуний, яъни патентланган ихтиронинг учинчи шахслар томонидан рухсатсиз ишлатилиши ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, патент бузилиши бу ихтиро предметидан у ёки бу тарзда очик ёки бемалол ифода этилган ва патент эгасининг хоҳишига зид равища розилигисиз фойдаланишдир.

Қонун ҳужжатлари ва суд амалиётида бир қатор қоидалар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ёрдамида патент бузилиши тушунчаси шарҳланади. Франция қонунчилигига патент эгасининг ҳуқуқлари бузилишининг таркиби батафсил келтирилади, унда бузилиш сифатида қуйидаги харакатлар кўзда тутилган:

- 1) патентланган ихтиро предмети бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- 2) патентланган маҳсулотни ёки тўғридан-тўғри патентланган усул билан олинган маҳсулотни Франция худудига олиб кириш, сотиш, сотиш учун таклиф қилиш, уни ишлатиш ёки сотиш мақсадида тўплаш;
- 3) патентланган ихтиро предмети бўлган усул ёки воситаларни қўллаш, сотиш ёки сотишга таклиф қилиш;
- 4) ихтирони лицензияси бўлмаган шахсга, ундан фойдаланиш учун таклиф этиш.

Патент ҳуқуки соҳасидаги бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун амалдаги қонун ҳужжатларида қуйидаги шакллар кўзда тутилган: суд ҳимояси, маъмурий процедура, фуқаролик ҳуқуки усувлари, жиноий жавобгарлик.

Маъмурий юрисдикция чекланган ваколатларга эга ва суд процедураси патентни ҳимоя қилишнинг асосий усули ҳисобланади. Патентдан келиб чиқадиган ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш бузилиш тўғрисида даъво аризаси бериш орқали амалга оширилади. Саноат мулки ёки селекция ютуғи муаллифлари, патент эгаси ва мутлақ лицензия эгаси судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Патент эгаси (агар лицензиат томонидан даъво қўзғатилса) ва лицензиат (патент эгаси томонидан даъво қўзғатилган тақдирда) ўзларига етказилган зарарни қоплаб берилишини сўраб мурожаат қилишлари мумкин.

Чет эллик талабнома берувчига берилган патент ҳуқуқлари бузилган тақдирда, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мажбурияти одатда шартнома, қонун ёки суд амалиётига мувофиқ мутлақ лицензия эгасига юкланди, чунки у ўз мамлакати суд тартибининг ўзига хос жиҳатлари билан яхшироқ таниш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун энг мақбул усулни танлай олади.

Суд ҳимояси тартиби. Судлар, жумладан фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар, ўзларининг ваколатлари доирасида қуйидаги низоларни кўриб чиқадилар:

- ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига муаллифлик ҳуқуқи бўйича;
- патент эгасини аниқлаш бўйича;
- муҳофаза қилинадиган саноат мулки обьекти патенти эгасининг мутлақ ҳуқуқлари ва бошқа мулк ҳуқуқи бузилганда;
- лицензия шартномаларини тузиш ва бажариш бўйича;
- аввал фойдаланганлик ҳуқуқлари бўйича;
- иш берувчи томонидан муаллифга ҳақ тўлаш бўйича;
- турли компенсацияларни тўлаш бўйича, шунингдек апелляция кенгаши ваколатига кирадиган бошқа низолар.

Ушбу тоифадаги низоларни ҳал қилишда судлар, хусусан, тегишли патентланган саноат мулки обьектини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш патент эгаси мутлақ ҳукуқининг бузилиши деб эътироф этилади. Бундан ташқари, янги маҳсулот, аксини исботловчи далиллар бўлмаса, патентланган усулда олинган деб ҳисобланади.

Юқоридаги хатти-ҳаракатларнинг моҳиятини чукур англаш судлар томонидан ҳуқуқбузилиш ҳолатларини тўғри таснифлашда жуда муҳим, чунки қонун ҳужжатлари, баъзи ҳолатлар бундан мустасно, ушбу тушунчаларнинг мазмунини очиб бермайди.

Демак, “рухсатсиз тайёрлаш” деганда патентланган саноат мулки обьектини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни тижорат мақсадларида ишлаб чиқариш тушунилади, унинг савдоси ҳақиқатдан ҳам амалга оширилган ёки оширилмаганлиги аҳамиятсиз. Маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва кейинчалик сотилиши учун сақланиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда патентланган маҳсулотнинг алоҳида қисмлари, агар улар обьект йиғиш учун зарур бўлган

тўлиқ тўпламда ишлаб чиқарилмаган бўлса, ушбу тайёрлаш патент ҳукуқларининг бузилиши деб эътироф этилмайди.

Кўпгина мамлакатларда патентланган объектни ноқонуний “қўллаш” остида уни тижорат мақсадларида ва фақат у патентланган сифат даражасидагина фойдаланишни англатади. Патентлар билан муҳофаза қилинаётган объектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий мақсадларда қўллаш патент ҳукуқларининг бузилиши эмас. “Сотиш” ва “сотиб олиш” деганда патентланган маҳсулотлар ёки моддаларни сотиш, яъни даромад олиш учун сотиш ва сотиб олиш бўйича тижорат фаолияти тушунилади.

“Сотишга таклиф қилиш” – патентланган объектни реклама қилиш, шу жумладан маҳсулотни савдо майдончаларида, дўконлар ойналарида ва бошқа жойларда оммавий намойиш этишдир. Шунингдек, ушбу объект тўғрисидаги маълумотларни афишаларда, каталогларда, рисолаларда, стикерларда эълон қилиш ҳам, гарчи тегишли патентланган объектни ўз ичига олган маҳсулот ёки буюм сотилмаган бўлса ҳам, патент ҳукуқларини бузувчи ҳолат ҳисобланади. Агар патент билан муҳофазасининг обьекти усул бўлса, патент ҳукуқларининг бузилиши ундан фойдаланишдаги ҳаракатлар деб тан олинади. Шундай қилиб, патентланган усул билан олинган маҳсулотни ишлаб чиқариш, ундан фойдаланиш ва сотиш патент эгаси ҳукуқларини сўzsиз бузиш ҳисобланади. Жавобгар, агар маҳсулот бошқа усулда ишлаб чиқарилганлигини исботласа, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Патент эгасининг мутлақ ҳукуқларини бузиш бевосита ёки билвосита содир этилиши мумкин. Патент бевосита бузилган тақдирда, унинг эгасининг монопол ҳукуклари соҳасига кириш бир ёки бир неча шахснинг бевосита ҳаракатлари билан амалга оширилади. Бундай ҳолда, патентдан келиб чиқадиган ҳукуқларни бузувчиларни аниқлаш қийин эмас.

Патент эгасининг ҳукуқларини билвосита бузиш – бу патент ҳукуқларининг тўғридан-тўғри бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар деб тан олинади. Билвосита ҳукуқбузар сифатида нейтрал қурилмалар, моддалар, материаллар, яъни техникада кенг қўлланиладиган обьектлар етказиб берувчиси ҳисобланади. Билвосита бузилиш барча ҳолатларда, патент ҳукуқларини тўғридан-тўғри бузиш фактлари аниқланганда рўй беради.

Бундай ҳолларда, саноат мулки обьектидан патент эгасининг мутлақ ҳукуқини бузган ҳолда фойдаланаётган шахслар патент эгасининг талабига кўра патент эгасининг мутлақ ҳукуқини бузувчи ҳаракатларни тўхтатишлари ва патент эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қонун хужжатларига мувофиқ қоплашлари шарт. Патент эгаси кўрилган зарар ўрнига қоидабузардан қоидабузарлик оқибатида олган даромадларини ундириб олишга ҳақлидир.

Бундай ҳолда, агар патент шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, патентни бузган шахсга қарши даъволар, шунингдек, мутлақ лицензия эгаси томонидан ҳам эълон қилиниши мумкин.

Суд жараёни давомида ҳуқуқбузарликни исботлаш мажбурияти даъвогар зиммасига юклатилган, у патент ҳуқулари бузилганилиги тўғрисида далилларни тақдим этиши керак. Жавобгар даъвонинг қонунийлигига қарши чиқиши мумкин. Ҳимоялашнинг энг кенг тарқалган усули бу патентни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича қарши даъво аризаси беришдир. Жавобгарда аввал фойдаланганлик ёки кейинчалик бепул фойдаланиш ҳуқуки ҳам бор.

Ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг маъмурий тартиби. Низоларни ҳал этишнинг маъмурий тартиби, хусусан, патент беришни рад этиш, уни ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек патент эгасининг лицензия шартномасини тузишдан бош тортиши билан боғлиқ низоларни ҳал қилишни назарда тутади.

Талабнома берувчи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Интеллектуал мулк департаментининг (бундан буён матнда Департамент деб юритилади) расмий экспертиза натижалари бўйича патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган қундан эътиборан уч ой ичida Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичida уни кўриб чиқиши лозим. Департаментнинг Апелляция кенгаши қарорлар қабул қилишда мустақил ҳисобланади.

Апелляция кенгаши:

- Департаментнинг талабномада кўрсатилган саноат мулки обьектлари хусусидаги қарори устидан;
- саноат мулки обьектлари ва селекция ютуқларига патент берилганилигига қарши манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан;
- саноат мулки обьектлари ва селекция ютуқлари патентларининг ҳақиқийлигига қарши берилган апелляцияларни кўриб чиқади.

Апелляция кенгаши тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади⁷⁴. Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичida судга шикоят қилиниши мумкин.

Саноат мулки обьекти ёки селекция ютуғи патенти Апелляция кенгашига берилган апелляция бўйича исталган вақтда ҳуқуқий муҳофазанинг тўлиқ ҳажмида ёки унинг фақат бир қисми бўйича қуидаги асосларга кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин:

⁷⁴ Батафсил маълумот учун Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисида низомга қаранг.

мухофаза қилинадиган саноат мулки объекти патентга лаёқатлилик шартларига мос эмаслиги (селекция ютуғи патент бериш санаисида янгилик ёки фарқланиш мезонларига мос келмаган бўлса);

ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунасининг муҳим белгилари мажмууда талабноманинг дастлабки материалларида бўлмаган белгиларнинг мавжудлиги (патент талабнома берувчи тақдим этган селекция ютуғининг турдошлиқ ва барқарорлик мезонларига мослиги тўғрисидаги тасдиқланмаган маълумотларга асосан берилган бўлса);

патентда патент эгаси сифатида кўрсатилган шахснинг патент олиш учун қонуний асосга эга эмаслиги.

Ҳар қандай шахс Апелляция кенгашига патентни юқорида назарда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида апелляция бериши мумкин.

Саноат мулки объекти патентининг тўла ҳажмдаги хуқуқий мухофазаси ёки бу мухофазанинг фақат бир қисми ҳақиқий эмаслигини исботлаш вазифаси патентни ҳақиқий эмас деб даъво қилаётган тараф зиммасида бўлади.

Саноат мулки обьектига патент бериш Апелляция кенгашига апелляция топширилиши муносабати билан тўхтатиб турилиши мумкин.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

Агар низо судда кўриб чиқиладиган бўлса, низо ҳал этилгунига қадар саноат мулки обьектига доир ишни юритиш Агентлик томонидан тўхтатиб турилади.

Патент эгалари патент рўйхатга олинган (берилган) санадан бошлаб уч йил мобайнида саноат мулки обьекти ёки селекция ютуғидан фойдаланмаса ёки етарли даражада фойдаланмаса (селекция ютуғи бўлса, Ўзбекистон Республикасида фойдаланмаса) ёки лицензия шартномаси тузишни рад этса, ушбу мухофаза этилаётган саноат мулки обьектидан фойдаланишни хоҳловчи ва фойдаланишга тайёр ҳар қандай шахс ўзига мажбурий номутлақ лицензия беришни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

Мажбурий лицензия номутлақ (оддий) лицензия тариқасида берилади ва унинг эгасига патент эгасидан дастлабки уруғлик, кўчат ёки насл материалини олиш хуқуқини беради.

Мажбурий лицензия фақат селекция ютуғидан ижозат этиладиган услугда ва лицензияга мувофиқ фойдаланишишини таъминлай оладиган шахсга берилади.

Мажбурий лицензия патент эгасининг мухофаза қилинаётган селекция ютуғидан фойдаланишига ёки селекция ютуғидан фойдаланиш учун бошқа шахсга лицензияни беришига тўсқинлик қилмайди.

Патент эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-хуқуқий усуллари. Агар суд патент ҳуқуқлари бузилган деб топса, жавобгар фуқаролик ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Фуқаролик жавобгарлигининг асоси айбнинг мавжудлиги, жавобгар томонидан патент ҳуқуқларини бузиш фактидан келиб чиқадиган заарар ва ҳуқуқбузарнинг ноқонуний хатти-харакатлари ва етказилган заарар ўртасидаги сабабий боғлиқликдир. Заарар деганда етказилган заарар ва бой берилган фойда тушунилади⁷⁵.

Етказилган заарар – бу даъвогарнинг ҳуқуқи бузилиши натижасида унинг мол-мулки камайган сумма, масалан, патентланган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишини ташкил этиш харажатлари, ҳуқуқбузар билан бўлган рақобати туфайли қайтарилмайдиган транспорт харажатлари, худди шу сабабга кўра реализация қилинмай қолган маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари ва ҳоказо.

Бой берилган фойда деганда патент эгаси ёки мутлақ лицензия эгаси томонидан уларнинг патент ҳуқуқлари бузилиши туфайли олинмай қолган фойда тушунилади. Бой берилган фойдани ҳисоблаш даъвогар мулкининг ҳолати патент ҳуқуқлар бузилган пайтдаги ва агар унинг ҳуқуқлари бузилмаган тақдирда, у бўлиши мумкин бўлган ҳолат ўртасидаги фарқни аниқлаш орқали амалга оширилади.

Кўпгина мамлакатларда, қоидабузарнинг хатти-харакатлари натижасида етказилган мулкий заарардан ташқари, “маънавий заарар” деб аталадиган компенсация ҳам ундирилади, бу даъвогарнинг ишчанлик обрўсига етказилган заарар, суд жараёни билан боғлиқ кечинмалари ва бошқалар асосида ҳисобланади. Маънавий заарар суднинг хоҳишига кўра белгиланади.

Патент ҳуқуқларининг бевосита ёки билвосита бузилиши фактини аниқлашда, одатда жавобгар айбдор деб гумон қилинади. Ушбу қоида патент олиш учун талабнома топширилган объектга оид тавсифлар нашр этилиши ва барча манфаатдор томонларга талабномадаги патентланиши сўралаётган объектнинг мазмуни билан танишишларига имкон берилиши натижасидир. Патент ҳуқуқларидан улардаги маълумотлар чоп этилишидан олдин фойдаланиш патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайди.

⁷⁵ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 985-моддаси (Заарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари)га кўра, ғайриқонуний ҳаракат (харакатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган заарар, шунингдек юридик шахсга етказилган заарар, шу жумладан бой берилган фойда заарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Патент хуқуқларини бузганлик учун фуқаролик жавобгарлигининг асосий шакли патент эгаси ёки мутлақ лицензия эгасига етказилган заарнинг пул шаклида қопланиши ҳисобланади. Патент ёки мутлақ лицензия эгаси етказилган заарнинг ўрнини қоплашидан қатъи назар, жавобгардан унинг хуқуқини бузадиган ҳаракатларнинг тўхтатилишини талаб қилиши мумкин. Шунингдек, хуқуқбузар томонидан яратилган контрафакт товарларни ва жавобгарга тегишли бўлган уларни тайёрлашда фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар ҳамда содир этилган хуқуқбузарликнинг бошқа воситаларини мусодара қилишни (конфискация), йўқ қилишни ёки хуқуқ эгасига унинг илтимосига биноан топширишни талаб қилиши мумкин.

Баъзи ҳолларда, патент хуқуқини бузувчилар ноконуний ўзлаштирилган обьектга баъзи ташқи ўзгартиришларни киритиши, хусусан, унинг баъзи хусусиятларни бошқалари билан алмаштириши мумкин. Агар бундай алмаштириш технология обьектига моҳиятан янги хусусиятларни қўшмаса, хусусан, эришилган натижани ўзгартирмаса, бу патент хуқуқларининг бузилган деб тан олинишига тўсқинлик қилмайди. Ўзгартирилган функцияларни эквивалент деб ҳисоблаш мумкинми деган саволга ойдинлик киритиш учун кўпинча ихтиро (фойдали модель) формуласи тавсифини таҳлил қилиш керак.

Агар хуқуқбузар виждонли ҳаракат қилса, яъни патентни бузганлигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаганда, унга нисбатан баъзи фуқаролик ҳимояси воситалари (маҳсулотларни мусодара қилиш) умуман қўлланилмади. Баъзида виждонли хуқуқбузарга суд томонидан етказилган зарар ўрнига ихтиродан фойдаланганлик учун патент эгасига маълум суммани тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин.

Даъво тақдим этилгандан кейинги жараённинг ҳар қандай босқичида, суд даъвогарнинг илтимосига биноан, патент хуқуқларини бузиш деб тахмин қилинадиган ҳаракатларни тўхтатиш учун профилактика чораларини кўришга ҳақлидир: масалан, маҳсулот ва корхонага тақиқ қўйиш. Агар суд муҳокамаси пайтида хуқуқ бузилиш ҳолати тасдиқланмаса, профилактика чоралари харажатлари даъвогар томонидан қопланади, у шунингдек жавобгарга товарларга тақиқ қўйиш билан боғлиқ харажатларни ҳам қоплашга мажбурдир.

Патент хуқуқлари бузилиши бўйича фуқаролик жавобгарлигига патентланган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган ёки патентланган усулдан фойдаланадиган жисмоний ва юридик шахслар: патентланган товарлар билан савдо қилувчи шахслар, реклама компаниялари, уларнинг агентлари тортилади.

Патент эгаларининг ҳуқуқлари улар томонидан тузилган лицензия шартномалари доирасида ҳам, шартномалардан ташқарида ҳам бузилиши мумкин. Лицензиат шартномада унга берилган ҳуқуқлар доирасидан чиқиб кетганда ёки ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолда бўлиши мумкин. Патент эгаси (лицензиар) томонидан ҳимоя қилинадиган ҳимоя усуллари одатда шартноманинг ўзида белгиланади ёки фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидаларидан келиб чиқади. Қоида тариқасида, литцензион келишув қоидабузарга санкцияларни, масалан, неустойка ундириш ва заарни қоплашни, шунингдек шартномани бир томонлама тартибда муддатидан олдин бекор қилишни назарда тутади. Неустойканинг ҳажми ва тури, хусусан унинг заарлар билан боғлиқлиги томонларнинг ўzlари томонидан белгиланади. Агар лицензия шартномасида айбдор томонга нисбатан қўлланиладиган аниқ санкциялар кўзда тутилмаган бўлса, патент эгаси умумий фуқаролик қоидаларига таянган ҳолда фақат ўзига этказилган заарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

Фуқаролик қонунларига мувофиқ патент эгаларининг мулкий ҳуқуқлари уч йиллик умумий даъво муддати давомида ҳимоя қилинади. Бироқ, айрим ҳолатлар учун қонун маҳсус муддатларни белгилайди. Муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари чекланмаган ҳолда ҳимоя қилинади.

Муаллифлик ҳуқулари бўйича низоларда даъвогарлар, шунингдек саноат мулки муаллифлари ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасига бўлган ҳуқуқдан келиб чиқадиган низоларда умумий юрисдикция судларида кўриб чиқилган ҳолларда давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Муаллифлар ва патент эгаларининг ҳуқуқларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик. Патент ҳуқуқлари бузилишларига қарши фуқаролик санкциялари билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги муаллифлик ёки ихтиорчилик ҳуқуқларини бузганлик учун жиноий жавобгарликни ҳам кўзда тутади. Жиноят Кодексининг 149-моддасига асосан, тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш деганда саноат мулки ёки селекция ютуғига оид

маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ бўлган, патентга лаёқатлилигини йўқотишига олиб келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар тушунилади.

Муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш асарда ижодий иштирок этмаган шахснинг бошқа шахс томонидан яратилган интеллектуал фаолият натижасига муаллиф сифатида ўз номини беришини англатади. Ва ниҳоят, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, агар интеллектуал фаолият натижаси бўйича ишда ижодий иштирок этмаган шахс ҳаммуаллифлар қаторига қўшилмаган бўлса, ушбу обьектни ишлаб чиқсан шахсга қарши қаратилган муайян ҳаракатларни амалга ошириш (муайян ҳаракатлардан сақланиш) юзасидан қилинган таҳдидини англатади.

Жиноят юқоридаги ҳаракатлар содир этилган пайтдан бошлаб содир этилган деб ҳисобланади. Бошқача айтганда, кўриб чиқилаётган жиноят расмий таркибга эга. Унинг субъектив томони бевосита қасд билан тавсифланади. Тафаккур мулк обьектлари тўғрисидаги маълумотларни муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш, муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш ёки ҳаммуаллифликка мажбуrlаган шахслар ушбу ҳаракатларни амалга оширган ва ўз ҳаракатларининг оқибатларидан хабардор бўлган. Агар тафаккур мулк обьектлари тўғрисидаги маълумотлар илгари ошкор этилган ва муаллифлик ҳуқуқи эътиборсизлик орқасидан ўзлаштирилган бўлса, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди. Жиноят қонунчилигидаги умумий қоидага мувофиқ, ҳуқуқбузар айби суд тартибида исботланмагунча айбдор деб топилмайди.

Ушбу хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликка тортиш фақат жабрланувчининг шикояти билан амалга оширилади. Жиноий жавобгарликка фақат жисмоний шахслар тортилади. Кўпинча, жавобгар компания зарарни қоплаши, контрафакт товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаракатларни тўхтатиши, яъни фуқаролик чоралари қўлланилади ва ўз ҳаракатлари билан тўғридан-тўғри патент бузилишига олиб келган компания раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилишади: улар жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишларига тортилишлари мумкин.

Аксарият мамлакатларда жиноий санкциялар фақат даъвогарнинг илтимосига биноан қўлланилади. Буларга жарима ва қамоқ жазоси киради. Жарима ва қамоқ жазоси чегаралари одатда қонунда белгиланади. Даъвогар ва жавобгар ўртасида такrorий патент бузилиши ёки меҳнат муносабатлари бузилган тақдирда, жиноий жазолар икки баравар оширилади.

Патент эгасининг бузилган ҳуқуқини суд орқали тиклаш қонуний даъво муддати давомида амалга оширилиши мумкин, муддат ўтгандан сўнг патент эгаси ўз ҳуқуқини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мажбурий

тартибда ҳимоя қилиниш имкониятидан маҳрум бўлади. Бу бўйича турли мамлакатларда турли муддатлар белгилашган: АҚШ ва Англияда – патент хуқуқлари бузилган кундан бошлаб 6 йил; Аргентинада – 2 йил; Франция, Германия ва Японияда – хуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб 3 йил ва ҳ.к.

Амалиёт шуни кўрсатадики, патент эгалари ва лицензиатлар кўпинча судга мурожаат қилишга шошилишмайди, хуқуқ бузилиши ҳолати катта миқёсга етиши ва ундан катта миқдордаги жарима ундириш мумкин бўлган вазиятни кутишади. Тўғри, баъзи мамлакатларда етказилган заарар учун ундириладиган сумма охирги йиллардаги хуқуқ бузилиши ҳолати билан чегараланади.

Патент хуқуқларини бузганлик тўғрисидаги даъволар кўп мамлакатларда жавобгарнинг яшаш ҳудуди ёки патент эгасининг хуқуқлари бузилган ҳудудда кўриб чиқилади.

Патент хуқуқларини бузганлик тўғрисидаги низолар одатда умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқилади. Баъзи мамлакатларда бу бўйича битта ёки бир нечта маҳсус судлар ташкил этилган. Барча мамлакатларда биринчи инстанция судининг қарори устидан биринчи бўлиб апелляция органига, сўнгра юқори турувчи суд органига шикоят қилиниши мумкин.

В БОБ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МАЬМУРИЙ СУДЛАРДА ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ- ХУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

5.1-§. Интеллектуал мулкни маъмурий судлар орқали ҳимоя қилиш

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодексга мувофиқ маъмурий суд ишларини юритишнинг асосий вазифаларидан бири маъмурий ва бошқа оммавий хуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Бундан англашиладики, маъмурий судлар оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича низоларни кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги 15-сон Қарорига мувофиқ маъмурий судларга маъмурий ва бошқа оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, низолар бўйича ишлар, жумладан қуйидаги ишлар тааллуқли эканлиги кўрсатилган:

- маъмурий органларнинг идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- нотариуснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

- фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар.

Шу билан бирга қўйидаги ишлар маъмурий суд судловига тааллуқли эмаслиги ҳам қайд этилган:

– маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқсада, қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий ва ҳарбий судга тааллуқлилиги белгиланган низолар бўйича ишлар;

– ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиқсан бўлса⁷⁶.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ⁷⁷ ҳамда “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддаси⁷⁸га биноан, товар белгисини, товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Апелляция кенгашининг қарорлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуки кафолатланган.

Ўз навбатида маъмурий судлар томонидан манфаатдор шахслар ҳамда товар белгиларини ва товар келиб чиқсан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасида ваколатли давлат органи ўрталарида юзага келаётган мазкур тоифадаги низолар кўрилиб, фуқаро ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тикланишига, бундай ишларни кўришда қонунийликка риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, фуқаролик қонунчилиги фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг бошқа бир қатор ҳуқукий ҳолатлари қаторида мулк

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини кўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги 15-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3761216>.

⁷⁷ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

⁷⁸ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон; 03.02.2022 й., 03/22/749/0101-сон, 04.03.2022 й., 03/22/757/0181-сон.

хуқуқи, интеллектуал фаолият натижалариға бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 81-моддасига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқларининг объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиrolар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар кириши белгиланган⁷⁹.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 169-моддасига қўра, ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиralар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек **интеллектуал мулк объектлари** – мулк ҳуқуқининг объектлари эканлигини қайд этилган⁸⁰.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан интеллектуал фаолиятнинг аниқ ифода этилган натижалари ҳамда юридик шахснинг бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситалари, маҳсулотлари (фирма номи, товар белгиси, хизмат қўрсатиш белгиси ва ҳ.к.)га нисбатан жисмоний ёки юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқи эътироф этилади ва бу тегишли маъмурий акт билан расмийлаштирилади.

Мутлақ ҳуқуқ обьекти бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва ўзига хос воситаларидан учинчи шахслар ҳуқуқ эгасининг рухсати билангина фойдаланишлари мумкин.

Бироқ ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, жисмоний ва юридик шахслар номига эътироф этилган интеллектуал мулк объектларини учинчи шахслар томонидан қонунларга риоя қилмасдан эгаллаб олиш, тажовуз қилиш, инсофсиз рақобатга йўл қўйиш ҳолатлари кўплаб учраб турибди.

Шунга кўра, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни бузилиши билан боғлиқ оммавий-ҳуқуқий низоларни шартли равишда куйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

⁷⁹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон; 30.03.2022 й., 03/22/760/0249-сон; 21.04.2022 й., 03/22/765/0332-сон, 30.06.2022 й., 03/22/782/0576-сон; 08.11.2022 й., 03/22/801/0998-сон.

⁸⁰ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон; 30.03.2022 й., 03/22/760/0249-сон; 21.04.2022 й., 03/22/765/0332-сон, 30.06.2022 й., 03/22/782/0576-сон; 08.11.2022 й., 03/22/801/0998-сон.

- муқаддам давлат рўйхатидан ўтган ва мавжуд товар белгиси билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларга Интеллектуал мулк маркази томонидан гувоҳнома берилиши;
- хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан аввал фуқаролик мумомаласига киритилган товарга нисбатан белги билан айнан ўхшаш ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ инсофсиз рақобатга йўл қўйилиш ҳолати;
- товар белгисини рўйхатдан ўтказишини ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи ва ҳ.к. патент беришни рад этиш тўғрисидаги “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасасининг қарори устидан низолашиш;
- Адлия вазирлиги томонидан лицензия шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ўтказишини рад этиш билан боғлиқ маъмурий актлардан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар.

Ўрганиш даврда кўрилган интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ ишларнинг таҳлилидан қўринишича, судлар фаолиятида бу борада етарли даражада суд амалиёти шаклланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодексининг судловга тегишилиликнинг умумий қоидалари келтирилган 32-моддасига кўра, фуқаронинг ёки юридик шахснинг аризаси (шикояти) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган маъмурий орган жойлашган ер ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи бўйича судга тақдим этилади⁸¹.

Статистик ҳисоботлар таҳлилидан қўринишича ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг тизимига кирувчи давлат муассасаси – “Интеллектуал мулк маркази”, коллегиал орган ҳисобланган - “Апелляция кенгashi” Тошкент шаҳрида жойлашганлиги сабабли мазкур тоифа ишлар фақат Тошкент шаҳар маъмурий судлари томонидан кўрилиб, республиканинг бошқа ҳудуднинг маъмурий судларида ушбу тоифа ишлар кўрилмаган.

Ўз навбатида Тошкент шаҳар маъмурий судлари томонидан 2018-2022 йиллар жами 100 та мазкур тоифадаги ишлар кўрилиб, шундан 47 та ариза қаноатлантирилган, 42 таси рад этилган, 5 таси кўрмасдан қолдирилган, 6 таси бўйича эса иш юритиши тутатилган.

⁸¹ Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон; 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 13.11.2019 й.....; 04.08.2022 й., 03/22/786/0705-сон; 17.12.2022 й., 03/22/810/1095-сон; 15.03.2023 й., 03/23/823/0150-сон; 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон.

Шу билан бирга, мазкур тоифадаги ишлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Масалан, 2018 йилда жами 17 та иш кўрилган бўлсада, 2022 йилда 32 та иш кўрилиб, сўнгги 5 йилда 88,2 фоизга кўпайган.

Апелляция шикоятлари (протестлари) асосида ушбу даврда жами 60 та иш кўрилган бўлиб, шундан 40 таси бўйича суд хужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 1 таси ўзgartирилган, 16 таси бекор қилинган, 3 та апелляция шикояти бўйича иш юритиш тугатилган.

Олий суд томонидан мазкур тоифадаги ишлар назорат тартибида жами 4 та иш кўрилиб, шундан 2 таси бўйича суд хужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 2 таси бўйича эса суд хужжатлари бекор қилинган.

Кассация шикоятлари (протестлари) асосида эса жами 8 та иш кўрилиб, шундан 7 таси бўйича суд хужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 1 таси бўйича суд хужжатлари бекор қилинган.

Амалдаги қонунчилик бўйича мазкур тоифа ишлари бўйича асосан низони судгача ҳал қилиш тартиби назарда тутилган бўлиб, даставвал бу тоифа низоларни Апелляция кенгаши кўриб, хуқуқий баҳо бериши лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни 24-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш хуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома Апелляция кенгашининг ёки суднинг қарори асосида тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилади⁸².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарори билан тасдиқланган “Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисида”ги низомнинг 2-бандига кўра Апелляция кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини, селекция ютуқларини, интеграл микросхемалар топологияларини, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткичлар ва товар келиб чиққан жой номларини хуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи коллегиал органи сифатида амалга ошириши белгиланган⁸³.

Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасига мувофиқ, манфаатдор шахс маъмурий шикоятни

⁸² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон; 03.02.2022 й., 03/22/749/0101-сон, 04.03.2022 й., 03/22/757/0181-сон.

⁸³ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2019 й., 09/19/856/3890-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон; 10.06.2022 й., 09/22/324/0510-сон; 14.07.2022 й., 09/22/385/0643-сон

қонунчиликка мувофиқ маъмурий шикоятларни кўриб чиқишига ваколатли бўлган юқори турувчи маъмурий органга ёки бошқа ваколатли маъмурий органга устидан шикоят қилинаётган маъмурий хужжатни, процессуал ҳужжатни қабул қилган ёхуд маъмурий харакатни амалга оширган маъмурий орган орқали бериши мумкин⁸⁴.

Манфаатдор шахс маъмурий хужжат устидан берилган маъмурий шикоятни маъмурий тартибда кўриб чиқиш натижаларидан норози бўлган ёки юқори турувчи маъмурий орган мавжуд бўлмаган тақдирда, маъмурий хужжат устидан судга шикоят қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида” 24-сон Қарори 12-банди иккинчи хатбоисида қонун хужжатларида айрим қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан мажбурий равишда судгача низолашиш тартиби назарда тутилиши мумкинлиги аниқ белгилаб қўйилган.

1. Низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилинмаган ҳолатда иш судда кўрилмайди.

Бироқ, интеллектуал мулкка бўлган ҳукуқлар билан боғлиқ бўлган дастлабки мурожаатларни ҳал этишда, бу борада етарлича амалиёт шаклланмаганлиги оқибатида, низони судгача кўриб чиқиш тартибига оид талабларга амал қилинмаганлик ҳолатлари мавжудлиги аниқланди.

Масалан, аризачи “Алтын-Дан” маъсулияти чекланган ширкат (Қозогистон) жавобгар Интеллектуал мулк агентлигига нисбатан учинчи шахс “Тимур Савдо Инвест” ХКга “Алтын-Дан” товар белгисига 2013 йилда берилган гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаби Тошкент шаҳар маъмурий суди кассация инстанциясининг 2018 йил 7 ноябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Мирзо Улуғбек туман маъмурий судининг 2018 йил 5 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра мазмунан кўрилиб рад қилинган. Иш ҳолатига қараганда “Алтын-Дан” товар белгиси Товар ва хизматларнинг ҳалқаро классификацияси” (ТХХК)нинг 30-синфи бўйича 2010 йил Қозогистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган. Айни пайтда “Тимур Савдо Инвест” ХК 2013 йилда мазкур товар белгисига шу синф бўйича Ўзбекистонда гувоҳнома олган. Аризачи Апелляция кенгашига мурожаат қилмасдан тўғридан-тўғри судга талаб билан мурожаат қилиб, “Товар белгиси тўғрисида”ги Қонун хужжатлари бузилганлигини важ

⁸⁴ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

қилиб гувоҳноманинг ҳақиқийлиги устидан низолашган. Судлар талабни мазмунан кўриб рад қилган. Ваҳоланки, бу низони судгача ҳал қилиш процедурасига риоя қилинмаган, товар белгиси қонунийлигига Апелляция кенгаши баҳо бермаган. Иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида кассация тартибида кўрилмаган.

Бошқа мисол, Мирзо Улуғбек туман судининг 2018 йил 4 июндаги ҳал қилув қарори билан аризачи “Radiks” ХИИЧ корхонасининг жавобгар Интеллектуал мулк агентлиги Апелляция кенгашининг товар белгисига нисбатан берилган гувоҳномани бекор қилиши тўғрисидаги 2017 йил 25 декабрдаги Қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаби мазмунан кўрилган ва рад этилган. Мазкур иш Тошкент шаҳар маъмурий судида апелляция (кассация) тартибида кўрилмаган.

Яна бир мисол, 2019 йил 10 май қуни “Xiaomi INC” (Хитой) жавобгар Интеллектуал мулк агентлигига нисбатан судга мурожаат қилиб, учинчи шахс “Smart Capital” МЧЖга “Xiaomi” товар белгисига берилган гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Мирзо Улуғбек туман маъмурий судининг 2019 йил 3 июндаги ҳал қилув қарори билан иш мазмунан қўрилиб, талаб рад этилган. Қарор устидан апелляция шикояти келиб тушмаган.

Навбатдаги мисолда “Alif tech” МЧЖ ХК судга мурожаат қилиб, Интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 7 январдаги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Мирзо Улуғбек туман маъмурий судининг 2020 йил 2 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ариза тўлиқ қаноатлантирилган. Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциянинг 2020 йил 2 декабрдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, маъмурий иш юзасидан иш юритиш тутатилган.

Мазкур ҳолатда низони судгача кўриб чиқиш тартибига амал қилинмаган ва биринчи инстанция суди томонидан мазкур ҳолатга эътибор берилмаган.

Шунга ўхшаш камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциянинг 2020 йил 30 ноябрдаги қарори билан Мирзо Улуғбек туман маъмурий судининг “Musa servis” МЧЖнинг Интеллектуал мулк агентлигига нисбатан аризаси бўйича 2020 йил 6 октябрдаги ҳал қилув қарори айнан мазкур асосларга кўра бекор қилиниб, маъмурий иш иш юритишдан тутатилган.

Мирзо Улуғбек туман маъмурий судининг 2020 йил 26 августдаги ҳал қилув қарори билан “Robert Bosch GmBH” МЧЖ хорижий корхонасининг Интеллектуал мулк агентлигининг 2016 йил 26 апрелдаги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида аризаси қаноатлантирилган. Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциянинг

2020 йил 30 сентябрдаги қарори билан, ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 26 январдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, маъмурий иш иш юритишдан тугатилган.

Бу борадаги суд хатолари юқори инстанция судлари томонидан бартараф қилиниши оқибатида, кейинчалик туманлараро судлари томонидан бу туркум ишлар бўйича низони судгача ҳал этилиши тартибига риоя этилган- этилмаганлигига эътибор қаратишни бошлаган ва тўғри суд амалиёти йўлга кўйилган.

2. Шу билан биргалиқда, айрим ҳолларда судлар томонидан низо предмети судга тааллуқли бўлмаган аризалар иш юритишга қабул қилиниб, мазмунан кўрилганлигини қузатиш мумкин.

Жумладан, Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 24 январдаги ҳал қилув қарори билан “Idea concept group” МЧЖнинг Адлия вазирлиги Апелляция кенгашига нисбатан аризаси қаноатлантирилиб, Апелляция кенгашининг 2021 йил 27 сентябрдаги қарори ва Интеллектуал мулк агентлигининг 2021 йил 24 февралдаги экспертиза хulosаси ҳақиқий эмас деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сон Қарори 5-банди биринчи хатбошисига кўра қарор деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан якка ёки коллегиал тарзда қабул қилинган ва муайян ҳуқуқий оқибат туғдирувчи хужжат тушунилади.

Суд томонидан “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида”ги Қонунда давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан судга шикоят қилиш кўзда тутилмаганлиги, шунингдек давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари муайян ҳуқуқий оқибат туғдирувчи хужжат ҳисобланмаслиги, мазкур ҳолатда Адлия вазирлиги Апелляция кенгашининг қарори аризачи учун ҳуқуқий оқибат туғдирганлигига аҳамият берилмаган.

3. Интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилик такомиллашиб, ўзгаришининг суд амалиётига таъсири, товар белгисини жисмоний шахсларга берилиши.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисми 2022 йил 2 февралдаги ЎРҚ-749-сонли Қонуни билан ўзгартирилгунига қадар қуйидаги таҳририда бўлган – “Товар белгиси тадбиркорлик фаолиятини амалга

ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин”. Модда матнига ўзгартиш киритиш натижасида у қуидагича таҳрирда баён этилган – “Товар белгиси юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин”.

Аникроғи 2022 йил 2 февралдан бошлаб товар белгисига аризани тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ёки шуғулланмаслигидан қатъи назар исталган фуқаро бериши мумкин.

Аризачи “Afox Corporation LTD” жавобгар Интеллектуал мулк агентлигига нисбатан талаб билан мурожаат қилиб, учинчи шахс фуқаро Ф.Хикматовга “Afox” товар белгисига берилган гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Мирзо Улуғбек туман маъмурий судининг 2019 йил 4 июлдаги ҳал қилув қарори билан талаб қаноатлантирилиб, агентлик томонидан 2017 йил 3 январда фуқаро Ф.Хикматов номига берилган гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган. Бунга асос сифатида юқоридаги қонун нормасининг 4-моддаси иккинчи қисми, яъни товар белгиси жисмоний шахсга берилгани ва у якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмагани қўрсатилган.

Шунга ўхшаш ҳолатни аризачи “Sfera Import Solutions” МЧЖнинг жавобгар Интеллектуал мулк Агентлигига нисбатан “Penecrete” товар белгиси учун гувоҳномани учинчи шахс А.Мирзалимов номига берилгани низолашилган ишда ҳам қўриш мумкин. Тошкент вилоят маъмурий судининг 2018 йил 11 декабрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Мирзо Улуғбек туман маъмурий судининг 2018 йил 2 октябрдаги ҳал қилув қарори билан талаб қаноатлантирилган. Бу ҳолатда ҳам судлар гувоҳнома тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаётган жисмоний шахсга берилишини қонунбузилиш деб баҳолаган.

Яна бир мисол, аризачи “Hikvision Digital Technology Co LTD” Хитой компаниясининг талаби бўйича юритилган маъмурий ишда ҳам айнан шу ҳолат такрорланган. “Hikvision” товар белгисига бир нечта синфлар бўйича гувоҳнома жисмоний шахс У.Туроповга берилган бўлиб, Хитой компаниясининг талаби билан Мирзо Улуғбек туман маъмурий судининг 2019 йил 18 февралдаги ҳал қилув қарори билан гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган.

Судлар томонидан моддий хуқуқ нормаси тўғри қўлланилган бир пайтда судлар томонидан низони ҳал қилишнинг судгача бўлган тартибиға риоя қилинмагани, яъни Апелляция кенгаши томонидан гувоҳнома ҳақиқийлиги масаласи қўрилмаганига хуқуқий баҳо берилмаган. Қайд этилган ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий судида кассация тартибида қўрилмаган.

Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда товар белгисига гувоҳнома бериш ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга бир хил бўлиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш шарти мавжуд эмас. Бу ҳолат судлар томонидан эътиборга олиниши лозим.

4. Муқаддам давлат рўйхатидан ўтган ва мавжуд товар белгиси билан адаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган ёки айнан бир хилдаги товар белгиларини рўйхатдан ўтказилиши.

«Elite Food Group» МЧЖ судга мурожаат қилиб Адлия вазирлиги Апелляция кенгаши томонидан «Оливъез» товар белгисига берилган гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни рад этиш тўғрисидаги 2021 йил 19 ноябрдаги қарорини ва учинчи шахс бўлган “Quartlink Holding Limited» МЧЖга товар белгисига ТХХКнинг 30-синфи бўйича берилган халқаро рўйхатни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Талабга асос сифатида аризачи номига ҳимояланган сўз жамиятда кундалик ҳаётда кенг тарқалган ва истеъмолда бўлган “Оливъе” салати билан ўхшаш ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш товар эканлигини ёки бевосита зайдун мойи (Оливковое масло) ёки бўлмаса “Майонез” каби товарларнинг хусусиятини англатишини, уларга ишора қилишини кўрсатган.

Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 6 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, Апелляция кенгашининг қарори ва «Оливъез» товар белгисига бўлган 2008 йил 2 октябрдаги 975 480-сонли рўйхат ҳақиқий эмас деб топилган. Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 1 июнданги қарори билан туманлараро судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 12 августдаги қарори билан апелляция инстанциясининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Юқори турувчи суд инстанцияларининг фикрича маъмурий орган томонидан “Оливъез” товар белгисини 30-синф бўйича рўйхатдан ўтказишида “Товар белгилари, хизмат қўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонун 10-моддасининг 6 ва 8-бандлари талаблари бузилмаган. “Оливъез” сўзи ўйлаб топилган сўз бўлиб, зайдун мойини, салатни ёки майонезни тўғридан-тўғри англатмаслигини ва уларнинг хусусиятларига ишора қилмайди. Бунинг устига, низолашилган товар белгиси «Elite Food Group» МЧЖнинг ҳуқуқларини бузмаслиги ҳам қонуний асосланган.

5. Шу билан бирга, Апелляция кенгаши ҳамда судлар, Қонун 10-моддасининг 9 ва 13-бандларини турлича талқин қилишлари натижасида бир хил низолар турлича қарор қабул қилиш ҳолатлари мавжуд.

Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 20 майдаги ҳал қилув қарори билан аризачи «QUALITY TEXTILE PRODUCTION» МЧЖ судга мурожаат қилиб, Адлия вазирлиги Апелляция кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги AMG 2021 122-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциянинг 2022 йил 24 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган. Аниқланишича, Бутунжакон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан 2013 йил 30 декабря «GRATUDE» товар белгиси 25 ва 35 синфлар бўйича Туркия Республикаси «GTD Global Tekstil Sanayi ve Dis Ticaret Limited Sirketi» МЧЖ номига рўйхатдан ўтказилган ва 1210444-сонли гувоҳнома берилган.

2016 йил 13 майда Интеллектуал мулк агентлиги томонидан «GRATUDE» товар белгиси 25-синф бўйича «QUALITY TEXTILE PRODUCTION» МЧЖ номига рўйхатдан ўтказилган ва MGU 31554-сонли гувоҳнома берилган. «GTD Global Tekstil Sanayi ve Dis Ticaret Limited Sirketi» МЧЖнинг Адлия вазирлиги Апелляция кенгашига берган аризаси асосида, Апелляция кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги AMG 2021 122-сонли қарори билан «GRATUDE» товар белгисига берилган MGU 31554 гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида”ги Қонун 10-моддаси биринчи қисмининг 9 ва 13-бандларига мувофиқ, товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар ва илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди.

«QUALITY TEXTILE PRODUCTION» МЧЖ номига рўйхатдан ўтказилган «GRATUDE» товар белгиси «GTD Global Tekstil Sanayive Dis Ticaret Limited Sirketi» МЧЖга тегишли «GRATUDE» товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлсада, Интеллектуал мулк агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган ва Адлия вазирлиги Апелляция кенгашининг қарорига кўра айнан мазкур асос билан ҳақиқий эмас деб топилган.

Бундан ташқари, «QUALITY TEXTILE PRODUCTION» МЧЖ судга мурожаат қилиб, «GRATUDE» товар белгисини 35-синф бўйича номига рўйхатдан ўтказиш ҳақида MGU 41525-сонли гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида Адлия вазирлиги Апелляция кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги AMG 2021 123-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 3 июндаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган. Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциянинг 2022 йил 24 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Бинобарин, ушбу модда биринчи қисмининг 9 ва 13-бандини қўллаш юзасидан турлича амалиёт мавжудлиги аниқланганлиги сабабли, товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ низоларни кўришда:

товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар ҳар қандай ҳолатда рўйхатда ўтказилмаслиги;

товар белгилари Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилиниши мумкинлиги, мазкур ҳолатда товар белгисининг устуворлиги бўйича товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Агентликка талабнома бериш билан боғлиқ қоида амал қиласлиги;

товар белгисининг устуворлиги илгари Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасига кўра муҳофаза қилинган товар белгисининг устуворлиги санасига қараб белгиланиши мумкинлигига судларнинг эътиборини қаратиш зарур.

Бу туркум ишларни кўришда яна бир ўзига хос жихати шундан иборатки “Товар ва хизматларнинг ҳалқаро классификацияси” (ТХХК) да келтирилган синклар бўйича тўғри гурухланганлигини текшириш лозимлигига маъмурий орган ва судлар томонидан алоҳида хуқуқий баҳо бериш зарур, зеро номлари ўхшаш лекин классификация бўйича бошқа-бошқа синкларга мансуб товар ва хизматлар хуқуқ эгалари ўртасида хуқуқ бузилишини келтириб чиқармайди.

6. Товар белгисини рўйхатдан ўтказишини ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи ва ҳ.к. патент беришни рад этиш тўғрисидаги “Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасасининг қарори устидан низолашиб билан боғлиқ ишларнинг кўрилиши.

Хусусан, аризачи Б.Имамалиев судга мурожаат қилиб, Интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 12 февралдаги ихтирога патент беришни рад қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Апелляция кенгашининг

мазкур қарорини ўз кучида қолдириш ҳақидаги 2021 йил 6 майдаги қарорларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 2 ноябрдаги қарори билан аризани қаноатлантириш рад қилинган. Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциянинг 2021 йил 24 декабрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига кўра агар ихтиро сифатида кўрсатилган обьект янги, ихтиrolик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Мазкур Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ, ихтиро ёки саноат намунаси сифатида талабномада кўрсатилган обьектнинг патентга лаёқатлилик шартларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, Агентлик патент беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласди.

Ушбу ҳолатда ихтиро сифатида кўрсатилган обьект Қонуннинг 6-моддасида белгиланган янги, ихтиrolик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкинлиги ҳақида талабларга мос келмаслиги аниқланганлиги сабабли, суд томонидан Интеллектуал мулк агентлиги ва Адлия вазирлиги Апелляция кенгашининг қарорлари қонуний ва асосли деб топилган.

Фуқаро Б.Нуржановнинг “Магнит кучи таъсирида айланиш ҳаракатли механикавий, ёпиқ параметрик регенерацион автотебраниш тизими”ни ихтиро сифатида рўйхатдан ўтказиш рад этилган ҳолатда ҳам кўрилган иш 2022 йил 22 декабря судлар томонидан тўғри ҳал қилинган.

Бу каби низолар бугунги кунда судларда нисбатан камроқ кўрилган бўлса-да, судлар томонидан амалиёт тўғри яратилган.

7. Адлия вазирлиги томонидан лицензия шартномаларини рўйхатдан ўтказишни, ўтказишини рад этиш билан боғлиқ маъмурий актлардан келиб чиқадиган низолар.

Адлия вазирлиги томонидан лицензия шартномаларини рўйхатдан ўтказишини рад этиш билан боғлиқ маъмурий актлардан келиб чиқадиган низолар ҳам ўрганилганда суд амалиёти тўғри йўлга қўйилганлигини кўриш мумкин.

Мисол учун, аризачи “Purpose Designed” DMCC компанияси судга мурожаат қилиб, Адлия вазирлигининг лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказишини рад этишдаги ҳаракатини ғайриқонуний деб топиб, тегишли мажбурият юклатишини сўраган. Туманлараро судининг 2022 йил 13 апрелдаги ҳал қилув қарори билан талабни қаноатлантириш рад этилган. Ҳал қилув қарори Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил

8 июндаги ва кассация инстанциясининг 2022 йил 30 сентябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳолатларига кўра, “Purpose Designed” DMCC (лицензиар) ва “Akfa Extrusions” МЧЖ (лицензиат) ўртасида лицензия шартномаси тузилган (товар белгисидан фойдаланиш тўғрисида). “Purpose Designed” DMCC Адлия вазирлигига мурожаат қилиб, лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказишни сўраган. Маъмурий орган, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Конуннинг 34-моддаси учинчи қисми талабига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар товар белгиларини ва товар келиб чиқсан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ишларини юритиши ҳамда бу ишлар билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни Агентликда рўйхатдан ўтган патент вакиллари орқали амалга оширадилар деган қоидадан келиб чиқиб, шартномани рўйхатдан ўтказишни рад этиб, патент эгасига патент вакили орқали мурожаат қилиш лозимлигини тушунтирган. Маъмурий органнинг мазкур ҳаракати судлар томонидан қонуний деб баҳоланиб, талаб асосли равишда рад этилган.

Аризачи «ELITE FOOD GROUP» МЧЖ жавобгар Интеллектуал мулк агентлигига лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилган.

Биринчи ва апелляция инстанция судлари талабни қаноатлантиришни рад этиб, маъмурий орган томонидан лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш тартиб ва таомилларига риоя қилинганлиги, жавобгар томонидан бирор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмаганлиги ва рўйхатдан ўтказиш амалга оширилган вақтда амалда бўлган Патент идораси раҳбарининг 2005 йил 11 майдаги 48-сонли буйруги талаблари асосида расмийлаштирилганигига баҳо берилган.

Кассация инстанциясининг 2022 йил 29 июлдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш бўйича талабни қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилган. Бунда суд ҳуқуқ эгасининг ўзи лицензия шартномасини бир томонлама бекор қилиш бўйича муқаддам ариза билан Интеллектуал мулк агентлигига мурожаат қилганлиги, бу ҳолатда шартномани рўйхатдан ўтказиш ноқонуний ҳисобланишига асосланган.

8. Ҳуқуқни тиклаш чораси қўлланилишида (мажбурият юклашда) судлар томонидан қўйидаги хатоликка йўл қўйилган.

Жумладан, Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 2 августдаги ҳал қилув қарори билан “Dentafill Plyus” МЧЖнинг Адлия вазирлиги Апелляция кенгаши ва Интеллектуал мулк агентлигига нисбатан аризаси қаноатлантирилиб, Апелляция кенгашининг 2020 йил 27 ноябрдаги

қарори ҳақиқий эмас деб топилган. Суд томонидан ҳуқуқни тиклаш чораси сифатида Интеллектуал мулк агентлиги зиммасига “Риосорведол” товар белгисини ТХХКнинг 5-синф товарлари учун давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида қарор чиқариш мажбурияти юклатилган.

Бундан ташқари, Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 20 январдаги ҳал қилув қарори билан “JACO CANDY” МЧЖнинг Адлия вазирлиги Апелляция кенгашига нисбатан аризаси қаноатлантирилиб, Апелляция кенгашининг 2021 йил 27 сентябрдаги қарори ҳақиқий эмас деб топилган. Суд томонидан ҳуқуқни тиклаш чораси сифатида Интеллектуал мулк агентлиги зиммасига “JACO” товар белгисини ТХХКнинг 30-синфи бўйича рўйхатга олиш мажбурияти юклатилган.

Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 10 июндаги ҳал қилув қарори билан “Бухарагипс” АЖ ҚҚнинг Адлия вазирлиги Апелляция кенгашига нисбатан аризаси қаноатлантирилиб, Апелляция кенгашининг 2021 йил 29 декабрдаги қарори ҳақиқий эмас деб топилган. Суд томонидан ҳуқуқни тиклаш чораси сифатида Адлия вазирлиги зиммасига “Бухарагипс” товар белгисини ТХХКнинг 19 ва 35-синфи бўйича рўйхатга олиш мажбурияти юклатилган.

Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 17 майдаги ҳал қилув қарори билан “LOGISTIC EXPRESS” МЧЖнинг Адлия вазирлиги Апелляция кенгашига нисбатан аризаси қаноатлантирилиб, Апелляция кенгашининг 2021 йил 27 сентябрдаги қарори ҳақиқий эмас деб топилган. Суд томонидан ҳуқуқни тиклаш чораси сифатида Интеллектуал мулк агентлиги зиммасига “LOGISTIC EXPRESS” МЧЖнинг товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ҳақида аризаси юзасидан ижобий қарор қабул қилиш мажбурияти юклатилган.

Жавобгарлар зиммасига бундай мажбурият юклатилишида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сон “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарори 20-банди иккинчи хатбошисида белгиланган маъмурий орган, мансабдор шахс қарор қабул қилиш ёки ҳаракатни амалга ошириш ваколатига эга ёки эга эмаслигини, қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга кўра, қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик маъмурий орган ёки мансабдор шахс ихтиёрига берилган ҳолда, суд бундай қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик мақсадга мувофиқлигини баҳолашга ҳақли эмаслиги ҳақида тушунтиришларга амал қилинмаган.

Яна бир масалага эътибор қаратсак. Маъмурий судларда кўриб чиқиладиган маъмурий органлар фаолиятига дахлдор низолар бўйича батафсил тушунчага эга бўлиш учун, энг аввало, “маъмурий орган” тушунчасини тўғри талқин қилиш жуда муҳим саналади.

“Маъмурий орган” тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январда қабул қилинган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунида батафсил тушунча берилган.

Мазкур Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ маъмурий органлар деганда маъмурий-хуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар тушунилиши белгиланган⁸⁵.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (Агентлик) ҳам маъмурий орган ҳисобланиб, унинг интеллектуал мулк обьектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ маъмурий иш юритиши билан боғлиқ жараёнда вужудга келувчи низолар маъмурий судлар судловига тааллуқли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартағи ПФ-89-сон Фармонига мувофиқ Агентлик Адлия вазирлигига (Вазирлик) кўшиб олиниб, унинг барча вазифа ва функциялари Вазирликка ўтказилди⁸⁶.

Умуман олганда, маъмурий судлар интеллектуал мулк соҳаси бўйича асосан қўйидаги ишларни кўриб чиқади:

- Вазирликнинг интеллектуал мулк обьектларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ жараёнларда қабул қилувчи қарорларини бекор қилиш билан боғлиқ низолар;

- Вазирлик томонидан илгари рўйхатдан ўтказилган интеллектуал мулк обьектлари ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги муҳофаза ҳужжатларини (гувоҳнома ёки патент) амал қилиш муддатини тугатиш ва уларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

- Вазирликнинг Апелляция кенгashi томонидан қабул қилинган қарор устидан берилган шикоятлар билан боғлиқ низолар;

⁸⁵ “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон.

⁸⁶ “Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда хуқуқий хизмат кўрсатишида адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-89-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон.

– Вазирликнинг интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун юридик шасхларга жарима қўлланилиши билан боғлиқ низолар.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк соҳасидаги маъмурӣ орган ва жисмоний ҳамда юридик шахслар ўртасидаги низоларни ҳал қилишда судгача низоларни ҳал қилиш тартиби самарали ишляпти ва бу маъмурӣ судлар томонидан қўрилиши лозим бўлган ишлар ҳажмини икки баробарга қисқартиришга хизмат қилмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, Вазирликнинг Апелляция кенгаши соҳа бўйича низоларни судгача ҳал қилишда тизимли фаолият юритмоқда.

2020 йилда Апелляция кенгаши томонидан 34 та апелляция шикоятлари қўриб чиқилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 94 тани ташкил қилган.

Маълумот учун, умумий қўриб чиқилган апелляция шикоятларининг 118 таси товар белгиси, 6 таси ихтиро, 1 таси саноат намунаси, 1 таси фойдали модель ва 2 таси селекция ютуқлари бўйича низоларни ташкил қиласди.

Қайд этиш керакки, Апелляция кенгаши томонидан 2020 йилда қабул қилинган қарорларнинг 4 таси, 2021 йилда 3 таси маъмурӣ судлар томонидан бекор қилинган.

Шу ўринда, бевосита маъмурӣ судлар томонидан интеллектуал мулк соҳасига доир низоларни қўриб чиқиш жараёнларига тўхталадиган бўлсак, тегишли суд ишларини олиб боришда судьяларнинг соҳа бўйича етарли билим ва кўниkmaga эга эмасликлари низони тўғри ҳал қилишга ва уни қўриб чиқиш муддатлари чўзилиб кетишига сабаб бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маъмурӣ орган томонидан интеллектуал мулк обьектларини рўйхатдан ўтказишни рад этиш, тегишли муҳофаза ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ёки унинг амал қилиш муддатини тугатиш бўйича асосли қарорлар қабул қилинган бўлсада, кейинчалик бу қарорлар маъмурӣ судларда бекор қилинишига олиб келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида ишларни қўриб чиқувчи судьяларнинг соҳа бўйича халқаро шартномалар ва миллий қонунчилик талабларини лозим даражада тушунмаслик, улардаги нормаларни нотўғри талқин қилишни келтириш мумкин.

Шу ўринда ушбу муаммо юзасидан бир мисол келтириб ўтсак.

“J.C” МЧЖ томонидан 2020 йил 30 июнда “Жако” белгисини товар ва хизматлар халқаро таснифининг 30-синфи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун Агентликка белгиланган тартибда талабнома топширилган.

Талабномани қўриб чиқиш натижасида Агентлик томонидан товар белгисини рўйхатдан ўтказиш рад этилган. Чунки талабноманинг

экспертизаси жараёнида Россия Федерациисида айнан товар ва хизматлар халқаро таснифининг 30-синфига мувофиқ рўйхатга олинган “Жако” товар белгиси мавжудлиги ва ушбу товар белгиси остида республикада маҳсулотлар реализация билан шуғулланилиши аниқланди. Агарда “J.C” МЧЖ номига “Жако” товар белгиси рўйхатдан ўтказиладиган бўлса, мамлакатда ушбу белги остида реализация қилинувчи иккита асл маҳсулот юзага келиши ва бунинг натижасида истеъмолчиларни ишлаб чиқарувчилар, маҳсулотнинг сифати каби масалалар бўйича чалғишига олиб келиши мумкин. .

Шунга кўра, “J.C” МЧЖ томонидан 2021 йил 30 марта Агентликнинг юқорида келтирилган қарорини бекор қилиш ва товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида Вазирликнинг Апелляция кенгашига апелляция шикояти киритилган.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиши натижасида, Агентликнинг “Жако” белгиси рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўз навбатида, “J.C” МЧЖ Апелляция кенгаши қароридан норози бўлиб, 2021 йил 27 сентябрда “Т”. туманлараро маъмурий судига Вазирлик Апелляция кенгашининг “Жако” белгиси рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва ушбу белгини рўйхатдан ўтказиш мажбуриятини юклаш бўйича ариза билан мурожаат қилган.

“Т”. туманлараро маъмурий суди иш хужжатларини кўриб чиқиб, Вазирлик Апелляция кенгашининг тегишли қарори ҳақиқий эмас деб топилган ва Агентликка “J.C” МЧЖ номига “Жако” товар белгисини рўйхатдан ўтказиш мажбурияти юкландиган. Бундай қарор қабул қилинишига асос сифатида Россия Федерациисининг “Жако КФ” компанияси томонидан “Жако” товар белгиси Ўзбекистонда товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмаганлиги, шунга кўра “J.C” МЧЖ номига “Жако” товар белгисини рўйхатдан ўтказиш товар ва унинг тайёрловчиси хусусида ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белги деб ҳисобланмаслиги келтирилган.

Ваҳоланки, Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг 6-quinquies-моддасига (B) (iii) биноан агар белгилар ахлоқ ва жамоат тартибига зид бўлса ва айниқса, улар жамоатчиликни чалғитиши мумкин бўлса, товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш рад қилиниши белгилаган. Шу билан бирга, конвенциянинг 5-моддасига (C) (3) мувофиқ муҳофаза сўралаётган мамлакат қонунчилиги қоидаларига биноан белгининг шерик эгалари сифатида қараладиган саноат ёки тижорат корхоналари томонидан бир хил ёки ўхшаш товарларда бир вақтнинг ўзида бир хил белгидан фойдаланиш белгини рўйхатдан ўтказишга тўсқинлик қилмаслиги, агар бундай қўллаш жамоатчиликни чалғитиши ёки жамоат манфаатларига

зид бўлса, Иттифоқнинг исталган ёки бир мамлакатида ушбу белгига берилган муҳофазани ҳар қандай тарзда чеклаш мумкинлиги белгиланган.

Конвенциянинг юқоридаги қоидаларидан англашиладики, истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган ҳар қандай белги, хатто улар белгини рўйхатдан ўтказиш бўйича талабнома топширган ва у билан бир хил ёки ўхшаш товарларда бир вақтнинг ўзида бир хил белгидан фойдаланадиган шахснинг шерикларига ҳам исталган давлатда рўйхатдан ўтказиш рад қилиниши ёки амалда берилган муҳофаза чекланиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикамида товар белгиларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида”ги Қонунида товар белгилари давлатлар бўйича муҳофаза қилиниши белгиланган бўлсада, агар уларни рўйхатдан ўтказиш истеъмолчиларни чалғишига сабаб бўлса, маҳаллий жисмоний ва юридик шахслар номига рўйхатдан ўтказиш мумкин эмаслиги белгиланган. Товар белгиларини рўйхатдан ўтказишни ушбу асосга кўра рад қилиш Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисми 9-бандида белгиланган. Таъкидлаш жоизки, бунда белгининг илгари Ўзбекистонда ёки хорижда рўйхатдан ўтказилганлиги аҳамият касб этмайди⁸⁷.

Аксинча ушбу модданинг 13-бандида эса илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган белгилар рўйхатга олинмаслиги назарда тутилган. Бундан англашиладики, ушбу асос бўйича рад қилишда қарши кўйилаётган белгининг айнан Ўзбекистонда муҳофаза қилинганлиги аҳамиятга эгадир.

Қонуннинг 10-моддасидаги барча ҳолатлар бир-бирига боғланмаган асослар ҳисобланиб, интеллектуал мулк обьектларини рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг давлат экспертизаси жараёнида белгининг ушбу ҳолатларга зид эмаслиги алоҳида-алоҳида ўрганилади.

Интеллектуал мулк обьектларининг, шу жумладан товар белгиларининг асосий мақсади шахсларни, уларнинг маҳсулотларини бошқаларнидан ажратиб кўрсатиш ва бунинг натижасида истеъмолчиларнинг чалғимаслигини таъминлаш ҳисобланади. Шу билан бирга, бошқаларга тегишли бўлган товар белгиларининг рўйхатдан ўтказилмаслиги, келгусида ушбу белгидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган инсофсиз рақобатнинг ҳам олди олинишига хизмат қиласи.

⁸⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 178-модда.

Маъмурий судлар томонидан соҳа бўйича низоларни кўриб чиқишида низони тўғри тушунмаслик ва қонун нормаларини тўғри талқин қила олмаслик ҳолатларига яна бир мисол сифатида Бирлашган Араб Амирликларининг (БАА) “S.R.B.P” компаниясининг аризаси бўйича маъмурий суд иш юритиши жараёнига тўхталиб ўтсак. 1996 йил БААда “S.R.B.P” компанияси номига “SK” товар белгиси рўйхатдан ўтказилган бўлиб, бу товар белгиси остидаги маҳсулотлар бутун дунёга, шу жумладан Ўзбекистонга ҳам экспорт қилиниб келинмоқда.

2007 йилда эса “D.H” қўшма корхонасининг талабномаси асосида Агентлик томонидан чуқур ўрганишлар ўтказилмасдан унинг номига “SK” товар белгиси рўйхатдан ўтказилган.

Ўз навбатида, “S.R.B.P” компанияси 2018 йилда “Б.” маъмурий судига “D.H” қўшма корхонаси номига “SK” товар белгиси бўйича берилган гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган. Ушбу ариза бўйича 2018 йил 7 августда биринчи инстанция ва 2018 йил 21 ноябрда апелляция инстанцияда суд томонидан “S.R.B.P” компаниясининг талабларини қаноатлантириш рад қилинган. 2019 йилда эса Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан “Б.” маъмурий судининг ҳар икки қарори бекор қилиниб, маъмурий иш материаллари биринчи инстанцияда янгидан кўришга юборилган. 2019 йил 21 ноябрда “З.” маъмурий суди томонидан ҳам “S.R.B.P” компаниясининг аризаси бўйича маъмурий иш биринчи инстанцияда кўриб чиқилиб, “D.H” қўшма корхонаси номига “SK” товар белгиси бўйича берилган гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш рад қилинган. Бунда, “З.” маъмурий суди “S.R.B.P” компаниясига тегишли бўлган “SK” товар белгиси Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатига киритилмаганлиги боис, “S.R.B.P” компанияси талабларини қаноатлантириш рад қилинган.

Ушбу ҳолатда суд томонидан низони ҳал қилишга юзаки ёндошган ҳолда Қонун нормалари бир ёқлама қўлланилган. Хусусан, суд низони ҳал қилишда “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига, яъни белгининг ҳаммага маълум товар белгиси сифатида эътироф этилмаганлигига асосланиб, белгининг “D.H” қўшма корхонаси номига рўйхатдан ўтказилиши истеъмолчиларни чалғишига олиб келиши мумкинлигини инобатга олмаган.

Ваҳоланки, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг ушбу моддасининг 9-бандида товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини

чалғитиши мумкин бўлган белгилар ҳам рўйхатдан ўтказилмаслиги қатъий белгиланган.

Бундан кўриниб турибдики, суд “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг айнан бир моддаси талабини қўллашда, фақатгина белгининг муайян давлатларда муҳофаза қилинган бўлиши лозимлиги билан боғлиқ қоидаларга риоя қилиб, хорижда ёки Ўзбекистонда муҳофаза қилинганлиги умуман аҳамиятга эга бўлмаган ҳамда товар белгиларининг асл моҳиятини рўёбга чиқарувчи истеъмолчиларни чалғитмаслик тўғрисидаги талабга умуман эътибор қаратмаган.

Таъкидлаш жоизки, истеъмолчиларни чалғитувчи белгилар Ўзбекистонда ҳаммага маълум бўлган товар белгиси сингари муайян белгининг рўйхатдан ўтказилишини истисно қилувчи алоҳида тоифага ҳос бўлган ҳолатлардан бири саналади. Маъмурий орган “SK” товар белгисини “D.H” қўшма корхонаси номига рўйхатга олишда ушбу талабларга риоя қилмаган. Шунингдек, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига биноан муҳофаза ҳужжатини белги Ўзбекистонда ҳаммага маълум товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмаганлиги боис ҳақиқий эмас деб топиш ушбу товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан эътиборан беш йил мобайнида амалга оширилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Юкорида келтирилганидек, “SK” товар белгиси Ўзбекистонда ҳаммага маълум товар бегиси сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлган тақдирда ҳам низоли товар белгиси 2007 йилда “D.H” қўшма корхонаси номига рўйхатдан ўтказилганлиги боис тегишли муҳофаза ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш муддатлари аллақачон тугаб бўлган. Бундан англашиладики, суд томонидан “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмининг 13-банди нотўғри қўлланилган.

Шу билан бирга, “Б.” ва “З.” маъмурий судлари ҳамда Олий суд томонидан кўриб чиқилган “S.R.B.P” компанияси ва “D.H” қўшма корхонасига тегишли “SK” товар белгилари солиштирилганда “SK” товар белгиси “S.R.B.P” компанияси томонидан яртилганлиги, белгиланган тартибда БААда рўйхатдан ўтказилиб, бу белги остидаги маҳсулотни Ўзбекистонга экспорт қилиши натижасида, башарти бу белги Ўзбекистонда расман муҳофазага олинмаган бўлсада, умум фойдаланишда бўлган белгига айланиб улгурган. Ушбу омил бу белгидан бошқа шахслар томонидан айнан

бир хил кўринишда фойдаланилиши (маҳсулот ишлаб чиқариши) истеъмолчиларни бевосита чалғишига сабаб бўлади.

Юқорида келтирилган хуносалар суд томонидан ҳам ишни кўриб чиқишида инобатга олингандан низони тўғри ҳал қилинишига хизмат қилган бўлар эди.

Шу ўринда Агентлик томонидан ҳам муҳофаза тақдим қилиниши нотўғри деб топилганлиги, икки субъект ҳам бир хил маҳсулот ишлаб чиқариши, бу белгиларни маҳсулотларда қўллаш истеъмолчиларни чалғишига олиб келиши ҳамда инсофсиз рақобатга йўл қўяётганлиги таъкидланган бўлсада, суд биринчи инстанция ва апелляция инстанциялари қарорлари билан бир хил қарор қабул қилган.

Бунинг натижасида “S.R.B.P” компанияси ўз товар белгисига бўлган ҳукуқларини тиклаш учун 2 йил вақт сарфлаши, аризаларини биринчи инстанция, апелляция ва назорат тартибларида кўриб чиқишида иштирок этишига ва якунда ўз ҳукуқлари тикланишига эришмаган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу турдаги мисолларни қўплаб келтириш мумкин. Лекин, интеллектуал мулк соҳаси бўйича низоларни маъмурий судларда кўриб чиқиш жараёнлари такомиллаштирилмаса, “Жако КФ” ва “S.R.B.P” компанияларига ўхшаган бошқа хорижий корхоналарнинг ҳукуқлари бузилиши давом этаверишига, натижада мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги пасайишига ҳамда интеллектуал мулкни суд орқали ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳисботларда Ўзбекистонни ижобий имидж билан келтирилмаслигига олиб келади.

Алоҳида эътибор қаратиш лозимки, 2021 йилга қадар маъмурий судлар маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6034-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январда қабул қилинган “Суд қарорларини қайта кўриш институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунига мувофиқ 2021 йил 1 январидан бошлаб маъмурий ҳукуқбузарликка оид ишлар кўриб чиқиш жиноят ишлари бўйича судларда ўтказилган.

Ушбу янги тартиб жорий этилгунинг қадар Агентлик, Монополияга қарши куришиш қўмитаси, Давлат солик қўмитаси, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасидаги назорат бўйича давлат инспекцияси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг

177, 177¹, 177² ва 178-моддалари бўйича расмийлаштирилган маъмурий иш материаллари маъмурий судларга кўриб чиқиш учун киритилиб келинган.

Маълумот учун, биргина Агентлик томонидан 2020 йилда 36 та маъмурий иш материаллари маъмурий судларга киритилган ва судларнинг тегишли қарорлари асосида 18 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Ўтказилган таҳлиллар интеллектуал мулкни маъмурий суд орқали ҳимоя қилишда қўйидаги ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар борлигини кўрсатди:

1) маъмурий судларнинг судьялари интеллектуал мулк соҳаси бўйича маъмурий низоларни тўғри ҳал қилиш учун етарли билим ва тажрибага эга эмас.

Шу боис, маъмурий судлар масъуллари учун интеллектуал мулк соҳаси бўйича низоларни кўриб чиқиш юзасидан тегишли семинар-тренинглар ташкил қилиш ҳамда улар фаолиятида фойдаланиши учун тегишли услубий тавсиялар ишлаб чиқиш керак;

2) маъмурий судлар томонидан интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни самарали ҳал қилиш қонунчилик хужжатлари нормаларини бир хилда қўллаш бўйича ягона ёндашув ва амалиёт шаклланмаган.

Шунга асосан, интеллектуал мулк соҳаси бўйича қонунчилик нормаларини барча инстанция судлари томонидан бир хилда қўллаш учун Олий суд Пленуми қарорини қабул қилиш лозим;

3) фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўзларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш учун суд орқали низолашибиши натижасида маъмурий судлар иш юкламаси кун сайин ортиб бормоқда ва бу биринчи навбатда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ортиқча вақт сарфлаши ва молиявий харажатлар қилишига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли, бу турдаги низоларни судгача ҳал қилиш тартиб-таомилларини амалиётга кенг жорий қилиш керак, шу жумладан бу жараёнларга медиация институтини киритиш масаласини ўрганиш керак.

VI БОБ. ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ХУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

6.1. Иқтисодий судларда интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза этишга қаратилган ҳуқуқий муносабатлар

Ижодкорликни қўллаб-қувватлаш, интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш ва индивидуаллаштириш воситалари шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, ҳар қандай ҳуқуқнинг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият бўлиб, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Иқтисодий процессуал қонунчиликда интеллектуал фаолият объектлари ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар, товарлар, ишлар ва хизматларга мулкий ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги низолар иқтисодий суд томонидан ҳал этилиши назарда тутилган⁸⁸.

Интеллектуал фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш низонинг хусусиятига қараб маъмурий ёки суд тартибида амалга оширилади. Яъни, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг икки шакли мавжуд бўлиб, улардан биринчиси давлат ҳокимияти органларининг бу ҳуқуқларни ҳимоя қилишда иштирок этиши ҳисобланса, иккинчи тартиб – суд.

Низоларни ҳал қилишнинг суд тартиби субъектив ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг энг демократик ва мукаммал шаклидир, чунки фақат суд жараёни тарафларнинг тенглигини ва ишни кўриб чиқаётган органнинг мустакиллигини тўлиқ таъминлайди.

Суд ҳимояси фуқароларнинг, шу жумладан, ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг олий шаклидир, бироқ ҳуқуқни қўллаш муаммоси шундаки, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришни ушбу соҳадаги қонунчилик

⁸⁸ Ушбу соҳадаги амалиётни бир хиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Преидентининг 2022 йил 26 апрель ПҚ-221-сон қарорида ҳам Олий судга интеллектуал мулк объектларининг суд орқали ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида барча инстанция судлари томонидан интеллектуал мулк соҳасига доир ишларни бир хил ёндашув асосида кўриб чиқиш учун ягона суд амалиёти бўйича Олий суд Пленуми қарорини қабул қилиш тавсия этилган.

нормалари ва тамойилларини аниқ тушунмасдан туриб, унинг анъанавий мулк ҳукуқи ва мажбуриятлар ҳукуқидан, шунингдек, ҳукукий нормалардан сезиларли фарқи туфайли мумкин эмасдек кўринади.

Интеллектуал мулк обьектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларнинг ўзига хослиги шундаки, ушбу турдаги низоларни тўғри ва адолатли ҳал этилишини таъминлаш учун маҳсус ҳукукий ва техник билимлар комплекси талаб қилинади ва бу эса судьяларнинг маҳсус ҳукукий тайёргарлиги зарурлигини келтириб чиқаради.

Бошқача қилиб айтганда, интеллектуал мулк билан боғлиқ суд жараёни маşaқатли ҳамда кўп вақт ва маҳсус билимларни талаб қиласди, шунинг учун бундай масалаларни юқори профессионал даражада кўриб чиқилишини таъминлашда судьяларнинг ҳам, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳам тегишли ихтисослашуви зарур.



Интеллектуал мулк обьектларини ҳукукий муҳофаза қилиш уларнинг яратилганлиги туфайли ёки қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколат берилган давлат органи томонидан ҳукукий муҳофаза берилиши натижасида юзага келади.

Шу ўринда, иқтисодий судларда интеллектуал мулк ҳукуқини муҳофаза этишга доир процессуал норма Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 26-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра иқтисодий суд томонидан ҳал этиладиган низолар тоифасига интеллектуал фаолият обьектлари ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар, товарлар, ишлар ва хизматларга мулкий ҳукуклари бузилганлиги ҳақидаги низолар тааллуқлили ҳисобланади.

Мазкур норма мазмунидан ишда иштирок этувчи шахсларнинг таркибидан қатъи назар, индивидуаллаштириш воситалари билан боғлиқ низолар иқтисодий судларда кўриб чиқилиши керак. Бундай низоларга, хусусан, истеъмолчилар ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш, мерос бўйича ва эр-хотиннинг мулкини тақсимлаш билан боғлиқ низолар кирмайди.

Бугунги кунда интеллектуал мулк муносабатларида мулкий ҳукуклар билан боғлиқлиги сабабли мутлақ моддий манфаат кўриш воситаси ҳисобланган индивидуаллаштириш воситалари ва унга қўлланиладиган ҳукукларнинг замонавий фуқаролик муносабатларидағи ўрни тобора кенгайиб бормоқда. Лекин амалдаги қонунчиликда унинг ҳукукий мақомини

аниқлаштириш ва такомиллаштириш, замонавий фуқаролик-хуқуқий муносабатларга нисбатан мослаштириш масалалари ҳалигача эътибордан четда қолиб келмоқда.

Индивидуаллаштириш воситалари ва интеллектуал фаолият натижалари бўлган товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, фирма номи, товар келиб чиқкан жой номи, домен номи, тижорат сири каби номоддий обьектларга нисбатан қўлланиладиган мутлақ хуқуқлар мазмуни ва ҳажми Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида аниқ кўрсатиб ўтилмаган.

Қонунга мувофиқ мутлақ хуқуқларни икки субъектив хуқуқни амалга оширишига қўра ажратиш мумкин, яъни:

интеллектуал фаолият натижаларидан ёки индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланишдаги устунлик ва восита;

натижага бўлган хуқуқни тасарруф этишдаги устунлик.

Мазкур хуқуқларнинг ҳар бири мустақил субъектив хуқуқ бўлиб бири иккинчисини ўз ичига қамраб олмайди.

Умуман олганда, мутлақ хуқуқ ва мулк хуқуки тушунчалари бир-бири билан ўзаро боғлиқ ёки шундай боғлиқликни ўзида намоён этмаган тақдирда ҳам мавжуд бўлади. Бу дегани, мутлақ хуқуқнинг мавжудлиги мулкий хуқуқ билан ҳар доим ҳам ўзаро боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Бу борада профессор О.Оқюлов тўғри таъкидлаганидек, - Фуқаролик кодексида белгиланган қоидага қўра, интеллектуал фаолият натижасига (асар, ихтиро ва шу кабилар) ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага (масалан, товар белгиси) нисбатан мутлақ хуқуқ, бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситада ифодаланган моддий обьектга нисбатан мулк хуқуқидан қатъи назар, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ундан мустақил равишда мавжуд бўлади.

Мутлақ хуқуқ эгасининг ўз индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан хуқуқларини амалга оширишнинг муҳим шарти у ёки бу ашёда обьектив ифодаланган бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1032-моддасига мувофиқ, интеллектуал мулк обьектларини хуқуқий муҳофаза қилиш уларнинг яратилганлиги туфайли ваколат берилган давлат органи томонидан хуқуқий муҳофаза берилиши натижасида юзага келади.

Интеллектуал фаолият натижаси ёки индивидуаллаштириш воситаларидан бир неча усулда фойдаланиш, одатда, мутлақ хуқуқнинг бузилиши ҳолатларининг тегишли сонини ифодалайди.

Шу билан бирга, бир шахснинг интеллектуал фаолият натижаси ёки индивидуаллаштириш воситаларидан бир хил иқтисодий мақсадга эришишга қаратилган турли усуллар билан фойдаланиши битта хуқуқ бузилиши деб

баҳолаш мумкин. Масалан, контрафакт товарларни сақлаш ёки ташиш, агар улар ушбу товарни худди шу шахс томонидан фуқаролик муомаласига киритиш билан якунланган бўлса, товарни фуқаролик муомаласига киритиш элементи ҳисобланади ва алоҳида-алоҳида ҳуқуқбузарликни ташкил этмайди.

Агар маълум бир шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракати ҳали тугамаган ёки ҳуқуқ бузилиши таҳди迪 мавжуд бўлса суд томонидан қаноатлантирилиши мумкин. Шундай қилиб, сотувга қўйиш таклифини тақиқлаш ёки контрафакт товарларни сотишни тақиқлаш тўғрисидаги талаб, агар жавобгарга тегишли бўлган бундай товарлар судга қадар сотилган бўлса, қаноатлантирилмайди. Муайян шахсга келажакда интеллектуал фаолият натижаси ёки индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланишни умумий тақиқлаш (масалан, ахборот ва телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернетда маълумотларни жойлаштиришни тақиқлаш) талаблари ҳам қаноатлантирилмайди. Бундай чеклов тўғридан-тўғри қонун билан белгиланган.

Фуқаролик кодексининг 1033-моддасига биноан интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқларга эга бўладилар.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллифга унинг мулкий ҳуқуқларидан қатъи назар, тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкий ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтган тақдирда унинг ўзида сақланиб қолади.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ёки хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар (бундан буён матнда – хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалар)га нисбатан ҳуқуқ эгаларига бу воситалар борасида мулкий ҳуқуқлар тегишли бўлади.

Фуқаролик кодексининг 1032-моддасида назарда тутилган интеллектуал фаолият натижалари ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар рўйхати келтирилган бўлиб, улар Фуқаролик кодексининг VI бўлимида назарда тутилган асослар ва тартибда ҳуқуқий муҳофаза этилади.

Шу билан бирга, интеллектуал фаолият натижалари ва шу тарзда ҳимояланган индивидуаллаштириш воситалари, хусусан, домен номлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг номларини ўз ичига олмайди. Уларга нисбатан ҳуқуқларни муҳофаза этиш Фуқаролик кодексининг умумий қоидалари асосида амалга оширилади.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шахсийлаштирувчи воситаларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг бузилиши фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтирувчи асос сифатида кўрилади ва бу ҳолатлар

маҳсус қонунчиликда белгиланади. Профессор А.П.Сергеевнинг таъкидлашича, товар келиб чиқсан жой номига бўлган ҳуқуқ мутлақлик касб этмайди. Шу сабабли, у бир ёки бир неча шахсларга тегишли бўлиши мумкин эмас. Товар келиб чиқсан жой номларидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ каби бошқа шахсга лицензия шартномаси асосида бериб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланишича фирма номидан ноқонуний фойдаланиш фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилади. Фирма номидан ноқонуний фойдаланиш деганда, фирма номини контрафакт товарлар, ёрликлар, идишлар ва ўровларда ифодалаш тушунилади. Масалан, “ADIDAS” фирма номи контрафакт спорт костюмларида босилиб маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса ёки қадоқланган сут маҳсулотларида “Nestle” фирмасининг ёрлиги ёпиширилган бўлса, бундай ҳолатлар фирма номига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасининг розилигини олмасдан амалга оширилганда фирма номига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг бузилиши ҳисобланади.

Индивидуаллаштиришнинг кенг маънода шарҳланишига қўра, субъектларнинг товарлар ишлаб чиқариш ва уни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида бир-биридан турли белгиларини персонификациялаштириш ва индивидуаллаштириш воситалари орқали тафовутланишидир. Индивидуаллаштиришнинг тор доирадаги тушунчасига кўра, фуқаролик муносабатларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўзига тегишли турли хусусий аломатига эга бўлган белгилар, сўзлар ва бошқа аломатларидан фойдаланиб, товарлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида индивидуаллаштириш воситалари интеллектуал фаолият натижаларига тенглаштирилади ва шахснинг унга нисбатан ҳуқуқлари мутлақ ҳуқуқ сифатида қаралади.



Фуқаролик кодексининг 1031-моддаси биринчи қисми 2-бандига мувофиқ, интеллектуал мулкнинг фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларининг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- **фирма номлари;**
- **товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси;**
- **товар келиб чиқсан жой номлари.**

Шунингдек, мазкур рўйхат тугал хусусиятга эга эмас.

Мазкур институтнинг ўзига хослигини тадқиқ қилган М.В.Осипов индивидуаллаштириш воситалари бўлган товарлар, ишлар ва хизматлар қаторига рекламани ҳам киритади. Тадқиқотчи Д.А.Огай рекламага индивидуаллаштириш воситаси сифатида қараш мумкин эмаслигини эътироф этган ҳолда реклама бошқа индивидуаллаштириш воситаларидан фарқли ўлароқ, мутлақ хукуқ обьекти бўла олмайди, деб таъкидлайди.

Реклама ўзининг ижтимоий табиатига кўра товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси каби шу ва бошқа индивидуаллаштириш воситалари орқали истеъмолчига айни бир товарни, ишни ёки хизматни оммалаштириш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан хукуқ эгаси ўзига тегишли мутлақ хукуқлардан фуқаролик муносабатларида фойдаланиш хукуқига эгадир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 97-моддасида белгиланган ушбу қоиданинг мазмуни шундан иборатки, мутлақ хукуқ эгаси интеллектуал фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф этишда фақат ўзигагина тегишли бўлган хукуқдан фойдаланади. Мутлақ хукуқи соҳиби учинчи шахс (шахслар)га бу хукуқдан фойдаланишга рухсат бериши ёки тақиқлаб қўйишга (юридик шахснинг фирма номи бундан мустасно бўлиб, учинчи шахсларга фойдаланиш учун берилиши мумкин эмас) ҳақли.

О.Оқюлов ҳам индивидуаллаштириш воситаларининг ўзига хослигига тўхталиб, бу воситалар ижодий фаолиятнинг маҳсули бўлиши, янги бўлиши, оригинал (уникал) бўлиши шарт эмас, энг асосийси бошқа худди шундай воситаларни такрорламаслиги, айнан ўхшамаслиги, бинобарин бошқаларда белги соҳиби ҳақида янглиш, нотўғри маълумот бермаслиги шарт.

Интеллектуал фаолият натижалари билан фарқлаш, индивидуаллаштириш воситалари ўртасидаги умумийлик шундан иборатки, ҳар иккаласига нисбатан ҳам мутлақ хукуқлар деб аталмиш маҳсус хукуқий механизм амал қиласди, қўлланилади деб таъкидлайди. Худди шу сабабли ҳам қонун чиқарувчи фуқаролик субъектларини индивидуаллаштириш воситаларини Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулкка оид бўлимига киритган.

Индивидуаллаштириш воситаси юридик ва жисмоний шахсларнинг хукуқларини намоён этган товар ишлаб чиқариш муносабатларида бошқа шахсларга нисбатан ушбу хукуқни бузмасликни талаб қилиш имконини берувчи хукуқни ҳам ўзида намоён этади.

Индивидуаллаштириш воситаси ўз ҳолича фуқаролик муносабати обьекти бўла олмайди, шу билан бирга шахс ушбу воситадан товар ишлаб чиқариши, иш бажариши ёки хизмат кўрсатиш муносабатларида эркин

фойдалана олмайди. Бунинг учун шахснинг ушбу воситага нисбатан ҳукуқлари вужудга келиши лозим (лекин, истисно ҳолатларида товар ишлаб чиқарувчи томонидан ўз маҳсулотини у ёки бу белги орқали сотиш ҳуқуқи чекланмайди, лекин, агар маълум белгидан фойдаланаётган шахс бошқа шахсга тегишли бўлган товар белгиси билан бир хил ёки унга ўхшашлиги аниқланадиган бўлса, ушбу рухсатсиз фойдаланаётган шахс белгидан фойдаланишини тўхтатиши лозим).

Шахснинг мутлақ ҳуқуқи шахсийлаштирилган восита орқали фуқаролик-ҳуқуқий муносабатига киришиши, товар ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш муносабатларида даромад топиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1034-моддаси қўра, шахснинг интеллектуал фаолият натижалариға ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкий ҳукуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк обьектидан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади. Мутлақ ҳуқуқ эгасининг индивидуаллаштириш воситаларидан ҳар қандай усулда фойдаланиши, хусусан товар белгисидан бошқа шахсларнинг лицензия шартномаси орқали товар ишлаб чиқариш учун тақдим қилиш ҳуқуқига эга.

Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро умумэътироф этилган ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Жумладан, иқтисодий судларда ҳимоя қилинадиган интеллектуал мулк обьектлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1031-моддасида назарда тутилган бўлиб, улар жумласига қуидагилар киради:

1) интеллектуал фаолият натижалари:

фан, адабиёт ва санъат асарлари;

ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари;

электрон ҳисоблаш машиналари (бундан буён матнда ЭҲМ деб юритилади) учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари;

селекция ютуқлари;

ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);

2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:

фирма номлари;

товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

товарлар чиқарилган жой номи;

3) ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар билан боғлиқ жавобгарликнинг мазмуни эса Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг 62-моддасида назарда тутилган, яъни

муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш;

ижрочининг исм-шарифга бўлган ва ижрони ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;

ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар обьектини тақорглаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш, ушбу Қонунга мувофиқ шундай фойдаланишга шартнома тузмасдан йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар обьектларидан ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;

ҳуқуқ эгаларининг мулкий ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузишdir.

Иқтисодий судларда мазкур тоифадаги ишларни кўришда Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўналишида қўшилган қўйидаги халқаро конвенция, битим ва келишувлари билан танишиб чиқилиши мазкур соҳада одил судловни сифатли таъминлашга хизмат қиласди:

1. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотини (ЖИМТ) тузиш тўғрисидаги Стокгольм конвенцияси 14.07.1967 йилдаги Конвенция;

2. Саноат мулки ҳимояси тўғрисидаги Париж конвенцияси;

3. Патент бўйича ҳамкорлик 16.06.1970 йилдаги Вашингтон битими;

4. Товар белгиси тўғрисидаги қонунлар Женева битими 27.10.1994 йил;

5. Микроорганизмларга халқаро патент бериш тартиби ва депозитини эътироф этиш тўғрисидаги Будапешт шартномаси 28.04.1977 йил;

6. Товар ва хизматлар ёрлиқларини рўйхатдан ўтказиш ва халқаро таснифи тўғрисидаги Ницца шартномаси 13.05.1977 йил;

7. Халқаро патент таснифлаш түғрисидаги Страсбург келишуви 24.03.1971 йил;
8. Ўсимликларнинг янги турларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро Париж конвенцияси 02.12.1961 йил;
9. Патент ҳуқуқи түғрисидаги 01.06.2000 йилги шартнома. ЎРҚ-25 сон қонун 15.03.2006 йил;
10. Саноат намуналаринининг халқаро таснифини таъсис этиш түғрисидаги Локарно келишуви 08.10.1968 йил;
11. Ёрлиқларни халқаро рўйхатдан ўтказиш түғрисидаги Мадрид протоколи 28.06.1989 йил;
12. Бадиий-адабий асарларни муҳофаза қилиш түғрисидаги Берн конвенцияси 28.09.1979 йил;
13. Фонограмма ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини фонограммани ноқонуний равишда фойдаланишдан ҳимоя қилиш түғрисидаги Женева Конвенцияси 29.10.1971 йил;
14. ЖИМТнинг ижрочилар ва фонограмма тайёрловчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш түғрисидаги Женева шартномаси;
15. ЖИМТнинг муаллифлик ҳуқуқи бўйича Женева шартномаси.

6.2-§. Интеллектуал фаолият объектлари ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар, товарлар, ишлар ва хизматларга мулкий ҳуқуқлари бузилганлигига оид қонунчиликни иқтисодий судларда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Фуқаролик муомаласи қатнашичилари, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштириши воситаларини ҳимоя этиши

Интеллектуал мулк объектлари ўз-ўзидан ҳуқукий муҳофаза остига олинмайди, балки бу объектларга нисбатан субъектив ҳуқуқларга эга бўлган шахслар қонуний манфаатлари ҳуқукий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Фуқаролик муомаласи иштирокчилари ва улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни индивидуаллаштириш учун қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда тан олинган, товарлар ва хизматлар бозорининг айrim сегментларида истеъмолчиларнинг қизиқишини жалб қилишнинг ўзига хос воситаси бўлган маҳсус белгилар, индивидуаллаштириш воситалари қўлланилади.

Ҳозирги вактда амалдаги қонунчилик индивидуаллаштиришнинг қуйидаги ҳимояланган воситаларини назарда тутади: фирма номлари, товар

белгилари (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш белгилари), товар чиқарилган жой номи.

Шартли равища кўрсатилган индивидуаллаштириш воситаларини икки гурӯҳга бўлиш мумкин: фуқаролик муомаласи иштирокчиларини индивидуаллаштирувчи белгилар ва иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан товарлар, ишлар ёки хизматларни индивидуаллаштириш учун фойдаланиладиган белгилар.

Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниси



Фирма номининг асосий вазифаси - муайян юридик шахсни фуқаролик муомаласининг барча иштирокчиларидан индивидуаллаштириш (ажратиш) ва бунинг натижасида учинчи шахслар ўртасида у билан барқарор бирлашма ҳосил қилишdir.

Фирма номи юридик шахсни индивидуаллаштириш воситаси бўлиб, у орқали тижорат фаолиятини амалга ошириб, фуқаролик муомаласида иштирок этади. Фирма номи ёрдамида ижтимоий-иктисодий муносабат иштирокчилари бозорнинг турли субъектларини фарқлайдилар. Юридик шахснинг иқтисодиётнинг муайян тармоғида ёки иқтисодиётнинг турли тармоқдарида фаол иштироки унинг фирма номи билан кўрсатаётган хизматлари (ишлар, товарлар) орқали истеъмолчилар олдида машҳур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига асосан **фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи** бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўtkazilgan ваqtda юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиши тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 11-бандига асосан ариза берувчи томонидан фирма номини танлаш бир хиллигининг текширилиши Тизим томонидан автоматик тарзда амалга ошириладиган, лотин алифбосидаги эркин фирмаларидан сўровнома шаклантирилганда амалга оширилади.

Ариза берувчи у томонидан фирмалари танланадиганда Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек юридик шахслар номлари тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Сўровнома шаклантирилганда танланган фирма номи Тизим томонидан 60 календарь кунига ариза берувчи номига сақланиб туради.

Бундан ташқари, айрим тоифадаги юридик шахсларнинг (кредит, сугурта, қимматли қофозлар) номлар қўйишида маҳсус талаблар белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига кўра, «банк» атамасидан ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларидан фақат банк фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан фирма номида ёхуд товар белгисида (хизмат кўрсатиш белгисида) фойдаланилади.

Банк фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар «банк» атамасини ўзининг **фирма номига қўшиши шарт**.

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 41-моддасига кўра, суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг фирма номида илгари ташкил этилган суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг фирмаси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилардан фойдаланилишига йўл қўйилмайди, бундан суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг филиаллари номлари мустасно.

Фирма номи, ташкилий-хуқуқий шакли ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ва суғурта брокери оммавий ахборот воситалари орқали бу ҳақда суғурта қилдирувчиларни хабардор қилиши, ўзи бажараётган, бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган шартномалар бўйича эса ёзма шаклда ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалангандан ҳолда электрон хужжат шаклида хабардор қилиши шарт.

«Суғурта» атамасидан ёки бу атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларидан фақат суғурта фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан фирмасида ёки товар белгисида (хизмат кўрсатиш белгисида) фойдаланилади.

Суғурта фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар «суғурта» атамасини ўз фирмасига киритиши шарт.

Илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирмаси номлари фирмасида кўрсатилмаслиги керак, бу эса низони ФКнинг 9-моддасида назарда тутилган

қоидаларни қўллаган ҳолда ҳал этилиши лозимлигини англатади. Чунки, муқаддам қайсиdir шахс яратган обрўдан фойдаланиши фуқаролик хуқуқларини амалга оширишнинг умумий қоидаларига зид бўлиб ҳисобланади.

Юридик шахс ўз фирма номидан фойдаланишда ва бошқа юридик шахсларга ушбу фирма номидан фойдаланиш хуқуқини беришда мутлақ хуқуқга эга.

Чет эл юридик шахсининг фирма номига бўлган мутлақ хуқуки шу юридик шахс таъсис этилган мамлакатнинг қонунчилигига белгиланган хужжат билан тасдиқланади.

Қонунчиликка асосан, юридик шахснинг фирма номи унинг таъсис хужжатларида кўрсатилади. Фирма номига бўлган хуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан юзага келади. Юридик шахснинг фирма номи тегишли юридик шахсларни айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган даражада аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган бўлса, у рўйхатга олиниши мумкин эмас.

Бироқ, фақат бир хил ёки адаштирадиган даражада ўхшаш белгидан фойдаланиш фуқаролик жавобгарлиги чораларини қўллаш учун етарли асос бўлмайди.

Мисол, “Dr.Reddy’s Laboratories LTD” (Ҳиндистон) компанияси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) “Bionic” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Omes” (Омес) дори воситасининг қутисидаги белгилари MGU 15649 гувоҳномасига эга бўлган хуқуқ эгаси “Dr.Reddy’s Laboratories LTD” компанияси розилигисиз “Оmez” (Omez) товар белгиси билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган “Omes” (Омес) дори воситасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, сотиш, савдога таклиф этиш, ҳар қандай тарзда фуқаролик муомаласига киритишни тақиқлаш, реализация қилинган “Omes” (Омес) дори воситасини фуқаролик муомаласидан ўз ҳисобидан чиқариш мажбуриятини юклаш, жавобгарнинг ўзида мавжуд бўлган “Omes” (Омес) дори воситасини ўз ҳисобидан йўқ қилиш мажбуриятини юклаш ва етказилган 10 000 000 сўм зарарни ундиришни сўраган.

Аниқланишича, жавобгар ва Ҳиндистондаги “Combitic Global Caplet” Pvt.Ltd компанияси ўртасида 2017 йил 15 сентябрда 001-сонли ҳамда 2020 йил 28 февралдаги 001-сонли маҳсулот етказиб бериш шартнома (контракт)лари тузилган.

Жавобгар 2020 йил 28 февралдаги 001-сонли шартнома (контракт)га асосан Ўзбекистон Республикаси худудига 1 069 632 дона, умумий суммаси 6 952 692 828,78 сўмлик Ҳиндистондаги “Combitic Global Caplet” Pvt.Ltd” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “Омес” (Омес) дори воситасини олиб кирган.

Даъвогар, жавобгар томонидан Ҳиндистондаги “Combitic Global Caplet” Pvt.Ltd компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган “Омес” (Омес) дори воситаси Ўзбекистон Республикаси худудига ноқонуний олиб кирилаётганилиги ва сотилаётганилиги, ушбу икки дори воситаларининг фармакологик таъсири бир хиллиги, адаштириб юборадиган даражада ўхшашлиги, бу билан жавобгар “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-моддасининг учинчи қисми талабларини бузаётганилигини асос қилиб, унга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Мазкур Қонуннинг 4-моддасига қўра, товар белгиси ҳуқуқий жиҳатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

Фуқаролик кодекси 1103-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларига қўра, товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда алоҳида ҳуқуққа эга. Товар белгисининг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгасига тегишилдири.

Давлат петент идорасининг 2007 йил 8 октябрдаги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги қарорига асосан берилган MGU 15649-рақамли гувоҳномасига қўра, “Оmez/Omez” товар белгисига бўлган даъвогарнинг мутлақ ҳуқуки 2007 йил 30 октябрда рўйхатга олинган.

Фуқаролик кодекси 1034-моддасининг иккинчи қисмига қўра, ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк обьектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг рухсати билан йўл қўйилади.

Қонун 26-моддасининг учинчи қисмига қўра, товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади.

Қонун 27-моддасининг низоли ҳуқуқий-муносабат вужудга келган вақтда амалда бўлган учинчи қисмининг таҳририга кўра, товар белгисидан ёки адаштириб юбориш даражасида у билан ўхшаш бўлган белгидан товарларда, товарларнинг этикеткаларида, ўровларида қонунга зид равища фойдаланилганда улар сохталаштирилган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги бош эксперти К.Тўхтаеванинг 2021 йил 2 июлдаги холосасида “Bionic” МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда фойдаланилаётган “Оmes” белгиси “Dr.Reddy’s Laboratories LTD” компаниясига тегишли бўлган “Оmez/Omez” товар белгиси билан фонетик жиҳатдан истеъмолчини адаштириб юбориш даражасида ўхшашлиги қайд этилган.

Гарчи, жавобгар “Оmes” (Омес) дори воситасининг ишлаб чиқарувчиси ёки қадоқловчиси бўлмаса-да, 2017 йил 15 сентябрдаги №001-сонли ҳамда 2020 йил 28 февралдаги 001-сонли шартномаларга асосан ушбу дори воситасини рухсат берилмаган тарзда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириб (импорт қилиб), савдога таклиф этиб, сотиб ҳамда адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаб, даъвогарнинг товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқини бузган.

Мазкур ҳолат, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасининг 2018 йил 4 июндаги рақобат қонунчилигини бузилишга доир 12-02/09-сонли қарори билан ҳам тасдиқланади.

Хусусан, ушбу қарорга кўра, жавобгар “Рақобат тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни 13-моддасининг 2 ва 3-хатбоши талабларини бузилишига йўл қўйилганлиги қайд этилиб, қонунбузилиш ҳолатини тугатиш, яъни (Оmez) товар белгили дори воситасига ўхшаш бўлган “Оmes” (Омес) товар белгили дори воситасини Республика ҳудудига киритиш ва сотишни тўхтатиш ҳамда бу тўғрисида 20 кунлик муддатда ҳудудий бошқармага маълумот тақдим этиш юзасидан кўрсатма берилган.

Жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасининг мазкур кўрсатмаси кўриб чиқилиб, 2018 йил 29 июндаги 41-сонли хат билан “Оmes” дори воситасини Республика ҳудудига олиб кириш ва реализация қилиш тўхтатилганлиги маълум қилинган.

Жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасининг қарори юзасидан низолашилмаганлиги ва унинг ижросига киришилиб, дори воситасини Республика ҳудудига олиб кириш ва реализация қилиш

тўхтатилганлиги ҳақида хат тақдим этилганлиги жавобгарнинг товар белгиси билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатининг инкор этмаганлигидан, аксинча бу ҳолатни тан олганлигидан далолат беради.

Суд даъвонинг жавобгар зиммасига “Омес” (Омес) дори воситасининг кутисидаги белгилари MGU 15649 гувоҳномасига эга бўлган ҳуқуқ эгаси “Dr.Reddy’s Laboratories LTD” компанияси розилигисиз “Оmez” (Оmez) товар белгиси билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган “Оmes” (Омес) дори воситасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, сотиш, савдога таклиф этиш, ҳар қандай тарзда фуқаролик муомаласига киритишини тақиқлаш, реализация қилинган “Оmes” (Омес) дори воситасини фуқаролик муомаласидан ўз ҳисобидан чиқариш мажбуриятини юклаш, жавобгарнинг ўзида мавжуд бўлган “Оmes” (Омес) дори воситасини ўз ҳисобидан йўқ қилиш мажбуриятини юклаш талабларини қаноатлантириш, даъвонинг етказилган 10 000 000 сўм зарарни ундириш талабини эса, даъвогар томонидан тегишли далиллар билан исботлаб берилмаганлиги учун қаноатлантиришни рад этиш ҳақида хulosага келган.

Фирма номига бўлган ҳуқуқлар ҳимоясини таъминлашда фирма номида қўйидагилар кўрсатилмаганлигига эътибор қаратилади:

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари)

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари

белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари)

белгиланган тартибда қонунчилик билан муҳофаза қилинадиган географик кўрсаткичлар ва товар келиб чиқсан жойнинг номлари билан, шундай кўрсаткичдан ёки номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар.

Фирма номидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги талаб билдирилганда, ҳуқуқ эгасига фақат бузилиш фактини исботлаши етарли бўлиб ҳисобланади. Жумладан, “А” компанияси (Буюк Британия) иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Б” га нисбатан Тошкент шаҳар, Зарқайнар кўчаси, Чорсу бозори, 15-дўкон пешлавҳасидаги даъвогарнинг фирма номига бўлган ҳуқуқларини бузилган деб ҳисоблаб, уни

олиб ташлашни сўраган. (Тошкент шаҳар иқтисодий судининг 13.12.2019 йилдаги №4-10-1924/357-сонли иқтисодий иш юзасидан ҳал қилув қарори).

Аниқланишича, даъвогарнинг фирма номига бўлган хуқуқи (Буюк Британия) 1992 йил 17 декабрда шу мамлакатда рўйхатдан ўтган, тегишли гувоҳнома (апостиль) билан тасдиқланган. Даъвогар ушбу ном билан Буюк Британия, Германия, Польша, Австрия ва Нидерландияда савдо дўконларига эга. Шунга кўра, суд жавобгар томонидан даъвогарнинг розилиги олинмасдан унинг номидан фойдаланилганлигини фирма номига бўлган хуқуқи бузилган деб топиб, даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантирган.

Суд ушбу даъво аризасини қаноатлантиришда Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига асосан юридик шахс (лицензиар) ўз фирма номидан фойдаланиш учун бошқа юридик шахсга (лицензиатга) қонунчиликка мувофиқ улар ўртасида тузилган лицензия шартномаси ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси асосида рухсат бериши мумкинлиги билан асослантирган.

Фирма номидан фойдаланишни таъкиқлаш муайян фаолиятга нисбатан баҳсли белгидан фойдаланишни тўхтатиш ёки номни ўзгартириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Бироқ, хуқуқ эгаси бошқа юридик шахсни фирма номини ўзгартиришга мажбурлаш талабини қўйишга ҳақли эмас, ушбу ваколат рўйхатдан ўтказувчи органга тегишли бўлиб ҳисобланади. Хуқуқ эгаси эса фирма номидан фойдаланишни таъкиқлаш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

	<p>! Индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлақ хуқуқларни ҳимоя қилишнинг фирма номидан низоли сўзларни чиқариб ташлаш орқали таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини юклаш усули мавжуд эмас.”</p>	
--	--	--

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, фирма номига бўлган хуқуқни ҳимоя қилиш мақсадида хуқуқ эгалари қўйидаги даъво талаблари билан иқтисодий судларга мурожаат қилишган:

1-талаб: жавобгарга ўхшаш фирма номидан фойдаланишни таъкиқлаш;

2-талаб: жавобгарга фирма номидан фойдаланишни таъкиқлаш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш шарти билан таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклаш.

Фирма номига бўлган хуқуқни ҳимоя қилишдаги айрим жиҳатлар

Биринчидан, иккита юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичининг (ИФУТ) кичик синфидағи фаолият турлари ўхшаш фаолият ҳисобланиши масаласи. Маълумки, ИФУТ ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари ва кодини аниқлашга хизмат қиласи.

ИФУТ иқтисодий фаолият турлари ва улар ҳақидаги маълумотларни таснифлаш ва кодлаш учун мўлжалланган. Шу билан бирга, у хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳақиқатда амалга оширилаётган иқтисодий фаолиятнинг асосий ва бошқа турларини аниқлаш учун ҳам қўлланилиши мумкин.

ИФУТ иқтисодий фаолият турларининг таснифланган гуруҳлари кодларини, гуруҳлаш мазмунини очиб берувчи ва/ёки таснифлагичининг бошқа гуруҳларига ҳаволалар берадиган номлар ва тавсифларни ўз ичига олади.

ИФУТ иерархик таснифлаш усули ва кетма-кет кодлаш усулидан фойдаланади. Унинг тузилиши синфлар, кичик синфлар, гуруҳлар, кичик гуруҳлар, турлардан иборат бўлиши мумкин.

Хорижий давлатлар суд амалиётида фирма номига бўлган хуқуқни бузиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиша даъвогар ўзи ҳам, жавобгар ҳам қайси фаолият турлари билан шуғулланаётганини, шунингдек тегишли фаолият турларининг ўхшашлигини исботлаши керак. Айнан шунга ўхшаш фаолиятнинг амалда амалга оширилиши истеъмолчилар томонидан турли ишлаб чиқарувчилар ва товарлар (хизматлар) етказиб берувчиларни адаштириб юборишининг ҳақиқий таҳдидини яратади.

Шу билан бирга, даъвогар ўзи томонидан амалга оширилган фаолият турлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган, ўзи томонидан амалга оширилган фаолият турларини тасдиқлаган ҳолда, ўзи томонидан муайян фаолият турларини, шу жумладан ҳақиқатда амалга оширганлиги тўғрисида далилларни тақдим этиши шарт.

Даъвогар жавобгарга нисбатан ҳақиқий фаолияти тўғрисида ҳам, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган фаолият тўғрисида ҳам маълумотларни тақдим этиши мумкин. Шу билан бирга қуйидагилар фирмамига бўлган хуқуқни ҳимоя қилишда инобатга олиниши мумкин:

- жавобгарнинг фаолияти таъсис ҳужжатларида кўрсатилган фаолият турлари билан бир хил бўлса, жавобгар томонидан улар ҳақиқатда амалга оширилмаганлигини исботламагунча ушбу фаолият турларининг амалда амалга оширилган деб таҳмин қилинади;

- юридик шахс ягона давлат реестридан кўчирмада кўрсатилган фаолият турларини акси исботланмагунча амалга оширган ёки амалга ошириши мумкин деб тахмин қилинади.

Шунингдек, хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, товарлар ва хизматларнинг тегишли фаолият манзили ва ИФУТ бўйича иқтисодий фаолиятнинг бир кичик тоифаси билан қамраб олинганда агар даъвогар ёки жавобгар буни аксини судда исботлаб бермаса, даъвогар ва жавобгарнинг фаолияти ўхшаш деб тахмин қилинади.



Яна бир ҳолат, даъвогар ва жавобгарнинг фирма номининг бир қисми сифатида ташкилий-хуқуқий шаклдаги фарқ ўз-ўзидан фирма номига бўлган хуқуқнинг бузилиши йўқлигини кўрсатмайди.

Фирма номидан фойдаланиши тўхтатиш талаби, агар суд қарори қабул қилинган пайтда бузилиш мавжуд бўлса, қаноатлантирилиши мумкин.

Иккинчидан, юридик шахснинг ташкилий-хуқуқий шакли (қайта ташкил этиш) кейинчалик бундай маълумотларни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиш билан ўзгартирилиши фирма номининг устуворлик санасини ўзгаришига олиб келмайди.

Бироқ, фирма номини ихтиёрий қисми ўзгартирилиши (жумладан, “САРИ” – “НАРИ”) фирма номига нисбатан устуворлик хуқуқи у давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига асосан давлат рўйхатидан ўtkазиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очик бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади. Юридик шахс давлат рўйхатидан ўtkазилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига асосан фирма номини хуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш нафақат юридик шахс тугатилганда, балки унинг фирма номи ўзгартирилган тақдирда ҳам тугатилади.

Агар юридик шахс фирма номининг ихтиёрий қисми ўзгарганлиги ҳақида таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритса, янги фирма номига нисбатан устуворлик хуқуқи юридик шахс ташкил этилган пайтдан бошлаб эмас, балки у рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Учинчидан, Фуқаролик кодексининг 46-моддасига кўра, тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши лозим. Юридик шахс ўз фирмасининг номидан фойдаланиш мутлақ хуқуқига эгадир. **Ўзга**

фирма номидан ғайриқонуний суратда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ҳамда етказилган заарларни тўлаши лозим.

Тўртинчидан, даъвогарнинг бошқа шахс томонидан фирма номини ўзгартирган ҳолда низоли фирма номидан фойдаланишни таъқиқлаш ҳақидаги талаблар иқтисодий судларда кўриб чиқилмайди.

Бешинчидан, ҳуқуқ эгаси фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бузилганлиги сабабли заар ундириш ҳақидаги талабни қўйиш ҳуқуқи мавжудлиги қонунчиликда назарда тутилган. Бунда фақатгина фойдаланиши натижасида етказилган зарарни ундиришни суддан сўрашга ҳақли ҳисобланади.

Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ ҳукуқларни ҳимоя қилиш Фуқаролик кодексининг 11-моддасида назарда тутилган усуллар билан амалга оширилади. Мутлақ ҳукуқларни ҳимоя қилиш шунингдек:

мутлақ ҳукуқлар қайси моддий обьектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий обьектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий обьектларни олиб қўйиш орқали;

йўл қўйилган бузиш ҳақидаги маълумотни мажбурий суратда эълон қилиб, унга бузилган ҳуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали;

қонунда назарда тутилган бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Интеллектуал фаолият натижаларини ва хусусий алломатларни акс эттирувчи воситаларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бузилганда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

Олтинчидан, Фуқаролик кодексининг 65-боби 1-параграфида назарда тутилган қоидалар нодавлат нотижорат ташкилотларининг номларига нисбатан тадбиқ этилмайди. Ушбу параграфда назарда тутилган фирма номи тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахсларга таалуқли бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартағи 57-сон қарори билан тасдиқланган “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиши тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-бандига кўра, уларнинг туридан қатъи назар, айнан бир номдаги ННТни давлат рўйхатидан ўтказишга йўл қўйилмайди.

Номи бир хил бўлган икки ёки ундан ортиқ ННТни давлат рўйхатидан ўтказиши тўғрисидаги ариза тушган ҳоллардан олдинроқ ариза берган ННТ рўйхатдан ўтказишда устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 1031-моддасида фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий

аломатларини акс эттирувчи воситалари қаторида нодавлат нотижорат ташкилотларининг номи кўрсатилмаган.

Саноат мулки ҳимояси тўғрисидаги Париж конвенцияси Конвенциясининг 10-моддасига асосан, учинчи шахслар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг номларидан фойдаланилганда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9-моддаси нормаларини истисно тариқасида қўллаш мумкин. Мазкур модданинг мазмунига кўра, фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиши бу ҳуқуқларнинг бекор қилинишига олиб келмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади.

Фирма номига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг усусларидан бири етказилган заарни ундириш бўлиб ҳисобланади. Заарни ундириш бўйича моддий даъво қўйишда ҳуқуқ эгаси фуқаролик қонунчилигининг умумий қоидаларига, хусусан, Фуқаролик кодексининг 14-моддасига асосланилади.

Заарни қоплаш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда даъвогарнинг ололмай қолган даромадлари, ҳуқуқи бузилган шахснинг ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари миқдори исботланган бўлиши лозим, яъни даромад олиши учун қилинган чора-тадбирлар, ҳужжатлар.

Хулоса қилиб айтганда, юридик шахс нинг фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилиши, эътироф этилиши, муҳофаза қилинишининг зарур шарти – бу номни Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат идораларида рўйхатдан ўтказилганлиги ва бу ҳақда далолатнома берилганлигидир. Ушбу талабга риоя қилмаслик фирма номига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг тан олинмаслигига сабаб бўлади.

Товар белгисини судда ҳимоя қилиши



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1102-моддасига мувофиқ, товар белгиси уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳукуқий жиҳатдан муҳофаза қилиниши белгиланган. Товар белгисига бўлган ҳукуқ товар белгиси рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади. Шунга асосан товар

белгисига нисбатан шахснинг мутлақ ҳукуқлари тан олинади ва давлат органи томонидан муҳофаза қилинади.

Мисол, Даъвогар “Свабода” АЖ (матнда кейинги ўринларда “даъвогар” ёки “АЖ” деб юритилади) Иқтисодий судга даъво ариза мурожаат қилиб жавобгар “KLIN KOSMETIKA” шўъба корхонасига (матнда кейинги ўринларда “жавобгар” ёки “ШК” деб юритилади) нисбатан “ТИК ТАК” товар белгиси остида маҳсулотларни қадоқлаш ва реализация қилиш ҳаракатларини “Свабода” АЖнинг 1305475 рақами остида халқаро рўйхатдан ўтган товар белгисига нисбатан мутлақ ҳукуқларининг бузилиши деб топиш ва “KLIN KOSMETIKA” шўъба корхонасига “ТИК ТАК” товар белгисини ноқонуний фойдаланилаётгани учун қолдиқ маҳсулотлар ва хом-ашёларни ўз ҳисобидан йўқ қилиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Аниқланишича, жавобгар томонидан даъвогарга тегишли бўлган “ТИК ТАК” товар белгиси остида маҳсулот ишлаб чиқариб келинган.

Фуқаролик кодексининг 1102-моддасига кўра, товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳукуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади. Товар белгисига бўлган ҳукуқ товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Фуқаролик кодексининг 1103-моддасига кўра, товар белгисига бўлган ҳукуқ эгаси ўзига тегишли белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда алоҳида ҳукуққа эга. Товар белгисига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишдан иборат алоҳида ҳукуқ ҳам товар белгисига бўлган ҳукуқ эгасига тегишлидир.

Аммо, жавобгар томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга кўра, “ТИК ТАК” товар белгисидан фойдаланиш бўйича жавобгар “KLIN KOSMETIKA” шўъба корхонаси Ўзбекистон ҳудудида давлат органларидан тегишли тартибда рўйхатга олинган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда суд даъво аризасини кўриш жараёнида даъвогар ва жавобгар ўртасида “ТИК ТАК” товар белгиси бўйича низо мавжуд эмаслиги сабабли даъво аризасини рад қилишни лозим топган.

Амалиётда бирор-бир товар ёки хизматни тавсифлаш мақсадида “логотип”, “савдо маркаси”, “брэнд” сўзлари ишлатилади, иқтисодий ишларни кўриб чиқиш жараёнида уларни бир-биридан фарқловчи хусусиятларига ҳам эътибор қаратиш лозим.



Логотип – нафақат веб-сайт саҳифасидаги белги, балки биринчи навбатда тижорат бренді бўлиб, унда шакли, шрифти, ранги ва расми ўзига хос маънога эга ва истеъмолчига маълум маъноларни етказади. Бошқача қилиб айтганда, ташкилот ёки маҳсулотни ифодаловчи график дизайн ёки эмблема. Логотип товар белгиси сифатида расмий рўйхатдан ўtkazilmaguncha маълум бир юридик кучга эга эмас.

Савдо маркаси – англо-саксон ҳуқуқ тизимида «trademark» сифатида қўлланилиб, “товар белгиси” билан моҳияти бўйича ўхшаш бўлиб ҳисобланади. Бироқ, миллий қонунчилигимизда “савдо маркаси” атамаси юридик кучга эга эмас. Савдо маркаси – сўз, белги, рамз, тасвирни ўзида мужассамлаштиради.



Бренд – (inglizcha
brand [braend] – бир сотувчининг маҳсулоти ёки хизматини ажратиб турувчи ғоялар, қарашлар, қиймат хусусиятлари тўплами. У корхонанинг бозордаги ўрни, дизайн, ўрами билан боғлиқ ҳаракатланишининг механизми.

Товар белгиси бренд бўлиши учун у истеъмолчилар ўртасида тан олиниши ва машҳур бўлиши лозим, яъни унча машҳур бўлмаган товарлар бренд бўла олмайди. Бироқ, амалиётда бренд товар белгиси ёки савдо маркаси сифатида ҳам қаралиши мумкин. Миллий қонунчиликда бренднинг ҳуқукий таърифи мавжуд эмас.

Жаҳоннинг энг ривожланган АҚШ, Япония, Хитой, Европа Иттифоқи таркибида кирувчи мамлакатлар глабал бозорда рақобат устунлигини

таъминлашнинг асосий стратегияси сифатида қўшимча қиймат яратиш манбай бўлган глобал брендларга эътибор қаратиб, халқаро брендларни бошқариш сиёсатига катта эътибор қаратмоқда. Ушбу ҳолатлар ривожланаётган мамлакатларда глобал брендларни бозордан сиқиб чиқаришга қаратилган маҳаллий брэндинг стратегияларини шакллантиришни тақозо этмоқда. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар рақобатбардошлигини брэндинг стратегиялари асосида оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар, жумладан, глобал брендларни яратиш, инновацион маркетинг стратегиялари асосида истеъмолчиларни индивидуаллаштириш, бозор тадқиқотларини самарали ташкил этиш, глобал брендлар билан рақобатлаша оладиган маҳаллий брендлар яратиш, ракамли маркетинг коммуникация каналларидан самарали фойдаланиш асосида миллий брендларнинг жаҳондаги нуфузини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар оммалашмоқда.

Товар белгиси индивидуаллаштириш воситаси сифатида шахснинг мутлақ ҳуқуқларини эътироф этган ҳолда, унинг ёрдамида товар ишлаб чиқариш ҳамда уни реализация қилиш, бошқа шахсларга ушбу мутлақ ҳуқуқдан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиши ёки унга бўлган ҳуқуқдан воз кечиши (бунда шахс товар белгисини муайян пул эвазига бошқа шахста сотиш ёки ушбу белгидан фойдаланишни тўхтатиш), бошқа шахсларнинг ушбу белгидан инсофсиз фойдаланиш ҳолатларидан ҳимоя қилиши каби фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ўзида намоён этади. Товар белгилари индивидуаллаштириш воситаси сифатида фуқаролик муомаласида бўлар экан, унга нисбатан қонунда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатларни амалга оширади ва бу ҳуқуқ мутлақ ҳуқуқ сифатида эътироф этилади.

Товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасининг эгалик қилиш, уни тасарруф этиши ва уни бошқа шахсларнинг тажовузларидан ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳуқуқи фуқаролик қонунчилигига кўра мулкдорнинг ундан эркин фойдаланиш мазмунини ўзида намоён этади. Товар белгиси мазкур ҳуқуқий муносабатларни ўзида намоён этиш асносида унга эгалик қилувчи шахснинг ушбу товар белгисига бошқа шахсларга нисбатан устунлик ҳуқуқини беради. Мазкур устунлик, нафақат бир ҳудуд доирасида, балки бутун дунёда ҳуқуқий муҳофаза этилиши билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Фуқаролик кодексининг IV бўлими қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонунга кўра “интеллектуал мулк” атамаси фақат интеллектуал фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган

индивидуаллаштириш воситаларини қамраб олади, лекин уларга бўлган ҳукуқларни эмас.

Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади. Товар белгисига бўлган ҳукуқ товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Фуқаролик кодексининг 1103-моддасига асосан товар белгисига бўлган ҳукуқ эгаси ўзига тегишли белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда алоҳида ҳукуққа эга. Товар белгисига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишдан иборат алоҳида ҳукуқ ҳам товар белгисига бўлган ҳукуқ эгасига тегишилдири. Товар белгисини қонунда белгиланган тартибда ҳар қандай тарзда муомалага киритиш ундан фойдаланиш деб ҳисобланади. Товар белгисини нашр этганда, уни кўпчилик олдида ижро этганда ёки ундан ўзгача тарзда фойдаланганда товар белгисининг ўзига ҳам, унинг белгиларига ҳам бирор-бир ўзгартишлар киритишга фақат унга бўлган ҳукуқ эгасининг розилиги билан йўл қўйилади. Товар белгисининг дахлсизлигига бўлган ҳукуқ товар белгисига бўлган ҳукуқ эгасига тегишилдири.

Бинобарин, товар белгиси унинг номига рўйхатдан ўтказилган шахсга товар белгисига бўлган ҳукуқни ҳимоя қилиш рад этилиши мумкин эмас, ушбу қоида товар белгисини рўйхатдан ўтказишнинг ноқонунийлиги тўғрисидаги далиллар судга тақдим этилган тақдирда ҳам амал қиласи. Ушбу товар белгисига нисбатан ҳуқуқий ҳимоя ҳақиқий эмас деб топилгандан сўнгтина белгиланган тартибда товар белгисини ҳуқуқий ҳимоя қилишни тугатиш мумкин.

Ўз ҳукуқини ҳимоя қилиш учун ариза берган ҳукуқ эгасининг товар белгисидан фойдаланмаслиги ўз-ўзидан ҳукуқнинг суиистеъмол қилинганинг кўрсатмайди.

Статистик таҳлилларга қараганда, иқтисодий судлар томонидан интеллектуал мулк ҳукуки бўйича товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгиси)га бўлган ҳукуқдан келиб чиқсан низолар қўпроқ қўрилган. Ҳаммага маълум товар белгилари низоларининг судлар томонидан кўриб чиқиш ва муҳофаза қилиш масалаларини ўрганган ҳолда амалдаги қонунчиликдаги мавжуд қоидаларни ҳаммага маълум товар белгиларининг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб, халқаро қонунчилик талаблари даражасида такомиллаштириш лозимлигини таъкидламоқчимиз. Жумладан, ҳаммага маълум товар белгилари ҳуқуқий муҳофаза қилинишини таъминлашда контрафакт маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг таъсир доирасига тушиб қолишидан асраш мақсадида куйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- товар бозорида контрафакт маҳсулотларга нисбатан талаб ва таклиф даражасини маркетинг тадқиқоти сифатида доимий мониторинг ишларини амалга ошириш;

- тегишли ҳудудда жойлашган бозор маъмурияти томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга контрафакт маҳсулотларни чакана ва улгуржи савдо қилувчи сотиб оловчи, сотувчи ва ишлаб чиқарувчилар тўғрисида доимий ахборот маълумотларини жамлаш ва тегишли органга тақдим этиб бориш;

- истеъмолчилар оммасини маълум товар белгиси остида ишлаб чиқарилган контрафакт товар маҳсулотлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали доимий равишда маълумот бериб бориш. Контрафакт маҳсулотлар тўғрисида телевиденияда маҳсус дастур фаолиятини йўлга кўйиш;

- ҳаммага маълум товар белгиларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чораларини алоҳида ҳаммага маълум товар белгисидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш.

Шу ўринда, иқтисодий судларда товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ низолар кўплаб учраб туради.

Мисол учун, «The Absolut Company AB» Компанияси (Швеция қироллиги резиденти, бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) номига 816, 5866, 5761 рақамли гувоҳномалар 1261115-рақам билан халқаро рўйхатдан ўтган асосан товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифи (МКТУ)га кўра 33-синф маҳсулотларига мансуб «Absolut Vodka» товар белгиси рўйхатга олинган.

Даъвогарнинг фикрича, юқорида қайд этилган товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Guliston-Sharob» масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) томонидан «Absolut Vodka» номи остида маҳсулот ишлаб чиқаришда ифодланган тарзда бузилган.

Аниқланишича, даъвогар номига 816, 5866, 5761 рақамли гувоҳномалар 1261115-рақам билан халқаро рўйхатдан ўтган товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифи (МКТУ)га кўра 33-синф маҳсулотларига мансуб «Absolut Vodka» товар белгиси рўйхатга олинган.

Шунга кўра, даъвогар даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, жавобгар зиммасига «The Absolut Company AB» Компаниясига товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига асосан 816, 5866, 5761 рақамли гувоҳномалар 1261115-рақам билан халқаро рўйхатдан ўтган «Absolut Vodka» товар белгиси остида ишлаб чиқарилган, адаштириб юбориш даражасида бир

хил бўлган «Absolut Vodka» номида ишлаб чиқарилган ароқ маҳсулотларини товар бозоридан чиқариш ва ўз ҳисобидан йўқ қилиш мажбурияти юклашни сўраган.

Фуқаролик кодекси 1102-моддасининг биринчи қисмига асосан товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) уни рўйхатдан ўтказиш асосида хуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади. “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни 26-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига асосан товар белгисининг эгаси товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ хуқуқига эга.

Товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ хуқуқни бузиш деб эътироф этилади.

Қонун 27-моддасининг учинчи қисмига асосан товар белгисидан ёки адаштириб юбориш даражасида у билан ўхшаш бўлган белгидан товарларда, товарларнинг этикеткаларида, ўровларида қонунга зид равища фойдаланилганда улар соҳталаштирилган бўлади.

Жавобгар томонидан даъвогарнинг рухсатисиз, унга қонун ҳужжатлари асосида тегишли бўлган индивидуаллаштириш воситаси – «Absolut Vodka» товар белгиси остида адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги ҳамда товушли (фонетик), график (кўз билан кўрадиган) ва мазмунан (семантик) ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарганлиги факти иш ҳужжатлари билан ўз исботини топган ҳамда даъвогарга 2018 йил 29 ва 30 октябрда йўлланган 172/1-сонли хатларида ҳам тан олинган.

Ушбу Кодекс 1107-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига асосан товар белгисидан қонунга хилоф равища фойдаланаётган шахс тайёрлаб қўйилган товар белгиси тасвирларини йўқ қилиши, қонунга хилоф равища фойдаланаётган товар белгисини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини товардан ёки унинг идиши ва ўровидан йўқотиши шарт. Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгилаб қўйилган талабларни бажаришнинг иложи бўлмаган тақдирда, тегишли товар йўқ қилиб ташланиши лозим.

Юкорида қайд этилганларга асосан суд, даъвогарнинг даъво талабларини асосли деб ҳисоблаб, уни тўлиқ қаноатлантиришни лозим топган.

Жумладан яна бир ҳолат, “А” МЧЖ Асака туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат этиб, “Б” МЧЖ ва Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига нисбатан даъвогарнинг интеллектуал мулкка бўлган мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳаракатларни тўхтатиш, яъни даъвогарнинг саноат намунасига фарқлаш хусусиятига эга бўлмайдиган даражада ўхшаш маркировка қилинган маҳсулотларни тайёрлаш, импорт қилиш, сотиш ёки реализация қилишни таъкидаш мажбуриятини юклаш, даъвогарнинг интеллектуал мулкка бўлган мутлақ ҳуқуқини бузувчи маҳсулотларни ўз ҳисобидан муомаладан чиқаришни жавобгар зиммасига юклаш, ушбу товарларни ўрамида ёки идишидаги дизайнни, кўриниши ва суратини жавобгарга ўз ҳисобидан ўчириш мажбуриятини юлашни сўраган.

Аниқланишича, даъвогар томонидан Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан товар белгисига 2021 йил 12 июнда ТХХКнинг 9,11-синфлари учун рўйхатдан ўтказилган. Шунингдек, 2021 йил 7 июлда саноат намунаси учун “қадоқлаш учун расм” патентини олган. Жавобгар даъвогарга тегишли “қадоқлаш учун расм”дан тежамкор лампа маҳсулотларини қадоқлашда ноқонуний фойдаланиб келаётганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 17 декабрдаги қарорига асосан жавобгарнинг ҳаракатлари билан “Рақобат тўғрисида”ги қонун нормалари бузилганлиги қайд этилган. Кейинчалик Интеллектуал мулк агентлиги муҳофазага олинган саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуига истеъмолчини адаштириб юбориш даражасида ўхшаш эканлиги аниқланган ва бу ҳуқуқбузарлик юзасидан жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судига ариза билан мурожаат қилган.

Жавобгарнинг раҳбари МЖТКнинг 177²-моддаси билан тегишли патентланган ихтирони, фойдали модельни, саноат намунасини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд бевосита ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усул билан тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун жаримага тортилган.

Юқоридагиларга ва Фуқаролик кодексининг 1083-моддасига асосан суд даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантирган.

Хусусан, қонунчиликка кўра, патент билан муҳофазаланган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан ўз хоҳишича фойдаланишдаги алоҳида ҳуқуқ, шу жумладан муҳофазаланган ечимларни қўлланган ҳолда маҳсулот

ишлиб чиқариш, патент билан муҳофазаланган технологик жараёнларни ўз ишилаб чиқаришида кўллаш, муҳофазаланган ечимга эга бўлган маҳсулотларни сотиш ёки сотишга таклиф этиш, тегишли маҳсулотларни четдан келтириш ҳуқуқи патент эгасига тегишилидир.

Яна бир ҳолат, даъвогар “Societe des Produits Nestle S.A” компанияси жавобгар “Family Group” МЧЖ ҚҚга нисбатан иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Даъвогарнинг фикрича, унинг мутлақ ҳуқуқлари жавобгар томонидан бузиб келинган ва бу истеъмолчиларни ўзи томонидан ишилаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ҳамда ишилаб чиқарувчиси тўғрисида чалғитиши оқибатида унга зиён етказиши мумкин. Чунончи, жавобгар томонидан ичимлик сувини ишилаб чиқаришда, реклама қилишда ва тасарруф қилишда фойдаланилаётган товар белгиси, яъни қўллари юқорига кўтарилган одамлар тасвири (силуэти) ва марказдан таралаётган кўк-мовий нурлар фонидаги айлана график қисмлардан (элементлардан) иборат кўринишдаги марка истеъмолчини янгилишувга олиб келувчи даражада ўзининг товар белгисига айнан ўхшашигини важ қилиб, жавобгарга ундан фойдаланишни тўхтатиши мажбуриятини юклашни сўраган.

Суднинг ажрими билан ишга мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги жалб қилинган.

Суд жараёнида аниқланишича, даъвогар “Societe des Produits Nestle S.A” компанияси ўзининг товар белгисини Ўзбекистон Республикасида товар белгиларини ҳимоя қилиш учун халқаро рўйхатдан (№ 867993-сонли 26.09.2014 йилда, № 695660-сонли 01.07.1998 йилда, № 941054-сонли 21.09.1997 йилда ва № 895614-сонли 29.06.2006 йилда) ўтказган.

Белгиларни рўйхатдан ўтказиш бўйича товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ иккала юридик шахс томонидан ишилаб чиқарилган маҳсулотлар ўхшаш ва бир хил мақсадга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиши белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг З-моддасига асосан товар белгиси ва хизмат кўрсатиши белгиси (бундан буён матнда товар белгиси деб юритилади) бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини (бундан буён матнда товарлар деб юритилади) бошقا юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиласиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг “Товар белгиси ва хизмат кўрсатиши белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома

тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ти буйруги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 29 июлда 1988-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)га асосан ўхшашлик сўзли белгиларнинг ўхшашлиги, товушли ўхшашлик, график ўхшашлик, мазмунан ўхшашлик ва жамлама белгининг ўхшашлик каби қўринишларда бўлиши мумкин. График ўхшашлик қуидаги аломатлар асосида аниқланади:

- а) умумий кўриш таассуроти;
- б) шрифт тури;
- в) ҳарфлар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда график ёзилиши (босма ёки ёзма, бош ёки кичик ҳарф);
- г) ҳарфларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиши;
- д) сўз ҳарфлари ёзилган алифбо;
- е) ранг ёки ранглар уйғунлиги.

2015 йилнинг ноябрь ойида «De Facto» маркетинг агентлиги томонидан ўтказилган жамоатчилик фикрига биноан сўровда иштирок этган 300 нафар респондентларнинг 68% “Family” ичимлик сувини NESTLE PURE LIFE® брендига тегишли деб ҳисоблаганлар. Шунингдек, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра ҳам респондентларнинг аксарият қисми шундай фикрни билдиришган.

Ушбу ҳолатларни суд жавобгар томонидан ичимлик сувини ишлаб чиқаришда, реклама қилишда ва тасарруф қилишда даъвогарнинг товар белгисига айнан ўхшаётган, яъни қўллари юқорига кўтарилишдан одамлар тасвири (силуэти) ва марказдан таралаётган кўк-мовий нурлар фонидаги айлана график қисмлардан (элементлардан) иборат товар белгиси фойдаланилганлигини исботловчи далиллар сифатида баҳолаган.

Шу сабабли биринчи инстанция суди даъвогарнинг аризасини қисман қаноатлантириб, жавобгарга ичимлик сувини ишлаб чиқаришда, реклама қилишда ва тасарруф қилишда қўллари юқорига кўтарилишдан одамлар тасвири (силуэти) ва марказдан таралаётган кўк-мовий нурлар фонидаги айлана график қисмлардан (элементлардан) иборат товар белгисидан фойдаланишни тўхтатиш мажбуриятини юклаш ҳақида ҳал қилув қарорини қабул қилган.

Яна бир мисол, даъвогар “AJANTA PHARMA LIMITED” (Хиндистон) (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар - “MERRYMED FARM” МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан жавобгар томонидан “MER TURMOL” дори воситасини ноқонуний тайёрлаш, сақлаш, реализация қилиш натижасида даъвогарнинг 14785-сонли, 15710-сонли, 15711-сонли гувоҳномаларига асосан Ўзбекистон Республикасида ҳимоя қилинадиган ТРИМОЛ/TRIMOL

товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқларини бузилган деб топиш, жавобгарга “MER TURMOL” дори воситасини ва у билан алмаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган ҳар қандай белгиларни ишлаб чиқариш, сақлаш, реализация қилишни таъкиқлаш, жавобгарга ўз ҳисобидан “MER TURMOL” дори воситасини қолдиқларини, хом ашёси, тайёр маҳсулотни қадоқлари, материалларини йўқ қилиш, жавобгарга “MER TURMOL” дори воситаси хужжатларининг ва рўйхатга олиш гувоҳномасининг дори воситаси номланиш қисмига ўзгартериш киритиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Суднинг 2021 йил 23 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилган. Унга кўра жавобгарга “MER TURMOL” дори воситасини ва у билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган ҳар қандай белгиларни ишлаб чиқариш, сақлаш, реализация қилиш таъкиқланган. Шунингдек, жавобгарга ўз ҳисобидан “MER TURMOL” дори воситасини қолдиқларини, хом ашёси, тайёр маҳсулотни қадоқлари, материалларини йўқ қилиш, “MER TURMOL” дори воситаси хужжатларининг ва рўйхатга олиш гувоҳномасининг дори воситаси номланиш қисмига ўзгартериш киритиш мажбурияти юклатилган.

Даъво аризасининг жавобгар томонидан “MER TURMOL” дори воситасини ноқонуний тайёрлаш, сақлаш, реализация қилиш натижасида даъвогарнинг 14785-сонли, 15710-сонли, 15711-сонли гувоҳномаларига асосан Ўзбекистон Республикасида ҳимоя қилинадиган ТРИМОЛ/TRIMOL товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқларини бузилган деб топиш талаби бўйича иш юритиш тутатилган.

Шу сабабли, мазкур тоифадаги ишларни кўришда ушбу турдаги талаблар иқтисодий суднинг судловига тааллуқли эмаслиги инобатга олиниши лозим.



Бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши ҳисобланмайди.

Ҳукуқ эгасининг мутлақ ҳуқуки, жумладан, товар белгиси ифодаланган товарларни (шунингдек, ёрлиқларда, қадоқларда, хужжатларда) тарқатиш (шу жумладан сотиш учун таклиф қилиш), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудида фуқаролик муомаласига киритиш мақсадида Ўзбекистон худудига олиб кириш, сақлаш ёки ташишни ўз ичига олади.

Шу билан бирга, товар белгиси ифодаланган товарларни олиш мақсадидан қатъи назар, сотиб олиш, шунингдек бундай товарларни фуқаролик муомаласига киритиш мақсадисиз сақлаш ёки ташиш каби ҳаракатлар ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузиш ҳисобланмайди.

Муаллифлик ҳуқуқи эгаси билан тузилган шартнома асосида учинчи шахс томонидан товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш муаллифлик ҳуқуқи эгасининг мутлақ ҳуқуқни амалга ошириш усуулари ҳисобланади.

Товар белгисидан фойдаланиш юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорларнинг товарларини индивидуаллаштириш мақсадларида фойдаланиш деб эътироф этилади.



Бундан ташқари, ҳуқуқ эгаси томонидан товар белгиси билан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш домен номларидан ноқонуний фойдаланишда ифодаланган ҳуқуқбузарликни тўхтатиш ёки домен номидан маълум бир тарзда фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги талаб шаклида (масалан, маълум турдаги маълумотларни олиб ташлаш мажбуриятини юклаш тўғрисида) тақдим этилиши мумкин.

Умумий қоидага кўра, товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши товар белгиси билан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган домен номидан ушбу товар белгисига ҳуқуқий ҳимоя берилган товарларга ўхшаш товарларга нисбатан ҳақиқий фойдаланиш ҳисобланади.

Маъмурнинг домен номига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш бўйича ҳаракатлари (шу жумладан, ундан кейинги фойдаланиш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда) инсофсиз рақобат ҳаракати деб тан олиниши мумкин. Бундай ҳолда, домен номини рўйхатдан ўтказиш мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда, бундай рўйхатга олишнинг ўзи товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши сифатида тан олиниши мумкин.

Агар домен номига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб топилса, суд тегишли рўйхатга олишни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни қондириши мумкин.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бузадиган ва домен номидан ноқонуний фойдаланишда ифодаланган ҳаракатларни тўхтатиш талаби тегишли домен номи маъмурига тақдим этилиши мумкин.

Домен номидаги товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлик учун зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво, шунингдек товон ундириш тўғрисидаги даъво тегишли домен номи маъмури ва товар белгисига ўхшаш ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш домен номидан ҳақиқатда фойдаланган шахсга

тақдим этилиши мумкин. Шу билан бирга, бундай шахслар хуқуқ әгаси олдида бирғалиқда жавобгар бўладилар. Тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, домен номи маъмури баҳсли домен номи остида тегишли интернет-ресурсда шунга ўхшаш товарлар тўғрисидаги маълумотларни ҳақиқатда жойлаштирган шахсга нисбатан регресс даъвоси билан мурожаат қилишга ҳақли.

Даъвогарнинг илтимосига биноан, домен номи маъмури тўғрисидаги маълумотлар ИПКнинг 69-моддасида белгиланган тартибда домен номини рўйхатга оловчидан сўралади.

Товар белгисига бўлган хуқуқни бузувчи ва домен номидан ноқонуний фойдаланишда ифодаланган ҳаракатларга чек қўйиш тўғрисидаги илтимосномага кўра, талабнома берувчига жиддий зарап етказилишининг олдини олиш мақсадида муносабатларнинг мавжуд ҳолатини сақлаб қолишга қаратилган қўйидаги вақтинчалик чоралар қўлланилиши мумкин:

томонлар ўртасида, хусусан, маъмурга домен номини бошқариш хуқуқларини ўтказишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш;

рўйхатга оловчини ўзгартириш, шунингдек рўйхатга оловчига домен номини бекор қилишни ва домен номини маъмуриятига ўтказишни тақиқлаш.

Зарур далилларни тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади деб ҳисоблаш учун асоси бўлган шахслар ишни ўз юритишига қабул қилган суддан ушбу далилларни таъминлаш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин. Ариза берувчи томонидан низоли ёки бузилган хуқуқ, шунингдек, унинг бузилганлиги тўғрисидаги далилларни тақдим этиши мажбурийdir.

Ҳеч ким хуқуқ эгасининг рухсатисиз товар белгисини индивидуаллаштириш учун мўлжалланган товарларга нисбатан унинг товар белгисига ўхшаш белгилардан фойдаланишга ҳақли эмас.

Бузилиш фактини аниқлаш учун тегишли товарларнинг оддий истеъмолчилари томонидан товар белгиси ва низоли белгининг ҳақиқий адаштирилиши эмас, балки хавфнинг ўзи ҳам етарли бўлиб ҳисобланади.

Товар белгиси ва низоли белгини адаштириш эҳтимоли ушбу шахслар учун белгиларнинг ўхшашлик даражаси ва товарларнинг бир хиллиги даражасидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Шу билан бирга, адашиш паст даражадаги ўхшашлик, лекин товарларнинг ўзига хослиги (ёки яқинлиги) ёки товарларнинг бир хиллигининг паст даражаси билан, лекин товар белгиси ва баҳсли обьектнинг ўзига хослиги (ёки юқори даражада ўхшашлиги) билан ҳам аниқлаш мумкин.

Товарларнинг бир хиллиги тегишли товарнинг оддий истеъмолчисида ушбу товарлар битта ишлаб чиқарувчига тегишли эканлиги ҳақидаги

тасаввурга эга бўлишининг асосий имконияти асосида белгиланади. Шу билан бирга, суд товарларнинг турини (турини), уларнинг мақсадини, улар ишлаб чиқарилган материалнинг турини, товарларни сотиш шартларини, истеъмолчилар доирасини, бир-бирини тўлдириш ёки бир-бирини алмаштириш имкониятини ва бошқаларни ҳисобга олади.

Ўхшашликни аниқлаш суд томонидан товар белгиси ва белгини (шу жумладан график, товуш ва семантик мезонлар) таққослаш натижалари бўйича, томонлар тақдим этган далилларни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ички ишончига кўра амалга оширилади. Шу билан бирга, суд қайси элементларга нисбатан ўхшашлик мавжудлигини - товар белгиси ва белгининг кучли ёки заиф элементларини ҳисобга олади. Фақат ҳимояланмаган элементларнинг ўхшашлиги ҳисобга олинмайди.

Белгиларнинг ўхшашлик даражасини ва товарларнинг бир хиллигини аниқлаш учун маҳсус билим талаб этилмайди.

Тегишли далиллар мавжуд бўлганда, суд товар белгиси ва баҳсли белги ўртасидаги адаштириш мумкинлиги эҳтимолини аниқлашда бошқа ҳолатларни ҳам баҳолайди, жумладан:

- товар белгиси ҳуқуқ эгаси томонидан муайян товарларга нисбатан фойдаланиладими;
- ҳуқуқ эгаси томонидан товар белгисидан фойдаланиш муддати ва ҳажми;
- товар белгисининг машҳурлик даражаси, товар белгисининг тан олиниши;
- истеъмолчига ғамхўрлик даражаси (бошқа нарсалар қаторида, товарлар тоифасига ва уларнинг нархига қараб);
- ҳуқуқ эгаси низоли белги билан умумий элемент билан бирлаштирилган бир қатор товар белгиларига эгалиги.

Адаштириш эҳтимолини аниқлашда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган далиллар, белги ва товар белгисининг ҳақиқий адаштириб юборилиши тўғрисидаги далиллар, шу жумладан тегишли маҳсулотнинг оддий истеъмолчилари фикрини сўровлари ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Суд тегишли ҳолатларнинг ҳар бирини эмас, балки белгиларнинг ўхшашлик даражаси, товарларнинг бир хиллиги даражаси, бошқа ҳолатларнинг адаштириб юбориш эҳтимолига таъсирини ҳисобга олади.

Бундан ташқари, **товар белгисидан фойдаланмаганлик оқибатлари** ҳам қонунчиликда белгиланган.



Фуқаролик кодексининг 1104-моддасига асосан товар белгисидан охирги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси худудида узрли сабабсиз узлуксиз фойдаланилмаган тақдирда, унинг рўйхатдан ўтказилганлиги исталган манфаатдор шахснинг талаби бўйича суднинг қарорига асосан бекор қилиниши мумкин.

Низони судда кўриб чиқиши чоғида хукуқ эгасининг ўзгариши манфаатдор шахснинг янги таклифини юбориш ва баҳоланиши лозим бўлган товар белгисидан фойдаланиш

муддатини ўзгартириш заруриятига олиб келмайди. Бунда манфаатдор шахснинг таклифи, сўнгра судга ариза берилган санадан олдинги уч йил мобайнида ҳар қандай хукуқ эгалари томонидан муайян товар белгисидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслиги ҳисобга олинади.

Жумладан, “Octagram” МЧЖ (матнда даъвогар деб юритилади) тадбиркорлик субъекти сифатида 2020 йил 14 декабрда Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани давлат хизматлари маркази томонидан берилган 924984-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.

Даъвогарнинг асосий фаолият йўналиши компьютер дастурлари соҳасидаги фаолият ҳисобланади, шунингдек, даъвогар тўловларни амалга оширишга ихтисослашган ташкилот бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан юритиладиган тўлов ташкилотлари реестридан 2022 йил 18 март куни ҳолатига ўрин олган ва 40-сонли лицензия асосида фаолият йўналиши белгиланган.

Даъвогар томонидан 2022 йил 11 январь санасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига “KarmonPay” сўзли товар белгисини рўйхатдан ўтказиш бўйича 20220135-сонли талабнома топширилган. Даъвогарнинг асосий фаолияти дастурий таъминот ҳамда тўлов операцияларини амалга ошириш соҳасида фаолият бўлганлиги сабабли “Товар ва хизматларнинг халқаро таснифи”даги 9 ва 36-синфлари учун талабнома топширилган.

2022 йил 25 марта Интеллектуал мулк агентлиги томонидан даъвогарга 35782-сонли тегишли сўровнома юборилган бўлиб, унга кўра 20220135-сонли талабномада 36-синф учун ифодаланган “KarmonPay” сўзи хукуқ эгаси сифатида “Milliy To’lov Tizimlari” МЧЖ кўрсатилган 2018 йил 1 мартда

топширилган ва 2028 йил 1 марта қадар амалда бўлган MGU 35234-сон гувоҳнома асосида “НАМЫОН” сўзли товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб кўрсатилган.

Бугунги кунда жавобгарга тегишли “НАМЫОН” товар белгиси амалиётда умуман фойдаланилмаётганлигини, хусусан ушбу номдаги домен номи (hamyon.uz) ҳам ишлагани йўқлиги, жавобгар юқоридаги қонун нормалариға мос ва ундан ортиқ тарзда ушбу белгидан тўрт йилдан ошиқ муддат давомида фойдаланилмай келаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2022 йил 28 март кунги 11/08-сон хатига асосан жавобгарга тегишли MGU 35234-сон гувоҳнома асосида “НАМЫОН” сўзли товар белгисидан фойдаланиш тўғрисидаги бирор-бир лицензия шартномаси давлат реестрига киритилмаганлиги важлари билан даъвогар даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, жавобгар “Milliy To’lov Tizimlari” МЧЖга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2018 йил 1 марта “Milliy To’lov Tizimlari” МЧЖ номига рўйхатга олинган MGU 35234-сонли гувоҳнома асосида “НАМЫОН” сўзли товар белгисидан охирги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси худудида фойдаланилмаганлиги учун муддатидан олдин бекор қилиш (тугатиш)ни сўраган.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 25-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларига асосан, товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси амал қилган охирги уч йил мобайнида ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганд, шунингдек жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин. Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилишини ундан фойдаланилмаганлиги муносабати билан муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганда товар белгисининг эгаси томонидан тақдим этилган унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра товар белгисидан фойдаланилмаганлигини исботловчи далиллар эътиборга олиниши мумкин.

Товар белгисининг мазкур Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган ҳолда ишлатилиши товар белгисидан фойдаланилганлигига доир далил ҳисобланади. Товар белгисининг эгаси томонидан тақдим этиладиган, товар белгисидан фойдаланилганлигига доир далиллар аризада кўрсатилган вақт даврига тааллуқли бўлиши керак.

Иш хужжатларига кўра, hamyon.uz домен номи 2017 йил 22 марта жавобгар томонидан рўйхатдан ўтказилган ва бугунги кунда фаол ҳолатда. Бу эса жавобгар томонидан “HAMYON” сўзли товар белгиси домен номида ишлатилганлигини тасдиқлайди.

Бундай ҳолатда даъвогарнинг судга даъво аризаси киритилган вақтда жавобгарнинг hamyon.uz сайти фаолият юритмаганлиги ҳақида судга маълумот берилганлиги, суд жараёнларида жавобгар ушбу веб-сайтини тиклаганлиги ҳақидаги важлари асоссиз ҳисобланади.

Бундан ташқари, жавобгар 2021 йил 1 апрелда “Anorbank” АТБ билан “HAMYON” савдо белгиси остида тўлов хизматлари кўрсатиш бўйича 02-сонли агентлик шартномасини имзолаган.

Мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан юритиладиган тўлов ташкилотлари реестрида жавобгар ва унинг “HAMYON” товар белгиси олмаган бўлсада, юқорида қайд этилган ҳолатлар жавобгарнинг мазкур товар белгисидан фойдаланиб келаётганлигини тасдиқлайди.

Шу сабабли биринчи инстанция суди томонидан даъвогарнинг жавобгарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2018 йил 1 марта “Milliy To’lov Tizimlari” МЧЖ номига рўйхатга олинган MGU 35234-сонли гувоҳнома асосида “HAMYON” сўзли товар белгисидан охирги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилмаганлиги учун муддатидан олдин бекор қилиш (тугатиш) тўғрисидаги даъво аризасини асосиз деб топиб, қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида хulosага келган.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсни товар белгисидан фойдаланилмаганлиги сабабли унинг ҳуқуқий муҳофазасини муддатидан олдин тўхтатилишидан манфаатдор деб эътироф этиш учун талаб этаётган шахс билан ҳуқуқ эгаси фаолиятининг умумийлиги, товар белгисидан фойдаланишга йўналтирилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлиши лозим.

Товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш учун ҳуқуқ эгаси товар белгиси рўйхатдан ўтказилган ва даъвогар ўз манфаатларини муддатидан илгари тугатишдан манфаатдорлигини исботлаган ҳар бир маҳсулотга нисбатан товар белгисидан амалда фойдаланилганлигини исботлаши шарт.

Низоли товар белгисидан фойдаланиш ҳолатларини аниқлашда товарлар ва хизматларнинг бир хиллиги, агар ушбу белгининг кенг оммалашганлиги исботланмаса, ҳисобга олинмайди. Агар товар белгиси муайян товарларни индивидуаллаштириш учун фойдаланилса ва ушбу товарларга нисбатан у кенг

маълум бўлса, товар белгиси қўлланиладиган ва кенг маълум бўлган товарларга ўхшаш товарларга нисбатан ҳукуқий ҳимоя кучда қолади.

Товар белгисидан фойдаланилмаганлиги сабабли унинг ҳукуқий муҳофазасини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ҳукуқ эгаси томонидан тақдим этилган далиллар товар белгиси ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли фойдаланилмаган бўлиши мумкинлиги ҳолатларига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади.

Товар белгиси эгасининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келадиган, ундан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар, масалан, импорт чекловлари ёки товар белгиси билан ҳимояланган товарлар ёки хизматларга нисбатан бошқа талаблар киради.

Агар суд товар белгисидан маълум бир муддат давомида фойдаланмасликнинг узрли сабаблари борлигини аниқласа, ушбу муддат товар белгисидан фойдаланиш факти исботланиши керак бўлган уч йиллик даврни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

Ҳукуқ эгасининг тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиниши товар белгисидан фойдаланмаганликнинг асоси сифатида узрли сабаб сифатида баҳоланиши мумкин эмас.



Товар белгисидан фойдаланилмаганлиги сабабли унинг ҳукуқий муҳофазасини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги даъво аризаси манфаатдор шахс томонидан тегишли товар белгисига **мутлақ ҳукуқ эгаси бўлган шахсга** берилади. Шу билан бирга, товар белгисидан фойдаланилмаганлиги сабабли уни ҳукуқий муҳофаза қилишни муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги қарор фақат биринчи инстанция судининг қарори қабул қилинган пайтдаги ҳукуқ эгасига нисбатан қабул қилиниши мумкин.

Товар белгисидан фойдаланилмаганлиги сабабли товар белгисининг ҳукуқий муҳофазасини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги даъво бўйича ишни қўриб чиқиши жараёнида товар белгисининг ҳукуқ эгаси ўзgartирилганда, товар белгисига нисбатан аввалги ҳукуқ эгаси ҳукуқий ворислик асосида янгиси билан алмаштирилади.

Шу билан бирга, бундай алмаштириш товар белгисига бўлган мутлақ ҳукуқнинг бошқа шахсга ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда, шу жумладан даъвогарнинг процессуал ҳукуқий ворислик тўғрисида аризаси бўлмаган тақдирда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1105-моддасига асосан гувоҳномада кўрсатилган товарлар, ишлар ва хизматларнинг барча гуруҳларига ёки бир қисмига нисбатан товар белгисига бўлган хуқуқни унинг эгаси шартнома асосида бошқа шахсга бериши мумкин.

Товар белгисига бўлган хуқуқни, башарти у товар ёки унинг тайёрловчиси ҳақида чалғишга сабаб бўлиши мумкин бўлса, бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди.



Фуқаролик кодексининг 1105-моддасига асосан товар белгисига бўлган хуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши, шу жумладан уни шартнома асосида ёки хуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга бериш ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилмоғи лозим.

Мазкур Кодекснинг 1106-моддасига кўра, товар белгисига бўлган хуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги ёки лицензия бериш ҳақидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши ва ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилиши лозим.


Ёзма шаклга ва рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

Индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлақ хуқуқни олиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан аввал фуқаролик муомаласига киритилган товарга нисбатан белги билан айнан ўхшаш ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ инсофсиз рақобатга йўл қўйилмайди.

Монополияга қарши органнинг Фуқаролик кодекси 1105-моддаси иккинчи қисмининг товар белгисига бўлган мутлақ хуқуқни олиш хусусидаги қоидалари бузилганлигини эътироф этиш тўғрисида чиқарган қарори товар белгисига хуқуқий муҳофаза бериш ҳақидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш учун манфаатдор шахс томонидан интеллектуал мулк бўйича ваколатли органга ёки судга юборилади.

Хукуқ эгасининг товар белгисига бўлган мутлақ хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш йўли билан инсофсиз рақобат сифатида ҳаракатларини малакалашда шахснинг бундай хуқуқни қўлга киритишдан қўзлаган мақсадига, тегишли ариза бериш пайтидаги ниятларига боғлик.

Шахснинг мақсади, унинг ниятлари, жумладан, хукуқ эгасининг товар белгисига ариза беришдан олдинги, шунингдек, унинг кейинги (хукуқни қўлга киритгандан кейин) хатти-ҳаракатлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши мумкин.



Хукуқ эгасининг товар белгисини давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатларини хукуқни сунистеъмол қилиш деб топишнинг алоҳида тартиби қонунда белгиланмаган. Қонунда бундай ҳаракатларни хукуқни сунистеъмол қилиш деб эътироф этиш тўғрисида алоҳида даъво қилиш имконияти назарда тутилмаган. Шу билан бирга, хукуқни бундай сунистеъмол қилиш суд томонидан бошқа ишни кўриб чиқишида, масалан, хукуқ эгасининг ўз хукуқини ҳимоя қилиш чораларини қўллаш тўғрисидаги даъвоси бўйича аниқланиши мумкин.

Интернет тармоғида матнли реклама жойлаштиришда реклама берувчининг бошқа шахсга тегишли индивидуаллаштириш воситасига ўхшаш ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш сўзларни (ибораларни) ишлатиши - бундай фойдаланиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда инсофсиз рақобат сифатида тан олиниши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номига бўлган хукуқ

Фуқаролик кодексининг 1108-моддасига кўра, мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий объектнинг товарни белгилаш учун ишлатиладиган номи алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан ана шу жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва бу омилларнинг ўзаро бирикмаси билан белгиланадиган товар чиқарилган жой номи (келиб чиқиши кўрсаткичи) деб эътироф этилади.

Жўғрофий объектнинг тарихий номи товар чиқарилган жойнинг номи бўлиши мумкин.

Гарчи жўғрофий объектнинг номи бўлса-да ёки шу номни ўз таркибига олган бўлса-да, аммо Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товарнинг у тайёрланган жой билан боғлиқ бўлмаган белгиси сифатида умумий истеъмолга кириб кетган белги товар чиқарилган жой номи деб эътироф этилмайди ва ушбу параграф қоидаларига мувофиқ ҳукуқий муҳофаза мақсадларида рўйхатдан ўтказилмайди. Бироқ, бу ҳол бундай номдан инсофсизлик билан фойдаланиш натижасида ҳукуқи бузилган шахсни ўз ҳукуқларини қонунда назарда тутилган бошқача усуслар билан муҳофаза қилиш имкониятидан маҳрум этмайди.

Энг кам тарқалган товарларни индивидуаллаштириш воситаларидан бири товар келиб чиққан жойнинг номи билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади. Бироқ, рўйхатдан ўтган товар чиқарилган жой номларининг кичик сони уларга бўлган ҳукуқларни амалга ошириш билан боғлиқ назарий ва амалий масалаларнинг йўқлигини англашмайди.

Товар келиб чиққан жой номлари рўйхатдан ўтказиши учун 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига 109 та талабнома топширилган ва Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтказилган, жумладан:

қишилоқ хўжалик ва балиқчилик соҳасида 51 та талабномалар;
озиқ-овқат соҳасида 47 та талабномалар;
ҳунармадчилк соҳасида 10 та талабномалар;
қурилиш соҳасида 1 та талабнома.

Товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиши учун 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига 5 та талабнома топширилган жумладан: 4 та талабномалар ҳунармандчилк соҳасидан ва 1 та талабнома Паркент виносига топширилган. Ушбу талабномалар бўйича расмий экспертиза жараёнида қўшимча материалларни тақдим этиши учун сўровномалар юборилган.

Товар чиқарилган жой номининг белгиларига нисбатан далиллар базасини аниқлаш муаммоларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш бўйича низоларни, хусусан, товар чиқарилган жой номининг адаштириб юбориш даражасидаги ўхшаш товар белгилари ва тижорат белгилари билан мос келиши ҳолатларида юзага келиши мумкин.

Шунингдек, жўғрофий кўрсаткичларни ҳимоя қилиш масаласи қонунчилик билан тартибга солинмаган, аммо тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш амалиёти нуқтаи назаридан ҳам ўрганиш лозим.

Товар чиқарилган жой номига бўлган мутлақ ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиши масаласини ўрганиш уни индивидуаллаштириш учун фойдаланишининг қонунийлигини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини аниқлашга имкон беради.

Кўриб чиқилаётган ишлар тоифасининг ўзига хос хусусиятларига келсак, бу маҳсулотнинг ушбу географик обьект чегараларида ишлаб чиқарилиши кераклигини англаради. Бунда маҳсулотнинг маълум бир географик ҳудудда ишлаб чиқарилиши ўхшаш товарлар гурӯҳларига нисбатан низоларни кўришда далиллар мажмуи сифатида ўрганишда баҳо берилади.

Жумладан, хориж амалиётида “Ессентуки №4” (жавобгар) ва “Ессентуки №17” (даъвогар) бўйича товар чиқарилган жой номи билан боғлиқ низо вужудга келган. Даъвогарга берилган мутлақ ҳуқуқни тасдиқловчи гувоҳномада низоли товар ҳисобланган – алоҳида хусусиятларга эга бўлган маъданли сув тегишли географик обьектда жойлашган қудуқдан олиниши қайд этилган. Жавобгарда ҳам товар чиқарилган жой номига нисбатан мутлақ ҳуқуқ рўйхатдан ўтказилган (даъвогарга берилган ҳолатдаги гувоҳномада

барча жиҳатлар қайд этилмаган), бироқ суднинг қарорига асосан бу унинг ҳар қандай маҳсулотда ушбу номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини англатмайди. Яъни, жавобгар гувоҳномада бевосита товар чиқарилган жой номи қайси маҳсулотга нисбатан аниқ белгиланмаганлиги уни даъвогар томонидан олинган гувоҳномага асосан маъданли сувларни ишлаб чиқаришда фойдаланиши ман этилади. Агар қайсиdir субъект илгари рўйхатга олинган товар чиқарилган жой номига қўшилмоқчи бўлса, у унинг маҳсулоти гувоҳномада қайд этилган барча сифатларга эга эканлигини ва ушбу жўғрофий ҳудудда ишлаб чиқарилишини исботлаши лозим.

Маълум бир жўғрофий ҳудудда маҳсулот яратилганлигининг белгиси товар чиқарилган жой номига бўлган мутлақ ҳуқуққа эга бўлиш фактини ва уни бузилиш фактини исботлашда суд амалиётида муҳим аҳамиятга эга. Маҳсулот жўғрофий ҳудуддан ташқарида ишлаб чиқарилган бўлиб, бироқ ушбу ҳудудга хос хусусиятларга эга бўлса ҳам товар ишлаб чиқарилган жой номи сифатида индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш мумкин эмас.



Судда товар келиб чиқкан жой номи билан боғлиқ низоларни кўришда товар ишлаб чиқарилган жой ва унинг гувоҳномада қайд этилган жўғрофий объектлиги ўзига хос жиҳатларига мос келишини исботлаш муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик кодексининг 1109-моддасига асосан товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бу номни товарда, идиш ва ўровда, рекламада, босма маълумотномаларда, ҳисобваракларда ишлатиш ҳамда ушбу товарнинг фуқаролик муомаласига киритилиши муносабати билан жой номидан бошқача тарзда фойдаланишга ҳақлидир.

Товар чиқарилган жойнинг номини белгилаш учун бир неча шахс томонидан ҳам биргаликда, ҳам бир-биридан мустақил тарзда рўйхатдан ўtkазилиши мумкин. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи ана шу шахсларнинг ҳар бирига тегишлидир.

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга, уни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги бошқа битимларга ва уни лицензия асосида фойдаланиш учун беришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасида унинг ҳудудидаги товарлар чиқарилган жойларнинг номлари ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Бошқа давлатдаги товар чиқарилган жой номи, башарти бу ном товар чиқарилган мамлакатда, шунингдек Фуқаролик кодексига мувофиқ ваколатли

давлат органида рўйхатдан ўтказилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида хукуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш хукуқига эга бўлган шахс, шунингдек истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар бу номдан қонунга хилоф фойдаланаётган шахсдан номдан фойдаланишини тўхтатиш, товардан, унинг идиши ва ўровидан, бланкалар ва бошқа хужжатлардан қонунга хилоф фойдаланилаётган номни ёки ном билан адаштирадиган тарзда жуда ўхшаш белгини йўқотишни, тайёрлаб қўйилган ном тасвирларини ва ном билан адаштирадиган тарзда ўхшаш белгиларни йўқ қилиб ташлашни, башарти бунинг иложи бўлмаса товарни ва (ёки) идиш ва ўровни олиб қўйиш ҳамда йўқ қилиб ташлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш хукуқига эга бўлган шахс бу хукуқни бузувчидан ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Даъвони таъминлаши масалалари

Интеллектуал мулк хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 93-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, даъвони таъминлаш чораларини кўриши мумкин. Шу билан бирга, даъвони таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд хужжатининг ижросини қийинлаштириши ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади. Бунда жавобгарга ёки бошқа шахсларга муайян ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш (интеллектуал фаолият натижаларини ва индивидуаллаштириш воситаларини хукукий ҳимоя қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш) мумкин.

Интеллектуал фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларига бўлган хукуқларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари хукуқбузарлик содир этилган вақтда амалдаги қонунчилик хужжатлари асосида қўлланилади.

Доимий хусусиятга эга бўлган хукуқбузарликлар учун аниқланган санада, агар хукуқбузарлик аниқланган пайтда тўхтатилган бўлса, хукуқбузарлик содир бўлган охирги кунида амалда бўлган қонунчилик хужжатлари қўлланилади.

Мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши

Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулкий ҳуқуқлар, агар Фуқаролик кодексида ёки бошқа қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс – ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Мулкий ҳуқуқларнинг шартнома бўйича ўтказилиши ёхуд уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтиши муаллифлик ҳуқуқининг ва бошқа бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтказилмайдиган мутлақ ҳуқуқларнинг ўтказилишига ёки чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши ёки чекланиши тўғрисидаги шартнома шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шартнома бўйича ўтказиладиган мутлақ ҳуқуқлар унда аниқлаб кўйилиши лозим. Шартномада бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқ сифатида кўрсатилмаган ҳуқуқлар, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Мутлақ ҳуқуқни унинг амал қилиш даврида чекланган вақтга бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

!Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк обьектидан фойдаланишига рухсатнома беради.

Лицензия шартномаси бериладиган ҳуқуқларни, фойдаланиши чегаралари ва муддатларини аниqlаши лозим. Лицензия шартномаси пуллик ҳисобланади.

Лицензия шартномаси лицензиатга қўйидагиларни беришини назарда тутимиши мумкин:

интеллектуал мулк обьектидан, лицензиарнинг ундан фойдаланиши ҳуқуқи ва бошқа шахсларга лицензия берииш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда (оддий номутлақ лицензия) фойдаланиши ҳуқуқини;

интеллектуал мулк обьектидан, лицензиарнинг ундан фойдаланиши ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда, бироқ бошқа шахсларга лицензияни берииш ҳуқуқисиз (мутлақ лицензия) фойдаланиши ҳуқуқини;

қонунда йўл қўйиладиган бошқа турдаги лицензияларни.

Агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутылмаган бўлса, лицензия оддий (номутлақ) деб ҳисобланади.

Лицензияни олувчи томонидан интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга берши тўғрисидаги шартнома сублицензия шартномаси ҳисобланади. Лицензияни олувчи фақат лицензия шартномасида назарда тутылган ҳолларда сублицензия шартномаси тузилишга ҳақли.

Кўшимча лицензиатнинг ҳаракатлари учун, агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутылмаган бўлса, лицензиар олдида лицензиат жавобгар бўлади.

Лицензия шартномаси тузилган муддат интеллектуал фаолият натижасига ёки индивидуаллаштириш воситасига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги сабабли, унинг амал қилиш муддати мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатидан ошиб кетиши тўғрисидаги шартни ўз ичига олган шартнома мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддатига тенг муддатга тузилган ҳисобланади.

Мисол, “Ш” МЧЖ (бундан буён матнда даъвогар), “Т” МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар) га нисбатан даъвогарга лицензия шартномаси асосида тегишли бўлган ва №IR 114729 (Қоидалар 11-банди) Гувоҳнома билан ҳимояланган товар белгисидан фойдаланишни таъқиқлаш йўли билан мутлақ ҳуқуқни бузишни тўхтатиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 1034-моддасига асосан интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкий ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектидан ўз хохишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади. Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг рухсати билан йўл қўйилади.

Аниқланишича, “Xinjiang International Trade Co., LTD.”(Хитой) компанияси томонидан Халқаро Мадрид тизими орқали 2012 йил 20 декабря сўз кўринишидаги товар белгиси товарлар ва хизматлар халқаро таснифининг 25-синфи. Тўқув ва трикотаж, пайпоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 1147291-сон билан рўйхатдан ўтказилган ва амал қилиш муддати 20.12.2022 йил. Даъвогар билан “Xinjiang International Trade Co., LTD.” (Хитой) компанияси ўртасида 12.11.2018 йилда Лицензия шартномаси тузилиб, 29.11.2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган. Шу асосга кўра, даъвогар мазкур товар белгисидан ўз асосий фаолият тури тўқув ва трикотаж, пайпоқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиб келади.

Даъвогар томонидан жавобгарнинг низоли товар белгисини ўз фирма номида қўллаб, тўкув ва трикотаж пайпок маҳсулотларини ишлаб чиқариш асосий фаолият тури бўйича 27.12.2016 йилда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтиб, рухсатсиз фойдаланаётганлиги аниқланган.

Жавобгарга фаолият тури айнан даъвогар фаолият тури билан ўхшашлиги, истъемолчини чалғитиш ёки улар билан адаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган бир турдаги товарлар сирасига кириши сабабли бу фирма номидан ўз фаолиятида фойдаланишни тўхтатиш ҳақида 17.01.2022 йилда 31-сонли хат билан мурожаат қилинган.

Аниқланишича, жавобгарнинг таъсисчиси Исламов Дониёр Рустам ўғли номига ҳам 15.02.2017 йилда лицензия шартномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги давлат хизматлари агентлиги томонидан сўз кўринишидаги товар белгиси товарлар ва хизматлар халқаро таснифининг 40-синфи. Материалларга ишлов бериш, яъни хизмат кўрсатиш тури бўйича рўйхатдан ўтказилган ва ушбу рухсатнома асосида жавобгар низоли товар белгисидан ўз фаолият турида фойдаланиб келади.

Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига асосан, товар белгиси уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда ва (ёки) уларнинг идиши ҳамда ўровида товар белгисининг эгаси томонидан ёки ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ лицензия шартномаси асосида бундай ҳуқуқ берилган шахс томонидан қўлланилиши товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисининг: рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида, ишлаб чиқарилаётган, сотувга тақдим этилаётган, сотилаётган ёки бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритилаётган ёхуд шу мақсадда сақланаётган ва (ёки) ташилаётган ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган товарларнинг этикеткаларида, ўровларида; товарларни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлик бўлган ҳужжатларда; домен номида ишлатилиши ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин. Товар белгисидан ёки адаштириб юбориш даражасида у билан ўхшаш бўлган белгидан товарларда, товарларнинг этикеткаларида, ўровларида қонунга зид равишда фойдаланилганда улар контрафакт ҳисобланади. Воситачилик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар товарларни тайёрловчининг товар белгиси билан бир қаторда шартнома асосида ўз товар белгисидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Мазкур ҳолатда, суд даъвогарнинг жавобгарга нисбатан ўзига лицензия шартномаси асосида тегишли бўлган ва №IR 114729 (Қоидалар 11-банди)

Гувоҳнома билан ҳимояланган товар белгисидан фойдаланишни таъкиқлаш йўли билан мутлақ ҳуқуқни бузишни тўхтатиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги талабини асоссиз деб ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни рад қилишни лозим топган.

Агар мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати лицензия шартномаси тузилгандан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узайтирилса, бундай шартноманинг амал қилиш муддати унинг шартлари ва мутлақ ҳуқуқнинг янги муддатидан келиб чиқиб белгиланади.

Юқорида қайд этилганидек, лицензия шартномаси пуллик ҳисобланади. Агар лицензия шартномасида амалга ошириладиган ҳақнинг миқдори аниқ белгиланмаган бўлса бундай шартнома тузилмаган ҳисобланади. Агар ушбу лицензия шартномаси бўйича бир томон унинг ижросини бир қисмини қабул қиласа ёки уни тасдиқловчи бошқа ҳаракатларни амалга оширган бўлса, уни тузилмаган деб топиш мумкин эмас.

Шу муносабат билан лицензиатга тегишли натижа ёки воситалардан фойдаланмаганлиги сабабли ҳақ ундириш тўғрисидаги даъвони қаноатлантиришни рад этиб бўлмайди.

Шу билан бирга, лицензиар интеллектуал фаолият натижаси ёки индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланмаслик натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ва шартномани бекор қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилмайди.

Лицензия шартномаси тарафлари фақат даромаддан фоизли чегирмалар кўринишидаги ҳақ миқдори тўғрисида келишиб олган бўлса ва интеллектуал фаолият натижаси, индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш амалга оширилмаган бўлса, лицензиар интеллектуал фаолият натижаси ёки индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланмаслик натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш, шунингдек шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли. Зарар миқдори, одатда, интеллектуал фаолиятнинг у ёки шунга ўхшаш натижаси ёки индивидуаллаштириш воситаларидан қонуний фойдаланиш учун ундириладиган баҳо асосида белгиланиши мумкин.

Фуқаролик кодексига асосан лицензиарнинг ёзма розилиги билан лицензиат шартнома бўйича интеллектуал фаолият натижаси ёки индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериши мумкин.

Сублицензия шартномасини, шу жумладан маълум бир сублицензиат билан тузишга розилик лицензия шартномасининг ўзида ҳам, алоҳида ҳужжатда ҳам берилиши мумкин. Шу билан бирга, лицензиар ўз розилигини лицензиатга берилганлардан фақат интеллектуал фаолият натижалари ёки

индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланишнинг маълум усулларини тақдим этиш тўғрисида сублицензия шартномаларини тузиш имконияти билан чеклаш хукуқига эга.

VII БОБ. ЖИНОЯТ СУДЛОВ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

7.1-§. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид ҳуқуқбузарликлар тушунчаси ва уларнинг моҳияти

Мамлакатнинг инновацион ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этишида биринчи навбатда, интеллектуал мулк обьектларининг қай даражада ҳуқуқий ҳимоялангани ҳамда ҳуқуқ эгалари ҳуқуқларининг муҳофазаси таъминлангани муҳим ўрин тутади. Шу боис, Президентимиз маданиятимиз ва санъатимизни юксалтириш, халқимизнинг руҳий, маънавий дунёсини бойитиш, ёшларимизни миллий мумтоз санъатимиз дурдоналари билан яқиндан танишириш ва интеллектуал мулк муҳофазасини таъминлашга доир бошқа долзарб масалалар юзасидан муҳим ташабbusларни илгари суриб келмоқда.

Кейинги йилларида республикамида қонунчиликнинг бошқа соҳалари қатори интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилиги асосларини ҳам мустаҳкамлаш, ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини муҳофаза қилиш ва улар ҳуқуқларини хорижий мамлакатларда ҳам ҳимоя қилишнинг устувор йўналишлари кўрсатиб берилмоқда.

Юридик адабиётларда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги жавобгарликнинг бир неча турлари қайд этиб ўтилган бўлиб, улар қуйидагича таснифланади:

Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик;

Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги маъмурий жавобгарлик;

Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги жиноий жавобгарлик⁸⁹.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида юзага келадиган ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабабларидан бири бу фуқаролик ҳуқуқига оид қонунчиликнинг ўзида бевосита фуқаролик-ҳуқуқий санкцияларнинг ўрнатилмаганидир, шунингдек маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий санкцияларнинг ҳам етарли даражада қонунчиликда ўрнатилмагани ҳам бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига асосий сабаблардан биридир. Бу фикрга нисбатан профессор О.Оқюлов “...интеллектуал мулк обьектларининг муайян турлари ҳақида маҳсус қонунларда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масаласи батафсил ўз ўрнини топиши лозим. Бу ҳолат ҳар бир обьектнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишга имкон беради. Айни вақтда

⁸⁹ Гаврилов Э.П. Судебные споры по вопросам интеллектуальной собственности. /Хозяйство и право/. - № 2.2000. - С.53.

фуқаролик-хуқуқий санкциялар умумий тарзда, лекин аниқ-равшан ҳажмларда Фуқаролик кодексида ҳам ўз аксини топиши лозим, лекин тўла муҳофазани таъминлаш учун фақатгина фуқаролик-хуқуқий санкциялари етарли ҳисобланмайди”- деган фикрни илгари суради⁹⁰. Россиялик олим Т.Г.Лепина ҳам ўзининг “Интеллектуал мулкни жиноий-хуқуқий муҳофаза қилиш” (Уголовно-правовая охрана интеллектуальной собственности, 2014 г.) мавзуусидаги номзодлик диссертациясида мазкур ғояни асослаб берган.

Професор С.Ҳамроев чет элликларнинг муаллифлик ва турдош хуқуқларини Ўзбекистон Республикасида З турга: маъмурий тартибида, фуқаролик иш юритиш тартибида ва жиноят иш юритиш тартибида хуқуқий ҳимоя қилишини таклиф этади⁹¹.

Професор О.Оқюловнинг фикрича интеллектуал мулк обьектлари яратувчисининг хуқуқларини бузиша бир қатор ғайри ҳаракатлар юзага келади. Бунга кўра, ижодкорга, аввало, маънавий, руҳий заар етказилади, унинг меҳнати эътироф этилмайди⁹². Ушбу фикр россиялик олим А.П.Комиссаров томонидан ҳам тасдиқланади. Олим интеллектуал мулк эгасининг фуқаровий хуқуқларини бузар экан, унинг оқибатида **жиноий жавобгарлик** келиб чиқиши аниқ, деб уқтиради⁹³.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк хуқуқларининг бузилиши турли кўринишда бўлиши мумкин. Бу муайян давлатнинг хуқуқий тизими, миллий қонунчилиги ривожланганлиги, хуқуқ-тартибот идораларининг самарали фаолиятига боғлиқ бўлади.

Маълумки, тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар бозорига кириш кўп давлатлар учун иқтисодий ўсишнинг муҳим шартидир. Ривожланаётган давлатлар интеллектуал мулк хуқуқининг ҳимоясини кучайтириш йўли билан инвестицияларни жалб қилишга интилади. Умуман олганда, интеллектуал мулкни самарали ҳимоя қилиш билан инвестицион муҳит ўртасидаги боғлиқлик бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Халқаро хуқуқ кишилик цивилизациясининг ютуғи, умуминсоний қадрият ва ҳозирги замон жаҳон тартиботининг хуқуқий асоси ҳисобланса⁹⁴, интеллектуал мулк хуқуқи халқаро доирада мулкка бўлган хуқуқ, иқтисодий

⁹⁰ Худайбердиева Г. А. Турдош хукукларни фуқаролик-хуқуқий муҳофаза қилиш муаммолари. -Т.: 2006.-45-б

⁹¹ Ҳамроев С.С. Халқаро хусусий хуқуқ. -Т.: Адолат. 2000. -62-б.


⁹² Оқюлов О. Интеллектуал мулк хуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари.-Т.: ТДЮИ. 2004. –Б.306

⁹³ Комиссаров А.П. Защита интеллектуальной собственности: учебник / А.П.Комиссаров; Урал. Гос. горный ун-т. - Екатеринбург: Изд-во УГГУ, 2010. – С.138

⁹⁴ Сайдов А. Халқаро хуқуқ: моҳияти ва аҳамияти. –Т.:, Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2000. –Б.3

эркинлик, технологик ютуқлар, фан, адабиёт ва санъат асарларининг эркин айирбошланиши, уларнинг халқаро ҳуқуқ нормалар ҳимоясига олингани билан фарқланади. О.Окюловнинг фикрича, инсон тафаккури билан яратилган ҳар қандай маҳсулот, учинчи шахслар томонидан рухсатсиз фойдаланганда “маданий қароқчилик” келиб чиқади. Интеллектуал мулк объектлари маълум қийматга эга, айрим ҳолларда бу турдаги маҳсулотларнинг нархи бозорда қиммат ҳам бўлиши мумкин. Демак, кўриниб турибдики, ривожланаётган мамлакатларда интеллектуал мулк объектларига нисбатан юқори нархларнинг белгиланиши интеллектуал мулк бозорининг легал секторини ривожланишдан тўхтаб қолишига ва ноқонуний маҳсулотлар айланмасининг ўсишига олиб келади.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги ҳуқуқий жавобгарлик бўйича процессуал ҳаракатлар⁹⁵



Интеллектуал мулк жиноятчилиги бўйича Европа давлатларидағи аҳволга назар ташланадиган бўлса, бу ерда ҳам вазият олдинги йиллардагига нисбатан салбий томонга ўзгарганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. British Software Alliance ташкилотининг 2008-2009 йиллар учун тақдим этилган интеллектуал

⁹⁵ Козырев В.Е., Леонтьев К.Б. Авторское право. Вводный курс. Университетская книга. 2007.- С 165.

мулк жиноятчилиги бўйича йиллик ҳисоботига кўра, “қароқчилик” маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш Европа мамлакатларида 2006 йилда 35 фоизни ташкил этиб, ундан кўрилган зарар 39,698 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб “қароқчилик” маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш 38 фоизни ташкил этиб, ундан кўрилган за

рап 47,809 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган, 2019 йилда эса бу кўрсатгич 1,5 бараварга ошган⁹⁶.

Ўзбекистон Республикасида Интеллектуал мулк соҳасидаги хуқуқбузарликлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 167-моддаси (Видеоёзуви кассеталарни сотиш ва видео муассасаларнинг ишлаш қоидаларини бузиш), 177-моддаси (Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиқсан жой номидан ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш), 177¹-моддаси (Муаллифлик хуқуқини ва турдош хуқуқларни бузиш) ҳамда 177²-моддасида (Ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган хуқуқларни бузиш) келтирилган.

Интеллектуал мулк соҳасидаги хуқуқбузарликлар жиноий қилмиш сифатида ҳам малакаланиши мумкин ва бундай жиноятлар учун Жиноят кодексининг 149-моддаси (Муаллифлик ёки ихтирочилик хуқуқларини бузиш)да жавобгарлик назарда тутилган. Шунингдек, ушбу хуқуқбузарлик ва жиноят ишлари Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунига асосан жиноят судлари томонидан кўриб чиқилади.

7.2-§. Интеллектуал мулк хуқуқига оид жиноятларнинг таркиби ва уларни квалификация қилиш

Интеллектуал мулк хуқуқида бошқа соҳалардаги каби жиноий қилмиш ва уни таснифлашда энг аввало, жиноят таркибини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига кўра Жиноят кодекси билан таъкиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо кўллаш таҳдиidi билан жиноят, деб топилади. Жиноят кодекси билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш, деб топилади.

Мазкур моддага кўра тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик хуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбур қилиш, шунингдек тафаккур мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман

⁹⁶ Fifth annual BSA and IDS Global Software Piracy Study, May 2008/ http://global.bsa.org/idsglobalstudy2007/studies/2007_global_piracy_study.pdf

рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз эълон қилиш қилмишлари жиноят деб тушунилади.

Жиноят кодексининг 149-моддаси (Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш) диспозициясида тафаккур мулки обьектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулки обьектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш жиноят қонуни билан тақиқланганлиги белгиланган. Мазкур модданинг санкциясида базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган.

Ушбу турдаги жиноятлар **объекти** интеллектуал мулкнинг, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи бўлган обьектлар – фан, адабиёт, санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, теле-радио ва кабель студияси маҳсулотлари, ихтирочилик ҳуқуқини белгиловчи муҳофаза ҳужжати – патентлар, товар белгилари, товар келиб чиқсан жой номини тасдиқловчи муҳофаза ҳужжати – гувоҳномалар, ноу-хау, ошкор этилмаган ахборотлар муносабатлар ҳисобланади.

Ушбу жиноятнинг **предмети** матбаа маҳсулотлари, эфир орқали узатувлар, жаҳон интернет тармоғи, моддий ахборот ташувчилар, транспорт, техника воситалари, технологиялар ва бошқалардир.

Объектив томондан жиноят интеллектуал мулк обьектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олишда, ҳаммуаллифликка мажбурлашда, интеллектуал мулк обьектларига ҳуқуқий муҳофаза бўлган ҳужжатларни қалбакилаштиришда, обьектларни сохталаштиришда, шунингдек, интеллектуал мулк обьектлари тўғрисидаги муълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилишда ифодаланади.

Субъекти эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасига кўра, ўн олти ёшга тўлган, ақлирасо жисмоний шахс унинг субъектидир.

Субъектив томондан ушбу турдаги жиноятлар тўғри қасдан содир этилиши белгиланган.

Муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш (плагиат) ўзгаларнинг муаллифлик асари, ихтироси, фойдали модели, саноат намунаси ёки интеллектуал мулкнинг бошқа обьектидан ўзининг номи билан фойдаланишда (тўлиқ ёки қисман) ифодаланади. Хусусан, ўзгаларнинг муаллифлик асаридан

фойдаланиш деганда, асарни оммалаштириш (китобни нашр қилиш, компакт-диск, компьютер дастурлари, маълумотлар базаларини тайёрлаш ва х.к.), асар нусхаларини тарқатиш (сотиш, алмаштириш, ижарага топшириш ва х.к), асарни омма олдида намойиш қилиш (асарларни кўргазмада намойиш этиш ва х.к), асарни омма олдида ижро этиш (қўшиқни омма олдида ижро этиш, театрда пьесани саҳналаштириш, кино асарларни кино уйида намойиш қилиш ва х.к.) тушунилади.

Қонунчиликка кўра, мутлақ ҳуқуқ обьекти бўлган интеллектуал мулқдан бошқа шахслар фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фойдаланишлари мумкин. Шунинг учун интеллектуал мулқдан ҳар қандай қонунсиз фойдаланиш бу ҳуқуқнинг қўпол бузилиши ҳисобланади. Жумладан, тадбиркорлик субъектларининг интеллектуал фаолияти натижалари (масалан, фирма номи, товар белгиси, ноу-хауси ва бошқалар)ни ўзлаштириб олиш кабилар Жиноят кодекснинг 149-моддаси билан таснифланиши мумкин.

Интеллектуал мулк обьектига нисбатан ҳаммуаллифликка мажбур этиш деганда, интеллектуал мулк обьектининг эгаси бўлган муаллифга турли йўллар билан таъсир ўтказиш, яъни айборнинг ўзи томонидан ҳамда унинг талаби билан интеллектуал мулк обьектини яратишда бевосита иштирок этмаган бошқа шахслар томонидан таъсир ўтказиш тушунилади. Ҳаммуаллифликка мажбур этиш – интеллектуал мулк эгасига интеллектуал мулк обьектини яратиш ишига айборнинг талаби билан унинг ўзини ёки бошқа шахсларни муаллифлар жамоаси таркибиға қўшишга оид таъсир ўтказишдир. Жабрланувчига нисбатан ҳуқуқига қарши таъсирлар турлича бўлиши мумкин (муаллифнинг ўзи ёки унинг яқинларига нисбатан жисмоний куч ишлатиш билан таҳдид қилиш; қонуний имтиёзлардан маҳрум этиш билан кўрқитиш; айборни ҳаммуаллифликка киритишга мажбур қиласидиган шароит яратиш йўли билан талаб кўйиш).

Интеллектуал мулк обьектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш деганда, ушбу обьектлар тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, конференцияларда нутқ сўзлаш ёки бошқа ошкор этиш усувларини қўллаб, ҳеч бўлмаса бир кишининг огоҳ этилишини тушуниш керак.

Сўнгги йилларда юртбошимиз ташаббусига кўра маъмурий жавобгарлик қонунчилигига киритилган ўзгаришларни таъкидлаш жоиз, булар жумласига: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни билан Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодексга интеллектуал мулк соҳасидаги ҳукуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини белгилашни назарда тутувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бунда Кодексга киритилган мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларни тайёрлаш жараёнида Беларусь, Германия, Дания, Нидерландия, Россия, Украина, Франция, Швейцария, Швеция, Хитой, Эстония, Япония, Қозоғистон каби мамлакатларнинг тажриба ва амалиётлари ўрганилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан “хуфиёна иқтисодиёт” шаклланиши ҳолатларини аниқлаш, контрафакт маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятига чек қўйиш бўйича устувор вазифалар белгиланган эди.

Мамлакатимизда муаллифлар ва ижрочилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мулкий ҳукуқларини амалда таъминлаш, уларнинг асарларидан ҳар қандай шакл ва усулда фойдаланганда уларга ҳамда меросхўрларига тегишли муаллифлик ҳақини тўлаш тартибларига риоя этиш, интеллектуал мулк ҳукуқи эгаларининг ҳукуқларини самарали таъминлаш ва ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш вазифаси турибди. Шу боис ҳам ҳукукий асослар кучайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартағи “Фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳукукий хизмат кўрсатишида адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-89-сон Фармони соҳага оид алоҳида давлат сиёсати юритишини талаб этади. Фармон билан Адлия вазирлиги зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилди:

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ихтиrolар, товар белгилари, муаллифлик ҳукуқи ва бошқа интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳукуқларни ҳимоя қилиш;

ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк обьектларини ҳукукий муҳофаза қилиш.

Адлия вазирлиги интеллектуал мулк (интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳукуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш) соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасини ифодаловчи ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

2023 йил 1 апрелдан бошлаб:

муаллифлик ҳуқуқи объектарининг электрон назорат нусхалари мажбурий тартибда муаллифлик ҳуқуқи объектарининг ягона базасида (Ягона база) сақланади;

«Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси Ягона базани юритиш, техник таъминлаш ҳамда муаллифлик ҳуқуқи объектарининг электрон назорат нусхаларини Ягона базага киритиш жараёнини мувофиқлаштириш бўйича масъул-оператор этиб белгиланади;

объектнинг электрон назорат нусхалари Ягона базага муаллифлик ҳуқуқи объектарини сақлаш фаолиятини амалга оширувчилар (депозитарийлар) томонидан жойлаштирилади;

муаллифлик ҳуқуқи объектарини сақлаш фаолиятини амалга оширувчилар (депозитарийлар) томонидан объектнинг электрон назорат нусхалари Ягона базага киритилгандан сўнг, унинг сақловга қабул қилинганлиги тўғрисида хужжат тақдим қилинади.

Ҳақиқатда ҳам бугунги кунда барча турдаги савдо мажмуаларига эътибор қаратадиган бўлсак, айрим тадбиркорлар томонидан “контрафакт” маҳсулотлар олди-сотдиси ёки ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларига путур етказадиган ҳолда уларнинг товар ёки хизмат белгисига айнан ўхшаш ёки истеъмолчиларни чалғитиш хусусиятига эга маҳсулотлар савдоси билан шуғулланадиган “тадбиркорлар” фаолият юритмоқдаки, улар нафақат ўша товар ёки хизмат кўрсатиш белгиси эгасининг манфаатларига, балки мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган имижига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир мамлакат юқори иқтисодий ва ижтимоий даражага ҳамда жамиятнинг ҳаёт фаровонлигини ошириш учун интеллектуал мулк муҳофазасининг кучли ҳуқуқий тизимиға эга бўлиши, муаллифлар давлат томонидан қўллаб-куватланиши лозим. Интеллектуал мулк ҳуқуқий жиҳатдан кучли муҳофазага олинса, ихтирочилар ва ижодкорлар яратган объектлардан фойдаланишда муносиб ҳақ тўланса, соҳага инвестициялар жалб қилинса, шу орқали иқтисодиётни тараққий эттиришга эришиш мумкин.

Маълумки, қонунчиликка мувофиқ, бозорларда товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товардан рухсат берилмаган тарзда фойдаланиш, улар билан адаштириб киритиш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш, деб эътироф этилади.

Эндилиқда қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишида фойдаланиш, шунингдек, асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектарининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига

етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларнинг тайёрловчилари ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шу билан бирга, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгалари ҳақида ёлғон ахборотни кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланди.

Албатта, юқоридаги норманинг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда акс эттирилиши фан, адабиёт ва санъат асарларининг муаллифлари меҳнатини рағбатлантириш, муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг ўз меҳнатига яраша ҳақ олишини таъминлаш, мамлакатимизда маданият ва санъатни янада кенг тарақкий эттиришга ҳамда муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қиласди. Шу ўринда ушбу ҳуқуқбузарликлар қайта содир этилиши мумкинлигини назарда тутган ҳолда жиноят кодексида ҳам тегишли жавобгарликлар белгиланиши керак.

Юқоридагилар билан бирга, саноат мулки объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш борасида ҳам кодексга тегишли қўшимчалар киритилди. Хусусан, тегишли патентланган ихтирони, фойдали моделни, саноат намунасини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб турганлик учун жарима кўринишидаги жавобгарлик чораси қўлланилиши ўрнатилди. Бу чора ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд бевосита ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш, шу мақсадда сақлаб турганлик учун ҳам қўлланилади.

2019 йил 3 декабрь куни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 177-моддаси (Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиқсан жой номидан ёки фирма номидан қонунга хилоф равища фойдаланиш) янги таҳрирда қабул қилинди. Унда ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиқсан жой номидан ёки адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгилардан шу турдаги товарларга (хизматларга) нисбатан қонунга хилоф равища фойдаланиш ёхуд ўзганинг фирма номидан қонунга хилоф равища фойдаланиш маъмурий ҳуқуқбузарлик, сифатида белгиланди.

Мазкур кодекснинг 177¹-моддаси (Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш) янги модда билан тўлдирилди. Моддада асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равища фойдаланиш, худди шунингдек асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш ёхуд

асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларнинг тайёрловчилари ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлғон ахборотни кўрсатиш ҳуқуқбузарлик сифатида тан олинди.

Шунингдек, кодекс 177²-модда (Ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузиш) номли янги модда билан тўлдирилди. Унда тегишли патентланган ихтирони, фойдали моделни, саноат намунасини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишига таклиф этиш, сотиши, фуқаролик мумомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд бевосита ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усул билан тайёрланган маҳсулотни фуқаролик мумомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид киритилган ўзгартиришлар натижасида сўнгги йилларда ушбу соҳадаги содир этилган 100 дан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар жиноят судлари томонидан кўриб чиқилмоқда ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мисол тариқасида, 2015-2018-йилларда ЖКнинг 149-моддасида назарда тутилган 20 нафар шахсга нисбатан 11 та жиноят иши жиноят судлари томонидан кўрилганлиги, 2019-2022-йилларда ЖКнинг 149-моддасида назарда тутилган жами 4 та жиноят иши жиноят судлари томонидан кўрилганлиги, 2019-2022-йилларда МЖтКнинг 177¹-моддаси билан 59 та ҳолат бўйича ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги аниқланганлиги, МЖтКнинг 177²-моддаси 11 та ҳолат бўйича ҳуқуқбузарлик аниқланиб, жиноят судлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарларга нисбатан жазо қўлланганлигини ва жабрланувчиларнинг келгусида интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузилиши олди олинганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишдаги саъй-ҳаракатларининг энг асосий йўналишларидан бири бу юртимизда интеллектуал мулк объектлари ва уларнинг муаллифларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиниши олдимизда турган энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам одил судловни амалга ошириб, интеллектуал мулк объектларининг суд орқали самарали ҳимоя қилиш механизмини яратиш бизнинг устувор мақсадимиз бўлиши зарурдир.

7.3-§. Жиноят судлов ишларини юритишда интеллектуал мулк химоясини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи соҳасида қатор ижобий ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, лекин муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш масалалари долзарб муаммолигича қолмоқда. Ахборот технологиялари ва коммуникациялар, айниқса, халқаро интернет глобал тизимининг хизматидан бугун ҳар ким, ҳар қандай ташкилот бемалол фойдаланиши, улардаги манба (ахборот)лардан керакли маълумотларни олиши ва тарқатиши мумкин. Ана шундай шароитда муаллифлик ҳуқуқига риоя этилмаслик ҳолатларининг кўзга ташланиб туриши маъқул иш эмас. Бунинг учун, биринчи навбатда, муаллифлар ўз ҳуқуқларини яхши билишлари ва ҳуқуқларини талаб қила олишлари лозим.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда интеллектуал мулк, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлар ва ижрочилар мулкий ҳуқуқларини бошқариш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан ва янги механизмларини яратишга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-221-сон Қарорида интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилиш, интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда контрафакт маҳсулотларга самарали қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши интеллектуал мулк обьектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга ўз вақтида чора кўриш, муаллифларнинг ва бошқа ижодкорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, хорижий компанияларнинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби йўналишларда бир қатор долзарб масалаларнинг ечимини кўрсатганлиги билан ажralиб туради. Қарор билан 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегияси ҳам тасдиқланди.

Стратегия мамлакатимизни яқин истиқболда интеллектуал мулк соҳасидаги давлат устувор йўналишларини кўрсатиши билан бирга, миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш, амалиёт ходимлари, қолаверса, жамиятнинг ҳуқуқий онгини ошириш, жамиятда интеллектуал мулкка хурмат ҳиссини шакллантириш масалалаларини ҳал этишга қаратилгани билан муҳимdir.

Интеллектуал мулкнинг қонуний муомаласини таъминлаш учун жавобгарликни кучайтириш, содир этилган хуқуқбузарлик ва жиноий қилмишлар учун жавобгарликни белгилаш ҳамда жазо тайинлаш муҳим ҳисобланади. Бунда эса судларнинг ўрни бевосита катта.

Жиноят судлов ишларини юритишда интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, сўнгги йилларда судьялардан интеллектуал мулк хуқуқига оид назарий ва амалий билимларни талаб қиласди. Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида одил судлов йўли билан интеллектуал мулк обьектларини муҳофаза қилиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Аммо, амалга оширилаётган ушбу ислоҳотлар жараёнида интеллектуал мулкка оид хуқуқбузарлик ва жиноят ишларини кўриб чиқишида судьяларимиз томонидан бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда десак муболага бўлмайди. Бунинг асосий сабаблари қуйидагича:

Биринчидан, интеллектуал мулк обьектига оид низо интеллектуал мулк хуқуқи соҳасидаги фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик, интеллектуал мулк хуқуқи соҳасидаги маъмурий жавобгарлик ва интеллектуал мулк хуқуқи соҳасидаги жиноий жавобгарлик доирасини аниқлашда судьяларда ушбу соҳадаги билимлари етарли эмас.

Иккинчидан, интеллектуал мулкка оид жиноят ишлари судга келиб тушганда, қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгаришларга асосан судья томонидан дастлабки эшитув процессуал ҳаракатининг амалга ошириш зарурияти мавжудлиги. Чунки, дастлабки эшитув институтининг мақсади-суд мажлисида йўл қўйилиши мумкин бўлган процессуал қонун бузилишларининг олдини олигина қолмай, жиноят ишини очик суд мажлисида мукаммал кўриш учун тайёрлашдан иборатдир. Шунинг баробарида ушбу институт суриштирув ва тергов органлари фаолияти устидан суд назоратини амалга оширади. Ушбу жараёнда иш юзасидан далиллар мажмуаси етарлилиги ва мақбуллиги ўрганилади. Интеллектуал мулкка оид жиноят ишлари назарий жиҳатдан мураккаб бўлиб, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек унда бир вақтнинг ўзида бир-бирига ўхшаш аломатларни (фуқаролик-хуқуқий жавобгарлиги, маъмурий хуқуқбузарлик ва жиноий жавобгарлик) ажратиб олиш учун дастлабки эшитув процессуал ҳаракатини амалга ошириш кераклигини талаб қиласди.

Учинчидан, Жиноят кодексининг 149-моддаси диспозициясида келтирилган: 1) тафаккур мулки обьектига нисбатан муаллифлик хуқуқини ўзлаштириб олиш, 2) ҳаммуаллифликка мажбурлаш, 3) тафаккур мулки обьектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш

ҳаракатлари бир-биридан тубдан фарқ қилишини ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш жараёнида судья томонидан ушбу ҳаракатларнинг содир этилиши ва жабрланувчига, жамиятга келтирган заарига нисбатан адолатли жазо тайинлаши зарур. Зероки, тайинланган жазо нафақат жиноят содир қилган шахсни жазога сазоворлигини белгилаши, шунингдек келгусида интеллектуал мулк объектларининг суд йўли билан давлат муҳофазасида эканлигини жамиятга, фуқароларга ва шахсга сингдира олиши шарт.

Тўртинчидан, судьялар интеллектуал мулкка оид шартномавий-ҳуқуқий базадан тўлиқ хабардор бўлиши лозим, яъни интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишда ҳуқуқ эгалари томонидан бир томонлама рухсат беришга қаратилган лицензия шартномалари, унинг ўзига хос хусусиятлари ва амал қилиш муддатларини билиб олишлари лозим. Шунингдек, ҳуқуқ эгалари, яъни муаллифлар ўртасида, муаллифлар ва асарлардан фойдаланувчилар ўртасида тузиладиган муаллифлик шартномаларининг хусусиятлари, ҳуқуқий табиати, шартлари, амал қилиш муддати ва бошқалар тўғрисида тўлиқ хабардор бўлишлари лозим. Бундан ташқари, судьялар муаллифлик буюртма шартномаси, у қўлланиладиган объектлар, бу турдаги шартномани тузиш ва шартларига риоя қилиш тартиблари, мазкур шартномани лицензия шартномаси ва муаллифлик шартномасидан фарқини билиб олишлари лозим. Бунинг учун судьяларнинг вақти-вақти билан интеллектуал мулк муҳофазаси ва ҳуқуқий ҳимояси билан шуғулланиб келаётган давлат ва нодавлат ташкилотларида танишув амалиётини йўлга қўйиш ижобий самара бериши мумкин.

Бешинчидан, Ўзбекистон қўшилган интеллектуал мулк ҳуқуқий ҳимоясига оид халқаро шартномалар нормаларини судлар томонидан қўллаш халқаро хужжатларнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Судлар томонидан интеллектуал мулкка оид жиноят ишлари ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш вақтида соҳага оид ҳуқуқ нормаларини кўллашда ҳам миллий, ҳам халқаро нормаларнинг қабул қилинадиган суд хужжатларида акс эттирилиши бевосита республикамизнинг ушбу соҳада зиммасига олган халқаро мажбуриятларини оғишмай бажаришига яққол мисол бўлади.

Олтинчидан, судлар томонидан интеллектуал мулкка оид ишларни кўрища келгусида қабул қилинадиган Олий суднинг Пленуми қарорларида белгиланган тавсияларига риоя этиб, тегишли қарор қабул қилиш, суд қарорлари устидан шикоят қилишни камайтиришга олиб келиши мумкин.

Еттинчидан, интеллектуал мулкка оид жиноят иши ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш вақтида даъвогарларнинг талабига кўра қонунсиз ишлаб чиқарилган интеллектуал мулк объектларини тарқалиб

кетишини олдини олиш мақсадида техника воситалари ва ашёларни арест қилиш, хатлаш, сақлаб туриш, зарарни қоплаш мақсадида хукуқбузарларга тегишли бўлган мулк, ашё ва воситаларига тақиқ қўйиш амалиётини кенгайтириш лозим.

Хуроса қилинадиган бўлса, интеллектуал мулкнинг хукуқий ҳимоясига доир қонунчиликни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожи ҳамда мамлакатнинг интеллектуал ишлаб чиқариши ва рақамили иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Шу боис янги интеллектуал мулк обьектларини яратиш, илмий-ижодий фаолиятни моддий қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни инновацион босқичга ўтказиш, рақамили иқтисодиётни ривожлантириш, айниқса, соҳада хукуқни қўллаш амалиётини қучайтириш, хукуқ эгаларининг тегишли хукуқларига оғишмай риоя этиш, тегишли жавобгарликни белгилаш тизимини қучайтириш долзарб вазифалардан бўлиб қолаверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига оид норматив-хуқуқий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2022.
3. “Ўзбекистон Республикаси географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
4. “Ўзбекистон Республикаси илм-фан, илмий фоалият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
5. “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
6. “Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
7. “Ўзбекистон Республикаси фирма номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
8. “Ўзбекистон Республикаси ихтиrolар фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
9. “Ўзбекистон Республикаси товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номига бўлган ҳуқуқ тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

II. Методологик аҳамиятга молик нашрлар

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Янги Ўзбекистон. 2020 йил. 25 январ.
11. Каримов И.А. Тарихий келажаксиз хотира йўқ // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7 том. –Т.: Ўзбекистон. 1999. –Б. 149-150.

III. Илмий-назарий адабиётлар. Миллий нашрлар

12. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент, 2020 й. 600 б.
13. Имомов Н., Ахмаджанов Б. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Тошкент: – ТДЮИ, 2010.
14. Насриев И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. - Т., 2006 й.
15. Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадрияtlар. Тошкент. 2010 йил. 64-бет.

16. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. И.Мүминов номидаги Фалсафа ва ҳуқук институти. – 2005.
17. Оқюлов О. Инновация ривожланишини таъминлашда интеллектуал мулк ҳуқуқи институтлари таъсири самарадорлигини ошириш масалалари. – Т., Турон замин зиё, 2016, 300 б.
18. Рашидов К.К. Значения доктрины в установлении содержания международного частного право иностранного государства // Обзор законодательства Республики Узбекистан. 2015.. №4.
19. Якубова И.Б. Муаллифлик ҳуқуқи. Ўкув қўлланма. –Т: 2020., - Б. 227.

IV. Халқаро конвенция ва шартномалар

20. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этувчи конвенция.
21. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси, 1996 йил.
22. Фан, адабиёт ва санъат асарларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Берн Конвенцияси, 1886 йил.
23. Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва эфир орқали узатувчи ташкилотлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Рим конвенцияси, 1961 йил.
24. Муаллифлик ҳуқуқига оид Бутунжаҳон Женева конвенцияси, 1952 йил.
25. Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси, 1991 йил.

V. Хорижий нашрлар

26. Алексеев С.С. Право азбука теория философия опыт комплексного исследования. URL WWWGUMER.INFO (09.01.2011).
27. Алексеев С.С. Тайна права. Его понимания. Назначения. Социальный ценность. Москва. 2001. -43 с.
28. Батурина С.В. Традиции российской правовой доктрины: дис. канд. юрид. наук. - Краснодар. 2008. - 185 с.
29. Бержел Ж.Л. Общая теория право. М. 2000 йил. 133 бет.
30. Belyaskin S.A. Novoe avtorskoe pravo v yego osnovnih prinsipax. SPb. Izdanie yuridicheskogo knijnogo sklada «Pravo», 1912. S. 9.
31. Bowker, R.R. (1912) Copyright: Its History and its Law, Houghton Mifflin. -P.26.
32. Bainbridge, D.I. (2005) Data Protection Law (2nd edn) xpl publishing.

33. Hails R.I., Jr. ‘Liability of OnLine Service Providers Resulting from Copyright Infringement Performed by their Subscribers’ [1996] 5 EIPR 304.
34. Kantorovich Ya.A. Literaturnaya sobstvennost'. S prilожением vseх постановлений deystvuyushego zakonodatel'stva o literaturnoy, xudojestvennoy i muzikal'noy sobstvennosti. SPb., 1895. S. 11 – 18.
35. Merkin, R. (1989) Copyright, Designs and Patents: The New Law, Longman, p 50.
36. Novoselova L.A., Rojkova M.A. Intellektual'naya sobstvennost': nekotorie aspekti pravovogo regulirovaniya: monografiya. «Norma: INFRA-M», 2014. S. 60;
37. Нерсесянц В.С. Общая теория право и государство. -М.: Инфра М. 1999. - 552 с.
38. Пичуев А.В. Цивилистическая доктрина как источник гражданского права. www.Conf.omua.ru.
39. Пряхина Т.М. Конституционная доктрина современной России: дисс. доктора юрид. наук. -Саратов. 2004. - 510 с.
40. Пузиков В.Р. Юридические доктрины в сфере правового регулирования: проблемы теории и практики: дис.канд.юрид. наук. -Тамбов. 2003. - 213 с.
41. Шагиева Р.Г., Ярофеева Д.В. Актуальные проблемы теории государство и право. Изд. Норма инфра. -М. Москва. 2011. - 291 с.

VI. Диний манбалар, адабиётлар

42. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Кифоя. 1-жуз. Ташкент. Шарқ. 2008 йил. 30-58-бет.

VII. Интернет манбалари

43. www.lex.uz
44. <https://www.dissercat.com/>
45. <https://cyberleninka.ru/>
46. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
47. <https://www.norma.uz/>
48. www.un.org/42docs
49. <http://www.copyright.gov/>
50. <http://www.legislature.ru>
51. <http://www.ziyonet.uz>
52. <http://www.pravo.uz>
53. <https://www.upov.int/pluto/en/>
54. <http://www.wipo.int/>